

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ**

**Ҳ.С.ЙЎЛДОШЕВ, Ш.М.АВАЗОВ**

# **ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

Касб-хунар колледжларининг агрономия, чорвачилик  
ва ўрмон хўжалиги мутахассисликлари учун дарслик

**МАЖБУРИЙ  
НУСХАЛАР**

Тошкент — «Меҳнат» — 2003

57026

ББК 41я 722  
Й69

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Марказининг илмий-методик  
кенгаши томонидан қишлоқ хўжалиги коллежлари учун дарслик  
сифатида тавсия этилган.

Мазкур дарсликда экология (табиий мувозанат) ва табиатни муҳофаза қилиш асослари ҳақида асосий тушунчалар берилган. Унда экология чуқур назарий биологик фан эканлиги, дунёда ҳётининг барқарор бўлишилгини таъминлашдаги мавқеи, экология омилларининг аҳамияти, тавсифи келтирилган. Қишлоқ хўжалиги экологияси, табиатни муҳофаза қилиш ва радиологияси, ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологиясини тўғри амалга оширишдаги, яъни ер, сув, техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш йўли билан аҳолини озиқ-овқат, енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш мухим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Шунингдек, унда мазкур фан бўйича яратилган қўйламма асосида назарий, лаборатория ва амалий машгулотларни ўтказиш услублари келтирилган.

Тақризчилар: Т.Ҳ.ИКРОМОВ — Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтининг коллежлар таълими мазмунни ва методикаси бўлимининг етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори, профессор; К.А. МУТАЛОВ — Тошкент Давлат педагогика университетининг қишлоқ хўжалиги касблари ва уларни ўқитиш методикаси кафедраси доценти, биология фанлари номзоди.



29490  
W 3

Й 1907000000 — 11  
М 359(04) — 2003 эълонсиз — 2003

ISBN 5-8244-1563-3

© «ILM ZIYO» МЧЖ, 2003 й.

© «Мехнат» нашриёти, 2003 й.

---

## КИРИШ

Кишилик жамияти жадал ривожланиб бораётган бир даврда табиий мувозанатни, яъни экологияни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш дунё миқёсига эга бўлган муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки экология барча мавжудотларнинг биологиясига хос талабларга жавоб бериши, акс ҳолда уларнинг яшаши қийинлашиши ва ниҳоят, нобуд бўлиши мумкин. Инсон табиатнинг бир бўлаги. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан режали ва самарали фойдаланиш инсонларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Экология хусусида сўз юритиб, Президентимиз И.А. Каримов, экология хавфсизлиги — миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланиб кетди, деб тарькидлаган эди. Ҳақиқатан табиий мувозанатни сақлаш ва уни узлуксиз равишда яхшилаб, мустаҳкамлаб бориш — бутун дунё аҳамиятига эга бўлган муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун кишилик жамиятининг ҳозирги замон тараққиёти экология ҳақидаги билимларни ўрганиш ва ривожлантириш, унинг тартиб-қоидаларини амалда тўғри қўллаш ҳамда барча тамойилларига риоя қилишни тақозо этаётир. Бу ўз навбатида экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ҳар тарафлама пухта ўрганиш ҳамда бу соҳа бўйича кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, унинг натижаларини амалда мунтазам равишда қўллашга ундумоқда.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари дарслигидан биология, экология, кимё, физика фанлари ўқитувчилари ўзларининг иш фаолиятларида фойдаланишлари мумкин. Дарсликда экология дунёда ҳаётнинг барқарор бўлишлиги ҳақидаги фан эканлиги; барча мавжудотлар бутун ҳаёт давомида ташқи муҳит билан узвий боғлиқлиги; мавжудотлар билан табиий муҳит ўртасида мувозанат бўлишлиги; табиий муҳит, яъни ташқи муҳит омиллари мавжудотларнинг ички муҳит талабларига мос келиши лозимлиги; мавжудот-

ларнинг ички муҳитлари уларнинг ирсий белгиларига боғлиқлиги; ирсий белгилари узоқ вақт давом этган эволюция ривожланишлари натижасида шаклланиши; мавжудотларнинг ички муҳит талаблари ташқи муҳитга мос бўлишилиги, яъни мувозанат сақланиши баён қилинган.

Табиий шароитнинг мавжудотлар талабларига мос келмаслиги, яъни мувозанатнинг бузилиши уларни ўсиш, ривожланиш ва насл бериш хусусиятларини ёмонлаштиради. Бундай ҳолат узоқ давом этиши мавжудотларнинг ҳалок бўлишига — дунёда ҳаётнинг сўнишига олиб келади. Шунинг учун табиий мувозанатни сақлаш сайёрамиз доирасидаги муаммо бўлиб келмоқда. Дунёда ҳаётнинг барқарор бўлишигини таъминлаш учун табиий мувозанатни, яъни экологияни ўрганиш, унинг тамойилларига риоя қилиш йўли билан мавжудотларнинг ички муҳити талабларини ташқи муҳит (табиат) омиллари билан узлуксиз таъминлашга эришиш катта аҳамиятга эга. Инсон табиат бойликларидан ўз манфаатлари учун кенг фойдаланади. Зеро, у табиатнинг ажралмас қисми. Табиатга барча мавжудотлар ва борлиқ жисмлар ўзига хос даражада таъсир қиласди. Лекин инсон ўзининг ақл-заковати, жисмоний меҳнати туфайли табиатга бошқача таъсир кўрсатади. У ҳатто айрим масалалар бўйича табиатни ўз фойдасига бўйсундиришга ҳам эришади. Натижада, табиат бойликлари йўқ бўлади, у (инсон) ўзини фалокат ёқасига олиб келади ва бутунлай нобуд бўлади. Бундай нохуш ҳолат рўй бермаслиги учун экологияни бузмаслик, аксинча, уни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш лозим.

Ҳалқ хўялигининг турли тармоқларида табиат бойликларидан кенг фойдаланилади. Шунинг учун инсоннинг табиатга кўрсатган ҳар қандай таъсири у қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш талабларига жавоб бериши лозим. Акс ҳолда, инсоннинг ўзи табиат учун кутилмаган муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолади.

Экология чуқур биологик фан. Шунинг учун ҳар қандай эколог биологиянинг тармоқлари бўлган ботаника, зоология, одам анатомияси ва физиологияси, цитология, ҳаёт жараёнларининг кимёвий асослари, мавжудотларнинг (организмларнинг) кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, тизими (систематикаси), физиология, эталогия, цитология, генетика, молекуляр генетика, биотехнология, ген ва ҳужайра инженерияси эволюцион таълимот, биосфера каби библийлардан иборат фанлардан маълум даражада тушунчага эга бўлиши лозим. Чунки экология соҳасида хатоларга йўл қўйиш катта талофатларга олиб келади. Экологиянинг бузилиши сайёрамизда ҳаёт жараёнларининг маромида боришини қийинлаштиради, у ўз навба-

тида ер юзидағи барча мавжудотларнинг, шу жумладан инсоннинг ҳаёт фаолиятини сусайтиради. Шунинг учун ҳам экология муаммоси сайдериздаги тенги йўқ масала бўлиб қолаётир. У кейинги йилларда бутун дунё ҳалқларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Шу боис экология ҳақидаги таълим ва гарбия касб-хунар билимлари тизимида катта аҳамиятга эга. Чунки касб-хунар коллажларининг битирувчилари экология ва табиатни муҳофаза қилиш асосларини билмасдан туриб, ўз билимларини ҳаётга татбиқ қилаётганларида табиий мувозанатга ва табиатга зарар келтирадиган тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Касб-хунар таълими стандартлари (ўкув режа модели) коллаж талабаларига экология ва табиатни муҳофаза қилишнинг энг муҳим қонуниятлари, уларнинг соҳаси бўйича аниқ билимлар беришни кўзда тутади. Шунинг учун экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари маҳсус фанлар қаторидан жой олган. Уни қишлоқ хўжалиги йўналишларига мослаштирилган ҳолда ўтишни тақозо қиласди. Мазкур дарсларик, экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари шундай тузилганки, талабаларга стандарт талабига мос муаммолар бўйича билим олишларига имкон беради.

Китоб қишлоқ хўжалиги коллажлари талабаларига экология ва табиатни муҳофаза қилиш асосларини ўзлаштириб олишларида муҳим аҳамиятга эга. Дарсларнинг кириш қисми, I, II, III, V боблари X.С.Йўлдошев, IV боби Ш.М.Авазов томонидан ёзилган. Мазкур дарсларик қўлёзмаси юзасидан фойдали маслаҳатлар бергани учун қишлоқ хўжалиги коллажларининг ўқитувчиларига муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдиришади.

---

## *I бөб. ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ*

### **ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

Дунёда ҳаётнинг барқарор бўлишлиги табиий мувозанатга, яъни экологияга боғлиқ. Шунинг учун табиий мувозанатни сақлаш уни яхшилаш, яъни барча мавжудотларнинг, шу жумладан инсоннинг яшаши учун қулай шароит яратиш сайёрамиз миқёсидаги энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Чунки сайёрамизда яшайдиган барча мавжудотлар (микроорганизмлар, вируслар, замбуруглар, бактериялар, паст ва юқори табақали ўсимликлар, турли хил ҳайвонлар) табиат, яъни ташқи муҳит билан узвий боғлиқ. Ҳар қандай мавжудот ташқи муҳитдан ҳаво, иссиқлик, ёрғулік, сув, озуқа каби моддаларни олиб ўсади, ривожланади, фаолият кўрсатади ва ниҳоят, насл қолдиради.

Мавжудотларнинг маромида яшаши учун ташқи муҳит омиллари ички муҳит талабларига мос келиши лозим. Уларнинг ички муҳит, яъни ирсий хусусиятлари жуда узоқ давом этган эволюцион ривожланишлар натижасида шаклланди, фақат ташқи муҳит билан ички муҳит мос келгандагина табиий мувозанат ҳосил бўлади.

Табиий мувозанат ҳақидаги таълимот йиллар давомида турли хилда талқин қилинган. Масалан, атроф-муҳитни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ноёб ҳайвонлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа шунга ўхшаш иборалар билан аталиб келинди. Бундай ҳар хил номланиши маълум ноқулайликларни келтириб чиқарди. Бу ҳолат жами таҳлиллар мазмунини мужассамлаштирадиган атама топишни тақозо қиласарди. Шу боис немис олими, дарвинист Э. Геккел «Экология» атамасини тавсия қилди. «Экология» сўзи грекча бўлиб, *oikos* — яшаш муҳити, турар жой ва *logos* — таълимот маъносини билдиради. Яъни, экология мавжудотлар учун яшаш шароитлари мос келишилиги ҳақидаги таълимотдир.

Экология биологияяга мансуб таълимот бўлиб, мавжудотларни,

яъни тирик (биотик) ва нотирик (абиотик) табиат ўртасида бўладиган мулоқотларни ўрганади. Экология — табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асоси. Мавжудотларнинг ташқи муҳит билан бирлиги ва уларнинг эволюция шароитида ўзгариши экология таълимотининг асоси ҳисобланади.

Экология фани география ва ўсимликлар экологиясига бўлинади. Ҳар иккисининг мақсади, вазифаси ва текшириш услублари бир-бираiga шунчалик яқинки, бирини иккинчисидан ажратиш қийин. Шунга қарамай, география ва ўсимликлар экологияси бир хил таълимот эмас. Чунки география экологияси қандай қилиб саволига жавоб берса, ўсимликлар экологияси *нима сабабдан* саволига жавоб беради. Масалан, география экологияси ўсимлик турларининг табакалашиши ва уларга таъсир кўрсатадиган ташқи муҳит омилларининг ўзгаришларини ўрганади. Жумладан, дengиз сатҳидан баландлиги ва уларга таъсир қиласидаган шароит (ёруғлик, намлиқ, тупроқ ва ҳ.к.) ни, ўсимликлар экологияси эса, ўсимликлар яшаб турган муҳитнинг ички ҳолати сабабларини ўрганади.

География экологияси ўсимликларнинг турларига, ўсимликлар экологияси, асосан, уларнинг яшаш шакллари — экотипларига таянган ҳолда иш олиб боради. География экологияси жуда қадимий биологияга хос таълимот ҳисобланади. Ундан аста-секин ўсимликлар экологияси келиб чиқади. Ўсимликлар экологияси фан сифатида 1910 йили Брюсселда бўлиб ўтган III Халқаро ботаниклар кенгашида қабул қилинди. Мазкур кенгаш ўсимликлар экологиясининг икки хил йўналишини белгилаб берди: айрим турлар экологияси — *аутэкология*, турлар биримларни экологияси эса *синэкология* деб атала бошланди.

## ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Экология фанининг ривожланиши XX аср билан боғлиқ бўлиб, бу вақтга келиб, қишлоқ ҳўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий вазифалар ва экология билимларини умумий экологияга бирлаштириш масаласини ҳал қилишга тўғри келди.

Экологияга хос турлича дунёқараашларнинг келиб чиқиши натижасида фанининг янги тармоқлари пайдо бўлди. Уларга геокимё экологияси (мавжудотларнинг геокимё билан мулоқоти), генетика экологияси (эволюцияни назарий ва амалий тадқиқотлари), биокимё экологияси (экология жараёнларини бошқариш) кабилар киради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб экологлар диққат-эътибори тур бирлигидан популяцияга қаратилди. Экологлар популяция-

нинг ташқи мұхит шароитларига бўлган таъсирланишини таҳлил қила бошлаши.

**Аут экология** — айрим турларнинг ташқи мұхиттага мослашиши услубларини ўрганади. Бунда уларга турли омилларнинг *минимал*, *оптимал* ва *максимал* таъсири аниқланади. Ташқи мұхит омилларига нисбатан турларнинг морфологик ва физиологик хусусиятлари ўрганилади. Шунингдек, турларнинг ташқи мұхиттага бўлган абиотик ва биотик таъсирига ҳам баҳо берилади. Аут экология тадқиқотларининг натижалари экологлар, биологларгагина эмас, ҳатто агрономлар, зоотехниклар, ўрмон хўжалиги ходимлари, энтомологлар, микробиологлар ва бошқа мутахассисларга ҳам фойдали ҳисобланади. Аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган талабини қондириш ўсимликлардан юқори маҳсулот етказиш ва шу билан ташқи мұхиттага салбий таъсир қиласылған тақозо қиласи. Бу масалани ҳал қилишда экология услубларининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Илғор тажриба шуни қўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги мутахассислари экинларни етиштириш технологиясини маълум миңтақа шароитларига қараб асослашмоқда, зеро, мутахассислар ўсимлик хиллари, тупроқ унумдорлигини сақлаб, табиатда уларни кўпайтиришлари лозим. Экология услублари ўсимликлар селекцияси тажрибасида мұхим аҳамиятга молик. Нав яратишида, унинг касаллик ва ҳашаротларга чидамлилигини аниқлашда, маълум вилоятларда қандай вируслар, микроорганизмлар, бактериялар, замбуруглар тарқалғанлиги аниқлашда асосий омил ҳисобланади.

Селекционерлар ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислари билан биргаликда илмий тадқиқот ишлари олиб бориши натижасида фалла экинларининг занг, қоракуя, фитофтора ва бошқа касалликларга чидамли навларини етиштиришда ўша агроиқлим ҳудудининг ўсимликлари касалликларини келтириб чиқарадиган микроорганизмлар, вирус рассаларини ўрганиш лозимлигини кўрсатиши. Бундай илмий тадқиқот ишлари бир касалликни бир неча касаллик тарқатувчи микроорганизмлар рассалари томонидан келтириб чиқарилиши мумкинligини аниқлади.

Табиийки, янги нав касаллик тарқатувчи мавжудот айрим рассаларгагина чидамли, бундай ҳолатда шу хил касалликлар келтириб чиқарувчи бошқа рассалар билан заарланиши мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда фалла экинлари поясини занг касаллиги билан 200 тадан, қоракуя билан 20 тадан ортиқ ва картошкани фитофтора билан заарлайдиган 12 тадан кўп вирус рассалари маълум. Шунинг учун экологияни асосий тамойилларига эътиборсизлик билан қараш оғир салбий оқибатларга олиб келади.

Одатда, фититопатологлар ва энтомологлар доимо янги самарали кимёвий ҳимоя воситаларини яратиш устида ишлашади. Жуда кўп ҳолатларда янги қишлоқ хўжалиги пестицидлар (заҳарли моддалар) антибиотиклар кучли мутагенлар бўлиб, турли касалликларга чидамли вируслар бактериялари замбуруғларни келтириб чиқаради. Шунинг учун доимо ҳимоя воситаси сифатида ишлатиладиган кимёвий моддалар экологлар назорати остида бўлиши лозим, акс ҳолда тузатиб бўлмайдиган талафотлар юзага келиши мумкин.

Экологияга оид тадқиқотлар қишлоқ хўжалигига ўсимликларнинг янги навлари, чорва молларининг янги зотларини яратища катта аҳамиятга эга. Чунки уларнинг фойдали томонларини экология жиҳатидан таҳлил қилмай туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, ўсимлик ва чорва молларининг маҳсулдорлигини илмий тадқиқотлар асосида аниқлаш муҳимdir. Бундай тадқиқотлар қишлоқ ва ўрмон хўжалиги экинларини ҳар бир минтақанинг табиий шароитига қараб жойлаштиришга асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг тарқалишида экология имкониятларини ҳисобга олмаслик, катта зарар кўришга олиб келиши мумкин. Масалан, шимолий ҳудудларда етиштириладиган ғалла экинларини иссиқ, вегетация даври узун тропик мамлакатларда, экиш яхши натижа бермайди. Ўсимлик ривожланмайди, ҳосил бермайди.

**Экологиянинг тадқиқот усуслари.** Улар табиатда кузатиш, тажрибалар ўтказиш, моделларни яратиш ва бошқалардан иборат. Бу усулларнинг мақсади селекция, генетика фанлари ютуқлари асосида янги навлар, зотларни яратиш йўли билан мавжудотлар маҳсулдорлигини яхшилашга қаратилган. Шунингдек, тупроқ унумдорлигини қўтариш, мелиорация ишларини ўтказиш, ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологиясини тобора мукаммаллаштиришдан иборат.

## ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Экология (табиий мувозанат) инсониятнинг турли соҳалардаги билимларига: биология, кимё, физика, табиатни муҳофаза қилиш, социология, турли хил технологиялар ва бошқаларга асосланган мурракаб фанлар мажмусига асосланган тафаккур. Шунга кўра, ҳозирги вақтда экология бир қанча йўналиш ва фанлардан иборат.

Уларга қуйидагилар киради:

1. *Биоэкология* — биология фанининг тармоғи бўлиб, инсон ва мавжудотларнинг ўзаро мулоқотларини ҳамда яшаш муҳитига тъсир қилишини ўрганадиган бўлим.

**2. Популяция экологияси** (демография экологияси) — мавжудотлар фаолияти қонуниятлари ва яшаш мұхитини ўрганадиган бўлим.

**3. Аут экология** (алоҳида экология) — мавжудотларнинг ўзаро муносабатлари (алоҳида мавжудотларни, тур) ва атроф-мұхитини ўрганадиган бўлим.

**4. Синэкология** — экологиянинг популяция, экотизим бирикмаларининг атроф-мұхитларини ўрганадиган бўлим.

**5. Инсон экологияси** — фанлар мажмуси бўлиб, биосфера ва антропоген тизимлар, табиий мұхитнинг таъсирини (шу жумладан, социология) алоҳида одам ва одамлар гурухининг ўзаро мулоқотларини ўрганади. Бу инсон экологиясининг тўла таърифи, уни айрим шахсларга, инсон популяциясига, шахсан ҳалқлар рассаларига ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Инсон экологиясида социал экологиянинг мавқеи катта.

**6. Социал экология** кўп маъноли бўлиб, улардан бири инсонлар жамоасини, табиий мұхитдан самарали фойдаланиш методларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш; табиатни муҳофаза қилиш ва инсоннинг яшаш мұхитини мўттадиллаштиришдан иборат. Шунингдек, у (экология) фундаментал, саноат, кимё, онкология, тарихий эволюция, микробиология, замбуруғлар, ҳайвонлар, ўсимликлар экологиясига ҳам бўлинади.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, «экология — илмий фанларнинг мажмуси»дан иборат.

## **МАВЖУДОТЛАРНИНГ ЯШАШ МҰХИТИ ВА УЛАРНИНГ ХИЛЛАРИ**

Яшаш мұхити мавжудотларни ўраб турган оламнинг бир қисми ва унга турлича таъсир кўрсатадиган омиллардан иборат. Сайёрамизда яшаш мұхитларининг қуйидаги хиллари мавжуд: ер усти-ҳаво, сув, ер усти-сув, ер усти, тупроқ, мавжудотлардан иборат. Улар ўзига хос белгилари билан таърифланади. Юқорида баён қилинган яшаш мұхитлари ўзаро таркибий қисмларнинг ҳолатлари, зичлиги, таркибida кислород бўлишилиги ва унинг микдори билан фарқланади.

**Ер усти-ҳаво мұхити.** У асосан, ҳаво (ҳаво қисми), қаттиқ (ер усти) қисмлардан иборат. Ер устидаги мавжудотлар ўрнашиб олади (ўсимликлар, айрим замбуруғлар) ёки ўзларига (ҳайвонлар) бошпа-на қуриб олишади. Ҳаводан мавжудотлар озиқ ва кислород оладилар. Бу — анаэроб мұхит. Бу мұхитда паррандалар, бўғим оёқлиларнинг

(масалан, ҳашаротларнинг) кўп турлари, сут эмизувлар, ёпиқ уруғлиларнинг турли хиллари ва бошқалар ҳаёт кечиради.

**Сув муҳити.** У суюқлик бўлиб, чуқурлигига қараб аэроб (турли сув ҳавзаларининг юза қисми) ва шунингдек, анаэроб (турли океанлар, сув ҳавзаларининг энг чуқур жойлари, юқори ҳароратга эга сув ҳавзалари) бўлади. Бу муҳит, ҳаво муҳитига нисбатан анча зич бўлиб, мавжудотларнинг сув топиши ва уни сақлаш бўйича қулай ҳисобланади. Бундай муҳит озиқ-овқат захираларига бой бўлади. Сув муҳитидан қадимги вақтларда ҳаёт келиб чиққан (кенг маънода айтилганда, океанлар ҳаётнинг бошланиши ҳисобланади).

Бу муҳитда яшовчи мавжудотларнинг шакллари, хиллари, турли-туман сув ва қуруқ муҳитда кислород билан нафас оладиганлари ҳам бор. Сув муҳитида оддий сув ўтлари, балиқлар, бўғим оёқлилар, шиллиққуртлар, тиканли терилилар, шунингдек, юқори синф ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси вакиллари ҳам яшайди.

**Ер усти-сув муҳити.** Бу муҳит чегара бўлиб, у ўз ичига ер усти ва сув шароитини олади. У таркибий қисмiga кўра, аралаш бўлиб, қаттиқ қисми (ер усти), суюқ қисми (сув)дан иборат.

Муҳит мавжудотларнинг маҳсус шакларини (амфибиј ёки қуруклик ва сувда яшовчиларнинг) келиб чиқиши сабабчиси ҳисобланади. Бундай мавжудотлар атмосфера ҳавоси таркибидаги ҳамда сувда эриган кислород билан ҳаво олади. Уларнинг яшаш тарзи, яъни ҳаёти сув билан узвий боғланган. Бу муҳитда яшовчи айрим мавжудотлар атмосфера ҳавоси билан нафас олган ҳолда овқатни сув ҳавзаларидан топади. Бундай муҳит мавжудотларни сув билан таъминлаши нуқтаи назаридан (комфорт) жуда қулай ҳисобланади. Ана шундай муҳитда мавжудотларнинг жуда кўп хиллари яшайди. Улар турли синфларга мансуб ўсимлик — гигрофитлардан иборат. Бу муҳитда яшайдиган мавжудотларга сут эмизувлар, қушлар, бўғимоёқлилар ва бошқалар киради.

**Ер усти муҳити.** Бу муҳитда мавжудотлар ер устидан, сув ҳавзалиридан узоқ жойда яшашади. Ер усти муҳити каттиқ субстратлардан иборат, лекин яшаш шаротида ҳаво турли сув режимлари, яъни яшаш муҳити хилма-хил бўлиб, мавжудотларнинг уларга мослашиши лозимлигини келтириб чиқаради. Ер усти муҳитида жуда кўп, турли-туман содда мавжудотлар: замбуруғлар, лишайниклар, сув ўтлари юқори табақалари, қушлар, ёввойи ҳайвонлар ва бошқалар яшайди.

Ер усти муҳитининг ҳаёт шароити кўп жиҳатлари билан ҳаво-ер муҳитини эслатади, лекин унда мавжудотлар ҳавода эмас, ерда яшайди. Мавжудотларнинг маҳсус яшаш муҳити бўлиб, тупроқ ва литосфе-

ранинг деярли чукур қатламлари ҳисобланади. Бу мұхит қаттық, ара-лаштириш қийин, ёруғлик йүқ, молекуляр кислород билан түйин-ган, томчи-суюқ сув оддий мавжудотларга яшаш мұхити бўла ола-диган, минерал тузлар ва турли органик моддаларга бой (детрит) мұхит ҳисобланади. Бундай мұхит жуда кўп мавжудотлар учун қулай бўлганлиги туфайли улар зич ҳолда яшайди. Ана шундай мұхитда оддий мавжудотлардан бошлаб юқори табақали ўсимлик ва ҳайвонат оламидан иборат мавжудотлар ҳам яшайди. Улардан содда ҳайвонлар, сув ўтлари,чувалчанглар, юқори табақали ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳам тарқалган.

Тупроқ кўплаб мавжудотларнинг яшаш мұхити (ўсимликлар, ҳайвонлар) учун субстрат ҳисобланади. У мавжудотлар (ўсимлик ва ҳайвонлар) учун ер усти мұхити сифатида алоҳида аҳамиятта эга. Бир мавжудот иккинчи мавжудотга ўзига хос яшаш мұхити бўлиши мумкин. Бундай мұхитда, одатда, молекуляр кислород бўлмайди. Шунинг учун бундай кислородсиз мұхитда асосан анаэроб мавжудотлар яшайди. Анаэроб шароитида яшайдиган мавжудотлар паразит ва па-разит бўлмаган гуруҳларга бўлинади. Паразит мавжудотлар бошқа мавжудотлар ҳисобига яшовчилар бўлиб, улар ернинг усти ва ичидаги яшашлари мумкин. Уларнинг ҳаёт фаолияти турлича бўлади. Шунга кўра, улар хилма-хилдир. Бундай мұхитда озиқ-овқат топиш, қиди-ришга эҳтиёж қолмайди. Бу ҳолат уларнинг шаклига маълум даражада таъсир қиласи. Тупроқ мұхитида зааркунанда мавжудотлар билан бир қаторда, ўз эгаси билан симбиоз (бирга яшайдиган) мулоқотда бўлалиган фойдалилари ҳам бўлиши мумкин. Буларга дуккакли экин-лар (беда, ловия, лўбия, нўхат, маҳаллий нўхат кабилар) илдиизла-рида яшайдиган тугунак бактериялар киради.

---

## **II боб. ЭКОЛОГИЯ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

Мавжудотларнинг ҳаёт фаолиятига алоҳида-алоҳида ёки биргаликда, ҳар хил доира ва даражада таъсир кўрсатадиган табиий, сунъий ҳодисалар ҳамда жисмларга омиллар дейилади. Мавжудотларга бир қанча омиллар зарур. Бунга ёруғлик, иссиқлик, сув, озиқ ва бошқалар киради. Улар ўсимликларнинг онтогенез жараёнига таъсир кўрсатади.

Экологиянинг барча омиллари мавжудотлар ҳаётида тенг аҳамиятга эга бўлиб, бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди, чунки улар бир-бирига ўзаро боғлиқ. Омиллар мавжудотларга алоҳида-алоҳида ёки биргаликда таъсир кўрсатади.

Экологик омилларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири — уларни мавжудотларга таъсир қилиш даражаси.


*Омилларнинг мавжудотларга таъсир қилиш даражаси.* 1-расмда мавжудотларга омилларнинг таъсир даражаси уларнинг бир-бирига боғлиқлиги кўрсатилган. Айрим ҳолларда муҳит омиллари — экология омиллари ҳам дейилади. 1-расмдан кўриниб турибдики, экология омиллари мавжудотларнинг ҳаёт фаолиятига таъсири минимум (энг кам), оптимум (ўртача) ва максимум (энг кўп) даражаларда бўлиши мумкин.

Омилнинг минимум таъсири — бу шундай даражаки, ундан паст бўлганда мавжудот ҳалок бўлади (3).

Омилнинг максимум таъсири — бу шундай даражаки, ундан ортиқ бўлганда мавжудот ҳалок бўлади (За).

Омилнинг оптимал таъсири — бу шундай даражаки, унда мавжудотлар ўзини яхши сезади, энг кўп маҳсулот беради, маромида кўпаяди. Расмда яшаш ҳолатининг уч ҳудуди аниқ кўриниб турибди: 1 ва 1<sup>a</sup> — кўйланиш ҳудуди (1 — таъсир даражасининг (паст) етиш маслиги оқибатида, 1<sup>a</sup> — таъсир даражасини ҳаддан ташқари юқори

## Мавжудотларнинг толерантлик чегараси



1-расм. Мавжудотларга экологик омилларнинг таъсир қилиш даражаси.

бўлиши оқибатида; 2 ва 2<sup>a</sup> ҳалок бўлиш ҳудуди (2 – таъсирнинг минимум даражасига боғлиқ). 2<sup>a</sup> – таъсирнинг максимум даражасига боғлиқ. Омилларнинг таъсир қилиш даражасини минимуми билан максимуми ўргасидаги ҳудуд бўлиб, бунда мавжудотлар тирик қолади. У мавжудотнинг ушбу омилга чидамлилиги чегараси дейилади.

Маълум ҳудуд, йилнинг фасли учун айрим омилларнинг таъсир қилиш даражаси кўпми-озми турғун катталиқда ёки маълум оралиқда ўзгариб туради. Бу мавжудотларнинг мазкур ҳудудга мослашишига имкон беради.

Омилларнинг бундай ўртача таъсир қилиш даражаси география кенглиги, йилнинг фасли, тоғли туманларда пастдан юқорига қараб ўзгаради. Уларга ҳарорат, ёруғлик, иқлим киради. Масалан, ҳарорат (унинг ўртача кўрсаткичи) тоғнинг энг паст қисмидан юқори чўққисига, экватордаги кутбларга борган сари пасайиб боради. Бу турли кенгликларда, тоғли жойларнинг ҳар хил баландликларида турли туман мавжудотларнинг шаклланишига олиб келади.

## ТАШҚИ МУҲИТ ВА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

Ҳар қандай мавжудот дунёга келган дақиқадан бошлаб, ташқи муҳит таъсирида ҳаёт кечиради. Ташқи муҳит турли хил жуда кўп мураккаб ҳодисалардан иборат. Мавжудотларга ташқи муҳитдаги борлиқ ва ҳодисалар бавосита ёки бевосита таъсир кўрсатади. Мавжудот-

ларга экология омиллари бир вақтда бевосита ва бавосита таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин омилларнинг ҳар бирини мавжудотларга таъсир қилишини яхшироқ, аниқроқ билиш учун уларни алоҳида алоҳида ўрганиш лозим. Мавжудотлар атрофини ўраб турган омиллар тўплами уларнинг яшаш муҳитининг асоси ҳисобланади.

Муҳит ўз ичига жуда кўп омилларни қамраб олганлиги туфайли кенг маънога эга бўлиб, туманлар, вилоятлар, ҳудудлар, географияга хос кенгликлар, водийлар, тоғликлар ва ҳоказолар тушунчасини беради. Шунга кўра, чўл муҳити, тоғ муҳити, водий (масалан, Фарфона водийси) муҳити дейилади. Омил эса муҳитга нисбатан деярли тор маънога эга. Чунки бир муҳит ичидаги бир неча ўнлаб омиллар бўлади.

Муҳит омиллари турли хил бўлиб, ҳар хил таснифга эга. Масалан, таъсир қилиш даражаси бўйича мазкур мавжудот маҳсус ва умумий омилларни фарқлай олади. Маҳсус омилларга чекловчи (лимитловчи) омиллар киради.

Чекловчи омил мавжудотнинг мазкур шароитда яшаши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон шароитида хурмо дараҳтининг ўсиши учун намлик, оптималь ҳарорат ва бошқа омиллар мажмуаси етарли бўлса, бошқа шимолий кенгликларда унинг мева беришига имкон бермайди, чунки у (хурмо) мўътадил иқлимли дараҳт. Шунингдек, чекловчи омилларга маълум ҳудудларда учрайдиган омиллар ҳам киради. Масалан, шўрҳок тупроқда туз миқдори кўп бўлиши ўша шароитга мослашган ўсимликларнинг ўсишига имкон беради. У ерларда турли хил шўрга чидамли ўтлар ўсади, холос.

Экология омилларининг мавжудотларга таъсир қилишини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

*Экология омилларининг гуруҳлари.* Экологик омиллар келиб чиқишига кўра, уч гуруҳга: абиотик, биотик ва антропогенга бўлинади.

**Абиотик ёки жонсиз омиллар:** иқлим, геологик, орографик, гидрогеологик гуруҳларга бўлинади.

*Иқлим омилларга* ёруғлик, ҳарорат, ёғингарчилик, ҳаво намлиги, ҳаво босими, шамол, атмосферанинг газ таркиби, қор қатлами, атмосфера электри киради.

*Геологик омилларга* ер ости сувлари, тупроқ она жинсининг физик ва кимёвий хусусиятлари киради.

*Орографик омилларга* тураржойнинг рельефи (тоғли, қирли, пастлик, жарлик ва ҳ.к.) киради. Рельеф муҳим омил бўлиб, у экотизизмга тўғридан-тўғри келадиган (иқлим, гидрогеологик, тупроқ) омилларни тақсимлайди.

*Гидрогеология омилларига* эркин сув (ўсимликка фойдали сув) ва унинг манбалари (ёғингарчилик, ер ости суви), сувнинг физик ҳолати ва геокимёвий хусусияти киради.

**Биотик омиллар.** Буларга юқори ва паст табақали ўсимликларга таъсир қиласидиган фитоген ва ҳайвонот оламига таъсир қиласидиган зооген, ўсимлик ҳамда уларга таъсир қиласидиган тупроқ омиллари киради.

**Антропоген инсон омили.** Инсон ўзининг ақл-заковати, жисмоний меҳнат фаолияти билан ўсимликлар ва ҳайвонот оламига катта таъсир қиласиди.

*Экологик омилларнинг мавжудотларга таъсир қилиши хиллари.* Экологик омиллар мавжудотларга (организмларга) турлича таъсир қиласиди. Шунга кўра, улар бевосита ва бавосита таъсир қилувчиларга бўлинади.

Биринчи гурухга муҳитнинг физик ва кимёвий хусусиятлари (ёруғлик, иссиқлик, сув, ҳаво тупроқнинг таркибидаги органик кислота қолдиги РН, тузлар ва ҳ.к.), яъни ўсимликка бевосита таъсир қилувчи омиллар киради.

Иккинчи гурухга иқлим, рельеф, тоғ жинслари, тупроқнинг механик таркиби ва бошқалар, яъни ўсимлик ҳаётига бавосита таъсир кўрсатадиган омиллар киради.

Омилларни мавжудотларга таъсир қилишига кўра, бевосита ва бавосита гуруҳларга бўлиш муҳим назарий аҳамиятга эга. Ҳақиқатда бирон омилнинг бевосита таъсир қилишини аниқлаш жуда қийин. Чунки барча омиллар биргаликда таъсир қиласиди. Шунинг учун бир омил бир вақтда бевосита таъсир қилувчи, иккинчи ҳолатда бавосита таъсир қилувчи бўлади. Масалан, шамол бир ҳолатда ўсимликка бевосита таъсир қилса (ўсимликка механик таъсир қилиб, чанг олиб келса, уруғини учирив кетса), иккинчи ҳолатда намлик ва иссиқликни тарқатади, дараҳтларни қимирлатиши билан ёруғликнинг ер юзига тарқалишини ўзgartиради.

*Экологик тартиблари* (биогеоценозлар). Табиатда ўсимликлар билан ҳайвон турлари маълум тартибда тарқалган. Маълум худудда бир хил шароитга мослашган озиқ манбалари билан ўзаро боғлиқ бўлган мавжудотлар (турлар популяцияси) мажмуналарига биогеоценоз дейилади. Биогеоценоз илмий адабиётда «экотартиб» (экотизим) деб ҳам аталади.

Биогеоценоз популяциялар ўртасидаги боғланишларни, индивидларнинг озиқланиши ва қувват яратиш усусларини белгилайди. Барча мавжудотлар озиқланишига қараб икки гурухга бўлинади: автотроф ва гетротроф. Афтотрофлар, асосан, яшил ўсимликлар, улар органик моддаларни неорганик бирикмалардан синтезлайди. Гетротрофлар (ҳай-

вонлар, одамлар, замбуруғлар, бактериялар) синтезланган тайёр органик моддалар билан озиқланади. Анорганик моддалар жамғармаси мавжудотлар фаолияти натижасида доимо тикланиб туради.

Мавжудотларнинг нафас олиши, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қолдиқлари чириши оқибатида улар анорганик бирималарга айланади. Улар яна автотрофлар томонидан ўзлаштирилади. Демак, биогеоценозда мавжудотларнинг фаолияти оқибатида жисмлар мавжудотларга, мавжудотлар жисмларга ўтиб туради. Натижада, модда алмашинувининг узвий даври ҳосил бўлади. Моддалар шу тарзда алмашиниб туриши учун ташқаридан қувват келиб туриши керак. Мавжудотлар бундай қувватни қўёшдан олади.

Куёш — қувват манбаи. Куёшнинг қуввати биогеоценозда турли шаклдаги кимёвий боғланган бўлиб, механик ва ички қувватга айланади.

Моддаларнинг биогеоценозда алмашинуви — ҳаёт давом этётганлигини кўрсатади. Биогеоценозда моддаларнинг алмашинуви ҳаёт пайдо бўлгандан бошлаб вужудга келган ва у эволюция давомида тараққий этиб борган. Шунинг билан биргаликда биогеоценозда модда алмашиниши учун (экотартибда) қўёшнинг кинетик (ҳаракатдаги) қувватини яширин (салоҳиятли) қувватга айлантирадиган ва анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қиласидиган ҳамда уларни яна анорганик моддаларга айлантирадиган мавжудотлар бўлиши лозим.

Табиатда биогеоценозларнинг асоси яшил ўсимликлар бўлиб, улар органик модда яратувчилар (продуцент)ни ташкил қиласиди. Биогеоценозда органик моддани истеъмол қилувчилар — ўтхўр ва этхўр (консументлар) ва органик моддаларни парчаловчи, асосан, микроорганизмлар бўлиши лозим. Микроорганизмлар моддаларни оддий минералларгача парчалайди.

Биогеоценоз — ўсимликлар, ўтхўр ва этхўр организмлар гуруҳларининг жуда кўп турларидан ташкил топган. Биогеоценоз ўзини бошқарадиган, барқарорликка доимо интилишига қарамай, у ҳеч қачон тўлиқ бўла олмайди. Чунки ташқи муҳитнинг доимий эмаслиги, мавжудотларнинг ҳаёт фаолиятида рўй берадиган ўзгаришлар турли-тумлиги бунга сабаб бўлади. Ҳар қандай биогеоценоз ривожланади. Бунда ўсимликлар асосий аҳамиятга эга. Биогеоценознинг ривожланишида инсонни мавқеи жуда катта. Масалан, одамзод фаолияти биогеоценоздаги турлар нисбатига таъсир қилиши мумкин. Чексиз ов қилиш айрим қушлар, ҳайвонларнинг қимматбаҳо турлари бутунлай йўқ бўлишига олиб келади. Ёки ижобий ишлар, аксинча, бир қанча турларнинг кўпайишига олиб келиши ҳам мумкин. Зааркунданда ҳаша-

ротларга заҳарли дорилар ишлатилганда шу билан бир қаторда улар-нинг кушандалари, фойдали йиртқичлари ҳам йўқ бўлиб кетади. Ана шу ҳолатда айрим заҳарга чидамли, илгари фойдали йиртқичлар туфайли кўпая олмаётган барча ўсимликларни сўриб заарлайдиган каналар кўпаяди. Зааркунандалар кўпайишининг олдини олиш учун биогеоценоздаги турли мавжудотлар сони ва уни белгилайдиган сабабларни аниқлаш экологиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Инсоннинг фаолияти натижасида ўзига хос турли биогеоценозлар юзага келади. Масалан, агроценозлар одамларнинг хўжалик фаолияти туфайли шаклланадиган сунъий биогеоценозлар ҳисобланади.

Буларга сунъий ҳосил қилинадиган ўтлоқлар, далалар, яйловлар, ўрмонлар, боғлар мисол бўла олади. Бундай сунъий биогеоценозларнинг ҳосил бўлишида инсон ўсимликларнинг серҳосил шаклларини қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерни ишлаш, унга ўғит бериш, турли технологияларни қўллаш оқибатида эришади. Истироҳат боғлари, кўкаламзорлар, мевазорлар, дараҳтзорлар, сунъий биогеоценозларга киради. Сунъий биогеоценозларни яратишда уларнинг тупроғи ҳолатига (эрозия, таркиби, сув, иссиқлик, ҳаво режимларига) таъсир қилишини ҳисобга олиш лозим.

Табиий биогеоценозлар кўп миқдордаги турлардан (сув ҳавзаси, ботқоқлик, ўрмон) таркиб топади. Бундай биогеоценозлар табиий танланиш оқибатида шаклланадиган экотартиб (экотизим) ҳисобланади. Табиий танланиш оқибатида ўша муҳитга кам мослашган барча мавжудотлар ҳалок бўлади. Шунинг учун ўз-ўзини яхши бошқара оладиган мураккаб экотартиб вужудга келади. Биогеоценозларда ўсимликлар томонидан истеъмол қилинадиган озиқ моддалар яна тупроққа қайтиб келади.


Табиий биогеоценозларнинг қувват манбаи бўлиб қуёш ҳисобланади. Агробиоценозларда табиий қувват манбаи билан бир қаторда одамлар томонидан берилган ўғитлар, сунъий иссиқлик ва ҳоказолар юқори маҳсулдорликка олиб келади. Агробиоценоздаги юқори маҳсулдорлик инсон фаолияти туфайли давом этади.

Агробиоценозларда ҳам табиий экотартиблар каби ҳар хил муносабатлар қарор топади. Масалан, дала экинлари билан бир қаторда бегона ўтлар, турли ҳашаротлар ўртасида мураккаб биологик боғланиш юз беради. Инсоннинг фаолияти натижасида табиий биогеоценозларда муҳим ўзгаришлар бўлади. Натижада, «Оролик» биогеоценоз келиб чиқади. Масалан, мелиорация оқибатида табиий ўтлоқларнинг экин экиладиган далаларининг унумдорлиги ортади. Қишлоқ хўжалиги экинлари етиширишда юқори, самарали технологияни қўллаш деҳқончиликнинг ривожланишига олиб келади.

*Мавжудотларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги — толерантлиги.* Ўсимликларнинг маромида ўсиш ва ривожланиши учун бир қанча омиллар зарур. Бирон омил бўлмаслиги ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир қиласи. Мавжудотларнинг яшаш фаолияти омиллар етишмаслигига эмас, ҳатто ортиқчалилигига ҳам боғлиқ. Бу ҳодисани В.Шелфорд (1913) *толерантлик қонунияти* деб атади. Бу сўз лотинча бўлиб, толерация — чидамлилиги маъносини билдиради.

Демак, мавжудотларнинг чидамлилиги уларни ҳаёт фалолияти даражасига боғлиқ. У маълум омилнинг минимум ва максимум таъсир қилиши билан белгиланади. Чидамлилик даражасидан ўтгандан сўнг, экстремаль энг охирги ҳолат — ўлим бошланади. Шу билан биргаликда чидамлилик ҳолати учун омилларнинг мавжудотларга бўлган таъсири бир хил эмас, яъни минимум, оптимум ва максимум ҳолатлар таъсири, ҳатто бир хил мавжудотнинг ҳаёт фаолияти жараёнларини бориши учун ҳам ҳар хил бўлади.

Масалан, ўсимликларнинг фотосинтез ва нафас олиши ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ. Фотосинтез учун энг оптималь ҳарорат  $20-25^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Кўп ўсимликларда (исикқа чидамли ўсимликлардан ташқари) ҳароратнинг кўтарилиши билан фотосинтез куввати кескин пасаяди. Ўсимликларнинг нафас олиши  $45^{\circ}\text{C}$  гача ортаверади. Албатта, ўсимликтин ҳар хил тури турлича таъсир кўрсатади (2-расм).



2-расм. Фотосинтез ва нафас олишнинг ҳароратга боғлиқлиги.

Ўсимликлар толерантлигининг ўзгариш амплитудасига қараб эврибиоти (грекча *эурис* — кенг) ва стенобиоти (грекча *стеном* — тор) гуруҳларга бўлинади. Биринчиси яшаш шароитга деярли талабчан эмас ва шароитига яхши мослашади. Иккинчиси яшаш шароитига талабчан ва унга кам мослашади. Шароит ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Мавжудотларнинг яшаш шароитига талабчанлиги экология валентликлиги ёки эгилувчанлиги дейилади.

## АБИОТИК ОМИЛЛАР

**Иқлим омиллари.** Иқлим омилларига, ёруғлик, ҳарорат, ҳаво намлиги, ёғингарчилик, шамол ва бошқалар киради. Табиийки, улар мавжудотларга биргаликда ва алоҳида таъсир қиласди.

Ҳар бир омилнинг мавжудотларга алоҳида таъсир қилишини ўрганиш, унинг аҳамиятини яхши билишга имкон беради. Бу ўз навбатида барча омиллар мажмусининг мавжудотларга биргаликда таъсир қилиш сабабларини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки ҳар қандай омил маълум шароитда сон ва сифат жиҳатидан турлича ҳолатда бўлиши мумкин.

Масалан, ёғингарчилик маълум минтақа учун миқдори жиҳатидан етарли бўлиши мумкин, лекин йил давомида (ўсимликларни ўсиш даврида) ёғиши қулай эмас. Шунинг учун вегетация даврининг айрим пайтларида намлик минимум омил сифатида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

**Ёруғлик экологик омил.** Сайёрамиздаги хилма-хил ҳаёт қуёш қувватига боғлиқ. Қуёшнинг қуввати ҳаво ва денгиз оқимларини ҳаракатга келтиради. Унинг таъсирида сув буғланади. Тўхтовсиз намлик айланиши рўй беради. Ўсимликлар ривожида ҳам унинг мавқеи катта. Қуёш нурлари мавжудотларга биологик таъсир кўрсатишига кўра, ультрабинафша ва инфракизил гуруҳларга бўлинади.

Ультрабинафша нурлар (тўлқин узунлиги 290 нм) барча мавжудот учун ҳалокатли ҳисобланади. Агарда улар ер юзига етиб келса, ҳаёт тўхтаб, барча мавжудотлар қирилиб кетади. Табиатда, бизнинг яшаётган муҳитимиздан, яъни ер юзидан 25 км баландликда жойлашган озон қатлами қуёшда келаётган ультрабинафша нурларни ер юзига ўтказмасдан ушлаб туради. Шунинг учун ерда ҳаёт давом этади. Ер юзига қуёш нурининг тўлқин узунлиги бирмунча катта бўлган (300—400 нм) ультрабинафша нурларининг оз қисми етиб келади, холос. Улар юқори кимёвий фаолликка эга. Шунинг учун ультрабинафша нурларининг катта мисқоли (дозаси) мавжудотларнинг ҳужайраларини заарлаши ва ҳатто, ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

Ультрабинафша нурларнинг жуда оз мисқоли (дозаси) одам ва ҳайвонлар учун фойдали ҳисобланади. Қуёшдан тўлқин узунлиги 380—750 нм. гача бўлган, одам ва бошқа мавжудотлар кўзига кўринадиган нурлар ер юзига етиб келади. Улар қуёш қувватининг кўп қисмини ташкил қиласди ва мавжудотлар ҳаёти учун катта аҳамиятга эга. Қуёш спектрини ана шу қисми нурларининг қуввати ҳисобига синтезлайди. Тўлқин узунлиги 750 нм. дан ортиқ бўлган инфрақизил нурларини инсон кўзи илғамаса-да, лекин муҳим қувват манбай ҳисобланади. Улар қуёшнинг тик тушадиган нурларида кўп бўлади.

Яшил ўсимликларда органик моддаларни тўлқин узунлиги 380—720 нм нурлар ҳисобига синтезлайди. Фақат унча кўп бўлмаган ўсимлик турлари ёруғлик ҳисобига эмас, органик бирикмаларнинг кимёвий реакцияси туфайли синтезланади. Буларга серобактериялар, темирбактериялар, нитрофикация бактериялари киради. Лекин ёруғлик гетеротроф ўсимликлар (сапрофит замбурууглар, ҳатто паразитларга) ҳам зарур. Айниқса, дала экинлари ёруғликка талабчан. Ёруғлик етишмагандан уларнинг ўсиши ва ривожланиши сустлашади, ҳатто тўхтаб қолади. Маҳсулотларнинг миқдори ва сифати камаяди. Ўсимликлар кун ва туннинг узунлигидан турлича таъсиранади. Уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиши ёки секинлашиши мумкин. Демак, ёруғликнинг ўсимликка таъсири бир хил эмас.

Ёруғликнинг экологияга хос аҳамияти унинг давомийлиги, жадаллиги ва тўлқин узунликлари билан белгиланади. Ер атмосфераси билан коинот чегарасидаги радиация  $1,98-2,0$  ккал  $\text{см}^2$  ёки  $8,31-8,4$  КДЖ/ $\text{см}^2$  минутга тенг. Бу кўрсаткич қуёш турғунлиги дейилади. Ер юзига турли об-ҳаво шароитида қуёш турғунлигининг 42—70 % етиб келади. Қуёш радиацияси атмосфера орқали ўтаётганда «ёруғлик дарча» бир қанча ўзгаришларга учрайди. Шунинг учун у фақат миқдор жиҳатидан ўзгариб қолмай, ҳатто таркиби жиҳатидан ҳам ўзгарамади. Инфрақизил нурлар атмосферанинг сув буғлари ва карбонат ангидрид газларига ютилади. Натижада, ҳаво исиди. Қолган нур қуввати ерга тўғри ва ёйилган радиация сифатида етиб келади. Тушаётган радиациянинг миқдори ернинг географик кенглигига, куннинг узунлигига, атмосферанинг тиниқлигига (очиқлигига) ва қуёш нурининг тушиш бурчагига боғлиқ. Қуёш чараклаб чиқиб турган кунлари ер юзига етиб келадиган қуёш қувватининг 45 % ни кўринадиган нурлар (380—720 нм) ва яна 45 %ни инфрақизил нурлар, фақат 10 % ни ультрабинафша нурлар ташкил қиласди. Тўғри ва тарқоқ радиациянинг йиғиндисига умумий радиация дейилади.

Очиқ кунларда тарқоқ радиация умумий радиациянинг 1/3 дан

1/8 қисмини, ҳаво булулти бўлганда эса 100 % ташкил қиласди. Радиация режимига ҳаводаги чанглар ҳам таъсир қиласди. Айрим шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши ҳисобига ёруғлик 15 % камаяди.

Ер юзининг ёритилиш даражаси ўзгариши — асосан қуёшнинг баландлиги, нурларнинг тушиш бурчаги, об-ҳавонинг тозалиги, ёруғлик жадаллиги, йил фасли, кечакундузга боғлиқ. Ер курасининг барча ҳудудларида ёруғлик сифати бир хил эмас. Масалан, узун тўлқинли (қизил) ва калта тўлқинли (кўк ва ультразонгори) нурларнинг қиммати баробар эмас.

Маълумки, қисқа тўлқинли нурлар узун тўлқинлиларга нисбатан ҳавода кўп ютилган ҳолда тарқаб кетади. Шунинг учун ҳам тоғли жойларда қуёшнинг қисқа тўлқинли радиацияси кўп бўлади. Ўтказилган кузатишлар натижасида юқори кенгликларда тарқоқ радиация, тропикларда эса тўғри радиация кўп бўлиши аниқланган. Куннинг ўртасида тарқоқ радиация таркибида сариқ нурлар 60 % гача, тўғри радиацияда эса 40 % гача бўлади. Фотосинтезга хос фаол радиация спектрнинг 380—710 нм тўлқин узунлигидан иборат бўлганлиги туфайли тарқоқ радиациядан фойдаланиш коэффициенти (даражаси) юқори бўлади.

Айтиш керакки, кун давомийлиги узун бўлиши ҳисобига ўсимликларнинг ёруғликка бўлган талаби ҳаёт жараёнини чеклаб қўймайди. Ҳатто энг Шимолий Шпицберген оролида ҳам ўсимликлардан курук модда ҳосил қилиши учун (1 гектар ерга 20 минг қДЖ ёки 5 минг ккал) қўёш радиацияси етарли бўлади.

Турли ўсимликлар бир хилда ёруғлик талаб қилмайди. Шунга мувофиқ, ёруғликка талабига қараб, ўсимликлар уч экологияга хос гуруҳга бўлинади:

а) ёруғсевар ўсимликлар ёки гелиофитлар (грекча *гелиос* — қўёш) ( $L_{ont}=100 \%$ ,  $L_{min}=70 \%$ ) — очиқ ерда ўсадиган ўсимликлар: қанд лавлаги, картошка, фўза, шоли ва бошқалар; б) кўланкага чидамли ўсимликлар ёки гелиоциофитлар. Улар  $L=100 \%$ , лекин кўланкага чидамли, оқсўхта, ёруғлик кўлами (диапозони)  $L=100 \%-25 \%$  бўлганда ўсаверади; в) кўланкада ўсадиган ўсимликлар тўла ёруғликка чидамайди, ҳамма вақт  $L=100 \%$  кам бўлиши лозим. Масалан, киселица (*oxalis acetosella*). Бу хил ўсимликларнинг баргларини тузилиш хусусиятлари туфайли кам ёруғлик бўлганда ҳам, ёруғсевар ўсимликлардек ёруғликдан самарали фойдаланади. Моҳлар тўла кун ёруғлигининг 1/90, тропик ўрмон тагидаги ўсимликлар 1/120, форлардаги моҳлар 1/2000 қисмида ҳам ўсаверади.

Ўсимликларнинг ёруғлик режимига кўнихиши. Ҳар бир география

тумани маълум ёруғлик режими билан таърифланади. Ўсимликларнинг ёруғлик режимига кўнигидаги муҳим кўрсаткичларга ёруғлик жадаллиги, ёритиш спектрининг режими, ёритишнинг (кеча ва кундузнинг) давомийлиги киради. Күёшнинг ёритиш давомийлиги фақат экватордагина турғун. Чунки бу ерда кун ва туннинг давомийлиги 12 соатдан. Күёшнинг кун давомийлиги экватордан ҳар икки кутбга қараб ўзгариб боради. Ёз ойларида узоқ вақт «ёруғ» кунлар, қишида эса узоқ «қутб» қоронги кечалари бўлади.

Ўсимликларнинг мавсум давомида ёруғликнинг кечаси ва кундизи ўзгаришига таъсир билдиришига *фотопериодизм* дейилади. Ўсимлик маҳсулотлари етишириш соҳаси бўйича олиб борилган тажрибалар турли экинлар қуёш ёруғлигининг давомийлигига турлича таъсир билдиришини аниқлашга имкон беради. Бир хил ўсимликлар узун, бошқалари қисқа ёруғ кун давомида таъсирчанлиги, учинчи хиллари эса куннинг ёруғлик давомийлигини деярли сезмасликларини кўрсатди.

Маълумки, узун ёруғ кун давомида буғдой, жавдар, сули ва бир қанча фалласимон ўтлар юқори ҳосил беради. Узун кун экинларига картошка, цитрус ва бошқа полиз-сабзавот экинлар ҳам киради. Кун ёруғлиги давомийлигини узун бўлиши бу экинларнинг мева ва уруғ олиш, ривожланиш фазаларини тезлаштиради. Шунингдек, қисқа кун ўсимликлар ҳам маълум. Масалан, маккажӯхори, жугари, шоли, тариқ, уларнинг ривожланиш фазалари қисқа ёруғлик кун давомида тез ўтади. Ўсимликларни маълум туман шароитларига мослаб танлаб олишда уларнинг ёруғлик давомийлигига бўлган талабини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одатда, жанубий кенгликтарни қисқа, шимолийларники эса узун кун бўлади.

Ўсимликларнинг ёруғлик давомийлиги ва фотокимёвий таъсирини ўрганиш узун кун — баҳор ойларида тез, ёзнинг иккинчи ярмида — ёруғлик қисқарганда секин ўсишини кўрсатди. Натижада, ўсимликларнинг қопловчи тўқималари етилмайди. Демак, кўп йиллик узун кун ўсимликлар шимолий кенгликлар шароитида етиштирилганда қишига чидамлилигини йўқотади. Ўсимликларнинг бу хусусиятлари уларни шимолий кенгликларда етиштириш учун танлаб олишда эътиборга олиниши лозим.

Айрим ўсимликларни шимолий ҳудудларда экишга уларнинг қишига чидамлилиги эмас, балки ёруғлик режимига бўлган талаби тўскинлик қиласи. Масалан, кўк беда ва қизил бедаларнинг қишига чидамлилиги ўрта ҳудудларда шимолдагига нисбатан юқори бўлади. Ёруғлик ўсимликларнинг шаклланишига ҳам таъсир қиласи. Ёруғликка

кам талабчан ўсимликлар узун ёруғ күн таъсирида паст бўйли, майдада баргли, қалин қобиқли бўлиб қолади.

### **Ўсимлик баргларининг ёруғликка қараб бурилиши ёки компас ўсимликлар**

*Ўсимликларнинг ёруғликка мослашиши.* Ўсимликларнинг ёруғлика мослашиш кўрсаткичларидан бири — уларнинг япроқлари қўёш нурлари томон бурилиши ҳисобланади. Бундай ўсимликларга «компас» ўсимликлар дейилади. Баргларнинг қўёш нурлари томон бурилишини уч хили маълум:

1) барг япроқлари қўёш нурларига ётиқ, яъни қарши ҳолатда бурилган. Улар қўёш нурларини куннинг ўртасида кўп олади;

2) барглар қўёш нурига нисбатан параллел, яъни тик ҳолатда бурилган. Бунда улар қўёш нурларини эрталаб ва кечқурун яхши ушлаб олади;

3) барг япроқлари пояда тик ва ётиқ ҳолатда (маккажӯҳори баргига ўшшаб) жойлашган. Бунда ёруғликни барглар бутун кун давомида ўзлаштиради. Экинларни биргаликда экиш эҳтиёжи туғилганда баргларнинг шу хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Барглари ҳар хил ҳолатда жойлашган ўсимликларни бирга экиш усулига қараб жойлаштирилади. Бунда барглар тобланади. Баргларнинг тобланиши ҳар хил катталиктаги япроқлари ва барг бандларини тўғри жойлашишлари туфайли рўй беради.

Компасли ўсимликлар, одатда, кучли ёруғликни ёқтирамайди. Уларнинг барглари қўёш нурига нисбатан ётиқ ҳолда жойлашади. Шунинг учун улар ҳаддан ташқари қизиб кетмайди. Бир ўсимликлида ёруғга талабчан ва салқинга чидамли, кам ёруғлик билан чекланувчи барглари бўлиши мумкин.

*Ёруғлик ўсимликлар учун қувват манбаи.* Ёруғликсиз фотосинтез жараёни бормайди, яъни яшил ўсимликларда органик моддалар синтезланмайди. Шунинг учун ёруғлик ўсимликлар учун қувват манбаи ҳисобланади. Бунинг учун соф, мусаффо осмонга эга бўлиш, атмосферани турли чанг-тўзон, заарли газлар билан ифлослантиринали, экинларнинг қўёш радиациясидан жадал, самарали фойдалана-диган нав, дурагайларини қўллаш, жадал технология асосида етиштиришга эришиш лозим.

*Ҳарорат экологик омили.* Барча мавжудотларнинг ҳаётни маълум ҳарорат таъсирида ўтади. Бу ерда ҳам минимум, оптимум ва максимум ҳолатлар рўй беради. Ҳарорат минимум ва максимум ҳолатда бўлганда, мавжудотнинг фаолияти пасаяди. Биринчи ҳолатда паст (совуқ), иккинчидаги юқори (иссиқ) ҳарорат мавжудотнинг ҳаётий жараёнла-

рининг бузилишига олиб келади. Бу икки ҳолатдаги ҳароратдан ташқарига чиққанда, ўсимликлар ҳаётида орқага қайтмайдиган жараён содир бўлади. Демак, ҳарорат ҳаёт чегарасини белгилайди.

Ўсимликлар бир жойда ўсганлиги сабабли ҳароратнинг кечакундуз ва йиллик ўзгаришларига мослашади. Масалан, Сибир қарағайи, Довур лиственнициси ва бошқалар ҳароратнинг  $-50^{\circ}\text{C}$  гача пасайишига ва ёзда  $25^{\circ}\text{C}$  гача иссиққа чидайди. Йиллик ўзгариш амплитуда  $75^{\circ}\text{C}$ , айрим ҳолларда  $85-90^{\circ}\text{C}$  га етади.

Ҳароратнинг ўзгаришига чидамли ўсимлик турларига *эвритерми* (грекча *эври* — кенг, *терма* — иссиқлик), чидамсизларига эса *стенотерми* (*стенос* — тор) дейилади. Сайёрамизда ҳароратнинг табақаланиши паст текислик кенгликларидаги юқорига кўтарилишига асосланган. Шунга кўра, тупроқ ва ўсимликлар жойлашиш ҳудудларига қараб ўзига хос хусусиятларга эга.

Экватордан қутбларга борган сари қўёш нурларини тушиш бурчагига қараб, иссиқлик миқдори ўзгаради. Масалан, экватор атрофига  $0^{\circ}$  ўртача ҳарорат  $26,2^{\circ}\text{C}$  ни,  $30^{\circ}$  ш.к.да  $20,3^{\circ}\text{C}$ ,  $60^{\circ}$  ш.к да ҳарорат  $-1^{\circ}\text{C}$  гача пасаяди. Матъум жойнинг ўртача йиллик ҳарорати билан биргаликда мавжудотларнинг ҳаётида энг юқори ва энг паст (мутлақ максимум ва мутлақ минимум), ўша иқлимий ҳудуднинг илиқ ва совуқ ойларининг ўртача ҳароратини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тундрада вегетация даври ( $70^{\circ}$  ш.к. да)  $1,5-2,5$  ой бўлиб, ўртача ҳарорати  $10-12^{\circ}\text{C}$ . Ўсимлик қоплами, бута ва моҳ, лишайник ва галясимон ўтлардан иборат. Энг юқори Шимолда ёпиқ уруғли ўсимликлар бутунлай йўқ — асосан, лишайниклар ўсади.

Ўрмон-тундрада ( $65-70^{\circ}$  ш.к) вегетация даври 2—3 ой, ўртача ҳарорати  $12-14^{\circ}\text{C}$ , ўсимлик қоплами бироз бойроқ. Турли дараҳтлар — қарағай, ел, тайга бошқача айтганда хвой ўрмонлар ҳудудининг вегетация даври 4—5 ой, ўртача ҳарорати  $14-16^{\circ}\text{C}$ , Жанубий ҳудуд — хвой — кенг баргли ўрмонлар, вегетация даври 4—5 ой, ўртача ҳарорати  $15-16^{\circ}\text{C}$ . Кенг баргли ўрмон ҳудудида ( $40-50^{\circ}$  ш.к) вегетация даври 5—6 ой, ўртача ҳарорати  $16-18^{\circ}\text{C}$ . Бу ҳудудда жуда кўп баргли ўрмон дараҳтлари (дуб, бук, ясен, клёнлар, липа ва бошқалар) ўсади. Бу ҳудуддан кейин кескин ажраладиган серёғин тропик ўрмонлар ( $0-15^{\circ}$  ш.к ва ж.к) тарқалган. Бу ерда бутун йил давомида вегетация даври  $25-28^{\circ}\text{C}$  бўлиб, у кўпинча мавсумда табақалашмайди. Тропик ҳудудларнинг муҳим хусусиятларидан бири — иссиқ ва совуқ ойлари ўртасидаги ҳароратнинг ўзгариб туриши кечакундузгисиникига кўра кам. Ўсимликларнинг ўсиши бевосита ҳарорат омили билан боғлиқ. Албатта, ҳар бир турнинг ўсиши ҳарорат билан боғлиқлиги кенг доирада ва турлича бўлади.

Термофил (юононча *термо* — иссиқлик, *филос* — севаман) ўсимликлар ва уларни акси совуққа чидамли ёки криофил (юононча *кирос* — совуқ) ўсимликлар. Ўсимликтининг ҳар бир тури ўсиш жараёниг минимал, оптималь ва максимал ҳарорат нуқталарига эга. Шунинг учун барча ҳолатларда ўсимликтин ўсиши ҳароратга боғлиқ эканлигини графикда кўрсатиш қийин эмас. Айрим ўсимлик турлари гуруҳларининг тарқалишини ҳароратга боғлиқ эканлигини кўрсатиш ҳам мумкин.

Ўсимлик турларининг географик тарқалиши иссиқлик режимига боғлиқ эканлиги қадимдан аниқ. Маълумки, узун кун, ҳарорат ўртача ( $15^{\circ}\text{C}$ ) бўлганда 6 ой давомида (апрел—сентябр) пишади. Қайин дарахтини шимолий ҳудудларга тарқалишини  $3^{\circ}\text{C}$  ҳарорат чеклаб (тўсиб) қўяди. Мева берадиган хурмо дарахтини шимолий чегараси йиллик ҳарорат ( $18\text{--}19^{\circ}\text{C}$ ) билан белгиланади.

Лекин ўсимликларнинг тарқалиши факат ҳароратга боғлиқ эмас. Масалан, ҳарорат  $10^{\circ}\text{C}$  фарбдан шарққа қараб ўзгариб боради. Ўртача ҳарорат, бошқа омиллар билан бир қаторда ўсимликларни етиштиришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ўсимлик турларининг вегетация даври ҳар хил. Шунинг учун ҳароратни ўсимликлар ўсиш, ривожланишига яхши таъсир қилиши ва шунингдек, минимал ва максимал тушиш давомийлигини ҳисобга олиш лозим.

Экология нуқтаи назаридан иссиқлик захираларини баҳолаш учун ўсимликларнинг вегетация давридаги самарали ҳарорат йигиндисини ҳисобга олиш керак. У ўсимликларнинг ҳароратга бўлган талаби ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштирадиган туманларни аниқлашга имкон беради.

Самарали фаол ҳароратнинг йигиндиси  $10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган давр (вақт) билан белгиланади. Вегетация даврида ўртача  $10^{\circ}\text{C}$ дан ортиқ бўлган ҳарорат йигиндиси  $1000\text{--}1400^{\circ}\text{C}$  бўлган туманларда картошка, илдиз мевали;  $1400\text{--}2000^{\circ}\text{C}$  бўлган ерларда фалла, картошка, сабзавот,  $2200\text{--}4000^{\circ}\text{C}$  маккажўхори, шоли, фўза субтропик ва бошқа экинларни етиштириш мумкин.

*Мавжудотларнинг ҳароратга бўлган талаби.* Барча мавжудотлар ҳароратга бўлган талабига кўра, асосан иккига бўлинади. 1. Тана ҳарорати ташқи муҳитга боғлиқ *пойкилотерм* (юононча *пойкилос* — ола була, ҳар хил). Уларга барча ўсимликлар, микроорганизмлар, умуртқасиз ҳайвонлар ва хордалиларнинг айрим гуруҳлари киради. Уларнинг тана ҳарорати ташқи муҳитга боғлиқ. Шунинг учун ўсимликларнинг барча тизимлари ва номлари келтирилган ҳайвонлар гуруҳлари учун ҳароратнинг экологик мавқеи ниҳоятда катта. 2. Юқори

тараққий қылган ҳайвонлар (кушлар, сут әмизувчилар) *гомойотермли* (юонча *гомойс* — баробар) дейилади. Уларнинг тана ҳорорати доимий, чунки у ўзининг танасига боғлиқ. Ташқи мұхитда ҳорорат пасайса ҳам, уларнинг тана ҳорорати доимийлигича қолаверади.

Маълумки, ҳужайранинг пропласти (цитоплазмаси) тирик мавжудотларда ҳорорат  $0^{\circ}\text{C}$  дан  $50^{\circ}\text{C}$  оралығи маромида фаолият күрсата-веради. Фақат маҳсус қурилмаларга эга бўлган мавжудотларгина узоқ вақт юқори ҳороратга бардош бера олади. Масалан, геотермал қучли иссиқ булоқларда айрим микроорганизмлар  $79\text{--}80^{\circ}\text{C}$  да ҳам яшайве-ради. Физиологлар томонидан нафас олиш ва бошқа жараёнларнинг оптималь ва максимал ҳорорат чегаралари аниқланган.

Аниқланишича, ўсимликлар қишлоғчи органлари (куртак)ни нафас олишининг энг паст ҳорорати  $-20\text{--}25^{\circ}\text{C}$  экан. Ҳароратнинг кўтарилиши билан нафас олиш жадаллиги ортиб боради. Ҳарорат  $50^{\circ}\text{C}$  дан ошганда оқсил, липид (мой) мажмуи цитоплазмасининг устки қатлами бузилади. Бу ҳужайраларнинг осматик хусусиятлари-ни бузилишига олиб келади. Айрим ҳолатларда паст ҳорорат таъсиридан кўп ўсимликлар музлаб, ҳалок бўлади. Бундай ҳолатлар кузги ғалла экинларида қор қатлами кам бўлган йиллари кузатилади. Ўсим-ликлар уна бошлагандага баҳорги совуқ уларга қаттиқ таъсири қиласи. Бундан цитруслилар, ҳатто оддий барг ташлайдиган дараҳтлар ҳам зарар кўради. Текширишлар шуни кўрсатдиги, паст ҳороратда ўсим-ликларни ҳалок бўлиши сабаби унинг ҳужайралари цитоплазмаси-нинг сувсизланиши экан. Ҳужайраларро тўқималарда сув музга ай-ланади. Муз ҳужайра ичидаги сувни тортиб олади. Муз ҳужайра орга-ноидларини (қисмларини) зааралайди. Ҳужайра ичидаги муз пайдо бўлиши кескин (ёмон) ҳолатни келтириб чиқаради.

Ҳозирги пайтда бир қанча совуққа чидамли ўсимликлар ва ҳай-вонлар аниқланган. Уларга доимий яшил хвой дараҳтлари буталар, кўп йиллик ўтлар киради. Улар қаҳратон қишининг совуқларига ҳам бардош беради. Антрактидада  $-70^{\circ}\text{C}$  совуқда ҳам сув ўтларининг ай-рим турлари ва пингвинлар яшайверади. Айрим ўсимликлар қишки тинч даврда жуда паст ҳороратга чидай олади. Масалан, қора смороди-нанинг новдаси (*рибус никрум*) ҳорорат секин пасая борганда  $-25^{\circ}\text{C}$  (мутлақ  $0^{\circ}\text{C}$ га яқин)да ҳам ҳаётини сақлайди. Кўпчилик ўсимликлар ҳороратга ўзига хос талаблар қўйиши билан таърифланади. Масалан, баҳори буғдой, беда уруғи  $2\text{--}3^{\circ}\text{C}$ , гўза, шоли, маккажўхори, жугарини ўсиш ва ривожланиши  $10\text{--}12^{\circ}\text{C}$ да уна бошлайди. Оптималь ҳарорат гўза, шоли, маккажўхори, жугари учун  $30\text{--}35^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади.

Ўсимликларнинг яхши ўсиш ва ривожланиши учун уларнинг ер устки ва ер ости қисмларига мос ҳорорат бўлиши лозим. Кўпгина

Экинларнинг ер ости қисми ер устига нисбатан икки марта кам ҳарорат талаб қилади. Онтогенезнинг бориши даврида ўсимликларнинг ер усти ва ер ости қисмлари ҳарорати бир хил бўлмайди. У ҳавода ва тупроқда жойлашган қисмининг ҳолатига боғлиқ.

Ўсимлик жадал ривожланиши учун унинг ер усти ва ер ости қисмлари талабига жавоб берадиган ҳарорат бўлиши керак. Масалан, зифир ўсимлигининг илдизи ер усти қисмига нисбатан икки марта кам ҳароратда  $11^{\circ}\text{C}$  ( $22^{\circ}\text{C}$ ) ривожланади. Fўзанинг муртак илдизи  $8-9^{\circ}\text{C}$ да ҳам ривожланаверади, лекин муртак поясининг ривожланиши учун эса камида  $14-16^{\circ}\text{C}$  зарур. Шунинг учун ҳам чигит униши давомида ҳарорат  $12-14^{\circ}\text{C}$  дан пасайиб кетиши илдизи бўғизининг (гипокотил) шишиб, йўғонлашиб қолишига олиб келади. Натижада, бундай ҳолда етук шаклланган майса ҳосил бўлмайди. Одатда, илдиз бўғизи шишиб қолган чигит кейинчалик ўсишини давом эттира олмайди. Охир-оқибатда чигит қайта экилади. Демак, уруғларнинг униш вақтида ва ўсимликларнинг кейинги фазаларида ҳам ҳарорат турғун бўлиши экологик аҳамиятга эга.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатди, ўсимликларнинг меъёрида ўсиш ва ривожланиши учун кузда ҳароратни бирмунча пасайиши — мавсумий иссиқлик даври, шунингдек кеча-кундуз иссиқлик режими бўлиши лозим. Бунинг мазмуни шундаки, кўпчилик ўсимликлар тунги пасайган ҳароратда яхши ривожланади. Масалан, помидор учун кундузги ҳарорат  $26-30^{\circ}\text{C}$ , тунги  $17-20^{\circ}\text{C}$  бўлиши унинг ривожланишини таъминлаб, маҳсулдорлигини яхшилайди. Иссиқликка талабчан тропик шароитлардан келиб чиққан шакарқамиш ўсимлиги бутун ўсиш ва ривожланиш даврида юқори ҳароратни талаб қилади.

Демак, ҳарорат ўсимликларга уларнинг бутун ўсиш ва ривожланиши давомида таъсир қилади. Лекин ўсимлик ривожланишининг ҳар қайси даврида ҳар хил ҳарорат талаб этади. Одатда, иссиқ ва қурғоқчилик шароитида ўсимликлар эуксерофитлар ва шунингдек, секкуллентлар, кактуслар юқори ҳароратга чидамли ҳисобланади. Бундай хусусият шўр тупроқ ўсимликларига ҳам хос.


Айрим ўсимликлар ўзида сувни жуда кам сақлайдиган мева ва ургулар ҳосил қилади. Бундай ўсимликлар, одатда, юқори ҳароратга чидамли бўлади. Масалан, буғдой донининг замбуруғ касаллигига қарши курашиш усули шунга асосланган. Унинг дони қиздирилганда замбуруғлар ҳалок бўлади, муртак эса заарланмайди.

Ҳароратнинг ўсимлик тузилишига таъсир қилиши яхши аниқланмаган. Табиий кузатишлар ва амалий тажрибалар турлича мулоҳаза қилишга олиб келмоқда. Одатда, ўсимлик барг, куртак қобиқлари ва пояларининг туклар билан қопланиши уларни қучли ёргуликдан сақлайди ва сувни кам буғлатишига ёрдам беради. Ўсимликларнинг

ётиб ўсадиган хиллари (кулупнай, полиз экинлари, бодринг) ўсиш шароитига яхши мослашган бўлади. Чунки ер юзининг 15—20 см баландлигига ҳарорат юқори ва шамол кам бўлади.

Геофилизация, яъни ўсимликнинг энг пастки (бўғин) қисмини тупроқ ичига тортилишида ҳароратнинг бевосита таъсири катта. Бундай, аввало, гипокотиль, кейин эпикотиль биринчи бўғин ва ҳоказо тупроқ ичига тортилади. Бундай ҳолат, техник, сабзавот ва шунга ўхшашиб ёпиқ уруғиларга хос ҳисобланади.

Ўсимликнинг (поясининг ости) қисми тупроқ ичига тортилиши билан ён илдизлар, илдизпоялар, столонлар ва бошқа вегетатив йўл билан кўпаядиган қисмлари тараққий қиласди. Кўп йиллик ва кузги экинларнинг ер юзига яқин эпикотиль қисмини тупроқ ичига тортилиши уларнинг қишига чидамлилигини оширади. Бундай ҳолатда баҳорги экинларнинг нам билан таъминланиш даражаси юқори бўлади. Хуллас, ҳарорат мавжудотларнинг барча ҳаёт жараёнлари учун энг зарур омиллардан бири ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Кўк беда ўсимлигининг илдиз бўғизини тупроқ ичига тортилиши (геофилизация): а—тупроқнинг усти, б—тортилиш чуқурлиги.

Ҳарорат ўсимлик уруғларининг униши, ўсиши, ривожланиши ва насл қолдириши учун зарур. Шунинг учун ҳарорат ўсимликнинг барча талабларига етарли бўлганда, олинадиган ҳосил юқори ва сифатли бўлади. Ҳарорат тупроқдаги минерал моддаларнинг сувда эришини таъминлайди. Ўсимлик сувда эриган моддаларни илдиши орқали сўриб озиқланади ва ўз танаси, барг, гул ва мева қисмларини яратади.

Ҳайвонот олами ва инсон учун ҳарорат муҳим омил, унинг мавқеи ниҳоятда катта. Ҳароратнинг ҳар бир мавжудот учун минимум, максимум чегарасидан чиқиб кетиши уни чекловчи омилга айлантиради. Кўпгина мавжудотлар ҳаёти учун ҳароратнинг минимал даражаси 5—10°C, оптималь 15—30°C, максимал 35—40°C ҳисобланади. Фақат айрим мавжудотларгина минимал, максимал даражага мослашиши мумкин.

Ўсимликлар *пойкилатерм* бўлиб, иссиқ ҳарорат таъсирида яхши ўсадиган, ривожланадиган — *термофил* ва паст ҳарорат таъсирида ўсиш ва ривожланишга мослашган *психрофил* гуруҳларга бўлинади. Ўсимликлар учун ҳарорат фотосинтез жараёни учун ҳам зарур. Фотосинтез жараёни кўпгина ўсимликларда тупроқда сув, озиқ модда етарли бўлганда 2,5°C да ҳам давом этаверади.

Ҳарорат пасайганда ўсимликларнинг ҳаётий жараёнлари ўсиши, ривожланиши, нафас олиши пасаяди. Бу вақтда унинг ҳужайра суюқлиги концентрацияси ошиб, сувнинг музлаши қийинлашади. Бу ҳолат ўсимликни совуқда музлаб қолишдан сақлайди. Айрим ўсимликлар юқори ҳарорат бўлганда (сув етишмаганда) ўз ҳаётий жараёнларини вақтинча жуда секинлаштиради: баргларини тўкиб юборади, ўсишдан тўхтайди.

Ҳайвонот оламида ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар рўй беради. Ёзда ҳарорат ҳаддан ташқари исиб кетганда, баъзи ҳайвонлар (тошбақа ва бошқа) ёзги уйқуга, кузда ҳарорат пасайганда эса қишки уйқуга кетади (илонлар, айиқлар ва ҳоказолар). Ўсимликлар ҳароратни бутун ҳаётий жараённида бир хил миқдорда талаб қилмайди. Унинг самарали ҳарорат йигиндисини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Ўсимликлар ривожланиш даврининг ҳар бир фазасида маълум дарражадаги иссиқликни талаб қиласди. Ундан паст бўлганда жараён тўхтаб қолади. Шу боис у ёки бу жараённинг ўтишига зарур бўлган самарали ҳарорат йигиндисини ҳисоблаш лозим. Бунинг учун бир кеча-кундуз давомида мазкур фазага зарур энг кам (ундан кам бўлганда жараён тўхтаб қолади) ҳароратдан юқори қисми ҳисобга олинади.

Масалан, ёзга ўсимлиги уруғининг униб чиқиши, майса ҳосил

қилиши, шонасининг охири — гуллашгача бўлган даври учун самарали ҳарорат  $10^{\circ}\text{C}$  дан юқориси ҳисобланади. Масалан, фўзанинг эрта, ўрта ва кечпишар навлари учун самарали ҳарорат йифиндиси қуидагича: масса ҳосил қилиш фазаси учун  $85$ — $90^{\circ}\text{C}$ , шоналаш фазаси учун  $485$ — $500^{\circ}\text{C}$ , гуллаш фазаси учун  $900$ — $1200^{\circ}\text{C}$ , гуллаш фазаси ва  $50\%$  ҳосил етилиши учун  $660$ — $800^{\circ}\text{C}$ , жами ҳосилни  $50\%$  етилишига қадар  $1560$ — $2000^{\circ}\text{C}$  самарали ҳарорат зарур. Ўрта толали фўзалар учун ҳосилни тўла пишиб етилиши учун  $2500$ — $2800^{\circ}\text{C}$ , ингичка толалилар учун  $3500$ — $4000^{\circ}\text{C}$  самарали ҳарорат зарур.

Сув экологик омил. Мавжудотлар ҳужайра, тўқималарининг ҳаёт фаолиятини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўсимликларининг қисмларида сув  $60$ — $90\%$  ва айрим ҳолатларда ундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Сув тирик ҳўжайранинг ажралмас бирлиги. Организмнинг сувсизланиши ҳаёт жараёнларини секинлашишига, сўнгра унинг ҳалок бўлишига олиб келади. Уруф спораларида энг кўп (максимал) сувсизланганда ҳам ҳаётий жараёнлар сақланиб қолади. Бундай ҳолатда сув миқдори уруғларда  $8$ — $10$ , спораларда эса  $10$ — $12\%$ гача камаяди. Уларга сув берилганда ҳаётий жараёнлари яна қайта тикланади.

Ўсимликнинг совуққа ва иссиқликка чидамлилиги улар таркибидаги сув миқдорига боғлиқ. Ўсимликнинг тупроқдан (азотли ва бошқа минерал моддалар олиши) ва ҳаводан (фотосинтез, ферментатив жараёнлар) озиқланиши сувга боғлиқ. Метаболизм (модда алмашиниви) маҳсулотлари эриши ва ўсимликлар танаси бўйлаб ҳараткат қилиши ҳам сувга боғлиқ.

Сув ўсимликлар биомассаси шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Ўсимлик илдизи орқали олган сувнинг  $99,5\%$  ҳужайранинг тургор ҳолатини ушлаб туришга, фақат унинг  $0,5\%$  органик моддани синтезлаш учун сарфланади.

Ўсимликлар бир бўлак қуруқ масса ҳосил қилиши учун ( $1\text{ кг}$ ,  $1$  тонна), тур хиллари ва яшаш мұхитларига қараб,  $250$ — $1200$  бўлак сув сарфлайди. Бунга ўсимликларнинг транспирация (сув буғлатиш) коэффиценти дейилади. Транспирация коэффициенти ҳар хил ўсимликларда (турлари, хиллари, навларига, қараб) деярли ҳар хил бўлади. Транспирация коэффициентининг кўп ёки кам бўлиши ҳавонинг қурғоқчиллиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун бир нав турли экологик-географик шароитларда етиштирилганда ҳар хил транспирация коэффициентига эга бўлиши мумкин.

Ўсимликнинг тупроқдан олган сув миқдори уни ҳавога буғлатганидан кам бўлмаса, сув режими оптималь ҳисобланади. Сув миқдори

ҳавога буғлатилганидан күп бўлса, сув режимини оптимал эмас, деб қабул қилинади.

Ўсимликларни сув билан таъминлаш уларнинг келгусида ўсиши, ривожланиши ва ҳосил даражасини аниқлашга имкон беради. Кўпгина ўсимликларнинг бундай ҳолатлари яхши ўрганилган. Фалла экинларида бундай ҳолат гул тўпламлари, гулларининг шаклланишига тўғри келади.

Сув етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган нокулайликлар ўсимликтининг ўсиш нуқтасида ўзгаришлар рўй беришига олиб кела-ди. Бу жараён қайтмас бўлганлиги учун фалла экинларининг гул тўпламлари калта, кам мевали, кам ҳосилли бўлиб қолади. Намлик-нинг етишмаслиги ўсимлик ривожланишининг (органогенезининг) қайси даврига тўғри келишига ҳам боғлиқ.

Ўсимликлар кўп миллионли эволюцион ўзгаришлар натижасида турли яшаш шароитларига мослашади. Шароити ниҳоятда қуруқ туманларнинг ўсимликлари ксероморф (грекча *κсерос*—қуруқ, *μρφος*—тузилиши) бўлади. Улар намликнинг исрофгарчилигини камайтира-ди. Намлик, асосан, транспирация жараёнларида лабчалар, шунингдек, сув томчилари (гуттация ҳодисаси) орқали сарфланади (лат-гутта-томчи). Намликнинг кўп қисми хужайра эпидермаси орқали сарфланади. Гуттация фалла, картошка ва бошқа ўсимликларда яхши билинади. Тропик ва субтропик ўсимликларда ҳам аниқ кўриш мум-кин. Қурғоқчил туманларда ўсадиган ўсимликларнинг намлик сарф-ланишини камайтирадиган мосламалари бўлади. Масалан, кўпчилик фалласимонларнинг барглари буралади, натижада барг лабчалари найча ичидаги қолади. Бундан ташқари, ўсимликларнинг устки қисмida оқ, унсимон қоплама ва тукчалар ҳосил бўлади. Ниҳоят, ўсимликларнинг барглари кичик қобиқ ёки тиканга айланиб кетади. Барглар кескин ўзгарганда фотосинтез жараёни пояларда ўтади.

Ўсимликтин сув баланси. Уни олган ва сарфланган сув миқдорига қараб аниқланади. Сув балансига ўсимлик яшаб турган муҳитнинг бир қанча омиллари: намлик, ҳаво, ёғингарчиликнинг тақсимланиши, ер ости сувларининг чукурлиги, шамолнинг кучи ва йўналиши таъсир қиласи. Ўсимликларнинг сувни сарфлаши сезиларли ҳолатда ҳавонинг нисбий намлигига ҳам боғлиқ. Сернам иқлимли шароитларда, бошқа шароитлари бир хил бўлганда қуруқ модда ҳосил-қилиш учун кам сув сарфланди.

Ўрта иқлимли ҳудудларда транспирациянинг маҳсулдорлиги 1 литр сувга 3 г. ни ташкил қиласи. Ҳаво намлиги ошган сари уруғлар, мевалар ва ўсимликтин танасида оқсиллар, углеводлар ва минерал

моддалар камая боради. Бундан ташқари, хлорофиллни синтезлаши барг ва пояларда камаяди, лекин ўсимликнинг ўсиши ва қариш жараёни тезлашади. Ҳаво сув буғлари билан тўйингандага ғалла экинларининг етилиши жуда секин боради. Ҳавонинг намлиги юқори бўлганда, дала экинларининг ҳосили ва сифати кескин ёмонлашади, ҳосилни йиғиб олишда исрофгарчиликлар кўп бўлади, чунки қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишлаши ёмонлашади.

Кўп дала экинлари: ўтсимон, шунингдек, дараҳтлар тупроқда намлик ва ер ости сувларининг етишмаслиги уларнинг илдизларини ўсишига ёмон таъсир қиласи.

Ўсимликлар сувга бўлган талабига қараб, икки экологик гурӯҳга: *гомойогидрилар ва пойкилогидриларга* бўлинади.

Гомойогидрил ўсимликлар эса сув режимларига қараб *гидрофитлар, гелофитлар, гигрофитлар, мезофитлар, ксерофитлар ва ультраксерофитларга* бўлинади. *Гидрофитларга* сувда эркин сузуб юрувчи ёки сув ҳавзаси тагига илдизлари билан ўрнашиб олган, сувга бутунлай кўмилган ёки ер усти барг ва поялари, гуллари сузуб юрадиган ўсимликлар киради. Улар минерал озиқ моддалар ва сувни бутун вужуди билан қабул қиласи. Уларнинг илдизи кескин ўзгарган, ҳатто ўз функцияларини йўқотган бўлади. Бундай ўсимликларнинг ҳаво йўллари яхши тараққий қиласи. *Гелофитлар* (грекча *гело*—ботқоқ, *фитан*—ўсимлик) сувда, ерда, сернам жойларда ўсадиган ўсимликлар.

*Гигрофитлар* тупроқ ва ҳаво сернам бўлган, *мезофитлар* ўртача сув билан таъминланган ерларда, *ксерофитлар* намлик камроқ бўлган жойларда ўсадиган ўсимликлар. *Ультраксерофитлар* (саксовул, янтолқ), намлик деярли кам бўлган жойларда ўсиши мумкин бўлган ўсимликлар. Ксероморф ўсимликлар билан бир қаторда *мезофит* — курғоқчилик шароитига мослашган ўсимликлар ҳам ўсади. Улар ўсиши учун фаслнинг энг қулай вақтидан фойдаланади. Бундай ўсимликларга эфемерлар ва эфемероидлар дейилади (грекча *эфомос*—бир зумда, тез).

Эфемерлар ўз ҳаёт даврини 5—6 ҳафтада ва ундан ҳам тез вақт ичидаги тугаллайди. Эфемерлар ривожланиш даврини қай вақтда ўтишига қараб, баҳори ва кузгиларга бўлинади. Шунингдек, баҳор ва кузда экилганда ҳам ҳосил берадиган эфемерлар маълум. Уларнинг кўпчилиги баҳори қисқа муддатли (2 ойли) бўлади.

Эфемероидлар кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ҳисобланади. Уларнинг ер усти қисми қисқа вақт яшайди. Курғоқчилик вақтида улар ўз тугунаклари, пиёzlари, илдизпояси ҳисобига яшайди. Эфемеро-

идлар нам кам қуруқ вилоятларда ва намлик етарли ўрмонларда ўсадиган гурухларга бўлинади. Биринчиси тупроқда нам тугагунча, иккинчиси эса эрта баҳордан ўрмон дарахти барг ёйишига қадар давом этади.

**Суккулентлар (ширали ўсимликлар).** Улар сувни жуда эҳтиёткорлик билан сарфлайди. Суккулентлар баргли, пояли ёки илдизли бўлиши мумкин. Баргли суккулентларга агава, алоэ ва бошқалар, поялиларга кактуслар, кактуссимонлар, қорақанд ва бошқалар киради.

Ер ости сувларидан фойдаланадиган ўсимликларнинг маҳсус турлари маълум. Уларга *фреатофитлар* дейилади. Уларнинг илдизлари доимо ер ости сувларига бориб этади. Жумладан, янтоқ илдизининг узунлиги 8—15 м, қорасаксовулники — 25 м, беданики — 15 м.га этади. Ёмғир сувларидан фойдаланадиган гуруҳи ҳам маълум. Уларнинг илдизи ёмғир суви борган ергача кириб боради. Бунга фалла ва бошқа экинлар киради.

**Ёғинлар экологик омили.** Ўсимликлар учун ёғин ва ер ости суви асосий сув манбаи ҳисобланади. Ёғинлардан ёмғир ва қор асосий аҳамиятига эга. Дўл, шудринг, туман, қиров ўсимликларни сув билан таъминлашда деярли ўрин тутмайди.

**Атмосфера ёғинлари.** Атмосфера ёғинларининг ўсимлик ҳаётидаги экологик аҳамияти турлича. Ёғинлар ўсимликларни сув билан таъминлабгина қолмай, улар ёрдамида ўсимликнинг пастки қисми-ни минерал моддалар билан қўшимча озиқлайди. Қор қатлами тупроқ бетини қоплаши туфайли ўсимликларни совуқдан сақлайди. Қор қатлами экология нуқтаи назардан ўсимлик ва ҳайвонларнинг яаш мухитига таъсир кўрсатади. Улар тупроқда нам тўплайди, сув буғлинишининг олдини олади. Ёғингарчиликнинг мавсумийлиги ҳам муҳим экологик аҳамиятига эга. Бир текисда ёқсан ёғинлар яловларнинг ҳосилдорлигини оширади. Қаттиқ ёғадиган (1 минутда 2—3 мм) сел дала экинларига бекиёс зарар етказади. Энг кўп ёғингарчилик Калькутта ярим ороли ва Қора денгизнинг Батуми туманларида бўлади. У ерларда йиллик ёғингарчилик 2500 мм ва ундан кўп бўлади.

Ёғингарчилик миқдорига кўра, ҳудудлар орасида катта фарқ бор. У ер кураси экологиясида ҳар хиллик келтириб чиқаради. Қиши фаслида тез-тез иссиқ кунлар бўлиб турадиган миңтақаларда кузги фалла экинларининг муз қатқалогидан заарланишини кузатиш мумкин. Кун исиганда эриган қор сувлари даланинг пастқам ерларида тўпланиб, кечаси совиши билан музлайди. Муз кузги фаллани сикиб, ҳаво киришини ёмонлаштиради. Қор қатлами қалин бўлганда, кузги фалла ўсимликлари ҳаво етмасдан димиқади. Чунки қор қатла-

ми ўзида иссиқни сақлаш қобилиятига эга. Бундай ҳолларда, айникса, қиши юмшоқ бўлганда кузги фалла барвақт тинчлик даврини туғаллайди, нафас олиши тезлашади. Лекин бундай ҳолда фотосинтез жараёни бормайди. Натижада, қанд жамғармаси кескин сусаяди. Сурайган ўсимликларда заарли мөгор замбуруғи (*Pusarium nivale*) тарқалади. Бу замбуруғ учун узоқ вақт совуқ ва нам, баҳор ва қалин қор қатлами ҳамда музламаган тупроқ бўлиши қулай ҳисобланади.

Қор тез эриши, қуёшли кун бўлиши қор мөгори учун ёмон ҳисобланади. Қор қатлами бўлмагандага совуқ шамол таъсиридаги кузги фалла экинлари тез ҳалок бўлади. Қор қатлами ўсимликларни совуқдан сақлайди. Ҳаво ҳарорати  $-20$ — $25^{\circ}\text{C}$  бўлганда, 20 см қор қатлами остида  $-5$ — $6^{\circ}\text{C}$  бўлади, холос.

Ўсимликнинг сув билан таъминланиши ёғингарчилик ёки ер ости сувлари ҳисобига бўлади. Ёмғир ёғаётганда унинг томчилари ҳавода учиб юрган бүғсимон ҳолатда бўлса-да, 1 гектар ерга тушган 1 мм. қалинликдаги ёмғир 10 тонна сувдан иборат газ моддалари билан тўйинади. Бу моддалар сув томчилари билан қўшилиб, кўпинча қордан ёмғир ҳосил қиласиди ва бирга ўсимликлар устига ва тупроқ бетига тушади.

«Нордон ёмғир» кўп миқдорда тошкўмир ва нефть моддалари ёқилиши натижасида ҳавода олтингугурт ( $\text{SO}_2$ ) анигидриди пайдо бўлиши ва унинг сув буғлари билан қўшилиши натижасида  $\text{H}_2\text{SO}_3$  кислотага айланишидан ҳосил бўлади. «Нордон ёмғирлар» таъсиридан сув ҳавзасидаги балиқлар ҳалок бўлиши, дарахтлар қуриши, мевалар чириши мумкин.

*Шамол экологик омил.* Шамолнинг сабаби ер юзасида атмосфера босими бир текисда тарқалмаганлиги ҳисобланади. Ўсимликлар ҳаётida шамолнинг аҳамияти турлича. У бевосита ва бавосита таъсири қилиши мумкин. Шамол ер юзасида сувнинг буғланиши, сув ҳавзаларидан, ўсимликлар орқали транспирация тезлашиши, ҳаво ва тупроқ ҳароратининг ўзгаришини тезлатади. Шамолнинг кучи 2—3 м/сек. бўлганда фотосинтез яхши боради, чунки у карбонат гази камайган ҳавони олиб кетади ва кўпларини олиб келади.

Лекин кучли шамол таъсирида фотосинтез пасайиб, ўсимликларнинг нафас олиши тезлашади. Бу ўсимлик маҳсулдорлигини камайтиради. Шамол икки хил йўналишда эсиши мумкин: ер юзасига нисбатан параллел (ётиқ) ва перпендикуляр тик (конвекцион), яъни ҳаво пастдан юқорига, юқоридан пастга қараб ҳаракат қиласиди. Шамол юқоридан пастга қараб йўналиши унча катта бўлмаган майдонларда кечки совуқлар ҳосил бўлишига олиб келади. Шамолнинг

юқорига қараб йўналиши, одатда, ўсимлик ҳаёти учун фойдали ҳисобланади. Бундай ҳолатда, масалан, ўрмон шароитида чанг ва спораларгина эмас майда уруғлар ҳам кўтарилади. Шамол ёрдамида гуллар чангининг кўтарилиши натижасида жуда муҳим жараён — четдан чангланиш, яъни ўсимликларни табиий четдан чатишиши рўй беради. Шунингдек, шамол ўсимликларнинг спора ва уруғларини тарқатиши ҳам катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар шамолга мослашиш учун уруғларида турли соқолча, қанотча, соябон ва жуда майда енгил ўсимлар ҳосил қиласди. Шунингдек, айрим ўсимликларнинг туплари ўралиб, думалоқ бўлиб, шамол ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, уруғларини тўкиб, тарқатиб боради. Масалан, туюқорин, яна бир хил ўсимликлар шамол ёрдамида уруғларини ўзи турган жойда бир неча 10 метргача тарқатади (жумладан, кўкнори).

Шамолнинг салбий таъсири ҳам кам эмас. Дараҳтларнинг йиқилишига, ғалла ўт экинларнинг ётиб қолиши ва ҳосилнинг исроф бўлишига олиб келади.

Шамолнинг бевосита таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Шамол транспирация коэффициентини кескин кучайтиради. Унча кучли бўлмаган шамол ўсимликларнинг транспирациясини анча кўпайтиради. Масалан, 2—3 м/сек тезликдаги шамол, шамолсиз бўлганга нисбатан ўсимликлар орқали сувнинг буғланишини (транспирацияни) 2,5—3,0 мартаға кўпайтиради. Шамол денгиз ва океанлардаги сув буғларини узоқ ерларга олиб кетади. Қишида шамол қор қатламини учириб, пастликларга олиб бориб ташлайди. Айрим ҳолатда шудгорларда қор қолмайди, натижада кузги экинларнинг қишлиши ниҳоятда қийинлашади. Шамол тупроқни учириб, ўсимлик илдизларини очиб қўяди, бундай ўсимликлар ҳалок бўлади. Кучли шамол қорбўрон ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда у даланинг тупроғи, ўсимликлари билан бирга учириб кетади. Бўрон экинзор, иморат, автомобил, поезд йўлларини тупроқ билан тўлдириб, халқ хўжалигига катта зарар етказади. Кучли шамолдан инсон, ҳайвонот, паррандалар катта зарар кўриб, касалланади ва ҳалок бўлади.

Узоқ давом этадиган шамоллар таъсирида дараҳтларнинг шакли ҳам ўзгаради, эгилади, шохлари бир томонлама ўсадиган бўлиб қолади. Шамолнинг кучи ер бетидан кўтарилган сари орта боради. Буни куйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Шамол ҳавонинг газ таркибиға ҳам таъсир қиласди. Карбонат газини тарқатишга (унинг миқдори ҳавода 0,03 %) олиб келади. Фотосинтез натижасида ютилган карбонат ангидрид гази тупроқ микробиализмларнинг фаолияти, жониворларнинг нафас олиши ва орга-

ник моддаларнинг ёниши, ер қаъридан ажралиши туфайли мувоза-натда туради. CO<sub>2</sub>нинг мувозанатини сақлашда дунё океанлари катта аҳамиятга эга.

Шамолнинг ер юзидан:

баландлиги	0,05	0,25	0,5	1,0	2,0	16,0	32,0	100
тезлиги	1,30	2,0	2,4	2,8	3,3	4,7	5,4	8,2

м/сек.га тент бўлади

Фотосинтез туфайли ажраладиган ва ҳаводаги 21% га яқин бўлган кислород инсон ва ҳайвонлар томонидан ўзлаштирилади. Катта ёшдаги дараҳт суткасига 180 л кислород ажратади. Инсон жисмоний иш бажармаганда суткасига 360 л, тез иш қилаётгандан эса 900 л кислород истеъмол қиласди. Енгил машина 1000 км масофани босиб ўтганда, инсоннинг бир йилда истеъмол қиласиган кислородини олиб қўяди. Реактив лайнер Овруподан Америкага учиб боргандага 35 т кислород сарфлайди. Шу мисоллардан кўриниб турибдик, кислород миқдорини сақлаб туришда ўрмонзор ва ўтлоқларнинг мавқеи ниҳоятда катта. Ҳавонинг газ таркибини бошқариб туришда шамол муҳим аҳамиятга эга.

*Атмосфера босими экологик омил.* Атмосфера босими шамолга ўхшаб ўсимликларга бевосита таъсир қиласди. Лекин атмосфера босимининг ўзгариши тупроқ ҳавоси билан ер юзига яқин атмосфера газ алмашишига таъсир этади. Демак, атмосфера босими шамол, ёғингарчилик ва тупроқ ҳарорати билан бирга таъсир қиласди. Атмосфера босими об-ҳавонинг шаклланишига олиб келади, шу билан ўсимликларга бевосита таъсир қиласди.

*Ернинг магнит майдони экологик омил.* Ер магнитизми ҳар хил жойда бир кеча-кундуз давомида ўзгариб туриши мумкин. Олинган маълумотларга қараганда, магнит майдони айрим ўсимлик турларининг ўсиш ва ривожланиши, мевасининг шаклланишини тезлаштиради.

*Атмосфера электр заряди экологик омил.* Атмосфера электрининг ўсимликларга таъсири яхши аниқланмаган. Фақат дараҳтларга атмосфера да бўладиган электр чақмоқларининг таъсири ўрганилган, холос. Электр майдонининг хусусиятларига қараб, дараҳтлар асосий танаси ён шоҳларини заарланиши уларнинг намли даражасига қараб заарлантанлиги аниқланган. Одатда, танасида етарли нам бўлган дараҳтлар чақмоқдан кам заарланар экан. Шунингдек, танаси бир текис нам билан қопланган дараҳтлар (гилос, ясен, бук ва бошқалар) ҳам атмосфера электр заряди билан кам заарланиши аниқланган.

*Тупроқ ва орографик экологик омиллар.* Тупроқ экологик омил

(грекча *эндос*—тупроқ) эндофизик мұхит бўлиб, асосан, уч бир-бирига боғлиқ таркибий бирикмадан: тупроқ, тупроқ ости ва тупроқ она жисмидан иборат.

Экология нүқтаи назаридан эндофизик мұхит бир қанча шаритлар мажмуасидан ташкил топган. Улар кимёвий, физик ва биотик табақага бўлинади. Бу омиллар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, биргаликда мураккаб ва жуда ҳаракатчан тизимни барпо қиласди.

Одатда, ернинг тупроқ қатлами, ўсимликлар қоплами каби бир хил эмас. Тупроқ табиий жисм. У табиатнинг «биокос қоплами» ҳисобланади. Кўп ҳолларда тупроқнинг 1 м қатламида жуда кўп микроорганизмлар, замбуруғлар, актиномицетлар, бир ҳужайрали мавжудотлар,чувалчанглар ва ҳоказолар бўлади. Уларнинг бир хиллари тупроққа манфий таъсир қилиб, унумдорлиги, физик ҳусусиятларини яхшиласа, иккинчи хиллари салбий таъсир кўрсатади. Турли касалликлар келтириб чиқаради — ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини ёмонлаштириб, маҳсулдорлигини пасайтиради.

Ўсимлик ҳаётида тупроқнинг гумуси катта экологик аҳамиятга эга. У жуда кўп иссиқлик қуввати, асосий озиқ манбаи ҳисобланади. Гумус тупроқнинг сув, ҳаво режимлари ҳосил бўлишига имкон беради. Гумуснинг миқдори ва сифати барча мавжудотлар, шу жумладан, ўсимликлар ва ҳоказоларнинг қолдиқларидан шаклланадиган биомасса билан ифодаланади. Тупроқнинг ҳусусиятлари ўсимликка бевосита ва бавосита таъсир қиласди. Бевосита таъсир қиласдиган тупроқ омилларига тупроқ реакцияси, туз режими киради. Тупроқ эритмасининг реакцияси водород ионларининг концентрацияси (pH) га боғлиқ. Тупроқ реакцияси pH микробиологик, биокимёвий жараёнларга таъсир қиласди. Тупроқ эритмасининг реакцияси водород ионларининг концентрацияси (pH) га боғлиқ, мавжудотларга, ўсимлик қоплами ва турларининг тарқалишига таъсир қиласди. Тупроқ қатламларида pHнинг бир хил бўлмаслиги ўсимлик илдизларининг нотекис ўсишига олиб келади.

*Тупроқнинг туз режими экологик омил.* Ўсимликларнинг озиқлашишида бир қанча тузларнинг ионлари қатнашади. Шуни ҳам айтиш керакки, тузлар манбаи тупроқдан ташқари бўлган атмосфера ёғинлари ҳисобланади. Масалан, ҳар гектар майдонга атмосфера ёғинлари билан йилига 3–4 кг азот, 5 кг хлор, 4–10 кг кальций, 10–20 кг олтингугурт тушади. Ҳар бир ўсимлик ўз фаолияти учун маълум катион ва анионларни қабул қиласди. Тупроқ жуда кўп ўсимлик турлари ва гуруҳларининг тарқалишида экологик аҳамиятга эга.

Тупроқ экологик омил сифатида ўсимликларни ўзида ушлаб туради ва уни озуқа билан таъминлайди. Ўсимлик тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни олади. Унга тупроқнинг ҳусусият-

лари ва кимёвий таркиби ҳамда микрофлораси жуда катта таъсир қиласиди. Тупроқдаги ўсимликлар учун зарур бўлган кимёвий элементлардан азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт, темир ва бошқа макроэлементлар мис, бор, рух, молебден кабилар муҳим экологик аҳамиятга эга. Тупроқнинг таркибидаги турли тузларга ўсимликлар ўзига хос муносабат билдиради. Масалан, баъзи ўсимликлар карбонатли тузлари кўп бўлган тупроқларда яхши ўсади. Бундай ўсимликларга кальцефиллар дейилади. Уларга беда, тол, қарағай ва бошқалар киради.

Тупроқнинг маълум кимёвий моддаларга бойлигини кўрсатувчи ўсимликлар индикаторлар дейилади. Масалан, плаун ўсимлиги алюминийга бой тупроқларда; астрагал, итқуноқ руҳли; шувоқ, макка-жӯхори ўсимликлари эса олtinga бой тупроқларда ўсади.

Тупроқнинг муҳит сифатига мавжудотлар учун кўрсатадиган асосий белгилари: табиий, кимёвий таркиби ва унда моддаларнинг айланиб туриши киради. Тупроқда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар унинг (тупроқни) табиий-кимёвий хусусиятларини ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Тупроқ муҳитини ўзгаришига мавжудотларнинг бир қатламдан иккинчисига ўтиб юриши сабаб бўлиши ҳам мумкин. Тупроқдаги асосий органик модданинг умумий массасини ўсимликлар қолдиқлари ташкил қиласиди. Ўсимликларнинг илдиз, ангиз (ангиз ўсимликтин ўрилмай қолган қисми) массаси ҳамда унинг бутун ўсув давомида тўкилган барглари чириб, чириндига айланади. Мавжудотларни гумусин парчалаб кимёвий ўзгаришга олиб келади, натижада органик модда қолдиқларида микроорганизмларнинг яшашига шароит яратилади — тупроқда ҳаёт келиб чиқади. Бу ҳолат муҳим экологик аҳамиятга эга. Акс ҳолда, табиий мувозанат бузилали — тупроқ эса ўсимликлар ва ҳайвонат дунёси учун ўз мавқеини бажара олмайди.

## ОРОГРАФИЯ ОМИЛИ

**Орография омилари.** Орография деганда, ер курасининг турли шаклдаги, катталиқдаги баланд-пастликлари, яъни рельефи тушунилади. Рельефлар дўнгликлардан (мусбат) ва чуқурликлардан иборат (манфий) бўлиши мумкин. Экология жиҳатидан рельефлар энг катта рельефларга — мегорельеф ва макрорельефлар, шунингдек, майда шаклли микрорельеф ва нанорельефларга ажратилади. Ҳар иккисининг ўртасасига мезорельеф дейилади. Ҳар бир рельеф мавжудотларнинг яшаш жойларини шаклланишида ўзига хос аҳамиятга эга, лекин ўсимлик ва ҳайвонларга бевосита таъсир кўрсатмайди.

Улар айрим омилларнинг, айниқса, намлиқ ва иссиқликнинг тақсимланишида ўзига хос мавқега эга. Бу ўз навбатида яшаш жойларининг ҳар хиллигини кўпайишига олиб келади. Рельефнинг асосий хиллари қўйидаги таърифга эга.

*Нанорельеф* — кўрсичқонлар, чумолилар томонидан ҳосил қилинган жуда майда дўнгликлар. Нанорельефларнинг шаклланишида ўсимликлар ҳам фаол таъсири кўрсатади. Ўсимлик туплари атрофида жуда кичик дўнгчалар ҳосил бўлиши мумкин.

*Микрорельеф* — турли фалласимон ўсимликлар таъсирида ҳосил бўлган дўнглик ва чуқурчалардан иборат. Улар ўсимликлар учун ўзига хос шароит яратади. Бундай ҳолатнинг фарқини кўшни дала билан солиштирганда кўриш мумкин.

*Мезорельеф* — турли чуқурликлар, дарё соҳиллари, барханлар, тоғдаги горлар ва ҳоказолар. Бундай дўнгликларнинг шимолий ва жанубий ёнбағирликларини исиши текисликларга нисбатан ҳар хил. Шунинг учун жанубий ва шимолий ёнбағирликлар ўсимликларнинг ўзишига ўзига хос шароит яратади. Дўнгликларнинг ёнбағирларидан сув оқиб, унинг унумдор қатламини ювиб кетиши мумкин. Натижада, у пастки қатламда тўпланиб, ўсимлик хилларининг кўпайишига, янги биогеоценозлар ҳосил бўлишига олиб келади.

*Макрорельеф* — тоғ ёнбағирликлари, текисликлар, тоғ чўққилиари, паст текисликлар, тоғ оралиқларидаги пастқам жойлар. Тоғлиқ туманларда нисбий баландликлар ҳосил бўлади. Бу турли иқлим мажмуаларининг ҳосил бўлишига олиб келади, ундан ерларда ўзига хос ўсимликлар ҳосил бўлади. Тоғ шароитида ўсимликларнинг шаклланиши ҳароратнинг ўзгаришига, ёнбағирликларнинг ҳолатига боғлик. Тоғда ҳар 100 м баландга кўтарилиганда ҳарорат  $0,5-0,6^{\circ}\text{C}$  га пасаяди, ёруғлик, ёғингарчилик кўпайиб,  $\text{CO}_2$ нинг концентрацияси ўзгариади.

*Мегарельеф* — қитъалар миқёсидаги чўққи мажмуаларига айтилади. Буларга тоғ тизмалари, мамлакат текисликлари киради. Рельефлар экология омили сифатида шамол, ҳарорат, ўсимлик ва бошқа мавжудотларнинг тарқалиши, яшаш муҳитининг ҳолатини ўзгаришида муҳим аҳамиятга эга.

## БИОТИК ОМИЛЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

### Мавжудотларнинг биогеоценоздаги ўзаро муносабатлари

*Биотик омиллар*. Мавжудотлар, яъни тирик организмларнинг (ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси) бир-бирига кўрсатган турли му-

носабатларидан иборат бўлиб, мұхитнинг қучли, яъни биоген омили ҳисобланади. Барча мавжудотлар бутун ҳаёт жараёнида маромида ўсиши, ривожланиши, маҳсулот бериши, насл қолдириши учун бир-бирлари билан маълум даражада муносабатда бўлади.

Биотик омилларнинг гуруҳлари ўзаро муносабатларига кўра 6 гуруҳга бўлинади.

1. Ўсимликларнинг ўсимликларга таъсир кўрсатиши.
2. Ўсимликларнинг ҳайвонларга таъсир кўрсатиши.
3. Ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсир кўрсатиши.
4. Ҳайвонларнинг ҳайвонларга таъсир кўрсатиши.
5. Микроорганизмларнинг ўсимлик ва ҳайвонларга таъсир кўрсатиши.
6. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши.

*Ўсимликларнинг ўсимликларга таъсир кўрсатиши (симбиоз ёки мутуализм).* Бир тур ёки бир турга кирувчи индивидлар, популяцияларнинг бир-бирига бўлган таъсиридан иборат. Бундай курашиб, таъсир қилиш натижасида ўсимликлар ўсади, ривожланади, насл қолдиради, яъни уруф ва мева спора ҳосил қиласи ҳамда уларнинг ёрдамида атроф-мухитга тарқалади. Ўсимликлар бир-бирларига таъсир кўрсатишида улар ўзаро яшаш учун курашади. Масалан, маданий экинлар орасидаги бегона ўтлар. Даҳа экинлари орасида шамак, сиғирқуйруқ, ёввойи гултожихўроз, шўра, гумай, ачириқ, саломалейкүм, кўйпечак ва бошқа ўтлар (4,5,6,7,8,9,10-расмлар). Бундай кураш оқибатида ўсимликларда текинхўрлик (паразитлик) ҳамкорлик (симбиоз), бетарафлик (нейтраллик) алоқалари келиб чиқади.

*Ўсимликларнинг ҳайвонларга таъсири.* Буни заҳарли ва ҳашаротхўр ўсимликлар мисолида тушунтириш мумкин. Ҳайвонлар таркибида заҳарли моддалари бўлган ўсимликларни (айиқтовон, кампирчопон, қирқбўғим, какра, бангидевона, мингдевона, санграй қулоқ, қизилпойча ва бошқалар) еб қўйганларида заҳарланиб қолиши мумкин. Заҳарланган ҳайвонларнинг ичак ва ошқозон шиллиқ пардасида қон тўпланади, ичи кетади, буйраги, асаб ва нафас олиш тизимлари ишдан чиқади.

Ҳашаротлар билан озиқланадиган: росянка, венерин (пашшатутарлар) пузирчатка каби бир қанча ботқоқли шароитда ўсадиган ўсимликлар маълум. Ботқоқли ерларда азотли моддалар жуда кам бўлганлиги сабабли ҳашаротхўр ўсимликлар ўзларининг азотга бўлган эҳтиёжларини ўша шароитда ҳаёт кечирадиган ҳашаротлар билан озиқланиш ҳисобига тўлдиради. Бунинг учун ҳашаротхўр ўсимликлар мах-

сус мосламаларга эга бўлиши лозим. Улар ўзларининг поя ва барг тукчаларидан маҳсус суюқликлар ажратади ва бу суюқликка ёпишиб қолган ҳашаротларни эритиб, парчалаб, ўсимликлар томонидан сўриладиган ҳолатга олиб келади. Шунингдек, ўсимликлар айрим ҳашаротлар (термитлар, пашшалар, арилар, каналар ва бошқалар) учун бошпана — ин қурадиган маскан вазифасини ҳам бажаради.

*Ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсири.* Одатда, кўп ҳайвонлар ўсимликлар билан озиқланади. Масалан, ҳайвонлар ўсимликлар билан озиқланганда (тупроқ немотадлари, макро-микрофитофаглар) споралар, уруғ ва меваларининг тарқалишига сабабчи бўлади. Айрим зааркунанда ҳашаротлар ўсимликларга катта зарар келтиради. Фўза қурти сабзавот экинлари, донли экинлар ва ўрмон дараҳтларининг илдизлари, поялари ва баргларини кемириш йўли билан катта зарар етказади (11,12,13,14,15-расмлар).

*Ҳайвонларнинг ҳайвонларга таъсирини йиртқич ҳайвонлар билан оддий ўтхўр ҳайвонлар, ҳашаротлар ўртасидаги муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Бунга йиртқич ҳайвондан ўлжа ҳайвоннинг қочиши, ҳашаротлар ҳашаротларни қириши яққол мисол бўла олади (16,17,18, 19-расмлар).*

*Микроорганизмларни ўсимлик ва ҳайвонларга таъсири.* Буни турли хил касалликлар тарқатувчи микроблар, вируслар, бактериялар ва зааркунанда замбуруглар фаолиятидан кўриш мумкин. Микроорганизмлар ўсимлик ва ҳайвонларнинг тупроқ шароитида бирга яшаши оқибатида келиб чиқади. Улар ўзаро мураккаб муносабатларда — озиқ занжирида рўй беради.

Мавжудотлар биргаликда яшаганда, уларнинг муносабатлари ўзаро фойдали, заарли ёки бефарқ бўлиши табиий. Ўзаро муносабатлар ҳар икки мавжудотга фойдали бўлганда симбиоз (мутуализм)<sup>++</sup>, биттасига фойдали иккинчиси бефарқ (комменсализм)<sup>+0</sup>, биттасига фойдали иккинчисига заарли (йиртқичлик)<sup>+−</sup>, биттасига фойдали иккинчисига заарли (зааркунада)<sup>−+</sup>, ҳар иккисига (фойда-зарарсиз, бефарқлик) 00, биттасига бефарқ иккинчисига заарли (антибиоз) ҳолатлари бўлиши мумкин. Бунда бир мавжудот ажратган заҳар иккинчисига зиён келтиради. 0 — икки мавжудот бирга яшаганда ҳар иккисига фойда ёки заарли — (рақобат) бўлиши мумкин. Рақобат турлар ичida ва турлараро орасида кузатилади. Тур ичидаги рақобат кучли бўлганлиги сабабли — у табиий танлаш ва тур ҳосил бўлишига олиб келади (— ёки ++).

*Мавжудотларнинг овқатланиши хилларига қараб экологик мавқеи таснифи.* Маълумки, барча мавжудотлар озиқланиш хилларига қараб

автотроф ва гетротрофларга бўлинади. Бундай мавжудотларни экологик мавқеи ҳар хил, шунинг учун улар бир неча гуруҳларга бўлиниди:

1. Продуцентлар (яратувчилар) автотроф мавжудотлар бўлиб, улар неорганик бирикмалардан, органик моддалар ҳосил қиласиди. Органик моддалар барча мавжудотлар учун озиқ ҳисобланади, продуцентларнинг экологик мавқеи шундан иборатки, улар озиқ занжирининг бошланишини ташкил қиласиди ва моддалар алмашинуви доирасида анерганик моддаларни органик моддаларга ўтишини амалга оширади. Продуцентларга барча ўсимликлар (сув ўтлари, ёпиқ уруғлар, очиқ уруғлар ва бошқалар) шунингдек, хемосинтезлар (масалан, серобактериялар) киради.

2. Консументлар (истеъмол қилувчилар) — фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи ва қисман уларни анерганик моддаларга ҳамда органик моддаларни қисман янги бирикмаларга айлантирувчи мавжудотлар мажмусидан иборат.

Консументлар органик моддаларни озиқ занжирининг бир бўла-  
гидан иккинчи бўлагига «узатиб» туради. Консументлар озиқ занжирида ўрнашишига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Биринчи тартибли консументлар — ўсимликхўр мавжудотлар (от, қўй, қорамол, қуён ва бошқалар) бўлиб, улар ўсимлик органик моддаларини ҳайвонлар органик моддаларига (гўшт, сут, ёғ) ва органик моддаларнинг унча кўп бўлмаган қисмини эса, нафас олиш жараёнида, диссимиляция ҳисобига анерганик моддаларга айлантиради.

Иккинчи тартибли консументлар — этхўр мавжудотлар бўлиб, улар бошқа ҳайвонлар қисман ўтхўр ҳайвонлар билан озиқланади. Консументларнинг юқори тартиблilари ҳам маълум.


Редуцентлар (тикловчи) — ҳаёт фаолияти давомида (бактериялар ва замбуруғлар) органик моддалар қолдиқларини анерганик моддаларга парчаловчи гетеротроф мавжудотлар. Гетеротрофларга чири туви бактериялар, замбуруғлар (сапрофитлар) ёмғир чувалчанглари ва бошқалар ҳам киради. Редуцентлар орасида, детритлар билан озиқланувчи мавжудотлар — детритофаглар алоҳида ўринга эга.

Редуцентларнинг ҳаёт фаолияти туфайли озиқ занжири тугалланади, яъни моддаларни табиатда айланиши — анерганик моддалардан ҳосил бўлган органик моддаларни яна қайтадан, продуцентлар озиқланишининг асоси минерализацияланиш доирасига ўтиши рўй беради. Яъни, анерганик моддаларга ўтади. Шуни ҳам айтиш керакки,

редуцентлар фақат органик моддаларни анорганик моддаларга айлантирибина қолмай, уларнинг бир қисмини истеъмол қилиш йўли билан ўз танасини ҳосил қилиш орқали органик моддаларни синтезлайди. Лекин продуцентларнинг ҳаёт фаолияти натижасида анорганик моддаларнинг парчаланишидан органик моддаларнинг синтезланиши юқори бўлади.

Продуцентлар ҳаёт фаолиятида ҳам юқоридаги жараёнлар қайта-рилади, яъни анорганик моддалар парчаланишидан органик моддаларнинг синтезланиши устун туради. Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган мавжудотлар табиатда озиқ занжирини ҳосил қиласди, унинг ҳисобига моддалар ва қувватни ўзгариши рўй бериб, табиатда моддалар алмашинувини юзага келтиради.

Бу ҳолатни қуидаги тарх бўйича таърифлаш мумкин:



Озиқ занжири турли хил бўлиб, уларда жуда кўп мавжудотлар иштирок этади. Айрим озиқ занжирлари ўз фаолиятини тўхтатганда, унинг тармоқлари пайдо бўлади. Озиқ занжири ва тармоқларини қатнашчилари турли хил бўлишилиги табиатда уларни мустаҳкамлигини таъминлайди. Шунинг учун озиқ занжирининг бир қисми йўқ бўлганда, ўрнини бошқа бўлаги эгаллаб туради.

Оддий озиқ занжирига қуидагилар мисол бўлади:

1. Сув ҳавзаларида ўсадиган ўтсимон ўсимликлар (продуцентлар) → ўсимликхўр ҳашаротлар — қўнғизлар, ниначилар (биринча тартибли консументлар) → ер юзи ва сувдаги ҳашаротлар билан озиқланувчилар (оддий қурбақа ва бошқалар — иккинчи тартибли консументлар) → сувда судралиб юрувчилар (масалан, оддий сариқилон — учинчи тартибли консументлар) → оддий сариқилонлар билан озиқланувчи йиртқич қушлар) тўртинчи тартибли консументлар → ўлган йиртқич қушларнинг танасини чиритадиган чиритувчи бактериялар (редуцентлар).

2. Фалласимон ўтлар → фалласимон ўтлар билан озиқланувчи қушлар → одам → одамлар мурдасини парчаловчи чиритувчи бактериялар.


3. Фалласимонлар (буғдой) → чигирткалар → ерқазарлар → хоръ (хорёк — сасиқкузан) → сассиқкузанлар билан озиқланувчи йиртқич

қүшлар → йильтқич қүшларнинг ўлигини парчаловчи чиритувчи бактериялар.

Озиқ тармоғининг озиқ занжиридан асосий фарқи бир неча ўзаро боғланган озиқ тармоқларини мавжудлигидан иборат. Озиқ тармоқлари мавжудотлар бирлашмасининг (биогеоценозларда) табиатда эволюция жараёнларини ривожланиши туфайли пайдо бўлиб, табиатда мавжудотлар биогеоценозлар турғуллигининг асоси ҳисобланади. Ташки муҳитда унча катта бўлмаган ўзгаришлар пайдо бўлганда озиқ тармоғи мазкур бирлашмани узоқ вақт давомида сақлаб қолади. Лекин шароитнинг кескин ўзгариши мазкур биогеоценозни ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

*Мавжудотларнинг маҳсулдорлиги.* Ҳар қандай мавжудотнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг маҳсулдорлиги, яъни мазкур популяциянинг барча қатнашчилари (индивидуаларини) ўzlари яшаб турган худуд майдони бирлигига етиштирган биомассаси — маҳсулдорлиги ҳисобланади.

Мавжудотларнинг маҳсулдорлиги озиқ занжирида бир бўғиндан иккинчи бўғинга маълум қонун асосида камайиб боради ва ниҳоят, пирамида қоидасига бўйсунади.



Пирамиданинг асоси продуцентлар юқорисини эса энг кам (нолга яқин) биомасса ҳосил қилувчи редуцентлар ташкил этади. Мавжудотларнинг ҳар бир занжири тропик табақани ҳосил қилади. Улар ҳаётининг физиологияси бошқа жараёнлари учун зарур бўлган қувватнинг беш мартадан кўп бўлмаган қисмини йўқотади. Пирамидада ўз танасининг массасини бузилиши ҳисобига биомасса тўплайдиган мавжудотлар ҳам учрайди. Пирамида қоидасига биноан биогеоценозда турларнинг миқдори бошқарилишини бавосита кўрсатиш — мазкур турнинг миқдори пирамида қоидасига биноан ўзлаштирилган қувватга тўғри келадиган массадан ошиб кетмайди.

*Биоген омилларнинг таснифи.* Биоген омиллар икки гуруҳга бўлиниади: фитоген ва зооген. Фитоген (ўсимликлар) омиллар гомотипик ва гетротипик гуруҳларга бўлинади.

Ўсимликлар турлари ичидаги мулоқотига гомотипик, турлараро (ўртасидаги) мулоқотга эса гетротипик ҳолат дейилади. Одатда, турлар ичидаги кураш кетганда, улардан кучсизлари ҳалок бўлади. Масалан, ёш ўрмонзорда бир гектар ер майдонида бир неча минг туп дараҳт бўлади, катта бўлганда эса улардан 700—800 таси қолади, холос. Лекин шуни айтиш керакки, дараҳт сонининг камайиши билан умумий биомасса маҳсулоти камаймайди. Ўсимликлар орасида гетротипик мулоқот бўлганда, улар бир-бирига бевосита механик таъсир кўрсатади. Бир дараҳтнинг шохи иккинчисини ўраб (босиб) олади, ўсишига тўсқинлик қиласи. Унча ривожланмаган дараҳтларнинг озиқ моддалари, суви, ёруғлиги, иссиқлигини тортиб олади. Бошқа ўсимликларда ҳам шундай ҳолат рўй беради.

*Паразит ўсимликлар.* Масалан, зарпечак беда ва бошқа экинларига чирмалиб, уларни ўстирмайди (зараркунда — текинхўр + —), ҳатто қуритиб кўяди. Ўсимликлар бошқа ўсимликка ўзидан физиологик фаол моддаларни ажратиш йўли билан таъсир қиласи. Бундай ҳолда айрим ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашса, бошқалари (заифлари) секинлашади (комменсализм + 0).

Ўсимликлар зараркунандалардан сақданиши учун тикан, ўсимта, заҳарли моддалар ва шунга ўхшашларни ҳосил қиласи. Унинг ўзини ҳимоя қилиш воситаларга йўқотган қисмларини қайта тиклаш қобилияти ҳам киради. Ўсимликлар популяцияси (турлар бирикмалари) етарли даражада ўзларини ҳайвонлардан ҳимоя қилиш қобилиятига эга.

*Зооген омиллар.* Тупроқдаги турли ҳайвонлар бирикмаси (ценози) жуда кўп бўлиб, катта миқдорни ташкил қиласи. Тупроқдаги мавжудотлар ўсимликка турлича таъсир кўрсатади:чувалчанглар ўз ичаклари орқали тупроқни ўтказиб, ўсимлик қолдиқларини тупроқ билан аралаштиради ва унинг механик таркибини яхшилайди (мутуализм + +). Тупроқ мавжудотларининг бошқа бир хиллари кўпинча умуртқасизлар ва кемирувчи, сўрувчи ҳашаротлар, ўсимликларга бекёёс зарап етказади (зараркунда + —).

Кушлар, кемирувчилар ҳосилнинг катта қисмини нобуд қиласи. Ўрмон ва яйловларда ҳам кемирувчилар катта зарап кўрсатади. Агар ҳайвонларнинг сони кўпайиб кетса, унда ўсимликлар бутунлай нобуд бўлади ва ем-хашак базасига путур етади (зараркунда + —). Ҳайвонлар ўсимликларни чанглатиш ва уларнинг уруғларини тарқа-

тишида мұхим экологик аҳамиятта эга. Күпгина күшлар ўрмонзор, боғ ва далаларда бир қанча ҳашаротларни йўқ қилади.

*Антропоген омиллар ва уларнинг умумий таърифи.* Антропоген – антропос одам, инсон маъносины билдиради. Одам «Хомо сапиенс» биология турига мансуб, ер юзида кенг тарқалган. У биринчи пайдо бўлганда оддий тур бўлиб, унинг таъсири биотик омилларнинг таркибий қисми бўлган. Кейинчалик одамнинг табиатга бўлган таъсири тобора кенгайган ҳолда кучайиб боради. Бу маҳсус антропоген омил сифатида ажralиб чиқишга олиб келади. Ҳозирги вақтда «геология кучлари» таъсирига тенглаштирилмоқда. Антропоген омилларга қуидагилар киради:

1. Инсоннинг табиатга биотлар мажмуасининг таркибий қисми сифатида таъсир қилиши. Инсон мавжудот сифатида озиқ билан боғлик. У гетротроф, барҷаҳур мавжудот — йиртқич. Унинг ўлжаси ўсимликлар, ҳайвонлардан иборат. Инсон — биринчи, иккинчи ва учинчи тартибли консумент. У бир вақтнинг ўзида ўсимликлар, ўсимликхўрлар, этхўр ҳайвонлар билан озиқланади.

2. Инсон ақл-заковатга эга. Шунинг учун ҳам унинг табиатга таъсири ўзига хос ҳусусият касб этади. У бошқа мавжудотлар каби табиатдаги озиқлардан фойдаланибгина қолмай, ўзи ўсимлик ва чорва моллари маҳсулотларини сунъий равища етиширади. Инсон селекция методларини қўллаб, ўсимлик ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини маълум йўналиш буйича оширади.

3. Инсон сунъий бирикмалар (дориворлар, озиқ қўшимчалари ва бошқалар) яратиб, улар турли ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ва табиатни ўзгартиришга олиб келади.

4. Инсон томонидан яратилган саноат ва турар-жой бинолари бутун бир манзарани абиотик, биотик омиллар мажмуаларини ўзгартириб юборади. Қурилиш майдонларида ва табиий бойликлар қазиб олинаётган жойларда биоценоз ва биогеоценозлар бутунлай бузилиб кетади.

*Биоценоз ва биогеоценоз.* Ернинг бир хил майдонини эгаллаган – ўсимликлар, микроорганизмлар, ҳайвонлардан иборат мавжудотлар тўпламига биоценоз дейилади. Лекин мавжудотлар ўзаро ва атроф-муҳит билан ҳам мулоқотда бўлади. Бундай моддалар ва қувват алмашинуви билан ўзаро боғлиқ бўлган мавжудотларнинг умумий мажмуасига қотиб қолган (тирик эмас – жисмлар) тўпламларига (бирикмаларига) биогеоценоз ёки экология тизими дейилади.

Инсоннинг ҳозирги пайтда табиатга таъсир қилиш рўйхатини давом эттириш мумкин. Лекин уларнинг айримларини баён қилиш

билан кифояланамиз. Айни вақтда инсоннинг экологияяга хос мавқеи ўзгарди. Унинг бошланғич шаклланиш давридаги мавқеи биотик таъсири билан чегараланган бўлса, эндиликда, аввало, уни хўжалик фаолиятининг мавқеи ортди. Шунингдек, ақл доираси кенгайиши, аҳолисини ўсиши, табиатни ўзлаштириши, хўжалик юритиш усулларини ривожланиши кенгайди.

Табиий бойликларнинг қазиб олиниши ва қайта ишланиши ўша туманларда экологияни бузилишига олиб келади. Дехқончилик билан бир вақтда ўрмонларни ёкиш, йирик бинолар, йўллар қуриш, айниқса, темир йўл ўtkазиш, *авиацияни* қўлланишининг ҳаммаси табиатга салбий таъсир кўрсатмоқда. Атом қувватидан фойдаланиш мумкин қадар тез ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги вақтда инсон табиий бойликлардан оқилона фойдаланмаётганлиги сабабли илмий тадқиқот тараққиётининг қули бўлиб қолмоқда. Лекин инсон ақл заковатга эга эканлиги туфайли экология инқизоризидан чиқиш йўлларини изламоқда.

*Инсоннинг табиатга таъсири.* Унинг табиатга кўрсатган таъсири, онгли ва онгсиз бўлиши мумкин. Одамзот қўриқ ерларни ҳайдаб, экинзорлар (агроценоз) барпо қилади. Бундан ташқари, бир қанча ўсимлик навлари, ҳайвон зотларини яратмоқда. Бу ақлий, мақсадга мувофиқ таъсирдир. Ўсимликлар қопламига турли саноат марказлари, механизация, қишлоқ хўжалигига кимёвий моддаларни ишлатиш атроф-муҳитга салбий таъсир қилмоқда.

Инсоннинг табиатга онгли таъсири икки хил: фойдали ва зарарли бўлиши мумкин. Инсоннинг фойдали фаолиятига ўсимлик навларини яратиш, ҳайвон зотларини яхшилаш, ўрмон дарахтларини парваришилаш, сел оқимларининг олдини олиш учун инженерлик иншоотларни қуриш, эрозияга ва дефиляцияга, қурғоқчиликка қарши курашиш мақсадида (айниқса чўл-саҳро ҳудудларида) дарахтлар ўтказиш киради.

Унинг онгсиз фаолиятига табиатда мисли кўрилмаган салбий таассурот қолдирадиган ишлар киради: дарёларнинг саёzlаниши, тупроқ эрозиясининг кучайиши, ўсимлик ва ҳайвон турларининг йўқолиб кетиши, ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланиши, фойдали ҳашарот ва қушларнинг қирилиши киради. Шу муносабат билан инсон экологиясининг вазифаси, экотизим антропоген таассуротлар оқибатларини олдиндан кўра билиш лозим.

Шунинг учун мавжудотларга қулай, мос турар-жой яратиш, барча зарур омиллар билан етарли даражада таъминлаш, айниқса, муҳимдир. Чунки шундай қилингандагина дунёда ҳаёт давом этади.

Дунёда ҳаёт маромида бўлиши учун экологияни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилишни тақозо қилади.

*Антропоген омиллар таъсирида келиб чиқадиган экологик муаммоларнинг қисқа таърифи.* Ҳозирги вақтда инсоннинг биосфера га кўрсатаётган таъсири оқибатида умумсайёра аҳамиятига эга бўлган экологик муаммолар келиб чиқмоқда.

*Озон қатлами муаммоси.* Озон қатлами тропосфера билан стратосфера ўртасида жойлашган бўлиб, у ер юзини кучли, барча мавжудотларни фалокатга олиб келувчи, зангори (фиолет) нурлардан сақлади. Озон қатламида  $O_3$  миқдорини камайиши маълум аҳамиятга эга. Озон қуюқлиги(концентрацияси)нинг камайиши уни фойдали таъсир қилиш самараорлигини сусайтиради.

Кейинги вақтларда озон қатлами сийраклашган худудларда ёриқлар пайдо бўлмоқда. Бундай ёриқлар (тешиклар) ернинг Шимолий ва Жанубий қутбларида ҳосил бўлган. Шундан иккинчи ёриқлик катталиги бўйича биринчисидан анча фарқ қилади. Антрактида устидаги «озон ёриқлик» майдони 22 млн кв. км.ни ташкил қилади. Озон ёриқлиги майдони ўзгариб туради. У ёзда катталашади, қишида эса қисқаради. Россия худудида озон ёриқлиги Ёкутистонда, Коми Республикасида, Узоқ Шарқ туманларида кузатилган. Топилган озон ёриқлари орқали ультразангори нурлар ўз кучини сусайтирган ҳолда ўтади. Кейинги йилларда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари «озон ёриқлари» антропоген омиллар таъсири — атмосферага озонни парчалайдиган чиқинди моддаларни тарқатиш оқибатида пайдо бўлмоқда.

Озон сув буғлари, азот оксидлари ( $N_2O$ ,  $NO$ ,  $NO_2$ ) хлор II оксида ( $Cl_2O$ ) таъсирида парчаланади. Стротосферанинг қуий қатламларида озон кислород атоми ва молекуласининг:  $O_2 + O = O_3$  бирикиши асосида ҳосил бўлади. Керакли миқдордаги озон ҳосил бўлиши учун ҳарорат нисбатан юқори бўлмаслиги ва жараённи оптимал даражада бориши учун эса кислород атомларининг концентрацияси (қуюқлиги) етарли бўлиши лозим. Кейинги вақтда хлор (C) атомининг озонни парчалашга таъсир қилиши аниқланган. Фреонларнинг фотокимёвий парчалашида, аэроздоллар олишда ишлатиладиган моддалар парчаланади.

Ўтказилган тадқиқотлар озон қатламини бузилишида музлатиш курилмаларининг (фреонларининг) таъсири катта эканлигини кўрсатмоқда. Бу моддалар ўзининг молекуляр массалари катталигига қарамай, ҳаво турбулент оқими билан атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилиб, озон қатламини парчалаш жараёнида қатнашади.

Озон қатламининг бузилишига товушдан тез учар самолётлар ва

ернинг сунъий йўлдошлари учирилиши ҳам катта салбий таъсир кўрсатади. Олимларнинг озон қатлами емирилишини камайтириши устида олиб бораётган ишлари диққатга сазовар. Масалан, фреон ўрнини босадиган, озон қатламини емирмайдиган моддаларни топиш устида олиб борилаётган ишлар катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, атмосферага азот оксидлари кириши, шу билан озон қатламини емирилишни ва инсон танасига заҳарли таъсир кўрсатадиган нордон ёмғирлар ҳосил қиладиган моддаларни камайтириш ҳам ўта долзарб масала.

*Нордон ёмғирлар муаммоси.* Ёмғир сувларининг таркибида pH-6 кам бўлса, нордон ёмғир дейилади. Ўсимликлар ва ҳайвонлар нейтрал (ўрта) ва кам ишқорли мухитда маромида ҳаёт кечиради. Бунда ҳар бир мавжудот учун pHнинг оптимал даражаси мухим аҳамиятга эга. Ундан кам ёки юқори бўлишлiği мавжудотнинг яшашига салбий таъсир қиласи — касалланишига, ҳатто бутунлай нобуд бўлишига олиб келади.

Нордон ёмғир атмосферага турли йўллар билан кириб қолган хлор, хлор водородларнинг эритмалари ҳисобига ҳосил бўлади.

Таркибида олтингугурт (IV-оксида) бўлган ёқилфилар ёқилгандага олтингугурт гази ҳосил бўлиб, у сувда эриганда олтингугурт кислотасини ҳосил қиласи.

Кислотали нордон ёмғир сувдаги pH - 5,5 бўлганда, ўсимлик ва балиқларнинг яшаши ёмонлашади, pH - 4,5 бўлганда эса балиқлар кўпаймайди. Нордон ёмғирлар тупроққа тушганда ундаги мавжудотлар фаолиятини ёмонлаштиради. Лекин тупроқ нордон ёмғирни нейтраллаш хусусиятига эга.

*Пестицидлар муаммоси.* Пестицидлар — у ёки бу заарли мавжудотларни қириш учун ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддалар. Улар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Антигельмитлар — гельмитларга (чувалчангларга) қарши ишлатиладиган моддалар.
2. Афицидлар — шира(тля)га қарши ишлатиладиган моддалар.
3. Бактерицитлар — бактерияларга қарши ишлатиладиган моддалар.
4. Гербицидлар — бегона ўтларга қарши ишлатиладиган моддалар.
5. Дефолятлар — ўсимлик баргларини тўкишда ишлатиладиган моддалар.
6. Зооцидлар — кемирувчиларга қарши ишлатиладиган моддалар.
7. Инсектицидлар — ҳашаротларга қарши ишлатиладиган моддалар.

8. Уруғларни дорилашда — уруғларни экишдан олдин улардаги бактерия ва замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликларга қарши ишлатиладиган моддалар.

9. Ауксинлар — ўсимликлар ўсиши ва ривожланишини бошқара-диган кимёвий моддалар.

10. Фунгициллар — зааркунанда (паразит) замбуруғларга қарши курашадиган моддалар.

Пестицидлар ҳашаротларга қарши курашишда ишлатиладиган са-марали моддалар бўлиб, экинлар ҳосилдорлигини оширишга таъсир қиласидиган омиллар ҳисобланади.

Пестицидларга сарфланган харажатлар ўзини тез қоплади. Лекин шунга қарамай, уларнинг экологияга таъсирини ҳисобга олиш лозим. Айрим пестицидлар узоқ вақтгача парчаланиб кетмаган, ўзининг заҳарли хусусиятини сақлади. Улар ўсимлик ва ҳайвонлар та-насида тўпланиб бораверади. Мавжудотларнинг овқат ҳазм қилиш органларини заҳарлади. Шунинг учун ДДТни ишлатиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда дефолятлар узоқ вақт ва кўп ишлатилиши эколо-гияга катта зарар етказди. Ҳозирги вақтда пестицидларни ишлатишни иложи борича камайтириш, уларнинг ўрнига биология усуллари-ни қўллаш масаласи қўйилган.

### **Антрапоген омил таъсирида иқлимининг ўзгариши муаммолари**

Инсоннинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти атмосферанинг исишига, шунингдек, ер юзидан иссиқлик қайтишига тўсқинлик қилаётган кимёвий моддалар билан ифлосланишига олиб келмоқда. Шу туфайли, яъни ер курасининг исиши — музликлар эриши, дунё океанла-рида сув сатҳининг кўтарилиши кузатиляпти. Шу билан биргаликда, қуёш нурларини ерга тушишига (жумладан, инфрақизил нурларни) тўсқинлик қиласидиган, атмосферанинг совишига сабаб бўладиган чанглар билан қопланиши юз берётир. Ер юзининг совишига ўрмон дарахтларини қирқиб ташлаш натижасида иссиқликни қайтарадиган очиқ майдонлар сабаб бўляпти.

Ўрмон яшил ўсимликлари қуёш нурларини (улар ўзларига синг-дириб олади) саҳро-чўл сатҳига нисбатан кам қайтаради. Сайёрамиз иқлимига антропоген таъсир кўрсатадиган икки оқим тавсифи қуйидагича:

Ернинг исишига газ кўрпаси (парниковый эффект) олиб кела-ди, унинг маъноси қуйидагидан иборат. Атмосфера иссиқлик нурла-

рини ютиб олади, натижада иссиқликни дунё кенглигига қайтиши қийинлашади. Газ күрпасида сув, карбон гази, метан, азот оксиди, олтингүарт, фреонлар иссиқлик келиб чиқишига олиб келади. Бунга ўзининг энг кўп ҳиссасини карбонат ангидрид гази қўшади, чунки инсоннинг ишлаб чиқариши фаолияти натижасида унинг концентрацияси (куюқлашиши) тобора ортиб боради.

Тажриблар асосида аниқланишича, 1850 йилдан 1978 йилгача  $\text{CO}_2$  газининг концентрацияси 0,027—0,033 % ҳажми бўйича ортган ва ўсиб бормоқда, тахмин қилинишича у 2000 йилларга келиб 0,04—0,05 % ташкил этади.

Углерод (IV) оксиди (карбонат ангидридни) концентрациясининг ортиши антропоген фаолияти билан боғлиқ. Бу турли хилдаги қувватни олиш мақсадида катта миқдордаги ёқилғиларни ёкиш, шунингдек, табиий ҳолатда турли органик моддаларнинг ёниши, мавжудотлар нафас олиши туфайли ҳосил бўлиши мумкин. Лекин кутилганга кўра, бу газни  $\text{CO}_2$  концентрациясини ошиши анча секин. Бунга сабаб унинг ортиши билан фотосинтез жараёни тезлашади.

$\text{CO}_2$  газининг боғланишига олиб келадиган сабаб океан сувларига ютилиши ва эримайдиган чўкинди тоғ жинслар таркибига кирадиган карбонатлар ҳосил бўлиши, шунга қарамай атмосферада карбонат ангидрид газини кўпайиши содир бўлмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун йиғиб олиб, халқ хўжалигида фойдаланиш керак.

Газ кўрпаси иқлимининг совиши билан баробарланиши мумкин. Ер юзидағи катта ўрмонларни беҳудага қирқиб ташлаш ерларнинг чўлга айланишига олиб келади. Иқлим совишига атмосферанинг юқори қатламлари чанг билан қопланиши ҳам сабаб бўлади. Бу қўёш иссиқлигини атмосфера қуий қатламларига ўтишига тўсқинлик қилади.

## МАВЖУДОТЛАРНИНГ ТАБИАТДАГИ ЯШАШ МАСКАНИ (ЭКОЛОГИК НИША)

Мавжудотлар табиатда яшашга имкон топиш учун (маълум масканни) — экологик нишани эгаллайдилар. «Экониша» атамаси 1928 или Ж.Грицкел томонидан қўлланилган бўлса-да, лекин шу вақтгача аниқлик киритилмаган.

Ҳозирги даврда экологик ниша — бу турларни абиотик шароитларга нисбатан тутган ўрни, ҳолатлари ва фаолиятининг мавқенини билдиради.

Экологик ниша сўзи мавжудотларни табиатда — ташқи муҳитда яшашлари, яъни бошпана, озиқ топишлари, насл қолдиришлари учун маълум шароитга мослашиши маъносига тўла жавоб бермайди. Чунки ниша беш томони берк жой маъносини билдиради. Бундай жойда мавжудотлар яшashi, озуқа топиши учун имкон йўқ. Мавжудотларнинг табиатда яшаш учун озуқа, бошпана топиш, кўпайиш, насл беришларига маскан сўзи тўла жавоб беради. Шунинг учун табиий мувозанат (экология)га оид адабиётларда экологик ниша ўрнига экология маскани сўзи ишлатилса, тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Табиатда ҳар бир мавжудот, тур маромида ҳаёт кечириши учун у якка ҳолда яшай олмайди — ўз атрофидагилар билан биргалиқда кун кечиради. Уларни биргалиқда яшашига биоценоз дейилади. Биоценознинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиши мумкин. Бунга оддий лишайниклар (сув ўтлари ва замбуруғлар бирикмаси — симбиоз ҳолда яшайдиган мавжудотлар бирикмаси)дан бошлаб, чўл, ўрмон ва шунга ўхшаш манзараларгача бўлган ҳолатни мисол қилиб олиш мумкин.

Биоценозларда бактериялар ва бошқа микроорганизмлар ҳам бўлади. Биоценозларнинг келиб чиқиши ва яшashi асосида маълум жойдаги, ҳудуддаги мавжудотларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари, ташқи муҳитга бўлган талаблари ва таъсири ётади. Бундай муносабатлар бевоситали ва бавоситали бўлиши мумкин.

Биоценозда ҳар бир турнинг экологиядаги (табиий мувозанатдағи) ўрни — масканига экониша дейилади. Экологик ниша бошқача қилиб айтганда, мавжудотларнинг табиатда эгаллаган ўрни — ҳаёт тарзи, озиқланиш усули тушунилади.

Биоценозда мавжудотлар бирга яшаганда бир-бирлари билан маълум алоқада бўлади. Буларга тропик бир турнинг иккинчи тур билан озиқланиши (бундай ўлжа тирик ёки ўлик ҳолда емиш бўлади); тропик — бир тур иккинчи турнинг яшаш шароитини ўзлаштириб олиши (дараҳтлар танасида лишайникларни яшashi, ўрмон дараҳтлари томонидан шу ерларда ўсувчи ўтлар ҳаётига кўрсатадиган таъсири); флорик — бир турнинг тарқалишига иккинчи турнинг таъсири (кўпгина ҳайвонлар томонидан ўсимлик уруғлари, меваларини тарқатилиши).

Уруғ ва меваларнинг бундай тарқалиши фойдали ёки салбий бўлиши мумкин. Фабрик — бир тур ўзига ин куриши учун бошқа турнинг қолдиқларидан фойдаланиши (қушлар ин куриши учун дараҳтларнинг барглари, шохчалари ва ҳайвонларнинг жун ва патларидан фойдаланади). Биоценозда яшаётган мавжудотлар ҳаёт тарзига кўра,

ўзаро бир неча хил алоқаларга шу жумладан, озиқланиш, озиқалар топиш каби алоқаларда ҳам бўлади. Бу уларнинг биогеоценозда яашаш тарзини аниқлайди. Яъни, мавжудотларнинг яшааш тарзи уларни яашаш майдонининг устки қатламигагина боғлиқ бўлиб қолмай, унинг пастки (ички) қатламларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Биогеоценоздаги барча мавжудотлар органик моддалар ҳосил қилувчилар (яратувчилар — продуцентлар) ва истеъмол қилувчилар (консументлар), тўпловчилар (редуцентлар) сифатида фаоллик кўрсатади. Шундай қилиб, масканлар ҳудудий маънодагина бўлиб қолмай, биогеоценозда мавжудотларнинг фаоллигини ифодаловчи ҳолат сифатида ҳам намоён бўлади.

Бирор тур ёки популяциянинг қайси масканга мансублиги унинг озиқланишига, озуқа топишига қараб белгиланади. Масалан, яшил ўсимликлар биогеоценозда бир неча хил масканларда иштирок этади. Улар илдиз, барг, гул ва мевалар билан озиқланувчи турлар бўлиши мумкин. Ҳар бир маскан гуруҳи турлари хилма-хил мавжудотларни ўз ичига бирлаштиради. Масалан, ўсимлик илдизлари билан нематодлар баъзи бир қўнғизларнинг куртлари (личинкалари) озиқланса, ўсимликлар ширасини сўрувчилар масканига ўсимлик битлари, каналари киради. Масканлар ўз навбатида улардаги озиқ манбаларига қараб, кичик бирликларга ажраб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Очиқ чўл биогеоценоздаги мавжудотлар, асосан, ўт ўсимликлари билан озиқланади. Уларга отлар, қўйлар, сайғаклар, юмонқозиқлар, суғурлар ва сичқонсимонлар киради. Улар ўтхўрлар бўлсада, ўсимликларнинг турли қисмларини истеъмол қиласди. Масалан, от, қўйлардан ортиб қолган ўсимликлар қолдиқларини суғурлар истеъмол қиласди. Улардан ҳам қолганларини эса юмонқозиқлар, сичқонсимонлар истеъмол қиласди. Бундай ҳолат ўтхўр ҳайвонлар жамоаси ўсимликларнинг ҳосилидан фойдаланиш бўйича уч гуруҳга — масканга бўлинади. Бу ҳолат бир масканни иккинчиси тўлдиришига олиб келади, оқибатда ўсимликлар массасидан самарали фойдаланилади. Айрим ҳолларда табиий шароитнинг ўзгариши натижасида мавжудотлар бир маскандан иккинчисига кўчиб ўтади. Бу уларни янги шароитга мослашиб қобилиятига боғлиқ.

Экология масканлари турлар билан банд ёки банд бўлмаслиги мумкин, чунки у турлар экотартибда фаолият кўрсатадиган жой. Бунга ҳар хил экомасканларда ҳаёт кечирадиган мавжудотларни олиш мумкин. Масалан, кундузги ҳашаротлар билан озиқланадиган қуш-

лар кечаси, ҳашаротлар билан озиқланадиган қушлар билан озиқ манбай, кўпайиш жараёнлари учун рақобатлашмайди.

## САЙЁРАМИЗНИНГ ИСИШИ МУАММОСИ

Бутун дунёда ҳар йили 22 апрелда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган Ер куни ўтказилади. Лекин уни биронта давлат миллий байрам тариқасида эълон қилмаган. Ер кунига бағишланган тадбирий чоралар айрим олинган бирон ташкилотдагина эмас, балки бир қатор муассасаларда ўтказилади. Истироҳат боғларидан, мактабларда Ер кунига бағишланган тадбирлар ўтказилиб, саёрамиз бойликларини сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилинади. Шу нуқтаи назардан америкалик Жима Фуллернинг бутун дунё миқёсида ернинг исиши ҳақидаги имлый фикр ва мулоҳазалари дикқатга сазовор.

Олимларнинг тахминларига кўра, динозаврлар ерга тушган астроид фалокати оқибатида йўқ бўлиб кетишган. Астроид атмосфера га шунаقا кучли чанг тўзонни кўтарганки, қўёш бутунлай тўсилиб, ер уч йил давомида қоронғи — зимистон ичидан қолади. Ҳозирги вақтда олимлар инсон ҳаёт фаолияти иқлимининг ўзгариши туфайли бундан ҳам каттароқ фалокатларга дучор бўлиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Шу вақтгача бундай ўзгаришлар ер атмосферасини ташкил қилган газлар миқдори билан боғлиқ бўлган.

Табиатда мавжуд бўлган «газ кўрпаси» икки оксиди углерод, метан, азот оксиди ва сув бугларидан ҳосил бўлган. Улар ер ҳароратини ўртача  $15^{\circ}\text{C}$ да ушлаб турган. Бусиз табиий «кўрпа» таъсирида ернинг ҳарорати ҳозиргига нисбатан  $30^{\circ}\text{C}$  паст ва бизнинг саёрамиз Марс каби совуқ, ҳаётсиз ёки қипяланғоч бўлган бўлар эди

Газ кўрпаси ер юзида ҳароратни ушлаб туради. Чунки ер юзига тушган инфрақизил нурларни ёки иссиқликни вақтинча газлар ушлаб туради. Унинг самараси (эффекти) ойнаванд (парник)никига ўхшайди. Айни дамдаги долзарб муаммо шундан иборатки, инсон фаолияти оқибатида «газ кўрпаси» қалинлашмоқда. Масалан, катта миқдорда тошкўмир, нефт, табиий газлар ёқиши атмосферада катта миқдорда карбонат ангидрид газини чиқариб, тўпланиб қолишига сабаб бўлаётir.

Ўрмонларнинг йўқ қилиниши оқибатида уларнинг барглари орқали ўзлаштириладиган углерод атмосферага кўтарилимоқда. Чорвачилик, шоли етиштириш метан, азот (I) оксиди ва бошқа «газ кўрпаси» ҳосил қилувчи газларнинг ажралишига олиб келмоқда. Демограф-

фик портлаш бўлишига қадар, қазиб олинган ёқилғиларни кенг доирада ёқиш — табиатда «кўрпа» ҳосил қилувчи газлар балансини (тенглигини) сақлаб келган эди.

XIX асрда саноатнинг жадал ривожланиши янги эрани бошланишига асос солди. ИндустрIALIZАЦИЯ одамзотнинг табиатга бўлган таъсирини кучайишига олиб келди. Бу ҳолат, яъни атмосферада газларни, айниқса, карбонат ангидридининг кўпайиши олимларни ҳайратга солмоқда. Чунки улар ер юзига яқин қатламда иссиқликни ушлаб туриши туфайли атмосфера ҳарорати кўтарилишига йўл очди. Кучли «газ кўрпаси» самара дарорлигига Венерани мисол қилиб олиш мумкин, ундаги карбонат ангидрид атмосфера ҳароратини шу даражага кўтарганки, унда қўрошин бемалол эрийди.

Бутундунё қувват кенгаши 1997 йида 1990—1995 йиллар мобайнида карбонат ангидрид газининг атмосферага чиқиши 12 %га кўпайланлигини зълон қилди. Ушбу ташкилотнинг ҳисоб-китобига кўра, карбонат ангидрид шу даражада кўпайиб борса, унинг миқдори XXI асрга келиб, индустрIALIZАЦИЯга нисбатан икки мартадан ортиб кетади. Натижада, «глобал исиш» кейинги юз йилликда 1—3,5°C гача ортиши мумкин. Ерда ҳароратнинг кўтарилиши ўтган 10 минг йил ичида кузатилмаган.

Сайёрамиз исиётганлиги ҳақида маълумотлар бор. БМТнинг ат-роф-муҳит ҳақидаги (ЮНЕП) дастурига асосан, кейинги юз йилда ернинг ўртача ҳарорати тахминан 0,5°Cга ошган. Глобал исиш об-ҳавонинг ўзгаришига, сув тошқинлари кўпайишига, уларнинг таъсирида қишлоқ ва ўрмон хўжаликларида талафотлар юз беришига олиб келмоқда. Бундай талафотлар Тинч океаннинг шимолий-фарбий ҳудудлари ва Калифорнияда содир бўлган. АҚШнинг об-ҳаво хизмати кучли қор ёғиши, тупроқда намлик кўпайиб кетиши боис Ўрта-Фарбий Харасанг тоф ҳудудларида кейинги ўн йилликларда катта талафотлар юз бериши хусусида огоҳлантирилоқда. Бундай огоҳлантиришдан кўп ўтмай Огано дарёсининг Ўрта-Фарбий ҳудудида сув тошқини рўй бераб, кўплаб одамлар ҳалок бўлишига олиб келди.

1900 йилдан бошлаб Америка Кўшма Штатларида бундай табиий оғатларнинг сони 20 %га кўпайган. Мутахассислар табиий оғатлар сабабларини аниқлай олмаган бўлишса ҳам, улар глобал исишларнинг компьютер моделларига мос келмоқда.

Иқлимининг ўзгариши муносабати билан инсониятга хавф тудираётган ҳолат, айрим олимларнинг таъкидлашига кўра, чивинлар орқали тарқатилаётган безгак ва шунга ўхшашиб инфекцион касалликлардан иборат. Бундай хавф — чивинлар ва шунга ўхшашиб ҳашаротларнинг яшаш мұхити шимолга қараб кенгайиб бормоқда.

Глобал исиш хусусидаги маълумот АҚШ ва бошқа мамлакатлар раҳбарлари томонидан 1992 йили биринчи иқлимни ўзгартириш ҳақидағи БМТнинг ҳуқуқий хужжатига имзо чекилишига олиб келди. Бу концепцияга ўз ҳоҳишлари билан имзо қўйган давлатлар атмосферада «газ кўрпаси»ни ҳосил қиласидан газлар ишлаб чиқаришни камайтиришга мажбуриятлар олишган.

## ЕР КУРАСИ ҚОБИФИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Хозирги вақтда инсон (антропоген) таъсири сайёрамизнинг барча доирасига кириб борди, шунинг учун ерни ҳар бир қобифининг таърифини билиш лозим. Ер ядро, ички қобиқ, ер қобиги, литосфера, гидросфера ва атмосферадан иборат. Ерга мавжудотлар, шу жумладан, инсоннинг таъсири натижасида яна икки қобиқ — биосфера ва ноосфера ҳосил бўлди. Инсоннинг фаолияти — атмосфера, гидросфера, литосфера, биосфера ва ноосферагача тарқалган. Ер курасининг қисқача таърифи ва унга одамзотнинг таъсири қўйидагилардан иборат.

### Атмосферанинг қисқача таърифи

Атмосфера — ернинг ташқи қобиги. Унинг пастки қисми литосфера ёки гидросфера билан, юқори қисми эса сайёралараро кенглик билан тулашиб кетган.

Атмосфера уч қисмдан ташкил топган:

1. *Тропосфера* (атмосферанинг қуи қисми) ер юзасидан 15 км баланд. Тропосфера ҳаво билан қопланган. Ҳаво — табиий газлар аралашмасидан иборат бўлиб, нисбатан турғун таркибий қисмга эга. У маромида 78 % молекуляр азот, 21 % молекуляр кислород, 0,03 % карбонат ангидрид, 1 % инерт газлар, унча кўп бўлмаган сув буғларидан ташкил топган бўлиб, унинг зичлиги юқори қисмига борган сари камая боради. Тропосферанинг юқори қисми озон экранни билан тулашган — озон қатламишининг қалинлиги 7—8 км. Озон экранни ер юзидаги, қуруқлик ва сувдаги барча мавжудотлар учун юқори қувватга эга кучли заарли ультразангори (ультрафиолет) нурлардан ушлаб (сақлаб) туради. Тропосфера қуи қатламишининг дениз сатҳидан 5 км баландликдаги қисми мавжудотларнинг яшаш ҳаво муҳити ҳисобланади. Шундан унинг сув ёки қуруқлик сатҳидан 100 м баландликдаги атмосфера қисмida мавжудотлар энг кўп, тўғрироғи зич жойлашган.

2. *Стратосфера* — атмосферанинг ўрта қатлами, у денгиз сатҳидан 100 км баландликдан иборат. Стратосфера сийрак газ билан тўлишган (азот, водород, гелий ва ҳоказо), у ионосферага ўтади.

3. *Ионосфера* — атмосферанинг юқори қисми, у сайёralар ораликлари кенгликларига ўтиб кетади.

Ионосфера молекулаларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган ионлар, электронлар ва бошқа ҳаво заррачалари билан тўлган. Ионосферанинг пастки қисмida «Шимолий ёриқлик» келиб чиқади. У қутбларда жойлашган туманларда кузатилади. Экология нуқтаи назаридан тропосфера муҳим аҳамиятга эга.

*Литосфера ва гидросферанинг қисқача таърифи.* Ер юзининг тропосфера остидаги қисми бир хил эмас. Унинг бир қисми сув билан банд. У гидросферани, бошқа қисми қуруқликни — литосферани ҳосил қиласди. Литосфера — ер курасининг қаттиқ қобиғи, тош жисмлардан ташкил топган (шундан унинг номи — «литос» тош маъносини билдиради). У икки қатламли. Унинг юқори қисми, гранитлар, чўқинди, қуий қисми эса қаттиқ базальт тоғ жинсларидан иборат. Литосферанинг бир қисми сув (дунё океанлари), иккинчи қисми эса қуруқлик бўлиб, у ер юзининг 30 %ни ташкил қиласди. Қуруқликнинг энг юза қисми унумдорлик хусусиятига эга — тупроқ билан қопланган.

Тупроқ мавжудотларнинг яшаш муҳити, литосфера эса субстрат бўлиб, унда айрим жониворлар яшайди. Инсоннинг литосферани юза қисмига таъсири ниҳоятда кучли.

*Гидросфера* — ер юзининг сув қобиғи, у ер юзидағи барча сув ҳавзаларидан иборат. Гидросферанинг чуқурлиги ҳар ерда ҳар хил бўлиб, у ўртача 3,8 км, айрим жойларда 11 км. га етади. Гидросфера ерда яшовчи барча мавжудотлар учун сув манбаи ҳисобланади. У кучли гидрологияга хос куч бўлиб, сув ва бошқа моддаларнинг айланишини таъминлайдиган «ҳаёт бешиги» ва сув муҳитида ҳаёт кеширувчи мавжудотлар учун яшаш маскани ҳисобланади. Инсоннинг гидросферага таъсири ҳам катта.

*Биосфера ва ноосферанинг умумий таърифи.* Ерда ҳаёт пайдо бўлгандан бошлаб, унинг янги маҳсус қобиғи биосфера ҳосил бўлди. Биосфера (ҳаёт қобиғи) — ер қобигининг мавжудотлар яшайдиган қисми. Биосфера тропосферанинг қуий, литосферанинг юқори ва гидросферанинг барча қисмини ўз ичига олади.

Биосферани геологияга хос ва мавжудотлар тарқалган қобиқларига ажратиш мумкин. Биосферанинг чегаралари маромида ҳаёт кеширадиган мавжудотларнинг тарқалган муҳити билан белгиланди.

Унинг юқори чегараси ультрабинафша нурларнинг жадаллиги билан, қуи чегараси эса юқори ҳарорат ( $100^{\circ}$ Сача) бўлган қисми билан белгиланади.

Бактерияларнинг споралари денгиз сатҳидан 20 км баландликда, анаэроб бактериялар ер юзининг 3 км чуқурликларида ҳам учрайди. Маълумки, мавжудотлар тирик моддалардан яралган. Уларнинг концентрацияси биосфера зичлигини кўрсатади. Биосферанинг энг катта зичлиги куруқлик сатҳи, океанлар, литосфера, гидросфера ва атмосферага туташган чегаралари билан белгиланади. Ҳаётнинг энг кўп зичлиги тупроқда учрайди. Мавжудотларнинг массаси ер қобиғи ва гидросферага нисбатан кичик, лекин шунга қарамай, уларнинг ер қобиғини ўзгариш жараёнидаги мавқеи катта.

Биосфера — ердаги барча биогеоценозларнинг йиғиндиси. Шунинг учун у ернинг энг юқори экотизими ҳисобланади. Биосферада борлик нарсалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирига хизмат қиласи. Ердаги барча мавжудотларнинг генофонди сайёрамизни биологик захиралар сифатида турли табиий геологик ёки сайёralараро кучга эга экологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатмайди ва доимо тикланиб турди. Ҳозирги вақтда антропоген омилларнинг биосферага таъсири геологик кучларга айланиб бормоқда, шунинг учун инсоният ер шароитида яшашни хоҳласа, улар ҳақида фикр юритиши лозим.

Инсон дунёга келган вақтдан бошлаб табиатда антропоген омиллари пайдо бўлган, уларнинг таъсири цивилизация тарақкий қила бориши билан кучайиб борди. Бу ернинг янги маҳсус ноосфера қобиғини (ақлий ҳаёт қобиғи) келиб чиқишига олиб келди. Ноосфера атамаси биринчи маротаба Т.Я де Шарден томонидан фанга киритилган. Ундан Россияда биринчи бўлиб В.И.Вернадский ўзининг илмий асарларида фойдаланган. Ноосфера атамаси икки хил тушунтирилади.

1. «Ноосфера — биосферанинг бир қисми бўлиб, унда инсон фаолияти рўёбга чиқади».

2. «Ноосфера — бу биосфера, унинг ривожланиши инсон ақлзаковати билан бошқарилади».

Бундай тушунча В.И.Вернадскийнинг илмий асарларида ўз аксини топган. Унда ноосферанинг маъноси кенг баён этилган. Чунки инсоннинг биосферага таъсири яхши (позитив) ва шунингдек, ёмон (негатив) бўлиши мумкин, одатда кейингиси кўпроқ учрайди. Инсоннинг фаолияти табиатга ўз таъсирини кўрсатади. Шуни кўзда тутган ҳолда унинг зарарини минимал (энг кам) даражага тушириш лозим. Бунинг учун инсоният ақл-заковат билан иш юритиши керак.

---

### **III боб. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЭКОЛОГИЯСИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ**

*Қишлоқ хўжалиги экологиясининг тарихи ва мақсади.* XX асрнинг 30-йилларида умумий экологиядан қишлоқ хўжалиги экологияси ажралиб чиқди. У ёш, лекин келажаги порлок, тез тараққий қиласидан фандир. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги экологияси Болгария, МДХ, Мексика, АҚШ, Италия, Вьетнам, Франция, Руминия, Перу ва бошқа мамлакатларда ўқитилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экологиясининг асосий мақсади экиладиган ўсимликларга зарур бўлган ташқи муҳит ифодасини (формуласини) топишидир. Бу нисбатнинг асосий кўрсаткичи ҳосил ҳисобланади. У олинадиган маҳсулот миқдори, сифати ва уруғнинг тўла қимматлигини генетик кўрсаткичи билан белгиланади.

Ҳосил — ўсимликларга ташқи муҳит омиллари қанчалик тўғри таъсир қилганлигини акс этадиган кўрсаткич ҳисобланади. Ўсимликларга барча омилларнинг кўп қиррали таъсирини, айниқса, уларни умумий ўрганишнинг имкони йўқ, деб фикр юритилган. Айни вақтда ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган барча омиллар таъсири маҳсус тажрибалар ўтказиш йўли билан ўрганилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга таъсир қилишининг муҳим омили ҳисобланади. Табиат — бу биосфера, лекин инсон томонидан ўзgartирилган, бизни ўраб турган муҳит, яъни яшайдиган уйимиз, шаҳrimiz, ишлаб чиқариш, транспорт ва бошқа корхоналардан иборат. Биосферанинг ўзи коинотнинг фарзанди. Қўёш ўсимликларнинг қувват манбай ҳисобланади. Биосферада асосий қувват манбай бўлиб, экология тартиблари, яъни маълум ландшафтлар, майдон, рельеф, тупроқ билан боғлиқ бўлган ўсимлик гуруҳларидан иборат.

Сайёрамизда икки экотартиб — бутун дунё қуруқлиги ва оке-

анлари ҳукмронлик қиласи. Фотосинтез, ўсимлик, ҳайвонлар ҳаёти, уларнинг озиқланиш занжири бутун дунё қувват манбани ҳосил бўлиши ва тақсимланишига олиб келади. Экотартибларда муҳим углерод, азот, фосфор, олтингугурт, кислород ва ҳоказо муҳим кимёвий моддаларнинг биологик айланиши рўй беради.

Қишлоқ ҳўжалигига, боғлар, узумзорлар агротехникада ҳисобланади. Лекин улар келиб чиқишига кўра, антропоген экотартиби, чунки улар ўзини бошқара олмайди, инсоннинг ёрдамига — мелиорация, суфориш, ўғитлаш, бегона ўтлар, ҳашаротларга қарши курашиб, янги навларни яратиш каби ёрдамга муҳтож.

Инсон онгли равишда агротехникада маҳсулдорлигини оширишга ҳаракат қилиб, биосферани сақлаб қолишга замин яратади. Лекин ҳозир рўй берган ҳолатда бу мақсадни амалга ошириш ҳамма вақт ҳам мумкин эмас. Деҳқончиликни жадаллаштириш илм-фан тараққиётига боғлиқ.

Ўсимликлар бизнинг сайёрамиз атмосферасида кўп кислород ҳосил қилиши туфайли ердаги мавжудотларни ультрабинафша нурлардан сақлаб турувчи озон қатламининг синтезланишини яхшилади. Стратосфера ва ундан баланд қатламларда турли чанг, аэрозоллар, тутун, саноат ва қишлоқ ҳўжалигига ҳосил бўладиган азот оксиди билан биргаликда озон қатламининг бузилишига таъсир қиласи. Озон, азот, хлор, фтор оксидларини оксидлаши учун сарфланади. Эҳтимолдан узоқ эмаски, шунинг оқибатида иқлинимиз шароити кескин ўзгариши мумкин. Экологияга деярли таъсир қиласидаги омиллар туфайли кейинги йилларда сайёрамиздаги ўрмонларнинг 50—60 фоизи йўқ бўлиб кетган. Улар ер кураси қуруқлигининг сув режимини бошқарувчи асосий восита, кислород манбай, асосий карбонат ангиридни ютувчи, органик модда ҳосил қилувчи, шунингдек, ўрмон, ўтлоқларининг қисқариши ҳисобига биомасса 25 фоизга камайган. Қишлоқ ҳўжалиги экологиясига тупроқ эрозияси, чангли бўронлар ҳам катта зарар келтиради. Сув бойликларининг миқдори камайиб, сифати ёмоналашди.

Қишлоқ ҳўжалиги экологиясининг мақсади дала экинлари, чорва молларининг ирсий хусусиятларидан шаклланган ички талабларини ташқи муҳит омиллари билан тўла-тўқис таъминлаш, яъни табиий мувозанат яратишдан иборат. Чунки ўсимлик ва ҳайвон каби мавжудотларнинг ички талаблари ташқи муҳит омиллари билан етарли даражада таъминланганда гина улардан кўп, арzon ва сифатли маҳсу-

лот олиш мумкин. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экологиясининг вазифаси ер, сув, озиқ моддалар каби омиллардан самарали фойдаланишини таъминлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалигига тупроқ, сув, озиқ моддалар, ўсимлик навларини тўғри танлаб олиш муҳим экологик аҳамиятга эга. Улар етарли бўлгандা, ўсимлик ва чорва маҳсулотлари етиштиришда табиий мувозанат ҳосил бўлади. Бу ўз навбатида дала экинлари ва чорва молларидан кўп ҳамда сифатли маҳсулот етиштиришга имкон беради.

Табиий муҳит ҳолати одамларнинг ҳаёт тарзига таъсир қиласди. Агар биз ўз ҳаётимизни яхшиламоқчи бўлсак, табиий мувозанатни бузиш эмас, аксинча, унга мослашишимиз ва яхшилашимиз керак. Табиат — мавжудотлар ҳаёт фаолиятининг таркибий қисми. Уларнинг фаолияти табиат билан чамбарчас боғланган. Чунки улар табиатдан ўзига керак бўлган модда ва қувватни олади, шу билан биргаликда ишлатилган маҳсулот чиқиндиларини табиатга қайтаради. Демак, инсоннинг ҳаёт фаолияти табиий мувозанат (экология) билан узвий боғланмай туриб, маромида бориши мумкин эмас.

Илм-фан тараққиёти инсон ҳаётида шундай янгиликларни келтириб чиқардики, у табиатга салбий таъсир қилиши, ҳатто яшашга хавф туддириши мумкин. Лекин илм-фан революциясининг инсон ҳаётига таъсир қилиши шарт эмас. У ижтимоий шароитга боғлиқ. Табиий ҳолат одамларнинг ҳаёт тарзига катта таъсир қиласди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ўзига хос табиий ва технологияга хос хусусиятига эга. Масалан, маълум майдонда ўсимлик маҳсулотларини етиштириш хусусияти табиатга боғлиқ. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ҳаётининг барча тузимиға, вақт давомийлигига, мавсумига, инсоннинг шахсий мулоқотига, руҳиятига, маданиятига ва бошқа хусусиятига таъсир қиласди.

Ўсимлик ва чорва маҳсулотларини саноат асосида етиштириш қишлоқ хўжалигининг тизимиға, ходимлар маълумотига ва аҳолининг руҳий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Лекин қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, шаҳарга яқинлаштириш, экологияни ёмонлаштиришга, сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланишига олиб келиши мумкин. Экологияни ёмонлашиши қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришга тўсқинлик қўлмаслиги керак. Бунинг учун ташкилотчилик, тушунтириш, ташвиқот ишларини олиб бориш ва услубият масалаларини яхшилаш, экология ҳодисаларига тўғри баҳо бериш лозим.

Экологик кризис фойда олиш мақсадида табиатта ваҳшийларча муносабатда бўлишдан иборат. Қишлоқ хўжалиги экологиясига илм-фан ютуқлари асосида ёндашиш барча талафотларнинг олдини олади.

Қишлоқ хўжалиги олдида турган экологик муаммолар ечимини топишда илм-фаннынг мавқеи ниҳоятда катта. Экология муаммоларини ҳал қилишда кенг тармоқли тадқиқот ишларини олиб бориш, айниқса, биология фани қоидаларидан кенг фойдаланиш лозим.

Лекин илм-фаннынг ўзи қишлоқ хўжалиги экологик масаласини ҳал қила олмайди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигининг барча мутахассислари, фермерлар экология билимларини чуқур билишлари лозим. Қишлоқ хўжалиги экологияси масаласини илфор назария, амалий тажрибалар асосида ҳал қилиш лозим. Илмий назариялар қанчалик мукаммал бўлмасин, уни қишлоқ хўжалигининг ташкилотчилари, раҳбарлари тан олишмаса ва ўзларининг иш фаолиятида амалда қўллашмаса, бефойдалигича қолиб кетаверади.

Экология муаммоларини ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги раҳбарлари, фермерлар янги технологияни жорий қилиш йўллари билан дала экинларидан мўл ҳосил, чорва молларидан кўп гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар олишни кўзда тутади. Шунинг учун мутахассисларни экология руҳида тайёрлаш лозим. Табиатни муҳофаза қилиш аҳоли, фермерлар ва раҳбар ходимлар экология саводига эга бўлишини талаб қиласди. Бунинг учун экология фанини мактаб, ўқув юртларида кенг ўқитилиши, ўқув режалари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастури, кўргазмали қуроллар, кинофильмлар яратилиши керак.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКОЛОГИЯСИ ВА ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ

Қишлоқ хўжалиги экологияси ўсимлик ва чорва маҳсулотларини етиштиришга қаратилган мажмуалардан иборат. Ундаги муҳим ўринлардан бирини тупроқ эгаллайди. Мазкур ҳудуднинг биомаҳсулдорлиги тупроқнинг унумдорлигига боғлиқ. Ўсимлик қатлами билан бирликда тупроқ инсон ва ҳайвонларни ташқи муҳитга ташлаган чиқиндилардан тозалайди. Тупроқнинг унумдорлиги унинг табиий хусусиятига боғлиқ. Табиатнинг ўзини бошқариши тарихий тараққий қилган, экотартибни бир меъёрда фаолият кўрсатишига боғлиқ. Инсон ўз таъсирини табиатга ўтказа борган сари, у пайдо бўлганга қадар шаклланган экотартиб аста-секин бузила бошлайди.

Инсон дәхқончилик билан шугуллана бошлаган даврдан бошлаб

экотартибга ўзгартыриш киритган. Қишлоқ хұжалиги манзараси (ландшафт) ўзгариб борди. Табиий үтлоқлар деярли йўқ қилинди. Экиладиган ерлар узоқ вақт шамол, сув таъсиридан ҳимоясиз қолди. Натижада, эрозия бошланди, ландшафтлар ўз қиёфасини ўзгартыриди. Сув ва шамол эрозияси дунёда 2 млрд гектар майдонга тарқалди. У ер кураси қуруқлигининг 15 % ва қишлоқ хұжалигига фойдаланилдиган майдонни 27 % ташкил қилади.

Қиялиги 1° бўлган ҳайдаладиган ерларни ҳар йили 0,1—0,2 см қалинлиги ювилиб кетгани боис, бундай унумдор қатламни тиклаш учун бир неча юз йиллар керак. Бутун ер курасининг қуруқлигидан ҳар йили 8 млрд тонна тупроқ йўқолади. Ювилган жойларда тупроқ билан барча озиқ моддалар, ўғитлар ювилиб кетади. Ўтказилган сарҳисобга қараганда эрозия жарларга, дарёларга ҳар йили бериладиган ўғитларга нисбатан 2—3 марта кўп озиқ моддаларни олиб кетар экан.

Ерда эрозия жараёни ривожланиши узоқ эволюция жараённида экотартиб озиқ моддалари биосферада айланишининг бузилишига олиб келади. Тупроқ эрозияси қишлоқ хұжалиги экологиясини ёмонлашишига йўл очди. Кўплаб ўғит беришга қарамай, ҳосил билан олиб кетилаётган озиқ моддалар тупроққа тўла қайтарилмайди. Тупроқда, айниқса, органик моддалар камайиши эрозиянинг кучайишига олиб келмоқда.

Эрозиянинг таъсирини камайтириш учун шамол, сув таъсирини пасайтирадиган (ўт экиш, иҳота дараҳтлар барпо қилиш, тупроқни органик моддалар билан бойитиш каби) муҳим тадбирий чоралар ишлаб чиқиши ва уни ҳаётта жорий қилиш лозим.

*Фотосинтез ва унинг қишлоқ хұжалиги экологиясидаги мавқеи.* Маълумки, сайёрамиз биосферасида ҳаёт фотосинтез жараёнисиз бўлиши мумкин эмас. Биосферада фотосинтез ҳал қилувчи мавқега эга бўлишига қарамай, унинг кўпгина муаммолари ечилмаган. Шунинг учун фотосинтезнинг моҳиятини аниқлабгина қолмай, уни биотик айланишда қатнашиши, биринчи навбатда қуёш қувватини фотосинтез жараёнинда органик модда ҳосил қилишида қатнашишини билиш лозим. Амалда қуёшнинг фотосинтетик фаол радиациясининг (ФФР) ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши жуда кам физини ташкил қиласа, унинг назарий имконияти 30 % га яқин. Бу органик модданинг йиллик миқдори 300 млрд тоннани ташкил қилиши мумкин, деган сўз. Бу маълумотларга кўра, қуёш қувватидан фойдаланиш имконияти нақадар катта. Фотосинтез сайёрамизда органик моддалар, эркин кислород ҳосил қилишда биосферанинг муҳим экологик омили ҳисобланади.



4-расм. Бегона ўтлар: 1—ёввойи сули; 2—оқшўра; 3—ёввойи хантал;  
4—ўткир ҳидли плавел; 5—ёввойи гултожихўроз;  
6—яшил буғдойиқ; 7—айиктовон; 8—ачамбити; 9—қоқиўт.



5-расм. Заҳарли ўсимликлар:


1—ялтирибош; 2—қиркбўғин; 3—тармоқловчи пирол; 4—ажриқ; 5—радак;  
6—чирмовуқгул; 7—шунғия; 8—зарпечак; 9—дармонсимон амброзия;  
10—пахтатикан.




6-расм. Заҳарли ўсимликлар: 1—исирик; 2—айиқтовон; 3—кўкнори; 4—бангидевона;  
 5—кучала; 6—аконит жунгар; 7—сассиқалоф; 8—радак; 9—кўйпечак; 10—қизгалдоқ;  
 11—итсигек; 12—тоqtурбид; 13—учма; 14—мингдевона; 15—аччиқмия;  
 16—кампирчопон; 17—туяқорин.



7-расм. Заҳарли ўсимликлар: 1—бароқ; 2—қоракyz; 3—оқ брония;  
4—заҳарли цикут ўт; 5—бойичек; 6—зангпоя;  
7—аврон; 8—сұтлама; 9—айктувон; 10—ледум (багулыник).



8-расм. Ўсимликларнинг вирус касаллеклари: 1—пакана сули; 2—пакана маккакжӯхори; 3—бу'фдой мозаикаси; За—соғлом барг; 3б—вирус билан касалланган барг; 4—лавлаги мозаикаси; 5—гўза баргини қовжира буралиши; 5а—соғлом барг; 5б—касал барг; 6—лавлагининг сариқ касаллиги.



9-расм. Вирус касаллиги: 7—картошка баргининг буралиши; 8—бақлажоннинг столбур касаллиги; 8а—соғлом ўсимликнинг гули; 8б—касалланган ўсимлик гули; 9—помидорнинг столбур касаллиги; 9а—касал ўсимликнинг бир бўлаги; 9б—столбур билан касалланган меваси; 9в—соғлом ўсимлик меваси; 10—картошканинг бужмайган мозаикаси; 10а—соғлом барг; 10б—касал барг; 11—қора смородиннинг бужмайиш касаллиги; 11а—соғлом гул тўплами ва гули; 11б—бужмайиш билан касалланган гул тўплами ва гули; 12—олча мозаикаси; 12а—касалланган мевалари; 12б—касалланган барги; 13—олхўри дараҳтининг мозаика билан касалланган меваси; 14—малина мозаикаси.




10-расм. Ўсимликларнинг занг касаллеклари: 1—буғдойнинг кўнғир занг касаллиги;  
 1а—касал барги; 1б—василистика баргидаги эцидин;  
 2—жавдарнинг кўнғир касаллиги; 2а—касалланган барглари;  
 2б—қишиқтул баргидаги эцидин; 3—арпанинг пакна занг касаллиги;  
 3а—касалланган барг; 3б—кушкўнмаснинг барг ва поясидаги тожисимон занг  
 эцидин; 4—буғдойнинг чизик занг касаллиги; 4а—касалланган пояси;  
 4б—барбариснинг барг ва меваларидаги эцидин; 5—сулининг кўнғир касаллиги;  
 5а—касалланган барг; 5б—крушиц баргидаги эцидин.




II-расм. Ўсимликларнинг занг касаллеклари: 6—зигиришнинг занг касаллиги;  
ба—зааралланган ўсимлик новдасининг устки қисми; 7—крижовник ва  
смородинанинг қадаҳсимон занг касаллиги; 7а—крижовникнинг барг ва меваси;  
7б—смородинанинг касалланган барг ва мевалари; 7в—қиёқ ўти барг ва мевасининг  
занг касаллиги; 8—нок занг касаллиги; 8а—касалланган барги; 8б—межевелнинг  
занг касаллиги; 9—малинанинг занг касаллиги.



12-расм. Ўсимликларнинг замбуруғ касаллеклари: 1—буғдойнинг қаттиқ занг касаллиги; 1а—соглом бошоқ ва дони; 1б—касалланган бошоқ ва дони; 2—буғдойнинг чанг қорақуя касаллиги; 3—буғдой бошоғи ва донининг фузариоз касаллиги; 3а—соглом ва касалланган дони; 3б—касал бошоғи; 3в—фузариоз анвензе канидини; 3г—фузариоз күлморум; 4—буғдойнинг кўнғир занг касаллиги; 5—наша баргининг холсимон занг касаллиги; 6—сулининг чанг қорақуя касаллиги.



13-расм. Ўсимликнинг замбуруғ касалларлари: 7—нўхатнинг уншудринг касаллиги; 8—нўхатнинг аскохитоз касали; 9—ловиянинг антракноз касаллиги; 10—картошканинг фитофтораси; 10а—барги, 10б—тутунаги; 11—картошка раки; 12—лавлаги илдиз мевасининг ўзак чириши; 13—лавлагининг сохта уншудринг касалларлари.



14-расм. Ўсимликларнинг қоракуя касалларни: 1—буғдойнинг хўл қоракуя касаллиги; 2—буғдойнинг чангсимон қоракуя касаллиги; 3—сули чанг қоракуя касаллиги; 4—жавдар поясининг занг қоракуя касаллиги; 5—маккажўхорининг пуфак қоракуя касаллиги; 6—пиёзнинг қоракуя касаллиги.



15-расм. Ўсимликларнинг чириш касалликлари: 1—кунгабоқарнинг оқ чириши;  
2—пиёз қулранги (бўйин); 3—маккажўхори сўталарининг қизил чириши;  
4—картошканинг қуруқ чириши; 5—картошканинг ҳўл чириши; 6—лавлагининг  
қизил чириши; 7—лавлаги илдизмеваси учининг чириши; 8—сабзининг қора  
чириши; 9—сабзини фармоз чириш касалликлари.




16-расм. Ўсимликларнинг чириш касалликлари: 10—узумнинг оқ чириши;  
11—узумнинг қора чириши; 12—узумнинг кулранг чириши; 13—олхўри мевасининг  
чириши; 14—олманинг очиқ чириши; 15—помидорнинг кўнғир чириши;  
16—помидор мевасининг устки қисми чириши; 17—жўка (липа) дарахтларининг  
кўнғир ёппасига чириши; 18—ёғочнинг кўнғир чириши; 19—дуб дарахти  
танасининг чириш касаллiği.




17-расм. Ўсимликларнинг рак касаллеклари: 1—мевали дараҳтларнинг қора (сон) рак касаллиги; 2—олманинг қал касаллиги; 3—меваларнинг яшил пўпанак касаллиги; 4—олма меваларининг чириши; 5—олча меваларининг кулранг чириш касаллеклари.




18-расм. Ўсимликларнинг бактериал касаллклари: 1—картошканинг қорапоя касаллиги; 1а—касалланган ўсимлиги; 1б—касалланган тутунаги; 2—картошканинг ҳалқа чириш касаллиги; 2а—касалланган ўсимлиги; 2б—касалланган тутунаги; 3—ловия бактериози; 4—соя барги бактериози; 5—қизил беда барги бактериози; 6—шоли бактериози; 7—буғдойнинг бактериоз касаллиги; 8—ғўза гоммози; 9—тамакининг бактериоз касаллиги.




19-расм. Ўсимликларнинг бактериал касалларни: 10—мевали дараҳтларнинг рак касаллиги; 11—помидорнинг бактериал рак касаллиги; 12—цитрусларнинг рак касаллиги; 13—шафтоли баргларнинг рак касаллиги; 14—помидорнинг қора доғ бактериал касаллиги; 15—лимоннинг бактериал касали; 16—карам барги томирларнинг бактериал касаллиги; 17—помидорнинг бактериал сўлиш касаллиги.



20-расм. Ёўза ўсимлигининг гоммоз, илдизчириш, фузариоз ва вертициллиоз вилт касалликлари : 1—гоммоз касаллиги:  
 а—касалланган барги, б—уроф барглари, в—кўсаги; 2—илдиз  
 чириш касаллиги; 3—фузариоз вилт билан касалланган  
 барги; 4—ѓўзанинг вертициллиоз вилт касаллиги;  
 а—касалланган барги, б—пояси, в—соғлом пояси.




21-расм. Фўза ўсимлигини сўрувчи ҳашаротлар билан заарланиши: 1—тамаки трипси (бити): а—етилган ҳашароти, б—ёш ҳашароти (қурти); 2—ўргимчаккана билан заарланган барги; 3—ўргимчаккананинг катталаштирилган кўриниши: а—етилган ўргимчаккана, б—ёш ўргимчаккана (қурти), в—тухумлари.




22-расм. Сўрувчи зааркунанда ҳашаротлар:


1—кatta фўза шираси (тля): а—қанотсиз урғочиси, б—қанотли урғочиси; 2—полиз шираси: а ва б қанотсиз урғочилари, в—қанотли урғочиси; 3—акация шираси: а—қанотсиз урғочиси, б—қанотли урғочиси, в—курти.



23-расм. Кемирувчи зааркунанда ҳашаротлар: 1—кузги тунлама (күк қурт): а—капалаги, б—заарланган фұза уруғбарглари, в—ғумбаги, г—қурти; 2—ғұза тунламаси ёки күсак қурти: а—капалаги, б—күсак кемирувчи қурт, в—ғумбаги, г—заарланган шона.



24-расм. Кемирувчи ҳашаротлар: 1—карадрина:  
 а—капалаги, б—гумбаги, в—курти, г—заарланган  
 кўсак, д—заарланган барг; 2—чигирткасимонлар:  
 а—Осиё чигирткаси, б—Морокко айғири.



25-расм. Ўргимчакканана ва унинг асосий кушандалари:

1—ўргимчаккананинг тухуми, қурти ва урғочиси;

2—ўргимчак тухумини сўраётган ориус канаси;

3—канасимон трипис (имаго ва унинг тухумини сўраётган қурти); 4—икки холли стеторус (ўргимчакканана ва унинг тухумини еб йўқ қиласидиган) қўнғиз ва қурти; 5—злотка (ўргимчаккананинг тухуми ва қуртларини еб йўқ қиласиди).




26-расм. Ширанинг табиий кушандалари: 1—ғўза шираси (қанотли ва қанотсиз урғочилари); 2—ширанни табиий йўқ қиласиган злотканинг тухуми ва қурти; 3—ширанни йўқ қиласиган галлишини тухуми ва қурти; 4—шира ва унинг тухумини йўқ қиласиган сирфил пашшалари имогаси, гумбаги ва қурти; 5—ширанни йўқ қиласиган етти холли хонқизининг тухуми ва қурти.



**27-расм.** Фўза тунламасининг энтомофоглари:

1—зааралланган фўза қўсаги, фўза тунламаси ва катта ёшдаги курти; 2—тунлама тухумини заараллантираётган урғочи трихограмма; 3—фўза тунламасини заараллантираётган габробракон; 4—опанелес имогаси (пашшаси); 5—тунламанинг тухуми, қурти ва ёш тунламани заараллантираётган злокалар; 6—тунлама имогаси ва қуртларини заараллантираётган тахин пашшаси.



28-расм. Ўсимликларга азот етишмаслик белгилари: 1—оқбош карам;  
2—картошка; 3—олма; 4—маккажўхори, иккита бирин-кетин фазаси; 5—бодринг.



29-расм. Ўсимликларга фосфор етишмаслик белгилари: 1—кузги буғдой; 2—жавдар;  
3—арпа; 4—маккажүхори; 5—сули; 6—қандлавлаги.



30-расм. Ўсимликларга фосфор етишмовчилик белгилари: 1—помидор;  
2—кунгабоқар; 3—қизил беда (себарга); 4—картошка; 5—олма;  
6—гречиха; 7—қулупнай.



31-расм. Ўсимликларга калий етишмаслик белгилари: 1—арпа; 2—нўхат; 3—гречиха;  
4—сули; 5—маккажўхори; 6—кунгабоқар; 7—зифир; 8—қизил беда; 9—кўк беда.



32-расм. Ўсимликларга калий етишмаслик белгилари: 1—қулупнай;  
2—малина; 3—картошка; 4—олма; 5—бодринг; 6—помидор; 7—хашаки лавлаги.




33-расм. Ўсимликларга магний етишмаслик белгилари: 1—кунгабоқар;  
2—тимофеевка; 3—наша; 4—қызилбела; 5—маккажүхори; 6—сули;  
7—картошка; 8—хашаки лавлаги.



34-расм. Ўсимликларга магний етишмаслик белгилари: 1—малина;  
2—бодринг; 3—олча; 4, 5—олма; 6—гречиха; 7, 8—крижовник; 9—помидор.



35-расм. Ўсимликларга кальций етишмаслик белгилари: 1—бодринг;  
2—гулкарам; 3, 5—помидор (барги ва меваси); 4—қизил беда; 6—нўхат.




36-расм. Ўсимликларга мис етишмаслик белгилари: 1—гулкарам; 2—қўқ беда; 3а ва 3б—помидор; 4а ва 4б—олма; 5—зигир; 6—кунгабоқар; 7—қандлавлаги.



37-расм. Усимликларга марганец етишмаслик белгилари: 1—кузги бүгдой; 2—сули; 3—олча; 4—бодринг; 5—оқбаш карам; 6—малина; 7—помидор.



38-расм. Ўсимликларга мис етишмаслик белгилари: 1—арпа; 2а ва  
2б—пийәз; 4—зигир; 5—олхүри; 6—олма; 7а ва 7б—буғдой.



39-расм. Ўсимликларга рух ва молибден етишмаслик белгилари. Рух етишмаганда: 2—помидор; 3—ольма; 5—помидор; 7—ловия; молибден етишмаганда: 1—қизил беда (себарга); 4—кўк беда; 6—гулкарам.

Ўсимликнинг ҳаётида ёргулик таъсирида модда алмасиниши ва шунга боғлиқ бўлган барча жараёнлар рўй беради. Бу жараёнлардан ўсимлик танасида фотосинтез натижасида биомассани тўпланиши, маҳсулдорлиги,  $\text{CO}_2$  ва органик, анорганик моддаларнинг ўзлаштирилиши, эркин  $\text{O}_2$  ажралиши ва нафас олиш жараёнида (қоронгиллик ва ёргуликда)  $\text{O}_2$  ютилиши муҳим экология аҳамиятига эга. Ҳозирги пайтда сайёрамизда фотосинтез қурдатини аниқлаш юзасидан катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўтказилган текширишларда дунё океанларининг фотосинтезда иштирок этадиган ўсимликлар мавқеи ниҳоятда катта эканлиги аниқланган. Қишлоқ хўжалиги экинлари ёки агрофитоценозлар дунё миқёсида катта ўринда туради ва энг муҳими шундаки, уларни бошқариш мумкин.

Фотосинтезнинг қурдати агрофитоценоз эгаллаган майдон ҳақида маълумот беради. Агрофитоценоз ер юзасининг 1/20 қисмини ташкил қиласди. Лекин бу майдон ниҳоятда ҳар хил тақсимланган. Айrim ерларда экинларнинг майдони сўнгти чегарасига етди, ҳатто белгиланган меъеридан ўтиб кетди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги экологиясининг вазифаси барча масалаларни илмий асосда белгиланган режа бўйича олиб бориш лозим. Умумий, лекин осон бўлмаган экология муаммолари инсониятни табиатга бўлган мулоқоти ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий асосланган режалар асосидагина ҳал қилиниши мумкин. Фақат шундай қилингандагина фотосинтез жараёни меъёрида бориши экологик таъминлашга имкон беради. Шуни ҳисобга олиш керакки, фотосинтез жараёнини бажарувчи ўсимликлар атмосферани турли ифлосликлардан тозалашда тенгсиз восита ҳисобланади. Лекин бу жараённинг ҳам ўзига хос камчилклари бор, чунки фотосинтез ҳодисасининг рўй бериши, маромида бориши бир қанча шароит ва омилларга боғлиқ.

Келгусида экологияга зарап етказмаган ва уни яхшилаган ҳолатда қишлоқ хўжалигини жадаллаштиришнинг асосий йўлларидан бири — барча ўсимликларнинг фотосинтетик қобилиятини ошириш билан ФФРдан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

## ДАЛА ВА ОЙНАВАНДЛАРДА ЎСИМЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Ойнавандларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориши ва ўсимлик маҳсулотлари етишишида биоқувват масалалари. Оддий дала шароитида ўсимликларнинг ташқи муҳит билан бўлган мулоқотини

ўрганишда бир қанча қийинчиликлар мавжуд. Ойнавандлар қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ўсимликлар дунёсининг ташқи муҳитга таъсир қилиш муаммосини ўрганишдаги қийинчиликларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Термодинамикада ойнавандлар деб, ташқи муҳит билан боғлиқ бўлмаган тизимга айтилади. Экология ва ўсимлик маҳсулотлари етиширишда ойнаванд деб, шароитни назорат қилиб бориш мумкин бўлган муҳитга сунъий иқлимхона, парниклар, фитотронлар, биотронлар ва бошқалар назарда тутилади. Ойнавандлар экология тартибининг мураккаб биоқувват муаммоларини ўрганишга имкон беради. Ойнаванд экология тартибида табиий шароитни назорат қилиш ва керагича ўлчаб туриш мумкин. Ойнавандлар экология тартиби ва катта илмий ҳамда амалий масалаларни ҳал қилишда биогеоценоз, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлирида маҳсулот етиширишни турли шароит учун озиқ меъёрини олдиндан айтиб беришга имкон беради.

Ойнаванд экология тартибида, табиий шароитга қўра, бирмунча кўп назорат қилиш имконига эга. Унда керакли шароитни яратиш ва ушлаб туриш мумкин. Ўсимлик маҳсулотини яратиш учун бир қанча омиллар зарур бўлганлиги учун у янги тадбирий чораларни ишлаб чиқишини талаб қиласди. Ойнаванд шароитларда маҳсулот етишириш учун зарур озуқа, сув, ҳаво, иссиқлик, ФФР ва бошқа омиллар меъёрларини аниқлаш экологияни яхшилашга имкон беради. Масалан, дала шароитида  $\text{CO}_2$  газининг меъёрини ошириш одамлар ва бошқа мавжудотларни заҳарлашга олиб келади. Ойнаванд шароити эса  $\text{CO}_2$ нинг миқдорини, табиий шароитдагига нисбатан бир неча ўн марта орттириш экинлар ҳосили кескин кўпайишини таъминлайди.

Демак, ойнаванд шароитида абиотик ва биотик омилларнинг ўсимликка таъсир қилишини кенг текшириш мумкин. Қишлоқ хўжалиги тобора ривожланиши экология тартибида янги муҳандислик қурилмаларининг моҳияти ортмоқда. Катта майдонларда ойнавандлар яратиш, саноат корхоналари биноларининг томида маҳсулот етиширишга имкон беради.

Агроэкология масалаларини таҳлил қилиш биология бўйича тадқиқотлар учун муҳандислар олдига бир қанча вазифаларни қўйди:

1. Катта майдонларнинг устини ёпиш ва уларда микроиқлим яратиш.

2. Ёруелиқ, иссиқлик режимини бошқариш. Қурилмаларнинг мустаҳкамлигини ошириш, ишларни механизациялаш, агрокимё бўйича тадқиқотлар ўтқазиш, ўсимликларнинг фотосинтез жараёнини таъминлаш, тупроқни ишлаш.

3. Ойнаванд қурилмаларни тез қуриш, бузиб олиш, иккинчи бошқа жойга күчириш ишларини ихчамлаштириш.

4. Ойнавандларни ишлатиш муддатларини узайтириш.

Хозирги вақтда хорижий мамлакатларда экология талабларига кўра, ойнавандларнинг турли хил нусхалари ишлатилиб, уларнинг самарадорликлари кенг тарғибот қилинмоқда. Агроэкология тартибда дала фитотрон, ангар ойнаванд деҳқончилиги, оранжерея, топ-геологик ишларидан, бўшаган очиқ форлар устини маҳсус тўсиқлар билан беркитиш, иморатлар устида ойнавандлар ўрнатиш, фитотрон қурилмалари кенг ишлатиляпти. Юқорида келтирилган ойнавандлар, фитотронлар шароитида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш имкони катта.

## ДАЛА ЭКИНЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ

*Дала экинлари ва ташқи муҳит.* Дала экинлари ўсимликларининг ҳаёти учун зарур бўлган ҳар бир омилнинг таъсири бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Ҳар бир ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун ташқи муҳит омил мажмуаси мавжуд бўлиши керак. Яшаш шароитини ўзгартириш шунга мувофиқ равишда ўсимликларда модда алмашинувининг ўзгаришига олиб келади. Шунга кўра, ташқи муҳиттага таъсир қилиш билан ўсимликнинг ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ўзгартириши мумкин. Табиий шароитда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши уларнинг ҳар қайси босқичида доимий равишда ўзгариб турдиган ташқи муҳит шароитида ўтади. Ташқи муҳит омилларининг ҳаммаси ҳам ўсимликни ўсиш ва ривожланишига фойдали ёки зарарли таъсир кўрсатавермайди. Шунга кўра, ўсимликларга таъсир қиласидиган омилларнинг барчасини унга зарур, деб ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун ташқи муҳит омиллари ўсимликни яшаш шароити ва ўсимликнинг ўсиш ҳамда ривожланиш омилларига бўлинади.

Ўсимликлар ҳаёти учун зарур омиллар (иссиқлик, ёруғлик, сув, озиқ моддалар ва бошқалар) тенг қимматга эга ва бирини иккинчи-си билан алмаштириб бўлмайди, яъни бир омил иккинчисининг ўринини босмайди. Бу қонуният иккинчи қонуният билан боғлиқ, яъни ўсимликнинг ривожланиши ва унинг ҳосили минимум ҳолатдаги омил билан чегараланади. Ўсимлик ҳосилини минимал ҳолатидаги омилнинг бошқа омилни минимал ҳолатга келгунча ўзгартириш билан ошириш мумкин. У ёки бу омилнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишига, яъни максимал ҳолатга интилиши ҳосил камайишига олиб келади. Ўсимлик учун зарур омиллар оптималь даражада бўлганда, барча омиллар биргаликда таъсир қилса, ҳосил юқори бўлади.

Барча мавжудотларга ўхшаш ўсимликлар ҳам танлаш хусусиятига эга. Ўсимликнинг ҳар бир тури, шакли ўзининг тарихий ривожланишига кўра, ташқи муҳитдан маълум озиқ элементларини ўзлаштиради, ассимиляция қиласи. Ўсимликнинг ҳосили унга таъсир қилган экологик омилларга боғлиқ. Ўсимликнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларнинг экологиясини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

## ДАЛА ЭКИНЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Ҳозирги вақтда 90 га яқин дала экинлари инсонга ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат, чорва молларига емашак, саноатга ҳом ашё беради. Дала экинлари ер курасининг турли қитъаларида ёввойи ҳолда ўсан, уларнинг ҳосили кам ва паст сифатли бўлган. Масалан, қанд лавлагининг таркибида (ёввойи ҳолда ўсанда) фақат 5—6 % шакар бўлган, холос. Олимлар қанд лавлаги экологиясини ўрганиб, унинг ташқи муҳит омилларига бўлган талабларини етарлича таъминлаш, янги серҳосил навларини яратиш йўли билан унинг таркибидаги шакар миқдорини 20—23 % га етказишига эришдилар. Қанд лавлаги ўсимлигининг экологиясини ўрганиш уни морфологияси, биологиясини ўзгартиришга, ҳосилдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини кескин ўзгартириб юборишига имкон беради. Дала экинлари экологиясини илмий амалий асосда ўрганиш барча ўсимликларнинг маҳсулдорлигини оширишга олиб келади. Шунинг учун дала экинлари экологиясини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш муҳим ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга. Дала экинларининг экологиясини ўрганиш уларнинг таснифини яхши билишни тақозо қиласи.

Дала экинларидан арzon, мўл ва юқори сифатли маҳсулот етишириш, уларни гуруҳларга бўлиш, яъни таснифлаш лозимлигини кўрсатди. Чунки уларни морфология, биология ва экология гуруҳларига бўлмасдан, алоҳида-алоҳида ўрганиш қийин. Экинларни таснифлашда уларни етишириш учун кўйилган мақсадлари, яъни ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, биология, экологияга хос хусусиятлари, ўсимлик номлари ва бошқа белгилари ҳисобга олинган. Шунга кўра, улар тўрт гуруҳга бўлинган. Дала экинларини таснифлаш жуда мураккаб бўлганлиги учун бир қанча олимлар кўп йиллар давомида илмий тадқиқот ишлари олиб боришиб, турли таснифлар тузилган.

Ҳозирги замон таснифига кўра, дала экинлари ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти бўйича тўрт гуруҳга бўлинган. Ҳар бир хўжалик гуруҳлари бир неча биологик ва экологик гуруҳларга ажратилган ва

уларга мансуб ўсимликларнинг номлари берилган. Биринчи гуруҳга дон экинлари (ҳақиқий, тариқсимон фалла экинлари, дуккакли дон экинлари ва бошқа фалласимон бўлмаган дон экинлари), иккинчи гуруҳга техник экинлар (мойли, толали, қандга, крахмалга бой ва наркотик экинлар), учинчи гуруҳга ем-хашиб (илдиз ва барг мева-ли, бир ва кўп йиллик дуккакли ва фалласимон ўтлар), тўртинчи гуруҳга эса сабзавот ва полиз экинлари киритилган.

Дала экинларини таснифлашдан асосий мақсад ўсимликлар экологиясини, яъни уларнинг ташқи муҳитга бўлган талабларини ўрганиш, уларни керакли омиллар билан ўз вақтида таъминлаш, селекция, уруғчилик ишларини яхшилаш, етиштириш технологиясини тўғри қўллаш, ҳосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш, маҳсулот тан нархини арzonлаштиришни амалга оширишдан иборат. Дала экинлар таснифи 1-жадвалда келтирилган.

### 1. Дала экинлари таснифи

Хўжалик гуруҳлар	Биологик гуруҳлар	Экинлар
1	2	3
I.Дон экинлари	1.Ҳақиқий фалла экинлари	Буғдој, жавдар, арпа, сули
	2.Тариқсимон фалла экинлар	Тариқ, маккажӯхори, жугари, шоли
	3.Дон-дуккакли экинлари	Нўхат, дуккаклар, ясмиқ, чина, ловия, маҳаллий нўхат, соя, люпин ва бошқалар
	4.Бошқа фалласимон бўлмаган дон экинлари	Гречиха ва бошқалар
II.Техник экинлари	1.Оддий мойли экинлар	Кунгабоқар, маҳсар, хантал, рапс, мойли зигир, ерёнгоқ, канакунжут, кўкнори, ляллеманция, перилла ва бошқалар
1.Мойли экинлар	2.Эфир мойли экинлар	Кашнич, анис (аррабодиён) седана, фенхел, ялпиз, лаванда ва бошқалар
2.Толали экинлар	1.Уруғида тола ҳосил қилувчилар	Ғўза
	2.Поясида тола ҳосил қилувчилар	Толали зигир, наша, каноп, дағал каноп, жут, рами ва бошқалар
	3.Баргига тола ҳосил қилувчилар	Юкка, Янги Зеландия зигири ва бошқалар

1	2	3
3. Қандга бой экинлар	1. Илдизмевали экинлар  2. Қандга бой бошқа экинлар	Қандлавлаги, цикорий  Шакарқамиш ва бошқалар
4. Крахмалга бой экинлар	Тугунак мевали экинлар	Картошка, топинамбур (чүчқа картошка)
5. Наркотик, дори- вор ва инсектицид экинлар	1. Наркотик экинлар  2. Доривор экинлар	Тамаки, махорка  Валериана, доривор қўнори ва бошқалар
III. Ем-хашак экинлар	3. Инсектицид экинлар  1. Илдизмевали ва баргмевали экинлар  2. Бир йиллик дуккакли ўтлар  3. Бир йиллик фалласимон ўтлар  4. Кўп йиллик дуккакли ўтлар  5. Кўп йиллик фалласимон ўтлар	Анабазис ва бошқалар  Лавлаги, сабзи, шолғом, хашаки карам ва бошқалар  Вика, сараделла, шабдар, берсим ва бошқалар  Судан ўти, қўноқ, чумиза, бир йиллик райграс ва бошқалар  Беда, себарга, эспарцет, лядви- нец, қашқарбеда ва бошқалар  Тимофеевка, костер (ялтирибуш), житняк, оқсўхта, бетага, рай- грас ва бошқалар
IV. Сабзавот ва полиз экинлари		
1. Сабзавот экинлари	1. Мевалилар  2. Карамсимонлар	Помидор, карам, бақлажон ва бошқалар  Оқбош карам, гулкарам, кол- раби ва бошқалар
2. Полиз экинлари	3. Илдиз мевалилар  4. Пиёзлилар	Сабзи, ошлавлаги, турп, шол- ғом, пастерняк, сельдерей ва бошқалар  Бошиёз, саримсоқ ва бош- қалар
	1. Озиқбоп полиз экинлари  2. Хашаки полиз экинлари  3. Техник полиз экинлари ва бошқалар	Тарвуз, қовун, ошқовоқ, кабачкилар  Хашаки тарвуз, хашаки ошқовоқ  Қозон ювгич

Дала экинлари таснифида келтирилган ҳар бир гурӯҳ ўсимликтари ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун уларнинг ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари ҳам ҳар хил.

### **Дала экинларининг ҳаёт фаолиятига экология омилларининг таъсири**

Дала экинлари ўсимликларига ташқи муҳит омилларининг таъсири ниҳоятда хилма-хил. Ўсимликлар ўсиш ва ривожланиш даврида ҳар доим ташқи муҳит омиллари билан ўзаро алоқада бўлади. Шунинг учун ташқи муҳит омиллари ўсимликларнинг биологиясига хос хусусиятларига мос келса, улар яхши ўсади, ривожланади, юқори сифатли ҳосил беради. Акс ҳолда, уларнинг ўсиш, ривожланиши қийинлашади, ҳосил бермайди, ҳатто қуриб қолиши ҳам мумкин.

Ўсимликларга зарур бўлган экологик омилларга сув, иссиқлик, ёруғлик, тупроқ, озиқ моддалар ва бошқалар киради. Дала шароитида ўсимликлар иссиқликни қўёшдан, сув ва озиқ моддаларни тупроқдан, ҳавони (кислород, карбонат ангидридни) атмосфера ва ердан олади. Шундай қилиб, ўсимликлар ташқи муҳит омилларидан «қурилиш материалларини» олиб, ўз танасини яратади, органик моддаларни синтезлайди. Маълумки, органик моддалар биринчи навбатда барча мавжудотлар учун озиқа, иккинчи навбатда кийим-кечак хом ашё, учинчи навбатда қурилиш материаллари, тўртинчи навбатда ўтин (ёқилғи) ва ҳоказо мақсадларда ишлатиладиган маҳсулот ҳисобланади. Ўсимликларнинг буюк хусусиятлари ҳам шунда, улар туфайли дунёда ҳаёт барқарор.

Шунинг учун дала ва ўрмон ўсимликлари экологиясини ҳар томонлами чуқур ўрганиш йўли билан уларнинг ташқи муҳит омилларига бўлган талабларини оптималь даражада таъминлаб туриш жуда муҳим назарий ва амалий аҳамиятта эга. Инсон ўсимликларнинг экологиясига, яъни ташқи муҳит омилларига турли хил етиштириш технологияларини қўллаш, янги навларини яратиш билан уларни сув, ҳаво, озиқ режимларига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Ўсимликлар ҳам ўз навбатида ташқи муҳит омилларига маълум дараҷада таъсир кўрсатади. Уларнинг илдиз, анфиз, поя, барг қолдиқлари тупроқни микробиологик; ҳаво, сув, иссиқлик, озиқ режимлари ўзгаришига олиб келади. Натижада, ўсимликлар билан ташқи муҳит омиллари ўртасида ўзаро табиий боғланиш келиб чиқади.

Ўсимликлар тупроқ, иссиқлик, ёруғлик, сув, ҳаво, озиқ каби ташқи муҳит омилларини бир хил миқдорда талаб қилмайди. Шунингдек, ташқи муҳит омиллари табиатда йил бўйи ва кечаю кундузда бир меъёрда бўлмайди. Ташқи муҳит омиллари ўсимликларнинг ҳосил тўплашлари учун етарли бўлганда оптимум, етарли

бўлмаганда минимум ва ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса максимум ҳисобланади. Масалан, сув ва иссиқлик етишмаслиги ёки ҳаддан ташқари кўп бўлиши ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ниҳоят ҳосилдорлигига салбий таъсир қиласи.

Дала шароитида етиштириладиган барча ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти ташқи муҳит омиллари билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ташқи муҳит омиллари ўсимликлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосил беришида муҳим аҳамиятга эга.

**Иссиқлик.** Ўсимликларнинг барча ҳаётий жараёнлари, бошқа омиллар билан биргаликда иссиқлик таъсирида содир бўлади. У атмосфера ва тупроқ ҳароратидан иборат бўлиб, ўсимликлар ҳаёти бошланишининг илк дақиқаларидан бошлаб, то унинг охиригача керак. Иссиқлик омили уруғ сувни ўзига шимиши, униши, майса ҳосил қилиши, ўсиши ва ривожланиши, транспирация (сувни буғлатиши) ва фотосинтез жараёнлари бориши, ҳосил етилиши ва бошқа ҳаётий жараёнлари учун зарур. Ўсимлик ҳаётининг бошланғич даврида, яъни уруғ сувни ўзига шимиб олиши, бўртиши, униб чиқиши вақтида тупроқ таркибидаги иссиқлик, уруғ тупроқ ичидаги унгач, ер юзига чиқиб, яъни майса ҳосил қилганда ҳаво (атмосфера) ҳарорати асосий ўрин тутади.

Ҳар хил ўсимликлар ўсиш ва ривожланишининг барча фазаларида (даврларида) маълум даражада ва миқдорда самарали ҳарорат талаб қиласи. Масалан, фўзанинг чигити  $10-12^{\circ}\text{Сда}$  уна бошлайди.  $14-16^{\circ}\text{Сда}$  бир текис майса ҳосил қиласи.

Ғўза учун майса ҳосил қилиши ва шоналаш фазасида  $10^{\circ}\text{Сдан}$ , гуллаш ва пишиш фазасида эса  $13^{\circ}\text{Сдан}$  юқори ҳарорат фойдали (самарали) ҳисобланади. Ғўза чигити тупроққа экилгандан, то майса ҳосил қилишига қадар  $85-90^{\circ}\text{C}$ . Шоналаш даврида  $485-500^{\circ}\text{C}$ , гуллаш даврида  $900-1200^{\circ}\text{C}$  ва 50 foиз ҳосил етилгунча  $1560-2000^{\circ}\text{C}$  самарали (эфектив) ҳарорат талаб қиласи. Ўсимликлар ривожланишининг ҳар бир босқичида зарур бўлган ҳароратни тўғри аниқлаш, у ёки бу туман шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимликларнинг нафас олиши ва фотосинтез жараёнларини бориши ҳам ҳароратга боғлиқ. Ҳаво ҳарорати  $10^{\circ}\text{C}$  бўлганда ҳам кўпгина ўсимликлар меъёрида нафас олаверади. Ҳарорат кўтарила бориши билан нафас олиш жараёни тезлашади,  $35-40^{\circ}\text{Ста}$  етганда ўсимликларнинг нафас олиши тезлашади,  $50^{\circ}\text{Ста}$  етганда эса нафас олиши бутунлай тўхтаб қолади. Ҳаво ҳарорати  $20-30^{\circ}\text{C}$  бўлганда ўсимликларда фотосинтез жараёни яхши боради, кўплаб органик моддалар тўпланади.

Барча дала экинларининг иссиқлиқ омилига бўлган талабига қараб икки гуруҳга: кам ва кўп талаб қилувчиларга бўлинади. Одатда, иссиқликка кам талабчан ўсимликлар шимолий худудлардан, салқин тоғли ерлардан келиб чиққан ва шакланган. Бундай ўсимликларга буғдой, жавдар, арпа, сули, хантал, рапс, нўхат ва бошқалар киради. Уларнинг уруғлари 1—3°Cда уна бошлайди, 4—5°Cда майса ҳосил қиласди, майсалари 5—8°Cли қисқа муддатли совуқларга чидайди. 10—12°C ҳарорат мева элементларининг шаклланиши ва гуллаши учун минимум, пишиб етилишиги эса 10—20°C оптимум ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳга жанубий иссиқ иқлим худудлардан келиб чиққан ва шакланган иссиқсевар ўсимликлар (тариқ, маккажӯҳори, жугари, шоли, соя, ловиялар, лўбия, фўза ва полиз экинлари) киради. Уларнинг уруғлари 7—8°Cда уна бошлайди, 8—12°Cда майса ҳосил қиласди. Уларнинг майсалари қисқа муддатли —0,5—3,0°C совуққа бардош беради. Пишиб етилиши учун 18—27°Cли ҳарорат талаб қиласди.

Иссиқлик фақат ўсимликларнинг ўсиши, ривожланишига эмас, балки барги танаси орқали сувни буғланишга (транспирацияга), тупроқ эритмасидаги минерал моддаларни эритишига ва ўзлаштирилишига, шунингдек, тупроқда яшовчи микроорганизмлар ҳамда борлиқ жоноворларнинг ҳаёт фаолияти учун керак. Ойнавандлар шаротида ўсимликлар етиштирилганда, иссиқлик режимини сунъий равишда бошқариб боришга имкон туғилади. Ойнавандларда иссиқлик режими ўсимликларнинг талабига қараб бошқариб борилади. Ҳар қайси ўсимлик учун иссиқлик режими унинг фазаларига, етиштириш технологиясига (уругни экиш, кўчат қилиб ўстириш), ўсишини жадаллаштириш, секинлаштириш, тўхтатиш ва ўсимликларнинг ўсиш ҳамда ривожланиш ҳолатига қараб бошқариб борилади. Уруғ экилгандан сўнг, ҳарорат майса ҳосил бўлгунча, бироз кўтарилади, биринчи барг ҳосил бўлгач, яна бироз оширилади. Ўсимликлар ўшини секинлаштириш ва тўхтатиш учун ҳарорат пасайтирилади, ўшиши тезлаштириш учун эса аксинча, кўтарилади.

Дала экинлари ўсимликларини иссиқликка бўлган талаби ва юқори ҳамда паст ҳароратга чидамлилиги, яъни толерантлиги уларнинг биологиясига боғлиқ. Толерантлик даражаси қанча юқори бўлса, ундай ўсимликларни турли шароитли худудларда етиштиришга, улар майдонини кенгайтиришга имкон бўлади. Ўсимликларнинг толерантлигини ошириш ўсимлик маҳсулотларини кўплаб етиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сув. Ўсимликларда модда алмашинуви, ўсиши, ривожланиши,

ҳосил бериши каби жараёнларнинг бориши, бошқа омиллар билан бирга сувга ҳам боғлиқ. Сув ўсимликнинг барча аъзоларини таркибий қисми ҳисобланади. Ҳужайранинг қобиги протоплазмаси ва ҳужайра ширасида сув суюқ, ҳужайра оралиқларида эса бугсимон ҳолатда бўлади. Ҳужайраларда сувнинг миқдори ўсимликнинг тури, тупроқ намлиги, ўғит ва ҳавонинг нисбий намлиги, иссиқлик ва бошқа ҳолатларга қараб 70—80 %, ҳатто 90 %га боради.

Сув омили ўсимликларнинг барча (илдиз, поя, барг, гул, мева) аъзоларининг асосий қисмини ташкил қилибина қолмай, у олдинма-кетин рўй берадиган бир-бирига боғлиқ бўлган уч жараённи амалга оширади. Улар қўйидагилар: 1. Ўсимлик илдизига сувда эриган моддаларнинг сингиши; 2. Илдиз, поя, барг ва бошқа аъзолари орқали сувнинг ҳаракати қилиши; 3. Барглари, танаси орқали сувнинг атмосферага буғланиши (транспирация)дан иборат. Тупроқдаги сув ўсимликка унинг илдиз тукчалари орқали сўрилади. Сув билан биргаликда унда эриган минерал моддалар ўсимлик танасига ўтади.

Ўсимликка сувнинг сингиши ва уни ўсимлик танаси бўйлаб кўтарилишида транспирация жараёни катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар бутун вегетация даврида ҳар хил миқдорда сув сарфлайди. У ўсимликнинг экологиясига боғлиқ, ўсимликларнинг бутун вегетация даврида сув сарфлаш коэффициенти турлича (2-жадвал).

## 2. Турли экинларнинг транспирация коэффициенти

Экинлар	Худудлар		
	Шимолий	Марказий	Жанубий
Кузги буғдой	400—450	500—550	550—600
Маккажўхори	350—400	400—450	450—500
Шоли	500—550	550—600	600—650
Беда	550—600	650—700	750—900
Ғўза	500—550	550—600	650—750
Картошка	450—500	500—550	550—600

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликлар сувни сарфлаши ташқи муҳит шароити ва уларнинг турига боғлиқ. Шунингдек, сув сарфланиши уларнинг қуруқ моддалар ҳосил қилишига бориб тақалади. Бир бўлак (г, кг, т) қуруқ модда ҳосил

қилиш учун кузги буғдой 400—600, маккажүхори 350—500, шоли 500—650, беда 550—900, ғұза 500—750, картошка 450—600 л сув сарфлайди. Бир бұлак қуруқ модда яратып учун сарфланған сув миқдорига ўсимликнинг транспирация коэффициенти дейилади. Ўсимликларнинг транспирация коэффициентига ҳарорат, шамол ва бошқа омиллар катта таъсир қиласы. Ўсимлик орқали сувнинг буғланиши физик жараён бўлса ҳам, у ўсимликнинг ҳаётида муҳим биологик ва экологик аҳамиятта эга. Ўсимлик ўз танасини тутиши учун ўзи орқали транспирация жараёнида ўтказган сувни 0,2—0,5 %дан фойдаланади, қолган қисми (99,5—99,8 %)ни эса буғланишга сарфлайди.

Ўсимликка сувнинг сўрилиши ва танаси бўйлаб ҳаракат қилиши, буғланиш жараёнлари унинг ўсув, ривожланиш даврининг фазаларида бир хил эмас. Куннинг ўртасида (соат 12—15 да) сувнинг ўсимликка сўрилишига (келишига) нисбатан унинг буғланиши, яъни сарфланиши кўп бўлади. Кечаси сувнинг буғланиши кескин камаяди, шунинг учун ўсимлик танасида, сув танқислиги йўқолади ёки минимум ҳолатга келади. Куннинг ярмида сув танқислиги рўй бериси уни (сувни) ўсимлик қисмларида тақсимланишига олиб келади. Бунда ўсимликнинг фаол қисмлари унинг нофаолларидан сўриб (тортиб) олади. Куннинг ярмида сув ўсимликлар пастки қисмларида, юқори қисмларига нисбатан кўпроқ бўлади. Нам етишмаганда, куннинг ўртасидаги сув танқислиги кечаси салқин тушиши ҳисобига тўла қопланмайди. Бундай ҳолатда ўсимликлар сув танқислигини эрталабки соатлардан бошлаб сезади. Натижада, қолдиқ сув танқислиги ҳосил бўлади.

Тупроқда намлик камайганда (унда эриган моддалар ҳисобига) унинг эритмаси асмотик босими кўтарилиши илдизга сув шимилишини пасайтиради. Илдизларга сувнинг шимилиш тезлиги тупроқнинг ҳажм бирлигидаги, аэроциясига илдизларини оз ёки кўп бўлишлигига, баргларнинг сўриш кучи ва тупроқнинг намни (сувни) ушлаб туриш қобилиятига боғлиқ. Аэроция етишмаганда (кислород кам, карбонат ангидрид ортиқча бўлганда) илдизни нафас олиши тезлашади.

Ўсимликнинг сув билан етарли даражада таъминланиши фотосинтез учун зарур. Сув фотосинтез жараёнида  $\text{CO}_2$  ни ассимиляция қилишдаги кимёвий реакцияларда катнашади. Сувнинг етишмаслиги ёки ортиқча бўлиши ўсимликларнинг генератив қисмларига катта таъсир кўрсатади. Айрим ҳолатларда бутунлай ҳосилсиз (мевасиз) бўлишига ёки меваларини майда ва кам ҳосилли бўлишига олиб келади. Масалан, ғўза ва бошқа ўсимликларда сувнинг етишмаслиги

шона, гул ва тугунчалари түкилиб кетишига сабаб бўлади. Сув режими ўсимликнинг нафас олишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Сув ва озиқ режимлари яхши бўлганда, нафас олиш ва шу билан боғлиқ бўлган жараёнлар анча самарали бўлади.

Экин ўстириладиган ойнавандларда сув ҳаво намлигини маълум маромларда ушлаб туриши учун керак. Ўсимликнинг сувга бўлган талабини аниқлаш мураккаб бўлиб, у бир қанча омилларга: экинни етишириш технологиясига, тупроқ унумдорлигига, намлик даражасига, иқлим шароитига, ўсимликнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Ўсимликнинг сувга талаби оптимум даражага етганда, ҳосилнинг ортиши унга эмас, бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Ҳаво. Ўсимликлар ҳам бошқа мавжудотларга ўхшашиб ҳаводан нафас олади. Улар ҳаводан кислородни олиб, карбонат ангидридни ташқарига чиқаради. Нафас олиш пайтида оксидланиш жараёни рўй беради. Бу жараёнда ўсимликларда органик моддалар тўпланмайди, аксинча, ўсиш ва ривожланишга сарфланади. Ўсимликлар кечако кундуз давомида нафас олади. Лекин кундузи фотосинтез жараёни оқибатида ўсимликларда органик моддалар тўпланиб, уларнинг нафас олишига бўлган сарфланиш минимум ҳолатда бўлади. Шунинг учун органик моддалар камайиши билинмайди. Ўсимликлар кечаси нафас олаётганда (қоронғида фотосинтез жараёни бўлмаганлиги учун) органик моддаларнинг сарфланиши максимум ҳолатда бўлади. Ўсимликлар нафас олиш учун кислородни атмосфера ва тупроқдан олади.

Тупроқ ҳавоси таркибида ўсимликлар учун зарур бир қанча озиқ элементлари кислород, углерод, азот мавжуд. Уларнинг таркибида  $\text{NH}_2 \text{P}_2\text{O}_5 \text{SO}_4$  ва бошқа озиқ элементлари бор. Демак, тупроқ ҳавоси ўсимликларининг озиқ элементлар манбаи ҳисобланади. Тупроқ ҳавоси ўсимлик илдизини кислород, азот, карбонат ангидрид, сув буғлари ва бошқа озиқ моддалари билан таъминлаб туради. Ўсимлик илдизи нафас олганда кўп микдорда карбонат ангидрид ажралади. У ҳаво алмашиниши вақтида тупроқдан атмосферага, яъни ўсимликларнинг ассимиляция қисми жойлашган мұхитга кўтарилади. Ҳавода карбонат ангидрид концентрацияси ортган сари ўсимликларнинг фотосинтез жараёни яхшиланиб, қуруқ моддалар кўп тўпланади. Кислород ўсимлик илдизининг нафас олиши учун зарур. Ўсимликлар тур, хил ва навларининг хусусияти ва ривожланиш фазаларига қараб ҳар хил бўлади. Улар сернам тупроқларда ҳаво етишмаслиги туфайли нобуд бўлса-да, лекин шунга қарамай озиқ әритмаси ҳаво билан тўйинтирилганда улар гидропоника шароитида ҳам ўсаверади. Ўсимликларнинг илдизлари бутун ўсув даврида карбонат ангидрид ажралади.

тиб тураты. Одатда, ўсимлик қолдиқлари ва органик ўғитлар (асосан, гүнг) ерга ҳайдалганда тупроққа күмилиб, аэроб бактериялар таъсирида чириндига айланади. Шундан сүнг, чириндиди аэроб бактериялар бутунлай охиригача тұла парчалайды — минерал моддаларга айлантиради, шу жараён натижасыда карбонат ангирид ажралиб, тупроқ ҳавоси таркибиға киради. Тупроқ ҳавосыда карбонат ангиридининг күпайиши билан ўсимлик илдизлари ва аэроб бактерияларнинг нафас олиши ҳисобига кислород камайды. Масалан, кислород 2—3 % га камайса,  $\text{CO}_2$  миқдори 10 % ва ундан күпроққа ортади.

Тупроқда  $\text{CO}_2$  концентрацияси ошиб кетганды, ўсимлик илдизлари захарланиши мүмкін.  $\text{CO}_2$  концентрацияси 5—7 %га етганды уруғ унмайды, аэроб бактерияларнинг фаолияти ёмонлашади. Одатда, дала экинларининг илдизи учун  $\text{CO}_2$ нинг 1,0 % концентрацияси захарлы ҳисобланади. Бундай қолда ўсимлик илдиз чиқармайды ва ўсиши, ривожланиши тұхтайди. Атмосфера билан тупроқ ўртасыда ҳаво алмашинуви меңдерда бўлганда, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаши учун табиий мувозанат вужудга келади.

$\text{CO}_2$  концентрация 0,03 %дан 0,28 %гача кўпайтирилганда ўсимликларда ассимиляция жараёни 3 мартаға ортади. Атмосферада  $\text{CO}_2$  концентрацияси 1,0 %га яқин бўлиши кўпгина дала экинларини ер устки қисми учун яхши, илдизлари учун эса захарлы ҳисобланади. Ўсимликлар ойнавандларда ўстирилаётганда  $\text{CO}_2$  концентрациясини кўпайтириш ҳосилни оширади.

Ҳаво таркибиде карбонат ангиридининг концентрацияси 0,03 % бўлиши, ўсимликлар талабига нисбатан жуда кам ҳисобланади. Шунинг учун тупроқдан ажралиб чиқаётган карбонат ангирид жуда катта аҳамиятга эга. Тупроқдан  $\text{CO}_2$ нинг ажралиш динамикаси экин етиштириш технологиясига, микроорганизмларнинг фаолиятига, ўсимликларнинг турига ва тупроқ билан атмосфера алмашиниши жадаллигига боғлиқ. Тупроқдан ажралаётган  $\text{CO}_2$ нинг миқдори асосан, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига, яъни органик моддаларнинг парчаланишига боғлиқ. Бундан ташқари,  $\text{CO}_2$  тупроқда кальций бикорбонатни карбонатта ўтиши ва тупроқ кислоталарининг карбонатларга таъсир қилиши натижасыда ажралиши мүмкін. Карбонат ангирид миқдорини кўпайиши ўсимликларнинг фотосинтез фаолиятини яхшилаб, экинлар ҳосилини оширишга олиб келади. Фотосинтез жараёнида ўсимлик 1 тонна карбонат ангирид ўзлаштириш учун 2 тонна кислород ажратади. Тупроқда карбонат ангиридининг кўпайиб кетиши аэроб бактерияларга ва ўсимликларнинг ил-

дизларига заар өткәзади. Чунки,  $\text{CO}_2$  күпайиб кетса, у тупроқдаги кислородни сиқиб чиқаришга олиб келиб, илдизларнинг нафас олиши қийинлашади. Бу, айниқса, тугунак ва илдиз ҳамда илдизмевалилар ҳосилини камайтиради.

Ҳаво режими оптимал даражада бўлганда, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги яхши бўлади. Тупроқни сифатли ишлаш, донадорлигини мустаҳкамлаш ва юмшатиш йўли билан унинг ҳаво режимини яхшилаш мумкин. Сернам тупроқларнинг ҳаво режимини яхшилаш учун захни қочириш, эгат очиш, дала майдони сатҳини ошириш — ер бетидан сувни кўплаб буғлатишга эришиш, пушта устига экишни амалга ошириш лозим. Сунъий усулда «табиий мувозанат»ни сақлаш ойнавандлар шароитида қўлланиши мумкин. Чунки ойнавандларда, одатда, карбонат ангидрид етишмаслиги туфайли фотосинтез жараёнини сусайиши, экинларнинг ҳосилдорлиги камайишига олиб келади. Шунинг учун ойнавандларда экинларга (оптимал ҳаво шароити яратиш мақсадида) кундузги соатларда карбонат ангидрид гази баллонларда берилади. Бу усул ойнавандларда етиштириладиган экинларнинг ҳосилини деярли оширишга олиб келади. Масалан, сунъий равишда ойнавандларда бодрингни карбонат ангидрид билан таъминлаш унинг ҳосилини 25—75 %гача оширишга имкон беради.

Ойнавандларда экинларни карбонат ангидрид гази билан оптимал даражада таъминлаш мақсадида баллонларда бериш усули билан бир қаторда қаттиқ карбон бўлаклари (сунъий, муз)ни ўсимликлар атрофига қўйиб чиқиш йўли ҳам қўлланилади. Ўсимликларни ойнавандлар шароитида карбонат ангидрид билан таъминлаш уларни ёруғлик ва минерал озиқлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Ойнавандларда карбонат ангидридинг оптимал миқдори бодринг учун 0,6 %, помидор ва салат учун 0,3—0,35 % ҳисобланади.

Карбонат ангидриднинг бу кўрсаткичи табиий шароитдагига (0,03 %) нисбатан 10—20 марта кўп. Шунинг учун ҳам ойнаванд экинларидан далада етиштирилганга нисбатан 10—15 марта ва ундан кўп ҳосил олинади. Ойнавандларга ўсимликлар карбонат ангидрид билан сунъий озиқлантириш ассимиляция жараёни жадал бораётган пайтларда ўтқазилиши лозим. Биологик усул (гўнг ва бошқа органик моддалар) иситилаётган ойнавандларда ўсимликларни сунъий равишида карбонат ангидрид билан қўшимча озиқлантиришга зарурият йўқ.

Экин етиштириладиган ойнавандларда амиак, олтингурут, азот оксиди ва бошқа газларни бўлиши заарли ҳисобланади. Улардан сунъий шамоллатиш йўли билан қутилади. Этилен ва кислород газ-

лари меваларни етилтиришда құлланилиши мүмкін. Чала етилган мевалар маҳсус камераларда этилен ёки кислород гази билан етилтирилади. Бунинг учун 1 м<sup>3</sup> жойга 80 кг мева жойлаштирилади ва 1 литр этилен гази берилиб, 20 соат ушлаб турилади. Кейин камера шамоллатиласы. Ана шу мақсадда кислород газидан ҳам фойдаланиш мүмкін. Бунда камеранинг ҳажміга нисбатан 60—80 % ҳисобида баллондан бевосита кислород юборади. Бунда ажралған карбонат ангидрид ишқорға ютилади. Шундай ҳолда мева уч күн сақланса, улар яхши ва тез етилади. Демак, сунъий йўл билан табиий мувозанатни тўлдирса бўлади.

**Ёруғлик.** Табиий шароитда ёруғлик манбаи қуёш ҳисобланади. Ўсимликларнинг ёруғликка бўлган талабига географик кенглик ва йилнинг фасли таъсир қиласи. Ўсимликларнинг кечаю кундуз ёруғликка бўлган талаби алмашиниши об-ҳаво шароитига боғлиқ. Ўсимликларга мавсумий, кеча ва кундузги ёруғлик режими катта таъсир қиласи. Ёруғлик режими ҳамма вақт ўсимлик талабига мос, яни оптимал даражада бўлавермайди. Йилнинг мавсуми ва кечаю кундуз давомида қуёшнинг нур бериш даражаси, таркиби, жадаллиги ҳамда давомийлиги ўзгариб туради.

Одатда, ўсимликлар ҳаёт фаолиятлари учун зарур бўлган ёруғлик нурининг тури ва кучи бир хил эмас. Айрим ўсимликлар (асосан, узун күн ўсимликлар) ҳосилининг шаклланиши учун қўқ — зангори ва инфрақизил нурга яқин радиацияни талаб қиласа, иккичи хиллари ёруғлик таркибига (спектрига) фарқсиз бўлади ёки қизил жигарранг радиациядан яхши фойдаланади. Ўсимликларнинг ҳаммаси күн ўртасидаги оқ рангли қуёш нури таъсирида яхши ривожланади.

Ўсимликларни ёруғликка бўлган талабини оптимал даражада таъминлашда нур тўплами режимининг кучи катта аҳамиятга эга. Ёруғлик кучи одатда 1 м<sup>2</sup> ватт билан ифодаланади. Бизнинг табиий шароитимизда аксарият ўсимликлар учун күн ўртасида тўғри тушадиган ёруғлик кучининг ярми, яни 450—600 м<sup>2</sup> ватт етарли ҳисобланади. Айрим, айниқса, дараҳтлар остида ўсадиган ўсимликлар учун ёруғлик кучи анча кам (60—100 м<sup>2</sup> ватт) бўлса ҳам етарли, яни оптимал ҳисобланади. Ёруғлик қанчалик кучли бўлса, спектрдаги инфрақизил нур шунчалик кўп бўлади. Шунинг учун ўсимликтин ҳаддан ташқари исиб кетмаслиги, ҳаво ҳарорати оптимал даражада бўлиши лозим. Ёруғлик кучли бўлганда, ҳаво ҳарорати 25°Cдан кам бўлмаслиги керак.

Ёруғлик ва ҳарорат (12—15°C, айрим иссиқсевар ўсимликлар учун

18°Сгача) пасайиши ўсимлик массасининг тўпланишига салбий таъсир қиласи. Кучли ёруғлик ўсимлик ўрта қисми бўғинларининг чўзилишига имкон бермайди, натижада улар пакана бўлиб қолади. Ўсимлик ёруғлик билан қанчалик оптимал даражада таъминланса, у ўзининг морфологияси ва биологиясига хос шаклга ҳамда хусусиятига эга бўлади. Бундай ўсимликларнинг ҳосилдорлиги юқори ва маҳсулоти сифатли бўлади. Ёруғлик кучи пасайган сари ўсимликнинг массаси кам тўпланади. Бундан ташқари, ўсимликнинг бўйига чўзилиш (этиология) ҳодисаси рўй беради, уруғлари кам, сифатсиз бўлади ёки бутунлай ҳосил бўлмайди.

Ўсимликнинг ҳаётида ёруғлик режими, кучи, таркиби, давомийлиги билан биргаликда унинг (ёруғлик нурини) ҳажми, баргларига тушиш бирлиги катта аҳамиятга эга. Ёруғлик ўсимлик баргларига қанчалик тўғри тушса, унинг қуввати ютилиши шунчалик кўп бўлади. Бир томонлама тушган ёруғлик ўсимликни унинг манбай томон эгилишига сабаб бўлади. Ўсимликка бир томонлама тушган ёруғлик унинг тузилиши ва ҳосилдорлигини камайишига олиб келаади. Шунингдек, ўсимликлар учун ёруғликнинг кечаю кундузлик мароми ва таъсир этиш соатлари давомийлиги миқдори муҳим аҳамиятга эга. Одатда, ёруғликнинг кучи қанчалик юқори бўлса, унинг таъсир қилиш даври шунча қисқа, аксинча, бу омилнинг кучи қанча паст бўлса, кун шунча узун бўлади.

*Ёруғлик омили режимини бошқарши.* Ёруғлик режимини табиий ҳолатда бошқариш жуда кийин. Лекин уни сунъий ҳолатда бошқариш мумкин. Бунинг учун ўсимликлар қалинлигини экиш маромларини камайтириш, яғаналаш, қатор оралиқларини йўналтириш билан ёруғликнинг тушишига мослаштириш, экинларни икки ва кўп қаватлаб етиштириш, буга ва дарахт шохларини қирқиши, парвариш қилиш йўли билан ёруғлик режимига таъсир қилиш мумкин.

*Сунъий ёруғлик.* Сунъий ёруғлик сабзавотларни эрга баҳорда ҳамда қишида етиштириш учун ойнавандларда кўлланилади. Ўсимликларни сунъий ёруғликда етиштириш селекция ишларида, яъни бир йилда 4—5 авлод олиш мақсадида ишлатилади. Бу усул сунъий камера шароитида, табиий ёруғлик бўлмагандага физиологик ва биологик текширишлар ўтказишида жуда қулай. Чунки, ўсимликларга хоҳлаган режимда нур бериш, унинг спектри таркиби, давомийлиги ва жадаллигини бошқариш мумкин. Ўсимликларни ойнавандларда ўстиришда, сунъий ёруғлик муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларни сунъий ёруғликда етиштириш икки хил: бутунлай сунъий ёруғликда ёки куёш нурига ёрдамчи сифатида бўлиши мумкин. Куёш нурига ёр-

дамчи сифатида сунъий ёруғлик қишки пайтларда ойнавандларда қисқа күнни узайтириш ва ёруғлик кучини ошириш учун құлланылади. Ўсимликтен сунъий ёруғликта ўстириш учун ҳар хил ёруғлик манбаидан фойдаланиш мүмкін.

Сунъий ёруғлик воситаси сифатида турли электр лампаларидан фойдаланиш керак. Уларни ёритиш ўсимликларнинг физиологиясига мос келиши, яъни тұлқын узунлиги 380—710 мкм бўлиши лозим. Ёритиш спектрида ўсимлика зарап көлтирадиган қисқа тұлқынли (тұлқын узунлиги 300 мкмдан кам) ультрабинафша нурлар бўлмаслиги ва уларнинг кучи экинларнинг маромида ўсиши ҳамда ривожланиши учун оптималь даражада бўлиши керак. Шу билан биргаликда радиация манбаида кўп миқдорда инфрақизил нурлар тарқатмаслиги лозим, чунки мунтазам равишида ўсимликнинг қизиши, унда модда алмашинуви бузилишига, барвақт гуллашига, мева тушиш ва ниҳоят, кам ҳосилли бўлиб қолишига олиб келади. Ўсимликни ёритиш учун ишлатиладиган электр лампалар тўғри ўрнатилиши ва уларнинг нурлари ўсимлика қүёш нури каби тушиб туриши лозим. Ёритувчи лампалар маҳсус мосламаларда ўсимликни устига параллел тартибда пастга қаратиб ёки қатор оралиқлари ўргасида тепага йўналтирилиб ўрнатилади. Ёритиш манбаини айрим турлари (ДРП лампалари) жойидан силжиб юрадиган мосламаларга ўрнатилади. Улар олдинга ва орқага қараб, мослама бўйлаб ётиғига ҳаракат қиласи.

Ўсимликларни сунъий ёруғликта ўстиришда бериладиган нурнинг таркиби, радиациянинг физиологиясига хослиги, давомийлиги катта аҳамиятга эга. Масалан, қизил, жигарранг нурлар фотосинтез кучли бўлишига ўсимликлар генератив органларини ривожланитириб, гулга киришини тезлаштиради. Кўкимтири зангори нурлар таъсири паст (кучсиз) бўлиб, уларнинг гулга кеч киришига олиб келади. Кўкрангли нурларни эса ўсимликларга фойдаси кам. Ўсимликларни гулга киришини тезлатиш ва эрта ҳосил тўплаши учун қизил, жигарранг нурга бой радиация манбаини ишлатиш лозим.

Ўсимликларнинг ривожланишини тўхташи зарурати туғилса ёки барг ҳосилини кўпайтириш керак бўлиб қолса (масалан, салат баргини, редиска ҳосилини), кўк зангори (ДРЛ, люминесцент типидан ЛДУ лампалар) нур манбаи ишлатилиши лозим. Маромида ривожланидиган ўсимликларни етиштиришда селекция ишларида қўёш спектри бўлган табиий ёруғликка эга нур берадиган, сув билан совитиладиган ДКС-600 лампаларидан фойдаланиш керак.

Ойнавандларда, сунъий ёруғликта етиштирилайдиган ўсимликлар учун оптималь радиация 50—100 минг эрг см<sup>2</sup>/сек, кўшимча ёритиш

учун эса 25—50 минг эрг  $\text{см}^2/\text{сек}$  етарли ҳисобланади. Сунъий ёруғлик шундай режимда бўлганда помидор ва бодринг дала шароитда, ҳатто эрта муддатларда экилганга нисбатан 15—20 кун олдин етилади, ҳосили эса 25—30 % ошади.

Фотосинтез яшил ўсимликларнинг қуёш қувватидан фойдаланиб, анорганик моддадан органик моддаларни синтезлаш хусусиятига фотосинтез дейилади. Водороддан фотосинтез жараёнида ўсимликлар оксидланган ангидридни ўзлаштириб қайта тикланган углеродга эга бўлган органик бирикмалар ҳосил қиласди.

Карбонат ангидридан углеродни тиклаш учун ўсимлик сувдаги водороддан фойдаланади, бунда атмосферага молекуляр кислород ( $\text{O}_2$ ) ажralиб чиқади. Фотосинтез жараёни қувват манбаи бўлиб, ўсимликларнинг хлорофили томонидан ютиладиган ёруғлик ҳисобланади. Ютилган ёруғлик иссиқлик тариқасида тарқалиб кетмайди, аксинча, фотосинтез жараёни натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотнинг кимёвий қуввати сифатида тўпланади.

Фотосинтез юксак ўсимликлар, яшил ва бошқа сув ўтлари ҳамда айрим бактериялар гуруҳига хос жараён ҳисобланади. Лекин фотосинтез жараёни, асосан, яшил ўсимликларда боради. Яшил ўсимликларнинг фотосинтез фаолияти туфайли барча мавжудотларнинг нафас олиши, ёқилгини ёндириш ва бошқалар учун кетган жуда катта кислород ўрнини тўлдиради, атмосфера эса нафас олиш ва ёнишдан ҳосил бўлган ортиқча карбонат ангидридан тозаланади.

Ўсимликлар томонидан ассимиляция қилинадиган карбонат ангидриднинг умумий миқдори бир йилда 175 млрд тоннани ташкил қилиб, тахминан шунча эркин кислород ажralиб чиқади. Фотосинтез жараёни натижасида дунё бўйича яшил ўсимликлар томонидан бир йилда 500 млрд т. га яқин органик модда ҳосил бўлади. Яратилган органик моддалар барча мавжудотларнинг яшаш манбаи (озуқаси) ҳисобланади. Турли хил мавжудотлар ўсимликларнинг турли қисмларидан озиқ сифатида фойдаланади. Шунингдек, ўсимликлар яратилган органик моддалар қурилиш материаллари, ўтин, енгил саноат учун хом ашё ҳисобланади. Фотосинтез жараёни қувват сақланиш қонунига қатъий риоя қилган ҳолда рўй беради. Қуёш қуввати ўсимликтин хлорофили ёрдамида ютилади ва қайта ўзгаради,  $\text{CO}_2$  ва сувдан кимёвий реакция асосида органик модда ҳосил бўлади. Демак, фотосинтез жараёни ёруғлик нурлари хлорофилга ютилганда гина рўй беради. Лекин унинг жадаллиги ёруғлик кучи ва сифатига боғлиқ. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар томонидан атмосферага чиқарилган кислороднинг манбаи сув ҳисобланади. Фотосинтезнинг

асосий фотокимёвий реакцияси сув парчаланиши билан боғлиқ. Бунда кислород эркин ҳолатда ташқи муҳитга — атмосферага ажралиб чиқали, водород (гидроген) эса бир қатор оксидланиш ва қайтарилиш реакцияси ёрдамида  $\text{CO}_2$  ни қайта ҳосил қиласи. Фотосинтез жуда мураккаб жараёнлардан иборат. Фотосинтез жараёнида ёруғлик ютувчи хлорофиллар асосий ўринни тутади. Фотосинтез жараёнида тури ферментлар муҳим аҳамиятга эга. Яшил ўсимликларнинг фотосинтетик қобилияти катта (20 %) бўлишига қарамай, қуёш радиациясидан фойдаланиш коэффициенти дунё бўйича 0,5 %, илгор технология ва юқори серҳосил навларни қўллаш билан уни 1,5-2,0% етказиш мумкин. Ўтказилган илмий тадқиқотлар ўсимликлар қуёшни фотосинтетик фаол радиациясидан (ФФР) фойдаланиш коэффициентини 3,0—3,5 %гача етказиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўсимлик маҳсулдорлигини ошириш йўлларидан бири унинг фотосинтетик фаолиятини ошириш ҳисобланади. Бунга ўсимлик барг сатхини ошириш ва унинг фаоллик муддатини чўзиш билан эришиш мумкин. Ўсимликларнинг фотосинтетик фаолигини оширишда уларни минерал озиқлар ва сув билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг қуёш радиациясидан фойдаланиш коэффициентини оширишда уларнинг қўчат қалинлиги, озиқланиш майдони, экиш мароми ва етиштириш технологиясини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Фотосинтез жараёнида карбонат ангидридни тез ассимиляция қилиб кўп органик моддалар тўплайдиган навларни яратиш лозим. Одатда, серҳосил ўсимлик навларининг муҳим хусусиятларидан бири ассимилятларнинг асосий қисмини катта аҳамиятга эга бўлган дон, картошка, илдизмева тола, ем-хашак ва ҳоказоларга сарфлаши ҳисобланади.

Ўсимликлар ёруғликка бўлган умумий талабига қараб икки: узун кун ва қисқа кун гуруҳларига бўлинади. Узун кун ўсимликлари кундузи узун, кечаси қисқа бўлган шароитда, қисқа кунлилари эса, аксинча, кундузи қисқа кечаси узун бўлганда тез гуллайди. Узун кун ўсимликларига: буғдой, арпа, жавдар, сули, нўхат, ясмиқ, чина, люпин, дуккаклар, беда, қизил беда, қарам, картошка, турп, шолғом, лавлаги, тамаки, помидор, ловиялар (мошдан ташқари) киради. Қисқа кун ўсимликларга: тарик, маккажӯхори, жугари, шоли, тарвуз, қовун, бақлажон, гречиха, наша, бодринг, қизил гармдори, тапинамбур, фўза, чой, олма ва бошқа ўсимликлар киради. Айрим ўсимликларга куннинг узун ёки қисқалиги асло таъсир этмайди. Масалан, беда, картошканинг айрим навлари ва бошқалар.

Экинларнинг фотосинтетик салоҳияти (ЭФС) деб, уларнинг бутун

ўсув даври давомидаги фотосинтезига айтилади. ЭФС ўсимликнинг барча барглари сатҳини  $m^2/га$ , уларнинг фаол ишлаш кунлари давомийлигича кўпайтириш билан топилади. ЭФС  $m^2/га$  тенг. Масалан, маккажўхори майсалари униб чикқан пайтдан бошлаб, то барглари нинг фаол ишлаши тўхтагунча ўтган вақтнинг давомийлиги 100 кун бўлганда барглар сатҳи  $23000 m^2/га$ .ни ташкил қилган. Бу бир гектар маккажўхорининг ЭФС қиймати  $2,3$  млн кун ( $23000 \cdot 100 = 2300.000 m^2/кун$ ) бўлади. Бундай кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳар хил усулдаги қалинликда экилган экинларга, уларнинг бутун ўсув даврида келадиган қўёш радиацияси сингдириши ва фотосинтез жараёнида ютиладиган радиациянинг фойдали иш коэффициентини (%) ҳисоблаш ҳамда таққослашга имкон беради.

ЭФС экинлар ҳосилини олдиндан ҳисоблаш назарияси ва методларини яратиш учун зарур. ЭФС кўрсаткичи ўсимликларнинг маҳсулдорлиги билан боғлиқ. Шунга кўра, ҳосилни олдиндан ҳисоблаш учун бир қанча агрометеорологик усуслардан фойдаланиш лозим. ЭФС кўрсаткичларидан фойдаланиш йўли билан экинларнинг маълум худудида, турли тупроқ шароитида, қўёш радиациясининг фотосинтетик салоҳиятидан тўла фойдаланишни таъминлайдиган кўчат қалинлигини аниқлаш мумкин. Масалан, чўл худудлари суфориладиган ҳар бир гектар маккажўхорининг ЭФС кўрсаткичи  $3,5 - 3,8$  млн $^2$  кунга тенг. Бу маккажўхорининг гектаридан  $800 - 1000$  ц кўк масса ва  $90 - 120$  ц.дан ҳосили олишга имкон беради. Бундай ҳолда маккажўхорига келаётган қўёш радиациясининг фойдали иш коэффициенти  $4\%$  га яқин бўлиши лозим. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, фотосинтез ўсимлик ҳаётида муҳим экологик омиллардан бири ҳисобланади.

*Озиқ омилиниңг ўсимлик маҳсулдорлигига таъсир.* Ташқи муҳит омилларидан — ўсимликлар ҳаёт фаолиятида озиқ омилиниңг аҳамияти катта. Ўсимликлар ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган барча озиқ моддаларни барг ва илдизлари орқали ҳаводан ҳамда тупроқдан олади. Барглари орқали карбонат ангидрид ва қўёш қувватини, илдизлари орқали эса тупроқдан сув ва минерал моддаларни олади. Фотосинтез жараёнида уларни органик моддаларга айлантиради.

Ўсимликлар учун азот, фосфор, калий, кальций, олтингугурт, натрий, хлор, углерод кислород, водород каби макро ва магний, темир, мис, рух, кобальт, иод, молебдон, ванадий, никель, хром, фтор, бор каби микроэлементлар зарур. Ташқи муҳитда бу моддаларнинг барчаси бўлиши лозим, акс ҳолда ўсимликнинг ҳаёт жараёни бузилади. Ўсимликлар зарур озиқ моддаларни тупроқдан, атмосфе-

радан, гидросферадан ва космосдан олади. Ўсимлик углерод, азот, фосфор, водород, кислороднинг бирор атомини ҳам ўзи яратмайди, уларни ташқи муҳитдан ўзлаштиради. Барча ўсимликлар илдизлари ва барглари орқали озиқланади ва улар бир вақтнинг ўзида илдизлари тупроқда поя ҳамда барглари ҳаво муҳитида бўлади. Шунга кўра, шартли ўсимликнинг озиқланиши: ҳаводан (барги, танаси) ва тупроқдан (илдизи) озиқланиш хилига бўлинади.

Ҳаводан озиқланиш деб, карбонат ангидридни барги орқали асимиляция (ютишига) қилишига айтилади. Тупроқдан озиқланишига эса илдизлари сув ва турли тузларнинг ионларини ҳамда айрим органик моддаларни (аминокислоталар, фитинлар кабиларни) ўзлаштириши киради. Озиқланишнинг ҳар икки хили бир-бiri билан узвий боғлиқ, чунки илдиз баргни, барг эса илдизни озиқлантиради. Барг ва илдизларда сон-саноқсиз физиологик жараёнлар рўй бериб туради. Уларнинг маҳсулотлари тўхтовсиз алмашиниб, ер усткилари ер остки, ер осткилари ер устки қисмига ўтиб туради. Озиқланишда ўсимлик, энг аввало, углерод, оксиген, водород, азот элементлари билан бойитилади. Улар ўсимлик массасининг 98 %ни, қолган элементларнинг жами 2 %ни ташкил қилади. Озиқ элементлари ўсимликлар таркибида кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар мутлақ тенг аҳамиятга эга.

Ўсимликлар озиқ моддалар билан тўла ва узлуксиз равишда таъминланиб турилганда юқори ҳамда сифатли ҳосил бериши мумкин. Ўсимлик учун зарур бўлган моддаларнинг биронтаси етишмаганда ҳосилдорлик кескин камайиб кетади, ҳатто нобуд бўлади. Ўсимликларнинг озиқ моддаларга бўлган талаби уларнинг бутун ўсув даврида ўзгариб туради. Бу ҳолат ҳосил камайиши ва сифати пасайишига олиб келади. Шунинг учун озиқа ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларига қараб, озиқ моддалар билан оптимал даражада таъминлаш лозим. Ўсимликлар ўзлари яратган ҳосили билан тупроқдан маълум миқдорда озиқ моддаларни (азот, фосфор, калий ва ҳоказоларни) олиб кетади. Тупроқдан олиб кетилган озиқ моддаларни ўрни уларнинг захиралари ҳисобига тикланиб туради. Озиқ моддаларнинг тупроқдаги умумий захираси бир марта етиштириладиган ҳосил билан олиб кетиладиган озиқ миқдорига нисбатан анча кўп. Масалан, тупроқдаги фосфор миқдори 50—100 йил давомида ўртача ҳосил олиш учун етарли ҳисобланади. Бундан ташқари, бу захирани ҳайдов қатламининг пастки қаватларидан фойдаланиш йўли билан кўпайтириш ҳам мумкин. Лекин шунга қарамай, ҳар гектар ерга 25—30 кг.дан фосфор берилса, ҳосил анча ортади.

Чунки ўсимлик тупроқдаги озиқ моддаларнинг фақат енгил сингадиган шаклдагилариданғина фойдаланади. Тупроқдаги озиқ моддаларнинг асосий қисми ўсимликка кам ёки бутунлай сингмайдиган ҳолда бўлади. Шунинг учун ўсимликларни керакли ташки муҳит омиллари билан оптимал даражада таъминлашда уларнинг миқдори ва ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Озиқ моддалар муҳим экологик омил, шу боис уларнинг барчаси ўсимликлар етиштириладиган муҳитда оптимал даражада бўлгандагина юқори ва сифатли ҳосил олинади.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Деҳқончилик тизимининг асосий мақсади — дала экинларидан юқори, арzon, сифатли маҳсулот етиштиришдан иборат. Бундай муҳим вазифани бажариш бир қанча экологик муаммоларни ҳал қилишина тақозо қиласди. Жумладан, деҳқончилик қилинадиган ерларни:

1. *Сув, шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш.* Бунинг учун куз, эрта баҳорда атмосфера ёғинларидан ҳосил бўладиган сувларни тўғри йўналтириш, улардан оптимал даражада самарали фойдаланиш, шамол кучли бўладиган туманларда эса унинг йўналишига кўндаланг ҳолатда иҳота дараҳтлар ўтқазишни туфри ташкил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш лозим.

2. *Тупроқнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш.* Тупроқни заарарли тузлар билан шўрланиш, ер ости ва оқин сувлар таъсиридан, бот-қоқланишининг олдини олиш ва мелиорация ишларини бажариш лозим. Тупроқ шўрланишининг олдини олиш учун ер ости сувларини кўтарилишига йўл қўймаслик, экинларни суғориш учун шўр — зовур сувларидан фойдаланилмаслик, шўрланган тупроқларнинг шўрланиш даражасига қараб, шўр ювишга сарфланадиган сувни оптимал маромларини тўғри аниқлаш ва ер ювиш ишларини тўғри амалга ошириш орқали ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва дала экинларидан юқори ҳосил олиш муаммосини ҳал қилиш лозим.

3. *Дала экинларини алмашлаб экишини тўғри ташкил қилиш.* Монокультура бир турдаги экишларни, яъни (галла, техник, сабзавот, полиз ва бошқа экинларни) бир ерда сурункасига экавериш тупроқнинг экологик ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Монокультура экинларнинг ҳосилини камайишига, сифатини пасайишига, далаларни бегона ўтлар босиб кетишига, ҳашаротлар ва касалликларнинг тарқалишига олиб келади. Дала экинларни алмашлаб экиш кимёвий, физик, биологик ва иқтисодий сабабларга

асосланган. Алмашлаб экиш жорий этилмаса, экинларнинг тупроқдаги озиқ моддаларни бир томонлама фойдаланишга, тупроқни физик хоссаларининг (донадорлик, сув режимларини) ёмонлашишига, далаларни бегона ўтлар, ҳашаротлар, замбуруғлар, заарли микроорганизмлар кўпайишига, заҳарли моддаларни тўпланишига олиб келади.

Алмашлаб экиш экин турларини тўғри танлаб олиш, оптимал даражада жойлаштириш, уларни ташқи муҳит омилларидан самарали фойдаланиш юқори ва сифатли ҳосил яратишга имкон беради.

4. *Ерни ишлаш тизимини яхшилаш*. Дала шароитида экинларни етиштириш ерни ишлашнинг маълум тизимини амалга ошириш билан боғлиқ. Бу тизимнинг бузилиши дала экинларини ташқи муҳит билан бўлган мувозанатини, яъни экологиясини бузилишига олиб келади. Ерни ишлашда ўсимликлар ўсиш ва ривожланиш даврида уларнинг экологияси бузилмаслиги учун ерни ҳайдов қатламишининг тузилиши ҳамда донадорлигини яхшилаш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳашарот ва касалликларга қарши курашиш, органик ва минерал ўтнинг, кўп йиллик ўғитлар илдизларини тупроққа чукур кўмилишини таъминлаш, дала экинлари уруғларини оптимал чуқурликка кўмилишига эришишдан иборат. Ерни ишлаш тизимини амалга оширишда юқоридаги тадбирларни амалда қўллаш дала экинларини ўсиш ва ривожланишига зарур бўлган ташқи муҳит омилларидан оптимал даражада фойдаланишга имкон туфилади. Бундай экинлар юқори ва сифатли ҳосил беради.

*Ўғитлар экологик омили.* Ўғитлар дала экинлари учун катта аҳамиятга эга. Чунки улар тупроқнинг физик, кимёвий, иссиқлик, ҳаво, сув, озиқ режимларини яхшилайди.

Ўғитлар органик ва минерал гуруҳларга бўлинади. Органик ўғитлар ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларидан иборат. Улар тўла қимматли бўлиб, тупроққа ҳар томонлама таъсир қиласи. Ерга органик ўғит берилганда тупроқ озиқ элементлари билан бойийди, сув, иссиқлик, ҳаво режимлари, донадорлиги, микроорганизмлар фаолияти яхшиланади. Органик ўғитлар ҳар хил бўлиб уларга чорва моллари гўнги, гўнг шарбати, парранда, ипак қурти ахлатлари, ўсимлик қолдиқлари, кўк ўғитлар — сидератлар киради. Гўнг ва бошқа органик ўғитлар тупроқнинг биологик фаолиятини яхшилайдиган микроорганизмлар, карбонат ангидрид, гумус, азот миқдорини яхшилайдиган муҳим экологик омил ҳисобланади. Кўк ўғитлар (махсус экилган ва уларни кўк массаси ерга бутунлай ҳайдаб юбориладиган ўсим-

ликлар — сидератлар) тупроқ унумдорлигига ҳар томонлама яхши таъсир күрсатадиган биологик омиллардан бири. Бу омил, айниқса, хўжаликда гўнг етишмаганда муҳим аҳамият касб этади.

*Минерал ўғитлар.* Улар таркибидаги озиқ моддаларига қараб азотли, фосфорли, калийли, магнийли, борли ўғитларга бўлинади. Минерал ўғитлар дала экинларини озиқ моддалар билан таъминлашда ўз ўрнига эга. Минерал ўғитлардан фойдаланишда уларни экин майдонларига бериладиган муддатлари, маромлари, ўсимликларни ривожланиш даврларига мос ҳолатда тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Минерал ўғитларни керакли муддатлардан олдин ёки кейин ва минимум, максимум маромларда бериш ҳосил камайишига ҳамда сифати пасайишига олиб келади. Масалан, азот ўғитини мароми етарли бўлмаганда ҳосилни миқдори камаяди, максимум бўлганда эса сифати бузилади.

*Бактериал ўғитлар.* Органик ва минерал ўғитлар каби бактериал ўғитлар ҳам дала экинларининг ҳосилини оширишда муҳим экологик омил ҳисобланади. Уларга нитрогин, азотобактерин, фосфоробактерин ва АМБ киради. Нитрогин, азотобактерин эритмалари билан ғалла, дон-дуккакли экинларининг уруғларини ҳўллаб экиш, ҳосилни ошишига яхши таъсир қиласди.

АМБ таркибida турли бактериялар бўлади. Улар органик ўғитлар ва тупроқ чириндининг парчаланишини тезлаштириб, ўсимликларни минерал моддалар ҳамда азот билан озиқланишини яхшилайди. Ўғитлар муҳим экологик омил бўлиб, уларни оптималь муддатлардан маромида берилиши экинлар ҳосилдорлигини ошириб, сифатини яхшилайди.

## ЎҒИТЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Ўғитлар келиб чиқишига кўра, органик, минерал ва органоминерал аралашмаларига бўлинади. Таркибига кўра, азотли, калийли, фосфорли ва аралаштирилган бўлади. Ўсимликларга зарур озиқ элементларига қараб, макро ва микро ўғитларга бўлинади.

Ўғитлардан тўғри фойдаланилганда, яъни ўз вақтида, маромида берилганда ўсимликлар ҳосили сифатини яхшилайди ва оширади. Но тўғри фойдаланилганда, яъни барвақт ёки кеч, юқори маромларда берилганда ҳосилга, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Ўтказилган кузатишлар, тажрибалар, илмий тадқиқотлар асосида аниқланишича, маромидан ортиқча берилган азотли (аммонийли ёки нитратли) ўғитлар экология нуқтаи назардан сифатсиз маҳсу-

лотлар олишга олиб келар экан. Үндай маҳсулотларнинг таркибида одамларга зарар келтирадиган нитратли азот бўлиб, унинг маълум миқдори заҳарланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Нитратларнинг зарарлиги (заҳарлиги) қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. *Бирламичи заҳарланиш*. Нитрат-ионлари ( $\text{NO}_3^-$ ) организмда рўй берастган жараёнларни сусайтириши, нафас олишни қийинлаштириши, оксидланиш ва фосфорланиш, углеводлар алмашинувини бузилишига олиб келади. Бундай заҳарланиш нисбатан кучли эмас. Заҳарланишнинг бошқа хиллари, нитрат-ионларини ўзгариши билан боғлиқ бўлгани, одам ва иссиқ қонли мавжудотларни кучли заҳарланишига олиб келади.

2. *Иккиласми заҳарланиш*. Нитрат ионларини ( $\text{NO}_3^-$ ) нитрит-ионларига ( $\text{NO}_2^-$ ) айланиши билан боғлиқ. Нитрит-ионлари нафас олиш пигментлари билан алоқага киришади — гемоглобин метгемоглобин (гемоглобинда темир  $\text{Fe}^{2+}$ , метгемоглобинда эса  $\text{Fe}^{3+}$ ) ҳолида бўлади. Метгемоглобин гемоглобиндан  $\text{O}_2$  билан мулоқотда бўлмайди ва уни ҳужайрага ўтказиб юборади, яъни нафас олиш жараёнинг бузилишига олиб келади. Бу ўз навбатида бош оғрифига, бош айланишига, кўнгли айнаб қусишга, артериал қон босимининг пасайишига, ҳатто ҳушдан кетиш ҳолатларига олиб келади.

3. *Учламчи заҳарланиш*. Нитратларни учламчи заҳарланиши нитрат-ионларни нитрозо бирикмаларига айланиши билан боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги концергенлик (рак ўсимталари ҳосил қилиш) хусусиятларига эга. Нитратлар одам танасига киргандан кейин 4—12 соат 50—80 %, (қариларда камроқ, ёшларда эса кўпроқ қисми) чиқиб кетади. Барча юқоридаги баён этилган ўзгаришлар ичаклар ва қонда рўй беради. Азот бирикмалари мавжудотлар танасига нитратлар ва нитритлар шаклида четдан, асосан, озуқа билан кириб қолиши мумкин. Мавжудотлар танаси учун ёт бўлганлиги сабабли улар юқори маромларда берилганда заҳарланиш ҳолларини келтириб чиқаради.

Шуни қайд қилиш керакки, азотнинг анорганик бирикмалари ўсимликларга зарар келтирмайди, чунки улар азотга эга моддаларни синтезлаш жараёнлари учун зарур. Лекин азотга ортиқча бой бирикмалар ўсимликларда тўпланади, озиқ-овқат сифатида иссиқ қонли мавжудотлар ёки одам танасига кириб қолса, уларни заҳарлашга олиб келади. Анорганик азот бирикмалари (нитратлар, нитритлар фақат минерал ўғитлар берилгандагина тўпланмай, ҳатто органик ўғитлар (гўнг, органик моддалар) берилганда ҳам йиғилиши мумкин.

Экология нуқтаи назардан, фосфорли, калийли ва бошқа микро ўғитларни кўп миқдорда бериш ҳам хавфли ҳисобланади. Бу ўғитлар

улар қаторида азотлилар ҳам оқин сув ёки сизот ва ёғин сувлари билан бирга ҳавзаларга тушади ва «эвтрофикация» (сув ҳавзасидаги ўсимликларнинг юза қатламларида муаллақ турган фитоплактонларни, микроскопик сув ўтларини, ўсиб кетишига) ҳодисасини рўй беришига олиб келади. Эвтрофикация жадал кислород ютилиши ва катта миқдорда водород сульфит ( $H_2S$ ) (кўланса ҳидли, заҳарли газ) ҳамда аммиак ажратилиши билан содир бўлади. Натижада, бундай сув ҳавзаларида балиқлар ва бошқа мавжудотлар ҳалок бўлади. Бундай ҳавзалардаги сув ичишга, чўмилишга яроқсиз.

Ҳар хил ўғитлар маромидан кўп берилса, сифатсиз маҳсулотлар олишга, атроф-муҳитни ифлослашга, етиштирилаётган маҳсулотлар бирлигига кўп харажат қилишга олиб келади. Буларнинг ҳаммаси ўғитлардан самарали фойдаланиш ва уларни экинларга солиш технологиясининг тўғри кўлланилишини тақозо қиласди. Ўсимликларга бериладиган ўғитлар ва уларнинг таркибидаги айрим элементларни етишмаслиги ёки маромидан ортиқча бўлиши турли салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, ўсимлик озиқлари таркибida у ёки бу модданинг етишмаслиги уларда (ўсимликларда) турли салбий морфологик ўзгаришларни содир бўлишига олиб келади.

*Ўсимликларга озиқ моддаларнинг етишмаслиги оқибатлари.* Озиқ моддаларни етишмаслик белгилари ўсимликлар учун тупроққа тўла қимматбаҳоли ўғит, шу жумладан, гўнг берилганда ҳам кузатилади. Бундай ҳолат турли сабаблар оқибатида рўй бериши мумкин. Ўсимликларга озиқларнинг етишмаслиги сабабларни аниқлаш лозим. Бунинг учун ҳар бир озиқ модданинг физиологик мавқеи, уларга ўсимликлар талаби, тупроқдаги озиқ моддалар шаклларини ташқи шароит муҳитда ўзгариши ва бошқа хусусиятларини лабораторияда текшириш йўли билан ўрганиш лозим. Ўсимликларга озиқ моддалари етишмаслиги ҳолатлари кўпинча тупроқ хилига, ҳолатига ва бошқа омилларга боғлиқ.

### **Ўсимликларга айрим озиқ моддалар етишмаслиги белгилари тавсифи**

*Азот етишмаслиги.* Ўсимликларга азот етишмагандан, энг аввало, баргларнинг яшил ранги ўзгаради, хлорофилл ҳосил бўлиши сустлашади, барглари оч-яшил рангга киради.

*Маккажўхори.* Азот етишмагандан, унинг ўсимлиги паст бўйли, барглари майда, оч-яшил ва сарич яшил рангда бўлади. Узоқ вақт етишмагандан барги учидан асосига қараб, уч бурчак шаклида сарғая бошлиди.

*Кузги буғдоӣ ва жавдар.* Уларга азот етишмаслиги белгилари куз

ва баҳорда намоён бўлиши мумкин. Кузда, азот етишмаганда, туплаш фазасида барглари майда, оч-яшил рангли бўлади. Азот етишмаслиги кучли бўлганда, пастки барглари сариқ ва пушти тусга киради, ёмон туплайди. Баҳорда азот етишмаганда ҳам барглари майда ва оч-сариқ рангда бўлади.

*Картошка.* Барг ва пояди нозик, ён шохчалари ҳосил бўлмайди. Пастки барглари оч яшил-сариқ рангли бўлади.

*Оқбуш ва гулкарам.* Барглари майда, сариқ-яшил қизғиш рангли, бошлари майда. Карамда азот етишмаслиги фосфорнига ўхшаш. Уни билиш учун нитратни аниқлаш лозим.

*Бодринг.* Азот етишмаганда, янги барглари суст пайдо бўлади ва ривожланади. Баргининг томирлари сарғаяди. Поялари ингичка, қаттиқ тукли, меваси майда ва кам ҳосил бўлади. Барглари сарғайиши совуқ ҳавода ҳам юзага келиши мумкин. Шунинг учун уни поясидағи нитратни аниқлаш лозим.

*Олма.* Азот етишмаганда олма дарахтининг барглари майда, очяшил ва қизғиш рангда бўлади.

*Үсимликларга фосфор етишмаслиги белгилари.* Фосфор етишмаганда, үсимликларнинг баргларида қанд моддаси ошиб кетади. Чунки фосфор органик бирикмалар ва крахмал ҳосил қилишга сарфланадиган қанд ишлатилмай қолади. Ишлатилмай қолинган қанд антоцион пигментини жадал ҳолда ҳосил бўлишига олиб келади, барглари қизғиш рангга киради.

*Маккажўхорига фосфор етишмаганда,* ўсиши сустлашади, пастки барглари тўқ-яшил, четлари зангори рангли бўлади. Кейинчалик барча барглари зангори рангга киради. Сўталари кичкина, доналари тўлиқ эмас, шакли қийшайган бўлади.

*Кузги бўғдой ва жавадар.* Фосфор деярли етишмаганда, унинг белгилари үсимликларида кузда учта барг ҳосил қилган фазасидаёқ намоён бўлади. Пастки баргларининг учлари қизғиш ва қизил-зангори, қолган қисмлари тўқ-яшил кўкимтири рангда бўлади. Туплаши суст ёки бўлмайди. Барглари майда, ингичка бўлиб қолади. Пастки баргларининг учлари жигарранг тусга киради ва қуриб қолади. Қишидан чиққандан сўнг, баҳорда зангори ранги янги баргларида тикланиди. Гуллаши ва пишиши 5—10 кунга кечикади.

*Арпа.* Фосфор етишмаслиги уч баргли фазасида намоён бўлади. Ҳаво совуқ бўлганда, фосфорнинг етишмаслиги тезлашади. Туплаши ёмонлашади ёки бутунлай тўхтаб қолади. Барглари майда бўлади. Фосфор етишмаганда, бутунлай қуриб қолади. Поялари калта, пастки баргларига ўхшаш қизғиш рангга киради.

*Сули.* Фосфор етишмаганда, арпадаги ҳолатлар рўй беради.

*Жугари.* Фосфор етишмаслиги барвақт майса ҳосил бўлгандек намоён бўлади. Ўсиши секинлашиб, пастки барглари тўқ-яшил, четлари зангори рангга киради. Бу ранг бутун баргларига тарқалади. Фосфор етишмаганда, юқори барглари оч-яшил рангли бўлиб, таркибида нитратлар кўпайиб кетади. Совуқ ҳавода фосфор етишмаслиги тезлашади.

*Қанд лавлаги.* Фосфор етишмаганида, барглари майда, хира, тўқ яшил, кўкимтири тусли рангга киради. Шунингдек, пастки барглари курийди. Илдизмеваси майда ва қанд миқдори кам бўлади.

*Помидор.* Фосфор етишмаганда, поялари ингичка, тукланган ва қаттиқ бўлади. Майсаларининг барглари юқорига қараб тик ўсади. Пастки баргларининг орқа томони қизғиши-зангори рангли бўлади. Кейинчалик бундай ранг бутун ўсимликка тарқалади. Гуллаши кечикиди, мевалари майда ва бемаза бўлади.

*Кунгабоқар.* Фосфор етишмаганда, барглари майда, тўқ яшил рангли бўлади. Юқориги барглари кўнғир рангли туслаги кириб, курий бошлайди. Барглари сарғаймасдан туриб, ўла бошлайди.

*Себарга (клевер).* Фосфор етишмаганда, барглари оч яшил, поялари кўнғиррангга киради, ўсиши секинлашади, ҳосили камаяди.

*Картошка.* Фосфор етишмаганда, поясининг ўсиши кескин ёмонлашади. Тупи, зич, барглари тўқ-яшил рангда бўлади. Бундай белгилари, айниқса, шоналаш ва гуллаш фазаларида намоён бўлади. Кам шохлайди ёки бутунлай шохламайди. Тугунаклар ҳосил қилиш даврида пастки баргларининг учки қисмида ингичка тўқ жигарранг чизиқлар пайдо бўлади. Баргнинг қуриган қисми ингичка найчага ўхшаб юқорига қараб бурилади. Бундай ўсимликларнинг барглари фитофтора билан заарланиб, асосан, тўқ қорамтири рангга киради. Фосфор етишмаганда, поя ва барглари ҳосилни йигиб олишга қадар тўқ яшил рангини сақлаб туради, фақат айrim пастки барглари тўкилиб кетади. Шоналаш ва гуллаши 4–5 кунга кечикади. Ҳосили камаяди.

*Олма.* Фосфор етишмаганда, барглари оч-яшил, сертукли, майда ва ичига қараб букилган ҳолда бўлиб, меваларини тўкиб юборади.

*Гречиха.* Фосфор етишмаганда, барглари майда, хира, тўқ яшил, поясига ёпишган, барг банди қизғиши пушти бўлади.

*Кулунай.* Фосфор етишмаганда, барглари майда, тўқ яшил, кўкимтири туслади, баргларининг четлари қизғиши жигаррангда бўлади.

*Ўсимликларга калий етишмаслиги белгилари.* Калий етишмаганда, ўсимликларнинг барглари тўқ яшил, кўкимтири туслади. Уларда азот тўпланиб, хлорофил ҳосил бўлишига олиб келади.

*Дон-дуккакли экинлар* калий етишмаганда, барглари, маромида

ўсаётганларнига нисбатан, түқ яшил рангда бўлади, тугунак бактериялари азотни кам синтезлайди.

Калий етишмаганда, кўпчилик дала экинларининг барглари сарғайиши уларни учидан бошланиб, бутун қисмига тарқалади.

*Маккажўхори ва жугари.* Калий етишмаганда, барглари тўлқинсимон, тўқ-яшил рангли, четлари оқиши тусга киради. Поялари паст бўйли, бўғин оралиқлари калта, айрим ҳолларда ўриб олишга қадар ётиб қолади. Калий етишмаганда, сўталари юқори қисмига қараб ингичкалашган, донларининг қаторлари эгри-бугри бўлади.

*Арпа ва сули.* Калий етишмаганда, бир хил шароитда арпа сулига нисбатан кўпроқ заарар кўради. Уч баргли фазасида уларнинг учлари оқара бошлайди. 7—10 кундан кейин бу белгилари йўқ бўлиб кетади. Айрим йиллари баргларининг оқариши уларни куриб қолишига олиб келади. Пишиш олдидан поялари ётиб қолади.

*Гречиха.* Калий етишмаслиги кўпроқ гуллаш олдидан намоён бўлади. Барг япроқларининг ўсиши нотекис, четлари ичига қараб бироз букланган. Пастки баргларининг четлари аввал сарғаяди сўнг қизара бошлайди, кейинчалик қурийди. Поясининг юқори қисмida бўғинлари калта бўлади.

*Кунгабоқар.* Калий етишмаганда, баргларининг четлари аввал сарғаяди, кейин жигарранг ва қўнғир тусга киради. Кўпинча бужмайган, гумбазсимон барглар ҳосил бўлади. Пояси ингичка, ётиб қолади ёки юқори қисми эгилиб кетади.

*Зигир.* Калий етишмаганда, ўсимлик паст бўйли, бўғин оралиқлари калта, барглари сариқ бўлади. Зигирга калий етишмаслиги магний етишмаслиги белгиларига ўхшаш бўлади.

*Себарга.* Калий етишмаганда, пастки баргларида сариқ ва оч жигарранг доғлар ҳосил бўлади, кейинчалик улар бирлашиб, қўнғир ва жигарранг тусга кириб қурийди. Поялари, барг бандлари калта, ўсимликлари қишга чидамсиз бўлади.

*Беда.* Калий етишмаганда, пастки барглари сариқ яшил рангга киради. Барг япроқлари майда, баргларининг четларида, ўртасидан бошлаб, кейинчалик бутунлай қўнғир тусга айланадиган оқ доғлар ҳосил бўлади. Поясининг бўғинлари юқори қисмida калта бўлади. Бедага ҳар бир ўримдан кейин калий етишмаслиги кучаяди. Калий етишмаганда, беданинг қишга чидамлиги пасаяди.

*Қулупнай, малина, картошка, олма, бодринг, помидор, хашаки лавлагиларга* калий етишмаганда, барглари тўқ-яшил, қуриган қисмлари жигарранг тусга киради. Калий етишмаганда, барглари сарғаяди, қизара бошлайди ва ниҳоят, қурийди.

*Ўсимликларга магний етишмаслиги белгилари.* Магний етишмаганда, ўсимликларнинг илдиз ва тугунук меваларида, баргларида органик кислоталарни тўпланиши камаяди. Бу ҳолат фалла экинларининг дон ҳосилига кескин таъсир қиласи. Магний етишмаслиги белгилари турли ўсимликларда ҳар хил фазаларида намоён бўлади.

*Кунгабоқар, тимофеевка (кўпийиллик фалласимон ўт), наша, себарга, маккажӯхори, сули, картошка, хашаки лавлаги, малина, бодринг, олма, гречиха, помидор ва бошқа ўсимликларда магний етишмаслиги.* Юқорида келтирилган ўсимликларда магний етишмаслиги уларнинг бошлангич фазаларида 3—5 та барг ҳосил қилганида намоён бўлади.

Магний етишмаганда, барглари оч-яшил, тўқ-қизил рангга киради. Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши сустлашади. Ҳосилининг сифати пасаяди.

### **Ўсимликларга кальций етишмаслиги белгилари**

Ўсимликларга кальций етишмаслигининг умумий белгилари ёш барглари юқори қисмининг оқариши, янги ҳосил бўлган барглари майда, буралган, нотўғри шаклларда бўлиши мумкин. Бундай баргларда ҳалок бўлган тўқималарнинг доғлари кўринади. Кальций деярли етишмаганда, ўсимликтин юқори куртаги нобуд бўлади. Фалла ўсимликларида юқори ёш барглари бироз буралади ва қуриб қолади.

Кейинчалик эски баргларининг учлари ҳам қурий бошлайди. Кунгабоқар, зигир, нўхат ва бошқа ўсимликларнинг поялари ва баргларининг бандлари синиб, шохлари қўнғир, қорамтири-қўнғир рангга киради ва ниҳоят, ҳалок бўлади. Оксолат ва пектин моддаларига бой ўсимликларда кальций етишмаслиги фақат уларнинг меваларида намоён бўлади.

*Помидор* меваларининг чириш касаллиги кальций етишмаслиги туфайли дала ва ойнавандларда учрайди ҳамда у ҳосилга катта зарар етказади.

*Олмада* очиқ чуқурча касаллиги ҳам кальций етишмаслигидан келиб чиқади. Аввал, қўнғир доғ олманинг пўстига яқин жойлашган этида ривожланади. Кейинчалик тўқ яшил, тўқ жигарранг доғлар ҳосил бўлади. Мевасининг мазаси пасаяди.

*Зигирга* кальций етишмаслиги гуллаш олдидан намоён бўлади. Пояси ўсиш нуқтасидан 5—10 см пастдан бошлаб эгилиб қолади ва 2—3 кундан сўнг ҳалок бўлади.

*Ўсимликларга бор етишмалиги белгилари.* Бор катализатор сифатида ўсимликтин бир қанча жараёнларини тезлаштиради. Қанд лав-

лагиға бор етишмаганда, ўзак чириш касаллиги пайдо бўлади. Зифирга бор етишмаганда, барглари майда буралган, хира рангли бўлади. Шунингдек, мевалари бужмайган, турли доғлар ҳосил бўлади. Помидорга бор етишмаганда, ўсиш нуқтаси қораяди, меваларида ўлик тўқималар, қўнғир доғлар ҳосил бўлади, мевалари бужмайган ҳолга киради.

*Ўсимликларга марганец етишмаслиги белгилари.* Марганец оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида, ўсимликларнинг нафас олишида катта аҳамиятга эга. Ўсимликларга марганец етишмаганда барглари хлорозга учрайди.

Дала шароитида марганец етишмаслиги лавлаги, картошка, нўхат, сули, ловиялар, карам ва бошқа экинларда, шафтоли, олча, олхўри, ўрик, олма, малина, лимон ва мандаринда учрайди. Шунингдек, марганец етишмаслиги сули, кузги буғдой, картошка, бодринг, олма, малинада ҳам учрайди.

*Ўсимликларга мис етишмаслиги белгилари.* Мис ҳам оксидланиш қайтарилиш жараёнида қатнашади. Мис етишмаганда, барглар хлорозга учрайди, сўлийди, шохлаши кечикади, уруғларининг ҳосил бўлиши сустлашади. Мис етишмаслиги ўсимликнинг анча ёш қисмларида намоён бўлади.

*Ўсимликларга рух етишмаслиги белгилари.* Ўсимликларга рух етишмаганда, барглари майдалашади, бўғин оралиқлари қисқа бўлади, маккажўхори майсасининг барглари оқ рангли бўлади. Олмага рух етишмаганда барглари майда, буралган бўлади.

*Ўсимликларда хлор ва бор ортиқчалигининг таъсир қилиш белгилари.* Ўсимликлар хлорни ортиқча қабул қилганда — картошка, гречиха, малина, тамаки узум баргларида алоҳида белгилар бўлади, ҳосилнинг пасайиши, сифати ёмонлашиши кузатилади. Бунга баҳорда катта маромларда (гектарига 3—6 ц) таркибида хлор бўлган калий хлор, хлорли калий ва хлорли аммоний ўғитларини бериш таъсир қиласади. Бор ортиқча бўлганда, ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Картошка, бодринг, зигирнинг баргига таъсири катта.

*Бегона ўтлар, ҳашаротлар ва турли касалликлар* — экинларнинг ҳосилига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар бўлиб, улар дала экинлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ёруғлик, иссиқлик, сув, озиқ моддалар каби ташқи муҳит омилларидан фойдаланиш даражасини минимум ҳолатгача пасайтириш йўли билан ҳосил миқдори ва сифатини кескин ёмонлаштиради. Бу омилларнинг салбий таъсирини йўқотиш ёки камайтириш учун механик, биологик курашиш чораларини кенг қўллаш лозим.

**Уруғлар.** Дала экинлари уруғларининг хиллари, навлари, сифати, тоифалари ва бошқа хусусиятлари экологиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки экинларнинг ҳосили ва сифати биринчи навбатда уруққа боғлиқ.

Сифатли уруғлар кўлланилиши дала экинларини ташқи муҳит омилларидан самарали фойдалана олишга имкон беради. Уруғларнинг тозалиги, 1000 донасининг массаси, яъни катта-кичиклиги, намлиги, униб чиқиш қобилияти, униш куввати, экишга яроқлилиги, соғломлиги, касаллик ва ҳашаротлар билан зааралланмаганлиги ҳамда шунга ўхшаш хусусиятларини экологик аҳамияти катта. Уруғлар тозалиги ва униб чиқиш қобилиятига қараб уч тоифага бўлинади:

	I тоифа	II тоифа	III тоифа
Тозалиги,%	99	98	97
Униб чиқиш қобилияти,%	95	92	90

Бу кўрсаткичлар уруғларни ҳар бир гектарга сарфланадиган уруғ маромларини тўғри ҳисоблаш, керакли ўсимликлар қалинлигига эга бўлиш ва режалаштирган ҳосилни олишга имкон беради.

Дала экинлари уруғларининг тозалиги, униб чиқиш қобилияти экиш маромларини тўғри аниқлаш, экишга тайёрлаш, экиш муддатларини белгилаш, касалликлар, ҳашаротлар билан зааралланганлигини аниқлаш ва уларни маҳсус кимёвий, механик ва бошқа усуллар билан заарасизлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирий чоралар уруғлар билан ташқи муҳит ўртасидаги мувозанатни сақлашга, яъни дала экинларини қуёш радиациясидан, фотосинтез жараёни, сув, иссиқлик, ҳаво, тупроқ унумдорлигидан оптималь дараҷада фойдалана олишига яхши шароит яратади.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, уруғлар дала экинларидан юқори ва сифатли маҳсулотлар етиширишда асосий экологик омиллардан бири ҳисобланади. Паст сифатли уруғлар ер, сув, иссиқлик, озиқ моддалар каби ташқи муҳит омилларидан кўп ва сифатли ҳамда самарали фойдаланишга имкон бермайди. Бу экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

## ДОН ЭКИНЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ

Дон экинлари ўзининг ботаник, биологик хусусиятлари ва маҳсулотлар турига қараб, икки экологик гурӯҳга: ғалла ва дон-дук-

какли гуруҳларга бўлинади. Ҳар икки гуруҳнинг ташқи муҳит омиларига бўлган талаблари ҳар хил.

Фалла экинлари гуруҳига: буғдой, арпа, жавдар, сули, тариқ, маккажӯхори, жугари ва шоли. Дон-дуккаклиларга: нўхат, маҳаллий нўхат, ловиялар, лўбия, чина, ясмиқ, мош ва бошқалар киради. Фалла экинлари ўзларининг биологик хусусиятларига кўра, гуллаш ва ҳосилининг 50 % етилишига қадар ташқи муҳит омилларини (исиқлик, сув, ҳаво, озиқ моддалар) фаол ўзлаштиради, шундан сўнг кескин камаяди, ҳатто бутунлай тўхтайди. Дон-дуккакли экинларнинг ҳосили, фалла экинлариникига ўхшаш, бир вақтда етилмайди. Уларнинг ҳосили бир қисми пишиб етилганда ҳам, ўсимликларнинг гуллаши то кузги совуқ ургунча давом этаверади. Шу хусусияти туфайли дон-дуккакли экинлар ташқи муҳит омилларига вегетация даврининг охиригача (кузги совуқ уришига қадар) талаби сусаймайди.

Фалла экинларининг вегетация даври дон-дуккаклиларникига нисбатан узун эмас, уларнинг ўрнига такрорий экин экиш мумкин. Бу қўёш радиациясидан узоқ вақт фойдаланишга имкон беради. Фалла экинлари тупроқ унумдорлигига дон-дуккаклиларга нисбатан талабчан. Дон-дуккакли экинлар тупроқни биологик азот ва органик моддалар билан бойитади.

Демак, фалла ва дон-дуккакли экинларнинг экологиясини ўрганишда уларнинг юқорида келтирилган хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Фалла экинлари ташқи муҳит омилларига бўлган муносабатига кўра икки гуруҳга бўлинади. I гуруҳга: буғдой, арпа, сули, жавдар; II гуруҳга: маккажӯхори, жугари, тариқ, шоли киради. I ва II гуруҳ фалла экинлари ташқи муҳит омилларига бўлган талаби, яъни экологияси бўйича бир-биридан деярли фарқ қиласиди: I гуруҳ фалла экинлари (узун кун ўсимликлар)нинг баҳорги ва кузги биологик хиллари мавжуд. Уруғлари 2—5°C да уна бошлайди, 6—7°C да тўла униб чиқади, муртак илдизлари кўп (буғдой 3—5, жавдарда 3—4, арпада 5—7, сулида 3—4 та). Майсаларининг ранги ҳар хил (буғдойники яшил, жавдарники мовий, арпаники хира яшил, сулиники оч яшил), пояларининг ичи ғовак. Ўсимликлари совуққа чидамли: баҳори хиллари қисқа муддатли 7—10°C, кузgilари эса 2—3°C совуққа бардош бера олади, намликка талабчан. Ўсув даврининг бошларида тез ўсади. Донлари пишиши ва поя ҳамда баргларининг қуриши бир вақтда рўй беради. Иккинчи гуруҳ фалла экинлари (қисқа кун ўсимликлар)нинг фақат баҳори хиллари мажуд. Уруғлари 8—14°C да униб чиқади, муртак илдизчалари битта, майсаларининг ранги ҳаммаси-

ники бир хил — яшил, пояларининг ичи оқ пахтасимон модда билан тўлишган, ўсимликлари совуққа чидамсиз ( $1-3^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган совуққа чидамайди), намлика талабчан эмас (шолидан ташқари). Ўсимликлари ўсув даврининг бошланишида, туплаш вақтигача (30—35 кун давомида) секин ўсади. Доңлари пояларига нисбатан олдин етилади. Фалла экинларининг юқорида келтирилган хусусиятларини тўғри ўрганиш уларни ташқи муҳит омиллари билан оптималь дара жада таъминлашга имкон беради.

Биринчи гуруҳ фалла экинларининг уруғларидан бирданига бир нечта муртак илдизчалар чиқиши ўсимлик майсасини сув (муртак пояни) ва унда эриган озиқ моддалар билан яхши таъминлашга имкон беради. Натижада, ёш майсалар биринчи кундан бошлаб тез ўсади, бегона ўтлардан зарар кўрмайди. Иккинчи гуруҳ фалла экинлари уруғларидан ҳосил бўлган ёлғиз муртак илдизча майсанни сув ва озиқ моддалар билан етарли таъминлай олмайди. Шунинг учун улар биринчи вақтда, яъни 20—35 кун давомида секин ўсганлиги учун бегона ўтлардан кўпроқ зарар кўради. Шунга кўра, фалла экинлари учун ерни танлашда уларнинг бу экологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Фалла экинлари майсаларининг ранги ҳам муҳим экологик аҳамиятга эга. Фалла экинлари майсаларининг рангги ўзгариши уларга айрим ташқи муҳит омиллари етишмайтганлигидан дарак беради. Масалан, фалла экинлари майсалари орасида оқ рангли барглилар учраса, микроэлементлардан рух етишмаганлигини ёки ўсимликка замбуруғ касаллиги тушганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатда ерга таркибида рух модласи бор минерал ўғит бериш лозим. Замбуруғ билан касалланган бўлса, бундай майсаларни рух бериш билан кутқариб бўлмайди. Ундай ҳолатда далани яхшилаб кўриб чиқиш лозим. Агарда оқ рангли майсалар кўп бўлса, далани қайта экиш керак.

Биринчи гуруҳ фалла экинлари, асосан, тоғли, салқин ҳудудлардан келиб чиққанлиги учун намлика талабчан, иссиқликка талабчан эмас. Иккинчи гуруҳ фалла экинлари, аксинча, намлика талабчан эмас, иссиқликка талабчан. Фалла экинларининг бу фарқлари ҳам муҳим экологик аҳамиятга эга. Чунки экинларни ҳудудлар бўйича жойлаштиришда уларнинг бу хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Иссиқликни кам талаб қиласидиган экинларни шимолий ҳудудларга, талабчанларини эса жанубий ҳудудларга жойлаштириш экология талбларига мос келади.

Биринчи гуруҳ фалла экинлари учун салқин, сернам ҳудудлар мос келади. Шимолий ҳудудларда ёруғликнинг давомийлиги узун

(16—18 соат) бўлади. Бу биринчي гуруҳ фалла экинларининг ривожланишини тезлаштиради.

Иккинчи гуруҳ фалла экинларининг ривожланиши қисқа (12—14 соатлик) кун шароитида яхши бўлади. Шунинг учун иккинчи гуруҳ фалла экинларини жойлаштириш шимолий ҳудудлардан жанубга борган сари уларнинг ўсув даври қисқаради. Бир ҳудуднинг ўзида ҳам ўсимликларга ёруғликнинг давомийлиги таъсир билдириши мумкин. Масалан, баҳорда, яъни куннинг ёруғлиги давомийлиги узун бўлганда, маккажӯҳори ҳосили 135—140 кунда етилса, шу экиннинг ушбу нави тақрорий экин сифатида ёзда экилганда, 110—120 кунда етилади. Бу иккинчи гуруҳ экинларини тақрорий экиш мумкинлигини кўрсатади. Демак, фалла экинлари етиштириш, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни ташқи муҳит омилларига бўлган талабларини мукаммал ўрганиш ҳамда зарур экологик омиллар билан ўз вақтида оптималь даражада таъминлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

*Фалла экинларининг ўсиши ва ривожланиши фазалари экологияси.* Фалла экинлари бир-бiri билан боғлиқ бир неча ўсиш ва ривожланиш фазаларига эга. Улар уруф униши, майса ҳосил қилиш, туплаш, найга чиқиш, бошоқ ёки рўвак чиқариш, пишиш (сут, мўм, тўла) фазаларига бўлинади. Фалла экинларининг ҳар бир фазаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун уларнинг экология омилларига бўлган талаблари ҳам ҳар хил. Масалан, уларни иссиқлик, намлиқ озуқа ва бошқа омилларга бўлган талаби ўсимликтини ўсиш ва ривожланишига қараб орта боради. Масалан, сув омили етишмаслиги ўсимликтининг бошланғич фазаларida салбий таъсир кўрсатмаса, фалла донларининг етилиш ва пишиш фазасида сезиларли бўлади. Бундай ҳолда донларнинг майда ва пуч бўлишига сабабчи бўлади.

Иссиқ шамоллар (гармсел) биринчи гуруҳ фалла экинлари учун, айниқса, донларининг сут ва мўм пишиқлик даврида жуда хавфли. Иссиқ шамол ўсимлик таркибидаги сувни шунчалик тез буғлатиб юборадики, илдизлари тупроқдан сувни шимиб олиб, уни ўсимликтининг ер усти қисмига кўтариб беришга улгурмайди, натижада ўсимлик сувсизланади, донлари пуч бўлиб қолади, ҳосил ва уни сифати ниҳоятда паст бўлади. Озиқ моддалар ҳам фалла экинларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига алоҳида таъсир кўрсатади. Масалан, тупроқда азот моддаси етишмаслиги, минимал ҳолатда бўлишлиги, фалла экинларининг ўсиш, ривожланишини секинлаштиради, ундей ўсимликларининг бўйи нисбатан анча паст бўлади. Азот моддасининг ҳаддан ташқари кўп, яъни максимал даражада бўлиши, фалла ўсимликларининг одатдагига нисбатан баланд бўйли бўлиб ўсишига, яъни

говлаб кетишига олиб келади. Бундай ўсимликлар кўпинча гуллаш ва донларини сут, мум пишиқлик даврига келиб етилиб қолади, ҳосили камайгани боис ундан ўсимликларни ўриб бўлмайди. Келтирилган маълумотларга кўра, ташқи муҳит омилларининг минимал ва максимал даражалари фалла экинларини ўсиш ҳамда ривожланишига ва ҳосилига салбий таъсир қиласди.

*Кузги фалла экинлари экологияси*. Фалла экинлари экологиясига кўра, баҳори ва кузги хилларига бўлинади. Уларга кузги буғдои, кузги жавдар, кузги арпа киради. Кузги фалла экинларининг ўсиши икки даврда ўтади. Биринчи даври кузда экилгандан то доимий соvuқ тушгунча, иккинчи даври эса баҳордан бошлаб ўсимликтининг дони етилишига қадар. Ҳар икки давр оралиғида фалла ўсимликлари тинч ҳолатда бўлади. Шундай қилиб, фалла экинлари куз ва баҳор ойларига ташқи муҳитнинг турли хил омиллари таъсирида ўз ҳаёт фаолиятларини ўтайди.

Одатда, кузги фалла экинларининг илдизи яхши тараққий қилиб, барг ва барг сатҳи кўпаяди, яъни тупроқ ҳамда ҳаводан озиқ оладиган қисмлари шаклланади. Ҳароратнинг пасайиши кузги фалла экинлари ўсиш жараёнларини тўхташига олиб келади. Бунинг натижасида уларнинг туплаш бўғинида осон эрийдиган моддалар, айниқса, қанд моддаси тўпланади. Бу пайтда тупроқда озиқ омилларидан фосфор моддаси етарли, яъни оптимум даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Фалла ўсимликлари шу пайтдан бошлаб тинчлик даврига ўтади ва бундай ҳолат бутун қиш даврида сақлаб қолинади.

Кузги фалла экинларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ташқи муҳитнинг минимал ҳароратига мослашиши ҳисобланади. Бу хусусият узоқ эволюцион тараққиёт натижасида шаклланади. Кузги фалла экинларининг қишга чидамлилигини оширишда ҳужайра протоплазмасининг ўзида сув ушлаш қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Протоплазма таркибида сув кўп бўлса, соvuқ таъсирида ўсимлик ҳужайралари орасида муз заррачалари ҳосил бўлади. Бу ўсимликларнинг физиологик ҳолатларига жуда ёмон таъсир қиласди, уни музлаб қолишига, яъни нобуд бўлишига олиб келади. Ҳужайрада сув етиш маслиги унинг протоплазмаси биоколлидларини қайтмас коагуляцияга олиб келади ва ўсимлик қуриб қолади. Бу ҳолат ўсимликтининг қишики тинч ҳолатида сув миқдорининг оптимал даражада бўлиши қанчалик муҳим ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Чунки сувнинг минимал ва максимал ҳолати ўсимликтини нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

Кузги фалла экинларини қишининг ноқулай шароитига чидам-

лилигини ошириш учун ургни экиш билан бир вақтда ерга фосфорли, калийли ўғитлар солиш ва қўшимча озиқлантириш, уларни (кузги фаллани) туплаш бўғинида осон эрийдиган эҳтиёт (захира) озиқ моддалар, айниқса, қанд тўпланишига олиб келади. Осон эрийдиган озиқ моддалар кузги фалла экинларининг қишига чидамлигини оширади. Тупроқда азотли моддаларни кўп бўлиши эса, аксинча, фалла экинларининг қишига чидамлигини пасайтиради. Демак, озиқ моддалари экологик омил сифатида кузги фалла экинларига таъсир қилиши ниҳоятда ҳар хил: бири (фосфор, калий) ижобий, иккинчиси (азот) эса салбий таъсир кўрсатади. Бу кузги фалла экинларига минерал ўғитлар беришда уларнинг ривожланиш фазаларининг хусиятларини ҳисобга олишни тақозо қиласди.

*Кузги фалла экинларининг толерантлиги.* Фалла экинларининг бутун қиши давомида ноқулай шароитларга бардош бериш қобилиятига уларнинг толерантлиги дейилади. Фалла экинларининг бевосита (тўғридан-тўғри) паст ҳароратга бардош беришига совуққа (чидамлиги) муҳим хусусияти ҳисобланади.

Кузги фалла экинлари ичидаги совуққа энг толерантлиги кузги жавдар ҳисобланади. Унинг туплаш бўғинида паст ҳарорат — 20°C бўлганда ҳам нобуд бўлмайди. Кузги буғдой учун ҳароратнинг — 16—18°C гача пасайиши хавфли. Кузги арпа эса фақат 12°C га чидай олади. Кузги фалла экинлари қишининг ноқулай шароитларига, бевосита совуқларга толерантлиги мураккаб экологик жараён. Кузги фалла экинлари қишининг ноқулай шароитларига толерантли бўлишлиги учун улар ўсиш ҳолатидан бошқа ҳолатга ўтиши лозим. Фалла экинларини қишининг ноқулай шароитларига тайёргарлик кўриши мураккаб экологик жараёнлар мажмуаси натижасида вужудга келади. Бу жараёнлар қисқача килиб «чиниқтириш» дейилади. Чиниқтириш икки фазада (даврда) ўтади: биринчиси — кучли ёруғлик ва паст ҳарорат (2—10°C) таъсирида 10—14 кун давомида ўтади. Ташқи муҳитнинг бундай шароити таъсирида кузги фалла ўсишдан тўхтайди ва умуман, ҳаёт фаолияти кескин сустлашади.

Кузги фалла экинларининг ўсиш жараёни сустлашган бир пайтда фотосинтез жараёнининг давом этиши натижасида ўсимликка осон сингадиган шаклдаги эҳтиёт моддалар, айниқса, қанд моддаси кўп тўпландади. Кузги фалла экинларида қишига кириш олдидан ўсимликларнинг куруқ моддасига нисбатан 20—25 % қанд тўпландади, у хужайра шираси концентрациясини ошириш билан совуқдан ҳимоялаш вазифасини бажаради. Биринчи чиниқиши фазасини ўтгандан кейин кузги фалла экинларининг толерантлиги анча ортади, улар 14—15°C ли совуққа чидайдиган бўлади.

Чиниқишиң жараёнининг иккинчи фазаси қисқа кун, яъни ёруғликтининг давомийлиги кам коронгиликка нисбатан узун, ҳарорат паст ( $0$ — $5^{\circ}\text{C}$ ) бўлганда ўтади. Чиниқишининг иккинчи фазасини ўтишда ўсимликлар эркин (ортиқча) сувни йўқотади, бунда сув цитоплазмадан ҳужайраларо бўшлиқларга ўтади. Ҳужайрадаги сувда эри-майдиган органик моддалар эрийдиган ҳолатга айланади. Бу жараён натижасида кузги фалла экинларининг туплаш бўғинида ва баргларининг ҳужайра шираси концентрацияси ошади. Чиниқишининг иккинчи фазасини кузги жавдар тез, кузги буғдой секин, кузги арпа жуда секин ўтади. Чиниқишиң фазаларини ўтиш давомийлиги ўсимликлар турига, навига, ташқи муҳитнинг иқлим шароитига боғлиқ. Ўсимликлар чиниқишида, куз фаслининг иқлим шароити муҳим аҳамиятга эга.

Ҳавонинг очик, яъни булутсиз бўлиши, кундузи исиб, кечаси совуқ тушиши ўсимликнинг чиниқишига ижобий таъсир қиласди. Аксинча, ҳавонинг булутли бўлиши, кундузи ва кечаси илиқ бўлиши ўсимликлар чиниқишига салбий таъсир кўрсатади. Оптималь шароитда кузги фалла экинларини тўлиқ чиниқиши учун  $20$ — $25$  кун керак. Яхши чиниқмаган кузги буғдой туплаш нуқтасида рўй берган —  $18$ — $20^{\circ}\text{C}$  совуққа ҳам бардош бера олади, ёмон чиниқканда —  $15$ — $17^{\circ}\text{C}$  совуқда ҳам нобуд бўлади. Тўла чиниқкан ўсимликларда ўсиш жараёни тикланиши билан уларнинг совуққа чидамлиги пасаяди.

*Кузги фалла экинларини ташқи муҳитнинг нокулай шароитларидан ҳимоя қилиши.* Кузги фалла экинлари куз, қиш ва эрта баҳорда ташқи муҳитнинг бир қанча нокулай шароитига дуч келиши мумкин. Уларга музлаб қолиш, сиқиб чиқариш (қаттиқ музлаш оқибатида), букиш, димиқиши, чириш, могорлаш (қалин қор остида) кабилар киради.

Юқорида кузги фалла экинлари экологияси ҳақида келтирилган маълумотларга кўра, олинадиган ҳосил мўл ва сифатли бўлиши учун уларни ташқи муҳит омилларининг нокулайликларига бўлган толерантлигини мунтазам равишда ошириб бориш лозим. Кузги фалла экинларини ташқи муҳит омилларига толерантлигини ошириш учун куйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш лозим:

1. Серҳосил, совуққа, қишнинг нокулай шароитларига (паст ҳарорат, букиб қолиш, сиқиб чиқариш, могорлаш ва ҳоказо) юқори толерантли навларни тўғри танлаб олиш керак.
2. Алмашлаб экища тўғри жойлаштириш билан юқори, сифатли, арzon маҳсулотлар олишни таъминлаш. Бу кузги фалла экинлари учун қурғоқчилик туманларда кузги шудгор, нам етарли бўлган ҳудудларда эса банд (экинлардан бўшаган) шудгор яхши ўтмишдош ҳисобланади.

3. Суғориладиган ерларда күзги ғалла экинларини алмашлаб әкишда күп йиллик дуккакли ўтлар (беда), дон-дуккакли экинлар (ловия, мош, лўбия) қатор оралиқлари ишланадиган экинлар — маккажӯхори, картошкадан кейин, шунингдек, ўсиб турган фўза ичига ёз ойларида әкиш ва ташқи муҳит омилларидан самарали фойдаланиш юқори, сифатли маҳсулот олишга имкон беради.

4. Кузги ғалла экинларини ташқи муҳитнинг нокулайликларига бўлган толерантлигини оширишда ўғитлаш тизимини (ерни ҳайдашдан олдин, әкиш билан бирга, куз ва эрта баҳорда қўшимча озиқлантириш) тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Кузги ғалла экинлари ўз экологиясига кўра, органик ва минерал ўғитларга талабчан, чунки тупроқда озиқ моддалар, айниқса, фосфор, калий қанчалик кўп бўлса, уларнинг бевосита совуққа ва қишининг нокулай шароитига бўлган толерантлигини оширади. Бундай кузги ғалла экинлари эрта баҳордан бошлиб тез авж олиб ўсади ва юқори ҳосил беради.

5. Кузги ғалла экинларини ташқи муҳит омилларидан (иссиқлик, озуқа, намлик) самарали фойдаланишда ерни ишлаш тизими ни тўғри амалга ошириш учун ўтмишдош экинлар тури, далани бегона ўтлар босганлиги, тупроқнинг хусусияти, намлик билан тъминланганлик даражасини ҳисобга олиш лозим.

6. Кузги ғалла экинларини ташқи муҳит омилларидан самарали фойдаланишида уларнинг уруғларини әкишга тўғри тайёрлаш ва әкишни оптималь муддатларда ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки сифатли уруғ — юқори ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири. Шунинг учун әкишга соғлом, йирик, бир текис уруғларни олиш лозим. Йирик уруғлар бир текис, бақувват майсалар ҳосил қиласи ва яхши туплади. Йирик уруғлардан униб чиққан ўсимликлар совуққа, қишининг нокулай шароитига чидамли бўлади. Чунки уларнинг илдизлари, майда уруғларнига кўра кучли бўлади, тез ўсади, қурғоқчилик таъсиридан кам зарарланади, касалликларга, гармсел (иссиқ шамол) таъсирига чалинмайди ва ниҳоят, юқори ҳосил беради. Уруғларни әкишга тўғри тайёрлаш тадбирларига уни тозалаш, саралаш, замбуруғ, қаттиқ қоракуя, фузариоз касалликларга ҳамда ҳашаротларга қарши дорилаш киради. Экиш учун тозалиги 99 %, унувчанлиги 95 % бўлган биринчи тоифали уруғларни олиш лозим.

Юқори ҳосил олишда кузги ғалла экинларининг әкиш муддатини тўғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баравқт экилган кузги ғалла ўсимликлари совуқ тушишига қадар ҳаддан ташқари ўсиб ке-

тади. Бундай ўсимликлар совукқа чидамсиз бўлиб, касаллик ҳамда ҳашаротлардан кўп заарланади. Ҳаддан ташқари кеч экилганда кузги фалла ўсимликлари совук тушишига қадар ўзини тутиб ололмайди, натижада қишига чидамлилиги пасаяди. Шунинг учун кузги фалла экинларини шундай оптимал муддатларда экиш керакки, улар қишики совук тушишига қадар 3—4 тадан поя ҳосил қилишга улгурсин. Бунинг учун кузги фалла экинлари ўсув даври 50—55 кундан ошмаслиги ва 5°C юқори бўлган самарали ҳарорат йигиндиси 550—580°C ни ташкил қилиши лозим.

7. Кузги фалла экинларининг ташқи муҳит омилларидан самарали фойдаланиши учун уларни экиш усуллари, муддатлари, ургуни экиш чуқурлиги, парвариш қилиш, озиқлантириш, сугориш ва бошқа тадбирий чораларни оптимал муддатларда ўтказиш юқори ҳосил етиштиришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларнинг минимал ёки максимал ҳолатлари ҳосилнинг камайиши ва сифатининг бузилишига олиб келади.

*Эрта баҳори экинлар экологияси.* Эрта баҳори экинлар: буғдой, арпа, сули ва жавдардан иборат. Улар кузги фалла экинларига нисбатан ташқи муҳит омилларига: тупроқ унумдорлигига, озиқ моддаларига, намликка, ёруғликка, ҳароратга ва бошқаларга талабчан. Чунки улар бу омилларни нисбатан қисқа муддатларда ўзлаштириб олишлари лозим. Эрта фалла экинларини етиштириш технологияси тадбиrlари: ерни экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, озиқлантириш, сугориш ва бошқаларни қисқа вақт ичida сифатли қилиб ўтказиш, уларни ташқи муҳит омилларидан оптимал даражада фойдаланишига, шу билан бирга юқори ҳосил олишга имкон беради.

*Кеч баҳори экинлар экологияси.* Кеч баҳори экинларга маккажӯҳори, жугари, тариқ ва шоли киради. Улар (шолидан ташқари) қурғоқчиликка, иссиқликка чидамлилиги, озиқ моддаларга талабчанлиги билан бошқа экинлардан деярли фарқланади. Улар экологиясига кўра, тупроқ намлигини жуда эҳтиёткорлик билан сарфлайди. Масалан, буғдойга нисбатан 1 ц қуруқ модда ҳосил қилиш учун маккажӯҳори 30—35 % кам сув сарфлайди.

Кеч баҳори экинлар бошқа фалла экинларига кўра, ташқи муҳит омилларини бутун ўсиш ва ривожланиш даврида бир хилда талаб қilmайди. Масалан, кеч баҳори фалла экинлардан маккажӯҳори, жугари энг кўп сув, озиқ моддаларни рўвак чиқаришдан 10—15 кун олдин ва рўвак чиқариб бўлгач 15—20 кун кейин (яқин бир ой ичida) кўп миқдорда талаб қиласди, чунки улар бу вақт ичida жуда жадал ўсади (бир кеча-кундузда 10—12 см) ва дон ҳосили шаклланади.

Шоли ўсимлиги ўзига хос экологик хусусиятга эга. Чунки шоли етиштирилайдиган майдонларнинг асосий қисми турли даражада шўрланган ерлардан иборат. Шоли ер шўрини камайтириш хусусиятига қарамай, ундан сўнг тупроқ унумдорлигини тиклаш учун махсус тадбирий чоралар қўллаш лозим. Агарда, хлорид тузларнинг йигиндиси шўрланиш даражаси бўйича 1 %, хлор-сульфат шўрланишида 0,4 % бўлса, шоли пояларда қурилиш ишлари тугагач, (сувни даладан чиқариб ташлаш шарти билан) ерни ювиш лозим. Айрим туманларда шоли етиштириш қайта шўрланишга олиб келади. Бу ҳолат кўпинча шоли нобуд бўлгандагина сезилади, холос. Шоли далалари га сув билан юзлаб тонна тузлар ҳам келади.

Шолига кўп миқдорда (гектарига 20—50 минг м<sup>3</sup>) сув берилган лига туфайли атрофидаги ерларнинг ботқоқлашишига, шўрланишига олиб келади. Ундан ерларда дала экинларидан юқори ҳосил олиш қийин. Яъни, шоли экологияси ўзига хос хусусиятга эга.

Кеч баҳори экинларнинг бундай хусусиятларини билиш етиштириш жараёниларида уларнинг экологиясини яхшилашга имкон беради.

## ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Дон-дуккакли экинларга нўхат, маҳаллий нўхат, ловия, лўбия, чина, соя, мош ва бошқалар киради. Улар ўзига хос экологияяга эга. Бошқа дала экинларидан оқсил моддаларга бойлиги ва тупроқда биологик азот тўплаш хусусияти билан кескин фарқ қиласди. Дон-дуккакли экинларни ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари бутун ўсув даврида бир хил эмас. Улар ҳароратга бўлган талабига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

1. Кам талабчан (нўхат, чина, ясмик). Уларнинг уруғи 1—2°Cда уна бошлайди, 3—4°Cда майса ҳосил қиласди;

2. Ўртacha талабчан (ингичка баргли люпин, хашаки дуккаклилар, маҳаллий нўхат). Уларнинг уруғлари 3—4°Cда уна бошлайди, 5—6°Cда майса ҳосил қиласди;

3. Талабчан (соя, ловиялар, мош), уруғлари 8—10°Cда уна бошлайди, 10—13°Cда майса ҳосил қиласди.

Дон-дуккакли экинлар ташқи муҳитнинг паст ҳароратли шароитида ўssa, майсалари шунчалик совуққа чидамли бўлади. Масалан, нўхат, ясмикнинг майсаси — 8°C, сояники — 3—4°C, ловияники — 1°C совуққа чидайди.

Дон-дуккакли экин уруғлари етилиш ва пишиш даврида ҳароратга жуда талабчан бўлади. Дон-дуккакли экинлар ғаллага нисбатан сувни кўп талаб қиласди. Масалан, ғалла экинларининг уруғлари униб

чиқиши учун, ўзларининг вазнига нисбатан 40—60 %, дон-дуккакли экинларники эса 130—140 % сув талаб қилади. Ёруғликка нисбатан дон-дуккаклилар узун кун (нўхат, ясмиқ, чина, люпин хашаки дуккаклилар), қисқа кун (соя, мош) ва ёруғикнинг давомийлигига таъсир билдирилмайдиган гуруҳларга бўлинади.

Дон-дуккакли экинлар тупроққа, озиқ моддаларга талабчан. Улар, учун енгил, ўрта механик таркибли ўтлоқ ва бўз тупроқлар яхши ҳисобланади. Шўрланган, ботқоқ тупроқлар ярамайди. Бундай экинларни етиширишда уларнинг юқорида келтирилган экологик хусусиятларини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда, дон-дуккакли экинлар ташқи муҳит омилларидан самарали фойдалана олмайди, натижада ҳосили ва унинг сифати паст бўлади.

## ТЕХНИК ЭКИНЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Техник экинлар толали, мойли, қандга, крахмалга бой ва наркотик ўсимликлар гуруҳларидан ташкил топган.

Мойли экинларга кунгабоқор, кунжут, махсар, мойли зифир ва бошқалар киради. Мойли экинлар тупроқ шароитига, унумдорлигига, озиқ моддаларга талабчан. Мойли экинларнинг ўсимликлари дастлабки бир ой давомида секин ўсади. Шунинг учун уларни бегона ўтлар босиб кетиши мумкин.

Кунгабоқар муҳим мойли экин. У ёруғликка талабчан, қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли. Кунгабоқар турли хил, ҳатто енгил шўрланган тупроқларда ҳам ўsavеради. Бу хусусияти унинг майдонларини кенгайтиришга имкон беради. Кунгабоқар уруғлари, тупроқда нам етарли бўлганда 4—6°C да уна бошлайди, 8—10°Cда майса ҳосил қилади. Бутун ўсув даври (навлари ва иқлим, тупроқ шароитига қараб) 70—130 кун давом этади. Кунгабоқар, айниқса, фосфорли, калийли озиқ моддаларга талабчан.

Ер ёнғоқ иссиқ, нам, ёруғсевар ўсимлик. Ёруғликка нисбатан қисқа кун ўсимлик. Тупроқ шароити ва унумдорлигига талабчан. Шўрланган, ер ости сувлари яқин, бегона ўтлар босган ерлар ярамайди. Ер ёнғоқнинг уруғи 12—14°Cда униб чиқади, майса ҳосил қилади. Майсалари 1—5°C совуққа чидайди. Кузги 1,5—2,0°C совуқ ўсув қисмларини заарлайди. Совуқ 3°C бўлганда янги ердан қазиб олинган уруғлари униб чиқиш қобилиятини йўқотади. Ер ёнғоқни оптимал ўсиш ва ривожланиши учун ҳарорат 25—30°C бўлиши лозим. Ҳарорат 12—13°C га пасайганда дуккаклари ҳосил бўлмайди. Ер ёнғоқ гуллай бошлагандан, то мева ҳосил қилгунча намлилкка талабчан дуккаклари етила бошлагач, намлилкка бўлган талаби камая боради. Бу пайтда сув бериш — вегетация даврининг чўзилиб кетиши-

га олиб келади, етилмаган мевалари кўпайиб кетади. Ер ёнғоқ етиштиришда унинг ушбу экологик хусусиятларини эътиборга олиш юқори ва сифатли ҳосил олишига имкон беради.

Кунжут иссиқсевар ўсимлик, у бегона ўтлардан тоза, унумдор тупроқларда яхши ҳосил беради. Уруги 15—16°C да униб чиқади ва майса ҳосил қиласди. Майсалари 1—2°C совуққа чидай олади. Ҳарорат 10°C дан пасайганда ўスマйди. Ҳарорат 25—30°C бўлганда, кунжут яхши ўсади ва ривожланади. У намликка талабчан. Кунжут гуллаш фазасидан бошлаб тез ўсади. Шу фазасида сувга, озиқ моддаларга бўлган талаби кескин ортади.

*Махсар* иссиққа, қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. У намликни ніҳоятда эҳтиёткорлик билан сарфлайди. Тупроқда ва ҳавода нам кўп бўлганда, яхши гулламайди ва гуллари уруғланмайди.

Махсарнинг уруғлари 3—4°Cда униб чиқади, майсалари 4—5°C совуққа чидайди. Махсар тупроқ шароитига талабчан эмас, у ҳатто шўрланган тупроқларда ҳам ўсаверади. Бу унинг экин майдонларини кенгайтиришга имкон беради. Мойли экинларнинг ички талабларига ташқи муҳит омиллари мос келмаганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади. Чунки табиий мувозанат, яъни экологияси бузилади.

*Толали* экинлар. Толали экинларга фўза, бўйчан зиғир, наша каноп, жут, дагал каноп, рами, кендр, бамия ва бошқалар киради. Уларнинг толалари тўқимачилик, уруғларидан олинадиган мойлари озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё ҳисобланади. Толали экинлардан Ўзбекистонда, асосан, фўза ва қисман каноп етиштирилади. Фўза табиатга кўра, кўп йиллик ўсимлик. Лекин у республикамиизда ва бошқа мамлакатларда бир йиллик экин сифатида етиштирилади.

Республикамииз табиий шароитининг ташқи муҳит омиллари фўза экологияси хусусиятларига кўп жиҳатдан мос келади. У Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида шўрланмаган, енгил, ўрта шўрланган бўз ва ўтлоқ тупроқларида, уларнинг мелиорация ҳолатлари яхшиланганда ўсаверади. Фўза иссиқсевар, қисқа кун ўсимлик. Чигити 10—12°Cда уна бошлайди, 14—16°Cда майса ҳосил қиласди, 25—30°Cда яхши ўсади, ривожланади. Майсалари 1—2°C, вояга етган ўсимликлари 3—5°C да нобуд бўлади. Фўза чигити экилгандан майса ҳосил бўлгунча 85—90°C, шоналаш даврида 485—500°C, гуллаш даврида 900—1200°C ва 50 % ҳосили етилгунча 1560—2000°C фойдали ҳарорат талаб қиласди (фўза учун майса ва шоналаш фазасигача 10°C дан, гуллаш ва пишиш фазасигача 13°C юқори ҳарорат самарали ҳисобланади). Фўза кучли илдизли, қурғоқчиликка чидамли бўлишига қара-

май, сув билан етарли таъминланганда, яхши ҳосил беради. Уни транспирацион коэффициенти, тупроқ иқлим шароитига қараб, 600—1600 гача етади. Фўза тупроқ унумдорлигига талабчан. Бўз тупроқларда 35—40 ц ҳосил олиш учун унинг ҳар гектар экин майдонига 180—250 азот, 120—150 кг фосфор ва 50—60 кг калий бериш лозим.

Фўзанинг сувга бўлган талабини қондириш учун тупроқ намлиги унинг асосан илдиз қисми тарқалган катламида (1,0 метрлик) тўла дала сифимиға нисбатан 65—70 % дан кам бўлмаслиги лозим. Суғориш сони ва мароми тупроқ шароитига, об-ҳаво ва ҳароратига боғлиқ. Фўзани суғоришда ҳар галги бериладиган сув мароми, гектарига гуллашга қадар 700—900 м<sup>3</sup>, гуллаётганда 700—1200 м<sup>3</sup>, пишайтганда 650—850 м<sup>3</sup> бўлиши лозим. Фўзага бутун ўсув даврида гектарига 2000—3000 м<sup>3</sup> дан 5000—6000 м<sup>3</sup> ва ундан кўп сув сарфланиши мумкин.

*Каноп* қисқа кун ўсимлик. Уруғи 10—12°C да уна бошлайди, 20—22°C да майса ҳосил қиласи. Тупроқ унумдорлигига, намлигига талабчан. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибиди, толали экинларнинг ташқи муҳит омилларига бўлган талаби бутун ўсув даврида ҳар хил ва юқори. Шунинг учун бу экинларни етиширишда уларни барча омилларга, яъни ташқи муҳитга бўлган талабларини ўз вақтида оптималь даражада таъминлаш юқори ҳосил олиш учун имкон яратади.

*Қандга бой экинлар.* Уларга қанд лавлаги ва шакарқамиш киради.

Қанд лавлаги ташқи муҳит омилларидан, иссиқлиқ, сув, тупроқ, озиқ моддаларга талабчан. Қанд лавлагининг уруғи (меваси) униб чиқиши учун ўзининг массасига нисбатан 150—170 % сув ўзлаштиради, 2—5°C да уна бошлайди, 6—7°C да майса ҳосил қиласи. Майсалари 4—5°C совукқа чидайди. Қанд лавлаги икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили ўсув даври 160—170 кун, иккинчи йили 100—130 кунга боради. У бутун ўсув даврида шимолий туманларда 1800—2000°C, жанубий туманларда 3000°C ҳарорат талаб қиласи. Қанд лавлаги узун кун ўсимлик, ёргулик етишмаганда ҳосили ва илдиз мевалари таркибидаги шираси камайиб кетади. Қанд лавлаги намлик омилига ҳам талабчан (транспирация коэффициенти 240—400), лекин сувни тежаб сарфлайди. Қанд лавлаги тупроқ шароити ва озиқ моддаларга, айниқса, фосфор, калий, кальцийга талабчан. У енгил ва шўрланган тупроқларда ҳам, сув, озиқ моддалар етарли бўлганда, қониқарли ҳосил бераверади. Қанд лавлаги учун азот моддаси кўп бўлиши унинг ҳосили сифатига салбий таъсир қиласи, шираси камайиб кетади.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, қанд лавлаги ташқи муҳит омилларига бошқа экинларга нисбатан талабчан, чунки у экин майдони бирлигидан кўп масса ҳосил қиласди. Ташқи муҳит омиллари оптимум ҳолатдан минимумга тушиб кетганда унинг илдизмева ҳосилида қанд миқдори кескин камайиб кетади. Шунинг учун қанд лавлагига зарур барча экология омиллари оптималь дараҷада таъминланиши лозим.

*Крахмалга бой экинлар.* Крахмалга бой тугунак мевали экинларга картошка ва тапинамбур (ер ноки) киради. Улар тугунча ер ости пояларида столонларда ҳосил бўлади. Шунинг учун улар тупроқ омилига ўта талабчан. *Картошка ва тапинамбур* учун механик таркиби енгил, озиқ моддаларга бой, шўрланмаган, ботқоқланмаган тупроқлар бўлиши лозим. Механик таркиб оғир, тупроқлар улар учун ярамайди. Картошка ва тапинамбур, асосан, тугунаклари билан кўпайтирилади (уруғлари билан ҳам кўпайтириш мумкин, бунда тугунаклари ниҳоятда майда бўлади).

Картошка тугунаклари 6—7°C да униб чиқади, яхши униши учун 13—15°C керак. Майсалар 3°C совуқда, катта ўсимликлари эса 0—1°C да нобуд бўлади, тугунакларида қанд тўпланади. Бунга нафас олишнинг секинлашиши ва крахмалнинг қандга ўтиши сабаб бўлади. Бундай тугунаклар уй шароитида 5—10 кун ушланса, ширин таъми йўқолади, чунки нафас олишнинг тезланиши ҳисобига қанд моддаси камаяди.

Картошка учун тупроқда озиқ моддалар, етарли бўлганда ҳарорат 17—18°C дан ошмаслиги лозим. Тупроқда нам камайиб, ҳарорати кўтарилиб кетганда, ўсимликларнинг нафас олиши тезлашиши ҳисобига (озиқ моддалар столонларга бормай қолади) тугунаклар ўсмайди ва айниб кетади, берч эски (уруғ) картошкага ўхшаб қолади. Ундай тугунаклар истеъмол қилишга ярамайди. Хуллас, тугунак мевали ўсимликлар ўсиш ва ривожланиш фазаларида ташқи муҳит омилларига ўзига хос талаб қўяди. Шунинг учун картошка етиштиришда унинг бу хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

*Наркотик экинлар.* Уларга тамаки ва маҳорка киради. Бу экинлар иссиқлик, намлик, ёруғлик, озиқ омилларига ниҳоятда талабчан. Тамакига экология омиллари етишмаганди, уларнинг ҳосили ва маҳсулот сифати ниҳоятда пасайиб кетади.

Тамаки уруғи 10—12°C да уна бошлайди, 20—22°Cда майса ҳосил қиласди. Ёш майсалари 2—3°Cда зааррланади, лекин каттароқ ўсимликларининг кузги совуқларга толерантлиги юқори. Тамакининг яхши ўсиши ва ривожланиши учун тупроқ намлиги, уни тўла дала нам сифимига нисбатан, 60—70 % кам бўлмаслиги лозим. Тамаки

намлики күчати далага ўтқазилгандан кейин илдиз отаётганда ва барглари ҳосил бўлаётганда кўп сарфлайди. Ёруғлик етишмаганда тамакининг ҳосили ва сифати кескин пасайиб кетади, ҳатто у истеъмолга яроқсиз бўлиб колади. Тамаки тупроқ омилига ҳам талабчан, шунинг учун у маълум худудларда юқори ва сифатли ҳосил беради.

## ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ

Ем-хашак экинлари турли-туман бўлиб, уларнинг ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари ҳам ҳар хил. Улар кўп ва бир йиллик дуккакли, фалласимон ўтлар ҳамда хашаки илдиз мевали, барг мевалиларга бўлинади.

Ем-хашак экинларидан республикамизда, асосан, зангори беда тарқалган. Унинг кўк массаси, қуруқ хашаги барча чорва моллари учун тўйимли озиқ, илдизлари, ангизи ерни органик моддалар билан бойитади. Унинг илдизлари тугунакларида ривожланган тугунак бактериялар тупроқни биологик азот билан бойитади.

Беда ўсимлиги ўзининг хусусиятлари билан бир қаторда тупроқ шўрини камайтиришда катта аҳамиятга эга. Беда тупроқ шўрига чидамсиз. Унинг шўрга чидамлилиги фўзаникidan икки марта кам. Лекин беда ўсимлиги тўғри парвариш қилинганда, у тупроқдаги тузларни анча камайтиради. Бу беданинг қуидидаги хусусиятлари билан боғлиқ:

Биринчидан, беда уруғи ёппасига сепилганда, унинг майсалари қалин ўсиб, ер бетини қоплади. Бу тупроқни ҳаддан ташқари исиб кетишига, сувнинг буғланишига, заарарли тузларнинг пастки қатламлардан юқорига кўтарилишига деярли йўл қўймайди.

Иккинчидан, беда ўсув даврида 5—6 ва ундан кўп марта суғорилади, натижада тупроқ тузлари юқори қатламдан пасткисигача ювилиб кетади.

Учинчидан, беда мавсум давомида бир неча марта ўрилади. Биринчи йили 3—4 марта, иккинчи ва учинчи йиллари 5—6 марта ўрилади, натижада ўсимлик массаси билан биргаликда маълум миқдорда тузлар ҳам даладан олиб кетилади.

Тўртингчидан, беда сербарг ўсимлик бўлганлиги учун сувни кўп буғлатади, бу ўз навбатида ер ости сувлари сатҳини пасайтиради, тузларни юқорига кўтарилишини тўхтатади. Сизот сувларининг пасайишига бедани ерга чукур тарқалган илдизлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Беданинг юқорида келтирилган хусусияти ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди. Беда экологиясига кўра тупроққа, ёруғликка,

намлика, озиқ моддаларга ниҳоятда талабчан. Ташқи муҳитда бу омилларнинг бирортаси етишмаслиги беданинг ўсиши, ривожланишини ёмонлаштириди, ҳосили камайиб кетади. Шу билан бирга беданинг маромида ўсиши, ривожланиши ва ҳосили уни етиштириш технологиясига ҳам боғлиқ.

Беданинг ривожланиши икки «катта» ва «кичик» даврларга бўлиниди. Кичик давр ҳар бир пояга тегишли. У уруғдан ҳосил бўлгандан ёки илдиз каллагидаги, захира куртакдан униб чиққандан сўнг гуллаб, мева ҳосил қилиб нобуд бўлишига қадар давом этади. Катта давр эса уруғ чиққандан беданинг барча поялари ва илдизлари бутунлай нобуд бўлишигача давом этади.

Беданинг кўп йиллик ўсимлимон сифатида бир йиллик экинлардан фарқи шундаки, бир йиллик ўсимликларда пластик моддалар (организм танасини қирувчи моддалар) бора-бора уруғида тўпланади. Кўп йиллик ўсимликларда, шу жумладан, бедада икки томонга: уруғларида ва қайта кўкариб кўпаядиган ўсув (вегетатив) қисмларида тўпланади. Беданинг вегетатив йўл билан кўпаядиган ва захира озиқ моддалар тўпланадиган қисми илдизнинг юқори, тупроқ ичига бироз кирган каллаги (табиатга кўра ўзгарган поя) ҳисобланади.

Беда ва унга ўхшаш ўсимликларнинг кўп ёки кам яшави уларнинг илдизига ва ҳар йили янги поялар чиқарадиган илдиз каллагидаги захира куртакларнинг ҳаёт фаолиятига боғлиқ. Янги поялар илдиз каллагида жойлашган куртаклардан ўсиб чиқади. Улар ўсимликтин дастлабки ўсув даврида ўзидан олдинги поялар илдизида тўпланган озиқ моддалар ҳисобига яшайди.

Беданинг янги поялари ўсиш ва ривожланиши даврида пайдо бўладиган поялар учун илдиз каллагида захира органик моддалар тўплайди ва улар эрта баҳорда ҳамда ўримлардан кейин пайдо бўладиган янги поялар учун сарфланади. Кейинроқ, ўсимлиқдаги янги пояларда ассимиляция жараёни бир маромда бошлангач, озиқ моддалар қайта илдиз каллагидан тўпланаверади.

Пояларнинг ўсиш ва ривожланиши беда ўримлардан қолдирилганда ҳам бир йилдан ошмайди. Бунга сабаб уруғдан ёки захира куртакдан ҳосил бўлган поя то уруғ бергунча яшайди, холос. Намгарчилик кўп бўлган йилларда беда кеч гуллайди, эски поялар ўримлардан ёки ўсув даври тугагач, куримлардан туриб захира куртаклардан янги поялар ўсиб чиқа бошлайди. Агар тиним даврида бўлган куртаклардан янги поялар кўкариб чиқмаса, беда бутунлай нобуд бўлади. Демак, янги пояларнинг ҳосил бўлиши илдиз каллагида

тўпланган озиқ моддалар миқдорига ва унда жойлашган куртаклар-нинг кўкариш қобилиятига боғлиқ.

Қиши фаслида беданинг илдиз бўғизи, каллагининг юқори қисми заарланиши мумкин. Бундан ташқари, қиши, баҳор ва куз пайтларда намгарчилик кўп бўлиши сабабли, ювилиб кетилишидан ва ер қаттиқ музлаб, сиқилишидан ҳам нобуд бўлиши мумкин.

Беданинг илдиз каллаги қанчалик чуқур жойлашса, унинг қишига бўлган толерантлиги (қишига бардош бериши) шунча юқори бўлади. Беда барг чиқаришга қадар совуққа чидамли бўлади. Беда эрта баҳорда барг чиқаргандан фунчалай бошлишига қадар, унинг совуққа бўлган толерантлиги паст бўлади. Шоналаш ва гуллаш фазаларидан бошлаб эса совуққа чидамлилиги асосий куртаклар ҳосил қилиш ҳисобига яна ортади. Беданинг ёш ўсимликлари 5—6°C, етук ўсимликлари 30—40 см. гача бўлган қалин қор қатлами остида 40°C гача, қор қатлами бўлмаганда эса 15—20°C совуққа бардош беради, холос.

Беданинг қишига чидамлилиги ўсимликнинг ҳолатига, ўғитлашга ва ўриш муддатига боғлиқ. Бақувват, соғлом ўсимликлар касалланган, ноҷорларига қараганда яхши қишлияди. Бедага охирги ўримидан сўнг фосфор ва калийли ўғитлар берилса, унинг қишига чидамлилиги 20—30 % га ошади. Одатда, бедани қийғос (50 %) гуллаганда ўриш лозим. Беда гуллашга қадар тез-тез ўрилса, илдиз бўғизи ва илдизидаги захири моддалар миқдори анча камаяди. Натижада, илдиз бўғизи ва илдизларидаги захири озиқ моддалар тўла тикланмаганлиги туфайли ўсимлик қишига заифлашган ҳолда киради. Уларнинг бир қисми совуқдан нобуд бўлади.

Беданинг қишидан яхши чиқишида охирги ўрим муддати катта аҳамиятга эга. Охирги ўрим ўсимликларнинг қишига чиниқиши ёки пояларда совуқ тушишига қадар, 5—6 барг ҳосил қилишига тўғри келади. Ўсимликнинг шу даврида беда каллагида захири озиқ моддалар кўп тўпланади. Бундай пояларнинг бўғин оралиқлари қисқа бўлади ва қишидан яхши чиқади. Бўғин оралиқлари қисқа калта поялари ер бетини яхши қоплайди. Шунга кўра тупроқнинг юза, беданинг илдиз каллаги жойлашган қисмига қаттиқ совуқ унчалик таъсир қилмайди.

Беда қуруқ модда ҳосил қилишга кўп сув сарфлашига қарамай, қурғоқчиликка (ўзининг кучли, чуқур тарқалган илдизлари туфайли) чидамли ўсимлик ҳисобланади. Ерда сув кам (танқис) бўлганда, беда ўсишдан бироз тўхтайди. Намлик миқдори кўпайганда, беда ўсишини яна тиклаб, мўл ҳосил беради.

Себарга бедага ўхашаш кўп йиллик дуккакли узун кун ўсимлик, кўланкага чидамли. Себаргани кўланкага деярли чидамли бўлганли-

ги учун уни ғалла экинлари билан бирга экиш мумкин. Унинг бу хусусияти ташқи муҳит омилларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Эспарцет кўп йиллик дуккакли ўсимлик. У қурғоқчиликка чидамли, тупроққа талабчан эмас. Кучли ривожланган илдизи туфайли унинг унумдорлиги паст, тошли, қумли, шўрланган, ўзидан сувни яхши ўтказадиган тупроқларда ҳам етишириш мумкин. Эспарцет учун ер ости сувлари яқин тупроқлар ярамайди.

Кўп йиллик дуккакли ўт экинларининг ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари бутун ўсув даврида турли-туман. Шунинг учун уларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, экологиясини ўрганишда ташқи муҳит омилларига бўлган талабларини оптимал даражада таъминлаш лозим.

## САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ

Сабзвот экинлари турли оилаларга мансуб экинлар. Шунинг учун уларни ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари ҳам турлича. Сабзвот ва полиз экинлари очиқ дала ҳамда ойнавандлар шароитида етиширилади. Улар дала шароитида ташқи муҳитнинг барча нокулайликларига бардош беради.

Сабзвот ва полиз экинларидан республикамиизда помидор, ширин болғар ва аччиқ қалампир, бақлажон, оқбош карам, гулкарар, сабзи, пиёз, саримсоқ, лавлаги, шолғом, турп, петрушка, селдерей, шовул, укроп, бодринг қовун, тарвуз, ошқовоқ ва бошқалар етиширилади.

Сабзвот-полиз экинларининг маҳсулотлари ҳам турли хил бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга, одам ва бошқа мавжудотлар учун ниҳоятда фойдали. Шунинг учун экологиясини ўрганиш ва кўплаб етишириш лозим.

Помидор иссиқсевар, тупроқ шароитига, намликка, ёруғликка талабчан ўсимлик. Ёруғлик етишмагандага ўсиш ва ривожланиши ёмонлашади, ҳосили кескин камайиб кетади. У кўп сувни буғлатади. Ҳаво намлиги 45–60% бўлиши лозим, ундан ортиб кетганда эса, гулларининг уруғланиши ёмонлашади, шоналари тўқилиб кетади. Помидор тупроқ унумдорлигига талабчан ўсимлик. Унча шўр, ботқоқ тупроқлар ярамайди. Озиқ моддалардан, айниқса, фосфор ва калийга талабчан. Юқорида келтирилган ташқи муҳит омилларини етишмаслиги помидор ҳосилини пасайишига, мевалари мазасининг ёмонлашишига олиб келади.

**Қалампир.** Қалампирнинг аччиқ ва ширин хиллари етиштирилайди. Ширин қалампирга нисбатан аччиқ қалампир ҳароратга талабчан ва иссиққа чидамли. Ширин бўлғор қалампирнинг уруғи секин унади. Тупроқ ҳарорати 8—10°C бўлганда 10—12 кундан кейин униб чиқади. Қалампирлар тупроқ унумдорлигига, намликка, ёруғликка талабчан. Ёруғлик етишмаганда, гуллари уруғланмайди, ҳосили кескин камайиб кетади.

**Бақлажон.** Помидор, қалампирларга нисбатан вегетация даври узун. Уруғлари 13—14°C да уна бошлайди, 18—24°C да тез униб чиқади, маромида ўсиш ривожланиши учун 25—27°C керак. Ҳарорат 20°C пасайганда бақлажонни ўсиш ва ривожланиши ёмонлашади. 1,5—4°C бўлганда ўсимлик нобуд бўлади. Бақлажон тупроқ унумдорлигига, намликка талабчан ўсимлик.

**Оқбош карам.** Иссиққа талабчан эмас, совуққа чидамли. Ҳарорат юқори, ёруғлик етишмаганда карамнинг майсалари бўйига чўзилиб кетади.

Карамнинг совуққа чидамилиги вегетация даврида бир хил эмас. Кўчат вақтида совуққа чидамсиз. Лекин чиниктирилганда кўчатлари 5—6°C, катта ўсимликлари 6—8°C совуққа чидайди. Юқори 25—30°C ли ҳарорат карамнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Оқбош карам ёруғликка талабчан. Узун кун карам кўчатларининг ўсиши ва бош олишини яхшилади.

**Гулкарам.** Тупроқ, намлик, ёруғлик, иссиқлик ва озиқ моддаларга талабчан. Гулкарамнинг уруғлари 5—6°C да уна бошлайди, 18—20°C да тез униб чиқади. Ҳарорат гулкарамни шаклланишида катта таъсир қиласи. Ҳарорат 8—12°C бўлганда унча катта бўлмаган, лекин зич бошлар ҳосил бўлади. Ҳарорат 15—18°C бўлганда эса йирик, лекин бўш бошлари ҳосил бўлади. Ҳарорат 35—40°C бўлганда бошлари бутунлай ҳосил бўлмайди.

Гулкарам 2—3°C совуққа чидамайди. У бош олаётганда азот, фосфор, калий озиқлари етарли бўлиши керак. Фосфор бошларнинг шаклланишини тезлаштиради. Калий бошлар йирик, ҳосили юқори бўлишига имкон беради.

**Илдизмевали сабзвотлар.** Уларга сабзи, лавлаги, турп, шолғом, редиска, пастерняк, селдерей ва бошқа ўсимликлар киради.

Илдизмевали сабзвотлар иссиққа талабчан эмас. Уруғлари 4—5°C да уна бошлайди, 20—25°C да яхши ҳисобланади. Улар 2—5°C совуққа чидайди. Илдизлари кучли бўлганлиги туфайли қурғоқчиликка чидам-

ли, нам етарли бўлмаганда ёғоч (ўзак) қисми кучли ривожланиб, меваларининг сифати ёмонлашади, истеъмол қилишга ярамайди.

*Пиёэли сабзавотлар.* Уларга, асосан, бошпиёз, саримсоқ киради. Бошпиёз иссиқликка талабчан эмас. Уруғлари 2—3°C да уна бошлайди, 18—20°C да тез униб чиқади. У совуққа чидамли, майсалари 2—3°C, етилганлари 10—12°C совуққа бардош беради. Пиёз бошларини етилиши учун 25—30°C ҳарорат яхши ҳисобланади. Ҳарорат паст бўлганда, пиёз бошининг ўсиши секинлашади, юқори бўлганда бошлари майда бўлиб қолади, чунки нафас олиши тезлашади. Пиёзнинг етилишига сув ва озиқ моддаларнинг таъсири катта.

*Саримсоқ* етиштириш иқлим шароитига талабчан эмас, қуруқ ва намли туманларда ўсаверади. Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. Унинг бўлакчалари 3—5°C да кўкара бошлайди, 7—8°C совуққа чидайди. Саримсоқни ўсиш ва ривожланишига куннинг давомийлиги катта таъсири қилади. Узун кун саримсоқ генератив қисмларининг ривожланишига салбий таъсири қилади, тўхтатиб қўяди, ўсимлиги ғовлаб кетади. Қисқа кун, аксинча мева қисмларининг ривожланишини тезлаштиради.

*Полиз экинлари.* Қовун, тарвузнинг уруғлари 14—16°C, қовоқники 9°C да уна бошлайди. Тупроқ ҳарорати бундан паст бўлганда полиз экинларининг уруғлари чириб кетади.

Ҳарорат 12—15°C га пасайганда, полиз экинларининг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, гуллари тўклиб кетади. Полиз экинлари совуққа чидамсиз, майсалари 0°C, катта ўсимликлари 3—5°C да нобуд бўлади. Полиз экинларининг илдизлари кучли бўлганлиги учун тупроқ намлигидан самарали фойдаланади. Нам кўп бўлиши полиз экинлари учун заарли, чунки қанд миқдори камаяди ва қасалликларга чалинади. Полиз экинлари қисқа кун, ёргувар ўсимлик, тупроққа талабчан.

Сабзавот ва полиз экинлар бўйича юқорида келтирилган маълумотлар уларни ташқи муҳит омилларига бўлган талаблари ривожланиш фазаларига қараб ҳар хил эканлигини кўрсатади. Уларнинг бу экологик хусусиятларини мукаммал ўрганиш ва ташқи муҳит омиллари билан узлуксиз равишда оптималь даражада таъминлаш полиз экинларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштиришда муҳим аҳамиятга эга (20—39-расмлар).

*Қишлоқ хўжалиги экологиясини яхшилашда чорвачиликнинг мавқеи.* Қишлоқ хўжалиги экологиясини сақлаш ва уни яхшилашда чорвачиликнинг мавқеи ниҳоятда катта. Чорва моллари дала экинлари,

мевали боғлар, узумзорларнинг иккинчи даражали маҳсулотларини хашак, сомон, шох-шаббаларини еб, уларни гўшт, сут қаймоқ, ёф каби қимматбаҳо маҳсулотларга айлантиради. Шу билан улар иккинчи даражали маҳсулотларни чириб, атроф-муҳит тозалиги бузилишининг олдини олади. Бундан ташқари чорва моллари қишлоқ хўжалиги учун муҳим материал ҳисобланган гўнг беради. Маълумки, гўнг тупроқнинг озуқа, ҳаво, сув, иссиқлик режимлари ва механик таркибини яхшилашда тенги йўқ восита ҳисобланади. Шунинг учун деҳқончилик билан чорвачиликни биргаликда олиб бориш қишлоқ хўжалиги экологияси масалаларини ҳал қилишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги экологияси дала экинлари, боғзорлар, чорва молларининг кўп бўлиши ва кенг тарқалишини тақозо қиласди.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИНГ ЭКОЛОГИК МАВҚЕИ

Қишлоқ хўжалиги тизими унинг ривожланишига катта таъсир қиласди. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, шаҳарга яқинлаштириш қишлоқ экологиясини ёмонлашувига (сув, ҳаво, тупроқ ифлосланишига) олиб келиши мумкин. Лекин экологиянинг ёмонлашгани қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришга тўсқинлик қилмаслиги керак. Бунинг учун ташкилотчилик, тушунтириш, ташвиқот ишларини олиб бориш, экологик ҳодисаларга тўғри баҳо бериш лозим. Экологик кризиснинг олдини олиш (экологик кризис — кўп фойда олиш мақсадида табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлиш маҳсули).

Илм-фан ютуқлари асосида экологияга ёндашиш барча талафотларнинг олдини олади. Қишлоқ хўжалигига экология муаммолари ечимини топишда илм-фанга асосланган технологияни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигига ҳам ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби, экологик муаммоларни ҳал қилишда кенг тармоқли тадқиқот ишларини олиб бориш, айниқса, биология фани ютуқларидан самарали фойдаланиш лозим.

Лекин илм-фаннынг ўзи барча экологияга оид муаммоларни ҳал қила олмай туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асос яратади. Фақат инсон ўз ақл-идроки ва билимини ишга солиш билан экология масалаларини ҳал қилиши мумкин. Уларни тўғри ҳал қилиш учун илфор тажрибадан кенг фойдаланиш лозим. Илфор тажриба қанчалик пухта, яхши ва тадбирли бўлмасин, ундан ишлаб чиқариш раҳбарлари фойдаланишмаса, улар ҳаракатсиз қолиб кетаверади.

Қишлоқ хұжалиги экологияси ўсимликлар ва чорвачилик маҳсулотларига таъсир қыладыган омиллар мажмусидан иборат. Бу мажмуда мұхим ўринлардан бирини тупроқ әгалайди. Чунки мазкур худуднинг биомаҳсулоти миқдори ва сифати унинг тупроғига боғлиқ. Инсон дәхқончилик билан шуғулдана бошлагандан бери экотартибларга ўзгартыришлар кирилди, шу боис, қишлоқ хұжалигининг манзараси (ландшафты) ўзгарды. Табиий ўтлоқлар камайиб кетди. Экиладыган ерлар узоқ вақт сув ва шамол эрозиясидан ҳимоясиз қолди, суфориш иншоотларидан нотүрги фойдаланиш оқибатида қайта шүрланиш келиб чиқди. Турли хил заҳарлы моддалар (гербицидлар), минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш тупроқнинг физик, кимёвий хусусиятларини ёмонлаштириди, олинадыган ўсимлик маҳсулотларининг сифатини пасайишига олиб келди. Ҳозирги муаммо қишлоқ хұжалиги экологиясини яхшилаш, барча әқинлар, боғлардан мүл ва сифатли маҳсулот етиштиришдан иборат.

## ҚИШЛОҚ ХҰЖАЛИГИ ҲАЙВОНЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ

Қишлоқ хұжалигіда чорва моллари ҳам катта аҳамиятта зерттеуде. Чорва моллари сут, тухум, гүшт каби қымматбаҳо маҳсулотлар, жун, тери каби хом ашё беради. Лекин уларни етиштириш, албатта, ташқи мұхитта таъсир күрсатады. Бириңчи навбатда турли чиқындиларни, асосан, гүңгни ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Гүңг энг қымматбаҳо органик ўғит ҳисобланади. Экин майдонининг ҳар бир гектарига 20—30 тонна солинганда тупроқнинг кимёвий таркиби, физик, биологик, иссиқлиқ, ҳаво, сув режимларини, мелиоратив ҳолатини яхшилайди.

Тупроққа гүңг солинганда, чорва моллари озуқаси таркибидаги 75 % минерал моддалар тупроққа қайтиб тушади. Соғин сигирлар маккаждарори билан боқилганда, гүңг билан азотнинг 75 %,  $P_2O_5$  ва  $K_2O$ нинг 80 % тупроққа қайтиб келади. Гүңгдан маромида фойдаланиш қишлоқ хұжалигіда моддалар айланишининг оптималь даражасини таъминлайди.

Озиқ моддаларни айланиш доираси тархи: тупроқ — ўсимлик — ҳайвонлар — тупроқ эканлигини назарда тутган ҳолда гүңгдан самарали фойдаланилганда бириңчи тартибли консументлар (үтхўр) каби чорвачилик агроэкотизимининг табиий қисмiga айланиб қолади. Одатда, чорвачиликдан чиққан борлиқ — гүңг ва түшама ерга солинганда тўла равишда тупроққа аралашади. Отлар, қорамоллар, кўйлар, қисман чўчқалар ва айрим паррандалар (масалан, ғозлар)нинг озиқ рациони, асосан, дағал ҳашақ, серсув (илдизмевалар) озиқлар ва яйлов ўтларидан иборат. Шунинг учун чорва озиқларини етишти-

риш, алмашлаб экиш далалариде етиштириладиган, кўп йиллик (беда, эспарцет, себарга) ўтларга асосланиши лозим.

Кўп йиллик ўтлар серсув озиқлар бўлиб, уларнинг озуқа қиммати бўйича тўйимли бўлишлари билан бир қаторда мелиоратив аҳамиятга ҳам эга. Кўп йиллик ўтлар тупроқнинг шамол ва сув эрозиясига қарши туриб, тупроқни органик моддалар билан бойитади.

Ем-хашак экинларининг ҳосили йиғиб олингандан сўнг, қолган ангизида қорамол ва кўйларни боқиши улардан фойдаланиш даражасини янада оширади. Демак, чорва моллари сон ва сифат жиҳатидан озиқ манбаи имкониятидан ортиб кетмаганида чорвачилик агротехнологиясининг табиий қисмига айланиб қолади ва дала экинларидан юқори ҳосил олишга имкон яратади.

*Чорва молларини боқиши экологияси.* Одатда, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари маҳсулдорлиги, серсутлилиги ва сутнинг ёғлилиги, гўшт сифати, тухум ва гўшт маҳсулотлари (паррандалар)га қараб баҳоланади ва танлаб олинади. Бунда уларнинг ташқи муҳитга мослашиши, юқумли касалликларга чидамлилиги каби хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Паррандалар ва чўчқаларни боқишда уларнинг озиқасига сунъий витаминлар ва бебаҳо аминокислоталар қўшилади. Озиқалари таркибида клетчатка миқдори кам бўлиши лозим. Сифатсиз озиқлар уларнинг организмига, шу жумладан, овқат ҳазм қилиш тизимига ва микрофлорасига салбий таъсир қиласади.

Юқори ва паст ҳарорат, молларни зич бўлиб яшashi, кучли шовқин, транспортда олиб юриш моллар саломатлигига ёмон таъсир қиласади. Молхоналарнинг ҳавосида карбонат ангидрид, аммиак, олtingурут ва метан газлари очиқ ҳаводагига нисбатан кўплиги билан фарқланади. Ёруғлик етишмаслиги молларнинг асаб тизимига, гормонал (ички секрецияларига) ва жинсий ҳолатига, энг муҳими маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

*Чорва молларининг кучли асабийлашиши (стресс ҳолати).* Молларнинг нокулай омиллардан кучли таъсирланишига асабийлашиш дейилади. Асабийлашиш турли-туман бўлиши мумкин — юқори ва паст ҳарорат, ҳайвонларни ўзаро келиша олмаслиги ва бошқалар. Унинг физиологик асослари қуйидагича: асабийлашишнинг манбаи асабийланувчи миянинг катта ярим бўлаклари қобиқлари гипоталамус, гипофиз, адренокортилотроп гормони, буйрак усти безларининг пўст қатлами, пўстлоқ гормонларининг жадал ажралишидан иборат. Пўстлоқ гормонлари, молларнинг яшаш шароитига мослашишида катта аҳамиятга эга. Ҳароратнинг қескин ўзгариши, молларни ўзаро келиша олмасликлари, уларга ветеринария ишлов бериш, таъмир-

лаш ишлари, кўпол муомала қилиш кучли асабийлашишга олиб келади.

Молларнинг қўрқиши, ваҳимага тушиши натижасида унинг қонида буйрак усти бези қобигининг гормони адреналин концентрацияси ошиб кетади. Қобиқ гормон моддалари алмашувининг барча турларини бошқариб туради. Буйрак усти бези қобиги гормонлари чорва молларининг қонида ортиб кетиши организмнинг асабийланишига қарши иммунитетини пасайтиради.

Агарда асабийлантирувчи омилнинг таъсири жуда кучли ёки давомли бўлса, ҳайвонлар оза бошлайди ва ниҳоят, молларнинг ўлимига олиб келади. Ҳозирги замон чорвачилигига асабийлашишнинг бирдан-бир сабаби — молларнинг хулқ-атвори (этиологияси) ҳисобланади. Бундай асабийлашишга (стрессга) руҳий асабийлашиш дейилади. Қора моллар боғланмасдан боқилганда руҳий асабийлашиш уларнинг маҳсулдорлиги ва насл беришининг камайиб кетишига олиб келади.

Моллар гуруҳларга бириктирилганда, яъни қўшилганда улар бир-бirlарига ёмон кўз билан қарашади. Гуруҳ ичидаги моллар ўртасида келишмовчилик, тўқнашувлар келиб чиқади. Унинг асосий сабаби гуруҳ ичida ўз ўрни — ҳукмронлиги учун курашиш, тўқнашувлар натижасида кучлиси болиб чиқади ва юқори ўринни эгаллади. Фолиб чиқсан сигирга бошқа моллар дам олиш жойларида, озиқ охурида, сув ичадиган жойларда йўл беради. Гуруҳда болиб сигирга йўл берадиган, лекин бошқаларидан эса ўзини юқори тутадиган мол бўлиши мумкин. Бундай сигир гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади. Кейин гуруҳда учинчи ўринни эгалладигани ҳам топилиб қолади. Шундай қилиб, гуруҳда ўзига хос тартиб ўрнатилади. Бундай тартибда сигир ўзидан юқори табақалиси билан тўқнашмайди. Тўқнашув тугагач, гуруҳдаги моллар тинчидан қолади. Гуруҳ қанча кичик бўлса, моллар шунчалик тез тинчланади.

Гуруҳ ичida тўқнашувлар давом этаркан, қисман моллар руҳий асабийланиш ҳолатда бўлади. Бу уларнинг маҳсулдорлигини кескин камайишига олиб келади. Айниқса, асаб тизими кучсиз, ҳуркак, қўрқоқ, паст ўринни эгаллаган молларга қийин бўлади. Моллар гуруҳига янги мол келиб қўшилганда, тартиб яна бузилади.

Молхона тор бўлганда, дам олиш жойлари етишмагандан, озиқланиш охурлари узунлиги етарли бўлмагандан, тартиб ўрнатилганда ҳам начор паст ўринли молларга қийин бўлади. Текширишлар шуни кўрсатдики, бундай начор моллар озиқланиш, дам олишга бошқа юқори ўринлиларга нисбатан анча кам вақт сарфлайди. Бунда юқори ва паст

ўрииلى молларнинг дам олишлари ўртасидаги фарқ 2—3 соатни ташкил қиласы.

Қоидага күра, асаб тизими ёмон уришқоқ молларни боғламай боқиб бўлмайди. Шунинг учун бундай молларни кўп боқишга ярамайдиганга чиқарип юборилади. Ўрин учун талашиш нафақат, қора моллар ичидаги эмас, балки бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида ҳам учрайди. Одатда, асабийлашиш чўчқа, лекорон товуқларида кўпроқ учрайди.

Қабул қилингандай умумий тушунчаларга кўра, чўчқалар турли қитиқловчи таъсиirlарга берилувчан. Буни чўчқа тор жойда қамалиб қолганда кузатиш мумкин. Бундай ҳолатда чўчқа бор кучини тиқилиб қолган жойидан чиқиб кетишга сарфлайди, унинг кўркуви шунчалик кучли бўладики, у ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳаяжонланиш ҳолати бир чўчқадан иккинчисига тез ўтади. Буни чўчқаларни ветеринария кўригидан ўтказишида кўриш мумкин. Бир хонада чўчқаларга укол қилишаётганлиги бошқа хонадагиларга ҳам тарқалади. Транспортга юклаётганда ҳам бундай ҳолатни кўриш мумкин. Бир чўчқа озгина қисилиб қолса, бошқа чўчқалар шунчалик таъсиrlаниб бир-бирини қиса бошлайди. Асабийлашишга noctor туғилган чўчқа болачаси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чўчқахоналар шароити, озиқлантиришнинг ёмонлиги унинг ҳомиласи ривожланишига ҳам ёмон таъсир қиласы. Асабийлашиш (ҳаяжонланиш) вақтида молнинг қони таркибида буйрак усти бези гормони концентрацияси ортиб кетади. Бу гормон бошқа гормонлардан фарқи шундаки, у ҳомила йўлдоши орқали ҳомила қонига ўтади ва унинг буйрагига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, ҳомила чала, яъни етилмаган, касалликларга берилувчан, шу жумладан, юқумли касаллик билан туғилади. Кўпинча бузоқларнинг касалланишига уларни барвақт сутдан чиқарилиши ҳам сабаб бўлади.

Чорва молларини касалланишига олиб келувчи омиллар. Молларнинг соғлиғига кўпинча ҳаво режими катта таъсир қиласы. Молхоналарда заарли газлар тўпланиши ҳам хавфли. Ҳаводаги чанглар молларни аэрогенли заарланишига сабаб бўлади. Юқумли касалликларнинг аэроген йўли билан тарқалиши — касал тарқатувчи микроблар чанг ҳаво билан катта масофаларга тез тарқалиб, молларни заарлайди. Шу билан бирга ҳаво йўллари билан тарқалмайдиган бруцеллэз, сибир куйдиргиси, сальмонеллэз билан касалланиши мумкин.

Аэроген заарланиш моллар ўпкасининг шамоллашига олиб келади. Бунда ҳаво йўллари орқали ўпканинг шиллиқ қатламига (ошқозон йўлларига 20 мартадан кўпроқ) катта тезлиқда сўрилади.

Бундай заарланиш хавфсизлиги бўйича тери ости мускуллари ва ҳатто қорин ичи оралиқларида 20 марта кучли. Бир қанча моллар устида ўтказилган текширишлар салмонеллёз касаллигининг организмга кириши ва тарқалиши аэроген заарланишда жуда тез рўй беради.

*Гўнгни сақлаш ва ундан фойдаланиш экологияси.* Гўнгни сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши атроф-муҳитга катта зарар келтириши туфайли катта хавф түғдиради. Одамларнинг ахлатига ўхшаш ёввойи ҳайвонлар, чорва моллари чиқиндилари (одамлар ва ҳайвонларга юқадиган) турли хил юқумли касалликлар келтириб чиқарадиган инфекция тарқатади.

Бутундунё Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотига кўра, гўнг орқали 100 дан ортиқ касалликлар тарқалиши мумкин. Ундей касалликлар қаторига паратуберкулёз, бруцеллёз, сибир куйдиргиси, чўчқа чумаси, яшур, лептоспироз ёки юқумли гепатит, гель-миглитозлар ва протозой касалликлари киради.

Касаллик тарқатишда, айниқса, чўчқа гўнги жуда хавфли ҳисобланади. Чунки чўчқалар жуда кўп касаллик билан касалланади. Чўчқаларнинг гўнгидаги касалликлар тарқатувчи чувалчанглар — гельминтлар бўлади. Одатда, чўчқалар улар билан қарийб 100 % юқтирилган бўлади.

Санитария нуқтаи назаридан паррандаларнинг ахлати ҳам жуда заарли. Масалан, паррандалар ерда сақланганда 60—100 % гача аскаридозлар билан заарланади.

Гўнгларни сақлаща талабга жавоб берадиган гўнгхоналар бўлмай, гўнгни ерга солиш қоидалари бузилганда, у атроф-муҳитни ифлослантирадиган манба бўлиб қолади. Бундан ташқари, гўнгда молнинг ошқозонида ҳазм бўлмаган бегона ўт уруғлари бўлади. Гўнгдаги микроорганизмларни, гельминтлар тухумларини, бегона ўт уруғларини йўқ қилиш учун уни маҳсус ҳандаққа солиб чиритилади, лекин улар зич бўлмаслиги лозим.

Намлиги 70 % бўлган гўнг термофил бактерияларнинг иштирокида 70°Сда қизийди. Бу пайтда азотни ва органик моддаларнинг бир қисми йўқолади, лекин термофил заарарсизланишда касал тарқатувчи микроорганизмлар ҳалок бўлади. Шу билан бирга бегона ўт уруғлари ҳам чирийди, униб чиқиш қобилиятини йўқотади. Бундай гўнг санитария жиҳатдан хавфсиз ҳисобланади.

*Чорва моллари ва парранда маҳсулотларининг ифлосланиши.* Чорвачилик атмосферани кимёвий, механик ва бактериологик ифлос-

лантиради. Унинг атмосферага таъсир кўрсатиши ҳозирча дунё миқёсидағи муаммо бўлаётгани йўқ. Лекин чорвачилик мажмуалари атрофига яшаётганлар учун катта қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Кимёвий ифлосланиш чорва молларининг ҳаёт фаолияти, гўнга сийдикнинг парчаланиши оқибатида ҳосил бўлади. Шу гуруҳга олтингугуртдан ташқари аммиак ва бошқа юқори заҳарли моддалар индол, скотол, меркотон, амин, альдегид ва спиртлар киради. Уларнинг юқори концентрацияси, молларнинг кўзлари, нафас олиш йўлларини қитиқлайди, ўпкасини яллиглайди, марказий асад тизимини заарлайди, организмининг ҳаракатчанлигини пасайтиради.

Заарли газларни ҳавога чиқарип юборади, уларнинг ҳидлари одамларда турли хил нохушликларни, шу жумладан бош оғриқ, кўнгил айниш, қон босими ошиши, ошқозон оғриши ва марказий асад тизимининг бузилиши кабиларни келтириб чиқаради. Чўчқа ва товуқ фермалари атрофидаги дараҳтларни қуриб қолиш ҳолатлари кузатилади. Молхоналардан чанг чиқаётган ҳаво таркибида озик, тўшамалар, тери ва пат қопламаларидан ташкил топган майда заррачалар — чанглар ҳавога тарқалади. Ташқарига чиқаётган ҳаво таркибида жуда кўп миқдорда, молхонадан чиқаётган чангларга ёпишиб олган микроорганизмлар бўлади.

Кимёвий, механик чанг ва микроблар билан ҳавони ифлосланиши аллергия касалликларни, айниқса, болаларда келтириб чиқаради ва мол фермалари мажмуалари атрофига яшовчи аҳолининг турмуш шароитини кескин ёмонлаштиради.

Чорва моллари мажмуиларидан тарқалётган ифлос ҳавонинг таъсири масаласини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, молхоналардан 1,5—2 км. лик масофада ҳаводаги аммиакнинг миқдори  $0,44 \text{ мг}/\text{м}^3$ ; 2,5 км. да — 0,4; 3 км. да — 0,35; 3,5 км. да 0—0,22  $\text{мг}/\text{м}^3$  ни ташкил қиласган (ЭМК —  $0,085 \text{ мг}/\text{м}^3$ ). Назорат (таққослаш) учун олинган пробиркаларда аммиак бўлмаган ЭМК (энг кўп мумкин бўлган коэффициент).

Текширишлар ҳавони чорва моллари маҳсулотларидан заарланмаслик масофаси 4—5 км.ни ташкил қилас экан.

Молхоналардан 1,5—2,5 км масофада кучсиз ва доимий ўзига хос маҳсус молхона ҳиди сезилиб туради. Улардан 200 метрлик масофада ҳавонинг юқори бактериологик ифлосланиши кузатилади. Шунинг учун молхона ва товуқхона мажмуалари яшайдиган жойлардан камида 4—5 км узоқликда қурилиши экология ҳавфсизлигини таъминлайди.

## **ЭКОЛОГИЯДАН ФИКРЛАШ ВА МУЛОҲАЗА ҚИЛИШГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Икки хил юмшоқ тупроқсимон масса. Бири ер юзининг 0—30 см қатламидан, иккинчиси эса 300—330 см қатламидан олинниб, уларга бир неча хил (фалла, ғўза, қовун ва ҳ.к.) уруғлар экилган. Ҳар икки идишга солинган уруғлар бир вақтда кўкариб чиқди. Лекин бироз вақт (6—8 кун) ўтгач, иккинчи идишдаги ўсимликлар аста-секин (тупроқда сув етарли бўлишлигига қарамай) сўлий бошлади ва ниҳоят нобуд бўлди. Биринчи идишдаги (ер юзини 0—30 см қатламидан олинган тупроққа экилган уруғлардан ҳосил бўлган ўсимликларнинг ўсиши давом этаверди.

**Савол:** юқоридаги ҳолатни изоҳлаб беринг.

**Савол:** 300—330 см қатламдан олган массани тупроқ деб бўладими?

**Савол:** 0—30 см ва 300—330 см қатламлардан олинган массалар бир-бирларидан қайси хусусиятлари билан фарқланади, изоҳлаб беринг.

2. Эрта баҳорда икки — бир-биридан анча узоқ бўлган далага чигит, маккажӯхори, бодринг экилган. Экинлар учун ҳар икки далага сув берилган, дала сув сифими 75—80 % атрофида бўлган. Лекин манзара икки хил бўлди. Бир даладаги экинларнинг ўсиш ва ривожланиши кун сайин яхшиланиб бораверган, иккинчи даладагилардаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ёмонлашган, ҳатто ўсимликлар сўлий бошлаган. Бу ҳолатни изоҳлаб беринг.

**Савол:** иккинчи даладаги ўсимликлар нима сабабдан сўлимоқда, уларни қандай қилиб қутқариб қолиш мумкин?

**Савол:** тупроқ эритмаси нима ва унинг концентрацияси нимага боелик?

**Савол:** ўсимликлар тупроқ эритмасини физика фанининг қайси қонунига асосан сингдириб олади? Изоҳлаб беринг.

3. Тупроқ шароити ҳар хил бўлган икки дала. Уларга жугари, кунгабоқар, қанд лавлаги, бодринг, ошқовоқ, помидор экилган. Биринчи даладаги барча ўсимликлар маромида ўсиш ва ривожланишини давом эттираверган, иккинчисидаги бодринг, ошқовоқ ва помидорнинг ўсиши, ривожланиши ёмонлашган ва ниҳоят нобуд бўлган. Буни изоҳлаб беринг.

**Савол:** иккинчи даладаги ўсимликларни қутқариб қолиш мумкини?

4. Далага чигит экилгандан кейин, уларнинг униб чиқишидан

олдин тупроқ юзасида қатқалоқ ҳосил бўлди. Уни механик йўл билан, яъни чопиқ қилиш ва бошқа асбоблар билан юмшатиб бўлмаса, нима қилиш керак?

**Савол:** бундай ҳолат қандай механик тартибли тупроқларда учраши мумкин?

**Савол:** бундай ҳолатда қатқалоқдан қандай механик бўлмаган усул билан қутилиш мумкин?

**Савол:** қандай экологик омил тупроқ қатқалогини эритиш хусусиятига эга?

**Савол:** қандай тупроқлар юзасида қатқалоқ ҳосил бўлмайди ёки кучсиз ва кучли бўлади?

5. Тупроқда намлиқ, иссиқлик, озиқ моддалар етарли, лекин экинларни ўсиши, ривожланиши қониқарсиз, ҳатто ўсимликлар бир текис сарғая бошламоқда. Изоҳлаб беринг.

**Савол:** қандай омиллар етишмаганда ёки ортиқча бўлганда экинлар сарғайиши мумкин?

6. Экологик омилларнинг мавжудотларга таъсир қилиш даражаси ва доирасини тушунтириб беринг. У таъсир қилишининг қайси даражасида маданий ўсимликлар ва чорва моллари юқори ҳамда сифатли маҳсулотлар бериш имконига эга бўлади? Изоҳлаб беринг.

7. Омилларнинг мавжудотларга таъсир қилиш даражаси қандай ҳолатда бўлганда мавжудотлар нобуд бўлади? Изоҳлаб беринг.

**Савол:** омиллар қандай ҳолатларда чекловчи омилларга айланади?

8. Мавжудотларнинг омиллар таъсирига толерантлиги нимадан иборат? Толерантлигини ошириш учун нима қилиш лозим?

9. Омилларнинг таъсир қилиш доираси мавжудотларнинг қандай хусусиятларига боғлиқ. Уларни яхшилаш учун нима қилиш лозим? Изоҳлаб беринг.

10. Ўт ўсимликлари ва дараҳтларнинг ер юзига яқин қисмларига ёруғлик қайси омил таъсирида яхши тушади? Ўт ўсимликларининг ер юзаси қисмига ёруғликнинг кам тушиши натижасида уларнинг (буғдой, арпа ва бошқалар) ётиб қолиш ҳолатлари юз беради. Бунда технологиянинг қандай жараёни бузилган? Бу қайси омил етишмаслигидан келиб чиққан?

11. Иссиқ шамол (гармсел) эсганда тупроқда нам етарли (ҳатто сув берилган пайтида ҳам) бўлишига қарамай, кўпчилик ўсимликлар нобуд бўлади. Изоҳлаб беринг. Ўсимлик ҳужайралари қайси омил таъсирида сувсизланиб қолади?

12. Транспирация нима? Унинг кучли бўлишига қайси омиллар биргаликда таъсир қилганда рўй беради?

13. Дала экинларидан бүгдой, арпа, маккажүхори ўсимликлари баргларининг ўргаси понасимон (уч бурчак шаклда) сарғайганда қайси омил (озиқ модда) етишмаганлиги сабаб бўлган? Тушунтириб беринг.

14. Юқорида кўрсатилган дала ўсимликларининг поя ва барглари ёппасига бир текисда сарғайиб кетган. Бунга қайси омилнинг кўпайиб кетиши таъсир қиласди?

15. Толерантлик нима? Ўсимликлар толерантлигига қараб неча гуруҳга бўлинади? Уларнинг қайси бири ташқи муҳит шароитига талабчан эмас? Аксинча, қайси бири яшаш шароитларига кам талабчан? Изоҳлаб беринг.

16. Яшил ўсимликлар ҳавога кислород чиқаради. Улар бу кислородни қаердан олади, бунга ёруғлик мавжуд бўлганда қайси омил таъсир кўрсатади? Изоҳлаб беринг.

Сиз қатор экиб қўйилган толлар соясида дам олаяпсиз. Шароит икки хил: биринчи дам олган жойингизнинг яқин атрофида сув йўқ эди. Иккинчи ердаги толнинг тагида ариқчадан сув оқиб турибди. Сиз иккинчи ҳолатда ҳавонинг салқин ва енгиллигини, яъни кислородга бойлигини яхши ҳис қилдингиз. Бунга қандай омил сабабчи ва нима учун ҳаво енгиллигини (кислород кўп) изоҳлаб беринг.

17. Компас ўсимликлар деб қайси омилга нисбатан айтилади? Улар неча хил бўлади? Барг сатҳларининг қуёш нурлари оқимларига мослашиб турлари ва уларнинг аҳамиятини изоҳлаб беринг. Фотосинтез учун ҳарорат оптимал, минимал ва максимал даражада бўлади. Ўсимликларнинг нафас олиши неча даражагача ортиб бориб, сўнг тўхтайди? Тушунтириб беринг.

18. Ҳароратнинг ўсимликлар ҳаётидаги мавқенини изоҳлаб беринг. Қайси ҳолатлардан ташқарига чиққанда ўсимликлар ҳаётида қайтмас жараёнлар рўй беради?

19. Омилларнинг мавжудотларга таъсир қилиш даражалари, минимум ва максимумлари оптимумдан қандай фарқланади? Мисоллар билан таърифлаб беринг.

20. Табиий биогеоценозлардан агробиоценозлар қайси хусусиятлари билан фарқланади? Агробиоценозларда табиий қуёш қувват манбаидан ташқари, бошқа қувват манбаи ҳам борми? Изоҳлаб беринг.

21. Фотопериодизм нима? Кисқа ва узун кун ўсимликлари ва уларнинг ҳаётидаги ёруғлик омилиниң мавқенини тушунтириб беринг.

22. Узун кун ўсимликларини (буғдой, арпа ва бошқалар) такро-

рий (иккинчи) экин сифатида етиштириш мумкинми? Ўсимликларнинг вегетация даври қандай ҳолларда узайиб кетиши ёки қисқариши мумкин? Масалан, маккажўхори ўсимлигини вегетация даври 130—150 ёки 90—110 кун бўлиши мумкин. Тушунтириб беринг.

23. Ўсимликларга ҳарорат минимум ва максимум даражада таъсир қилганда, уларнинг баландлиги қандай (паст, юқори) бўлади, нима учун минимум ва максимум ҳарорат ўсимликлар (мавжудотлар) ҳаётини чегараловчи омил ҳисобланади?

24. Омилларнинг қандай таъсирида ўсимликларда орқага қайтмас ҳолат бўлади? Масалан, чанқаган ўсимликларга сув берилганда, ўз ҳолатига қайтади. Лекин айрим ҳолатларда чанқаган ўсимликларга сув берилганда улар ўз ҳолатига бутунлай қайтмади, уларнинг хужайрасида қандай ҳолат рўй берди? Тушунтириб беринг.

25. Тана ҳарорати ташқи муҳитга боғлиқ бўлган ва ташқи муҳитга боғлиқ бўлмаган, мавжудотларга кирадиган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар номларини ёзинг. Уларнинг хусусиятларини изоҳлаб беринг. Пойкилотерм ва гомоётермга кирадиган мавжудотларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг. Бу қайси омилга боғлик?

26. Ўзидаги жуда кам сув сақлайдиган уруғларнинг (буғдой, арпа ва ҳ.к.) замбуруғ касалликларига қарши курашишда иссиқлик омили ёрдами қандай амалга оширилади? Термик ишлаш асосида тушунтириб беринг.

27. Ўсимликлар бир хил омил (озиқ модда) таъсирида паст бўйли ёки баланд (ғовлаб) бўлиб кетади. У қанақа озиқ модда? Уни ҳар икки ҳолат учун изоҳлаб беринг.

28. Ўсимликтининг (маккажўхори, ғўза) ранги тўқ яшил. Унга қанақа озиқ модда етишмайди? Бу ўсимликларда қанақа озиқ модда етишмаса, уларда мевалари кам ҳосилли бўлади ва яхши ривожланмайди. Бу қандай омил? Тушунтириб беринг.

29. Симбиоз ёки мутуализм нима? У қандай ўсимликларда учрайди (дуккакли ва бошқалар)? Заараркунанда паразит ўсимликларга мисоллар келтиринг ва уларнинг фаолиятини тушунтириб беринг.

30. Самарали (эфектив) ҳарорат нима? Масалан, ўрта толали фўзанинг чигити униб чиқиб, майса ҳосил қилиш учун ( $10^{\circ}\text{C}$  дан юқори)  $85-90^{\circ}\text{C}$ , шоналаш фазаси учун  $13^{\circ}\text{C}$  дан юқори)  $485-500^{\circ}\text{C}$ , гуллаш фазаси учун  $900-1200^{\circ}\text{C}$ , ҳосилни тўла етилиши учун эса  $2500-2800^{\circ}\text{C}$  ҳарорат зарур. Самарали ҳароратни ҳисоблаб беринг.

31. Ўсимликларнинг ҳайвонларга, ҳайвонларнинг ўсимликларга биологик таъсирини тушунтириб беринг.

32. Ҳашаротхўр ўсимликлар қандай ўсимликлар? Ботқоқликда ўсадиган ўсимликлар ўзларининг азот моддасига бўлган эҳтиёжларини нималар ҳисобига қондиради? Тушунтириб беринг.

33. Ҳайвонларнинг ҳайвонларга таъсирини тушунтириб беринг. Қандай ҳолатда мутуализм ҳодисаси рўй беради (тимсоҳ ва қуш)? Тушунтириб беринг.

34. Автотроф ва гетротроф мавжудотларга мисоллар келтиринг ва уларнинг хусусиятларини изоҳлаб беринг. Бунда қайси омил асосий аҳамиятга эга?

35. Продуцентлар билан консументлар фарқини тушунтириб беринг. Мисоллар келтиринг.

36. Редуцентлар нима, улар қандай жараёнларни амалга оширади? Улар табиатда бўлмаса, ер юзида ҳаёт тўхтаб қолиши мумкинми?

37. Ҳар қандай мавжудотнинг муҳим хусусиятлари нимадан иборат? Бу агробиоценозларда қандай ҳал қилинади? Изоҳлаб беринг.

38. Озиқа пирамидасининг таърифига қараб, изоҳлаб беринг.

39. Биоген омиллар нима? Фитоген ва зооген омилларни тушунтириб беринг. Гомотипик ва гетротипик мулоқот нимадан иборат? Тушунтириб беринг.

40. Инсоннинг табиатга бўлган таъсирини мисоллар билан изоҳлаб беринг.

41. Чорвачилик бўйича келтирилган маълумотларга кўра, аҳоли зич, қўп қаватли биноларда яшайдиган туманларда турли хил мол ва паррандаларни боқиши мумкинми? Ўз фикрингизни баён қилинг.

42. Ушбу дарсликда келтирилган расмлардан фойдаланиб, биотик алоқаларни аниқланг.

Мазкур мавзу бўйича ўтилган машғулотлар ва мустақил ўқиб ўзлаштириш орқали юқорида келтирилган саволларни ўзаро муҳокама қилинг ва изоҳлаб беринг. Шу йўл билан ўз билимингизни мустаҳкамлаб боринг.

---

## **IV боб. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА**

Инсон ва табиат бир-бирига узвий боғлиқ. Табиат — инсон ва бутун мавжудотларни яшаш шароитининг бирдан-бир асоси. Унинг бойликлари жамиятни яшаши, ривожланиши учун зарур бўлган моддий, маданий эҳтиёжларини қондирадиган битмас-туганмас манба. Инсон табиатсиз яшай олмайди, чунки у табиатнинг ажралмас кичик бир қисми. У мавжудот сифатида табиатга таъсир кўрсатади. Лекин инсоннинг табиатга ўз ақл-заковати, меҳнат фаолияти туфайли таъсир қилишини ҳеч нима билан таққослаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, мавжудотлар табиатдан қандай бўлса, шундай фойдаланиб, унга сезиларсиз таъсир кўрсатади. Инсон эса табиатга шунчалик кучли таъсир кўрсатиши мумкинки, ҳатто табиатни ўзига бўйсундиди.

Одамзот ўзининг ақл-заковати, меҳнати туфайли ҳайвонларга нисбатан табиий муҳитнинг биологик назоратидан чиқиб, талабларини физиологияга хос фаолиятининг ҳажмини кенгайтиришга сазовор бўлади. Унинг табиатга таъсир қилиши ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ва хўжалик учун ишлатиладиган моддаларнинг кўпайишига боғлиқ.

Бошланғич жамият даврида одамларнинг асосий яшаш манбаи ов қилиш, балиқ тутиш бўлган. Шунинг учун инсон табиат шароитларига қарам бўлган. Ўша вақтларда инсоннинг таъсири у ов қилган жониворларнинг миқдорида акс этмаган. Чорвачилик ривожлана бориши туфайли инсоннинг табиатга бўлган таъсири тобора кучайган. Чорва моллари сонининг ортиб бориши, табиий яйлов ўсимликлар қопламининг кескин ўзгаришига олиб келди. У ерларда яшайдиган мавжудот ўзининг яшаш жойини ўзгартириб юборди.

Деҳқончилик тизимининг ривожланиш даврида инсон табиатга

мисли кўрилмаган даражада таъсир кўрсата бошлади. Қуруқ ерларни ҳайдаш, дараҳтзорларни кесиш, кўйдириш, дарёларга тўғонлар ўрнатиш билан худудлар кўриниши ва одамларнинг яшаш жойини ўзгартириб юборди. У дарё сувларининг камайишига, тупроқнинг эрозия ва дефляцияга учрашига, ҳайвонот дунёсига таъсир кўрсатди. Айрим ноёб ҳайвонлар яшаш жойларини ўзгартиргани боис, уларнинг сони камайди, баъзилари бутунлай ҳалок бўлди. Шу билан бир қаторда баъзи ҳашаротлар ва кемирувчилар учун қулай шароит пайдо бўлди, натижада улар кўпайиб, қишлоқ ҳўжалигига зарап етказа бошлади.

Инсон ишлаб чиқаришни ривожлантириб борган сари табиатга катта зарап етказилди. Саноатнинг тез ривожланиши бир қанча табиат бойликларини ишлаб чиқаришга жалб қилишга олиб келди. Ердан, ўрмонлардан, ҳайвонот дунёсидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда табиий бойликлар ҳам жадал ишлатила бошланди. Табиий бойликлардан тартибсиз ва ваҳшиёна фойдаланиш унинг жамғармалари, заҳираларини кескин камайишига олиб келди. Ерга аёвсиз минерал ўғитлар солиш йўли билан кўп маҳсулот олиш натижасида тупроқ ўзининг биологик ҳусусиятларини йўқотиб, эрозияга учради. Ўрмонзорлардан кенг фойдаланиш ернинг сув режимини ўзгартиришига олиб келди. Натижада, дарёларнинг саёzlаниши, ичимлик сувларининг камайиши, иқлимини қуруқланишиши рўй берди. Ҳунармандчиликнинг орта бориши оқибатида манзаралар кескин ўзгарди. Натижада, мавжудотларнинг турлари, хиллари кескин камайиб кетди.

Саноатнинг ривожланиши табиий бойликлар камайиши билан биргаликда атроф-муҳит ифлосланишига олиб келди. Ишлаб чиқариш чиқиндилари сув, атмосфера ва тупроқнинг ифлосланишига сабаб бўлди. Бундай ифлосланиш тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келиши билан бир қаторда ҳайвонот олами ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлиб қолди.

XX асргача инсоннинг ер курасига таъсири маҳаллий тусда бўлган бўлса, кейинчалик бу ҳолат ер юзасида тарқалиб, дунё миқёсига етди. Бизнинг асримиз биосферадан ионосферага ўтиши ҳақиқатга яқин бўлиб қолди, яъни ақл доирасига мансуб бўлмоқда. Илм-фан ютуқлари биосферамизнинг тузилиши, фаолияти ва унинг бўлаклари — биогеоценоз ёки экотартиб ҳақидаги билимларимиздан анча илфорлаб кетди. Шунинг оқибатида ва тарихий сабабларга кўра, биосферада биокимёвий ҳамда қувват турғунлик ҳолатининг бузилиш сабаблари намоён бўлди.

Эволюциянинг миллион йиллар давомида бунёдга келган табиий мажмуалар — ўрмонзорлар, тоза сув, тоза ҳаво, экин етиштиришга

яроқли тупроқ, ҳайвонот турлари, одамлар күп түпланган жойларда заараланади ёки қисман йўқолади. Биосферага заарарли саноат чиқиндилари, заҳарли моддалар, ортиқча ўғитлар, радиоактив моддалар, электростанцияларнинг иситилган сувлари ва инсон фаолиятининг бошқа чиқиндилари кириб олди. Бу чиқиндилар ўзларининг кимёвий таркибига кўра, синтетик моддалар бўлганлиги, уларни парчаловчи мавжудотлар редуцентлар бўлмаганлиги учун табиат таъсиридан ўзгармайди ва модда айланишига қўшилиб кетмайди. Шунинг учун ҳам улар биосферани ифлослантирадиган манбаларга айланиб, инсон учун зарур бўлган табиатнинг ўз қувватини тикланишига тўсқинлик қилмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши катта шаҳарларда яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг йирик шаҳарларида ичимлик суви етишмаётганлиги, ҳаво заҳарли моддалар, жумладан, қўроғшин билан заҳарланганлиги аниқланган. Кўпгина кўл ва дарёлар биологик нуқтаи назардан фаолиятсиз ҳисобланадиган бўлиб қолди. Йирик шаҳарлар ахлатлар, чиқиндиларга тўлиб кетгани туфайли турли юқумли касалликлар келиб чиқиш хавфи туғилмоқда. Умуман, инсоннинг табиатга бўлган таъсири шунчалик куч олиб, катта хавф туғдирмоқдаки, у биологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқариш кучларининг келгусида ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Узоқ вақтгача инсон табиатга ўзининг моддий талабларини қондирадиган битмас-туганмас манба сифатида қараб келди. Лекин у кейинчалик ўзининг табиатга бўлган салбий таъсирини қанчалик заарли эканлигига икror бўлган ҳолда ундан (табиатдан) оқилона фойдаланиш лозимлиги ва ҳатто уни муҳофаза қилиш зарурлигини тушуниб етди.

*Табиатни муҳофаза қилиш тарихи.* Ўтган замонларда, табиатни муҳофаза қилиш турлича маънога эга бўлган. «Табиатни муҳофаза қилиш» атамаси табиатни сақлаш юзасидан 1913 йилда ўтказилган биринчи Халқаро анжумандан сўнг кенг тарқалди.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида, қачонки, инсоннинг фаолияти маҳаллий ҳолатга эга бўлганда, табиатни муҳофаза қилиш деб айрим *заифлашган* табиий манбаларни хўжаликда фойдаланишдан ажратилган ҳолатда сақлаш масаласи тушунилиб келинди. Шунга мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш кўриқхоналари ташкил қилинишини, ноёб ҳайвонлар ов қилинишини тақиқлаш, табиий ёдгорликларни сақлашдан иборат бўлиб қолди. Бундай тушунча узоқ вақтга-

ча сақланиб қолди. Кейинчалик инсоннинг табиатга таъсир қилишга бўлган ҳаракатининг кучайиши туфайли табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси ҳам кучайди.

Ҳозирги пайтда табиатни муҳофаза қилиш деб, табиат бойликларидан маълум йўналишда унумли фойдаланиш, уни сақлаш, табиий муҳитнинг ифлосланиши, бузилишидан ҳимоя қилиш, табиий бойликларни тиклаш, ҳозирги, келажак авлодни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган давлат ҳамда жамоат тадбирий чоралари тушунилади.

Узоқ вақтгача табиатни муҳофаза қилиш амалий, тадбирий чораларнинг мажмуалари деб қараб келинди. Лекин ҳозирги пайтда табиатни муҳофаза қилишни амалда ҳал қилиш эҳтиёжи туғилган бир вақтда маҳсус, ниҳоятда кенг ва чукур, ҳар томонлама пухта ўйланган тадқиқотлар асосида иш кўрмай туриб, қўйилган муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Табиатни муҳофаза қилишга оид илмларнинг шаклланиши нисбатан яқинда бошланди. Бундан 100 йил муқаддам инсоннинг табиат билан бўлган мулоқоти муаммолари уни сақлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Шунга кўра, ҳозирги замон табиатни муҳофаза қилиш фанига қўйидагича таъриф бериш мумкин: табиатни муҳофаза қилиш табиий бойликларга бўлган мураккаб мулоқотларнинг (онтропоген) ўзгаришларини ўрганадиган фан. Бу ўзгаришларнинг инсон учун аҳамиятини аниқлаб, табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш ва уларни инсониятнинг ҳозирги, келажак авлоди учун энг муҳим бўлган миқдори ҳамда сифат хусусиятларини қайта тиклаш услубларини ишлаб чиқади (яратади). Бу янги фан мавжудот ва жисмларнинг табиатини, барча мураккаб ҳодисаларини маълум нуқтаи назарда ўрганадиган биогеокимёвий, биология, тупроқшунослик, ўсимлик маҳсулотлари этиштириш технологияси, гидробиология, геогигиена, физиология каби фанлар қаторидан жой олиши керак. Табиатни муҳофаза қилиш фани бўйича инсоннинг вазифаси мавжудот ва жисмларнинг табиатга бўлган хилма-хил таъсирларини ўрганиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни эъзозлаб сақлаш йўлларини яратиш, бошқача қилиб айтганда, табиатни муҳофаза қилиш фани уни ўрганиш бўйича ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги кунда муҳим бўлиб, инсониятнинг фаровонлиги уни тўғри ҳал қилинишига боғлиқдир. Бу муаммонинг долзарблиги ишлаб чиқариш кучларини келгусида тараққий қилишига тўсқинлик қилаётган ва тобора камайиб бораётган табиий бойликларнинг ҳолати билан белгиланади.

Дунё ақолисининг мунтазам кўпайиб бориши табиатни муҳофаза қилиш муаммоси нақадар зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бу масаланинг моҳияти шундаки, кейинги йилларда атмосферада карбонат ангидрид ва радиациянинг кўпайиши, яшил ўсимликлар майдонининг кескин камайиши биосферанинг ўзгаришига, ер юзида ҳаётнинг боришига ҳалақит бермоқда, ҳатто уни бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдирияпти. Шунинг учун ҳам табиатни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш илмий масалагина бўлиб қолмай, балки муҳим социал ва сиёсий муаммога айланмоқда. Биосферанинг ифлосланиши техника жараёнлари маҳсули ҳисобланади. Катта фойда олиш мақсадида табиат бойликларидан ўйламасдан фойдаланиш инсон яшаб турган муҳитни ифлосланишига олиб келмоқда.


Биосфера бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари ҳамда илм-фан тараққий қилган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият бериләёттир. Бу борада бир қанча қарор ва тадбирий чоралар ишлаб чиқилган ҳолда катта маблағ ажратилмоқда.

Табиатнинг тенги йўқ гўзаллиги, бойликлари — умумхалқ мулки. Шунинг учун ҳам уни ҳимоя қилиш умумхалқ иши. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш кенг қулоч ёйган. Айниқса, бу соҳада миллионлаб одамларни бирлаштирувчи жамоатчиликнинг мавқеи катта. Улар табиатни ҳимоя қилиш ҳақидаги қарорларни, тадбирий чораларни изчиллик билан амалга ошироқдалар.

Табиатни сақлаш ишларига ёшлар кенг жалб қилинган. Ҳозир мамлакатимизда мактаб ўқувчилари ҳам бу ишда фаол қатнашяпти. Улар катта-катта майдонлардаги ўрмонзорлар, яйловлар, сув ҳавзалари ва ҳоказоларни ҳимоя қилишмоқда. Миллионлаб кўчатлар ўтқазилияпти. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш ишларининг назарий асосларини яратиш соҳасида катта ишлар қилинаёттир.

*Табиий бойликлар таснифи.* Табиий бойлик, бу — инсон томонидан ўз фойдасига ишләётган барча борлиқ. Ҳозирги пайтда табиий бойликларга атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, қуёш ва космик радиация, фойдали ер ости бойликлари, иқлим, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси киради. Табиий бойликлардан оқилона, самарали фойдаланиш, уларни тўғри таснифлаш катта аҳамиятга эга. Инсоннинг табиатга таъсир қилишига кўра, табиий бойликлар иккига бўлинади (40-расм).

Тугайдиган бойликлар, улар ўз навбатида тикланмайдиган ва



40-расм. Табий бойилклардан фойдаланиш.

тикланадиган гуруҳларга бўлинади. Тикланадиган табиий бойликларга: фойдаланишга кўра, бир неча миллион йил давомида секин тикланадиган бойликлар киради. Уларнинг биринчисига тошкўмир, нефт ва бошқа бир қанча ер ости бойликлари, иккинчисига, торфлар, кўпчилик чўкинди тоғ жинслари киради. Бу бойликлардан фойдаланиш уларни, албатта, камайиб кетишига олиб келади. Тикланмайдиган бойликларни муҳофаза қилиш, оқилона, самарали фойдаланиш даврида исрофгарчиликка йўл қўймаслик, уларнинг ўрнига ишлатиладиган бошқа воситаларни топишдан иборат.

Тикланадиган табиий бойликлари тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва бошқа айрим минерал бойликлар, кўл ва денгизлар остига чўккан тузлардан иборат. Бу бойликлар фойдаланиш жараёнида аста-секин тикланади. Лекин қайта тикланиши учун маълум табиий шароит зарур. Бундай шароитнинг бузилиши қайта тикланишни қийинлаштиради ёки бутунлай барбод қиласди. Қайта тикланиш жараёни ҳар хил бойлик учун маълум тезликда боради. Масалан, ов қилиб йўқотилган қушларнинг қайта тикланиши учун бир ёки бир неча йил, арраланган ўрмон даражатларини тиклаш учун камида 60 йил, йўқотилган тупроқни қайта тиклаш учун эса бир неча минг йил керак бўлади. Шунинг учун табиий бойликлардан фойдаланиш тезлиги уларнинг тиклаш тезлигига мос бўлиши лозим. Бу нисбатнинг бузилиши (ўрмон, ҳайвонот, унумдорлик) табиий бойликларнинг заифлашишига олиб келади. Йўқ қилинган ҳайвонлар, ўсимликлар ва тупроқ унумдорлиги инсон томонидан тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолиши мумкин.

Тиклаб бўладиган табиий бойликларни ҳимоя қилиш улардан оқилона фойдаланиш йўли билан олиб борилиши лозим. Бунда, асосан, уларни қайта тиклаш тадбирий чоралар билан таъминлаши лозим.

Тугамайдиган бойликларга сув, иқлим ва коинот бойликлари киради.

*Сув бойликлари.* Сайёрамизда сув турли ҳолатларда мавжуд бўлиб, унинг жамғармаси ниҳоятда катта. Лекин инсон фаолияти туфайли ер курасининг айрим қисмлари кескин ўзгариб, яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Амалда дунё океанларининг суви тугамайди, лекин нефт ва бошқа маҳсулотлар чиқиндилари билан ифлосланиши оқибатида ўз хусусиятини йўқотяпти. Бундай ифлос сув ўсимликлар ва ҳайвонларнинг яшаш шароитини ёмонлаштираётir. Чучук сувларга одамларнинг эҳтиёжи жуда катта, улар тугаб қолиши мумкин. Ер курасида чучук сувларнинг жамғармаси айрим жойларда суфориш,

саноатда ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатилиши натижасида, унинг миқдори тобора камайиб бормоқда. Чучук сувларнинг камайиши уларга бўлган эҳтиёжларнинг ўсиб бориши оқибатидагина эмас, балки ўрмонларнинг йўқ қилиниши, дарёларнинг саёзланиши, кўлларнинг қуриши, сув манбаларининг ифлосланиши ва инсоннинг бошқа хўжалик фаолиятлари туфайли рўй бераяпти. Чучук сув масаласи кун сайин жиддий тус олаётир. Шунинг учун сув ва унинг сифати жуда қаттиқ муҳофаза қилиниши лозим.

*Иқлим бойликлари* атмосфера ҳавоси ва шамолнинг кучидан иборат. Атмосфера ҳавоси битмас-туганмас. Лекин унинг таркиби радиоактив моддалар, карбонат ангидрид, турли газлар, қўшилмалар, транспорт воситалари ажратмалари, механик қўшилмалар ва бошқалар билан ифлосланмоқда.

Саноат марказларида атмосфера ҳавоси инсон ҳаётига хавф солаётир. Шунинг учун ҳам ҳавонинг тозалигини муҳофаза қилиш мுҳим масала бўлиб қолмоқда.

*Коинот бойликлари.* Буларга қуёш радиацияси, денгиз сувининг кўтарилиш куввати киради. Ўз ҳолида бу бойликлар тугамайди. Лекин саноат шаҳарларида қуёш радиацияси ҳавонинг туманлашиши ҳисобига ўзгармоқда ва инсоннинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатялти. Шунинг учун коинотнинг соғ ҳавосини муҳофаза қилиш лозим. Юқорида келтирилган фикрларга кўра, табиий бойликлар таснифи шартли тусга эга.

Табиий бойликларни муҳофаза қилиш учун уларнинг миқдори ҳисобини билмасдан туриб, қайта тиклаш тадбирйи чораларини яратиб бўлмайди. Бу соҳада катта ишлар қилинмоқда, лекин улар етарли эмас. Биринчи навбатда тугайдиган бойликлар, айниқса, улар жадал фойдаланаётган жойларда аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш зарур. Чунки инсон тақдирини ҳал қиласидиган табиий бойликлар ҳисоби, уларнинг миқдори ва сифатини мукаммал ҳамда ўз вақтида аниқлаш лозим.

*Табиатни муҳофаза қилишининг мақсади.* Табиатни муҳофаза қилиш қадим замонлардан бошланган ва унинг мақсади секин-аста мукаммаллашиб бормоқда. Илгари табиатни муҳофаза қилиш моддий бойлик нуқтаи назаридан қилинган бўлса, ҳозирги замонга келиб, унинг мақсади кенг тус олмоқда. Айни вақтда табиатни муҳофаза қилишининг мақсадлари иқтисодий, соғломлаштириш, тозалик (гигиена), тарбиявий-бадиий (эстетика) ва илмий йўналишларга бўлинади.

*Иқтисодий йўналиши.* Бу илгари ва ҳозир ҳам асосий муаммо ҳисоб-

ланган. Табиатни муҳофаза қилишнинг бу йўналиши одамлар ҳаётидан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги вақтда хўжалик эҳтиёжлари учун бир қанча табиий бойликлар жалб қилинган бир пайтда, табиатни иқтисодий муҳофаза қилиш моҳияти яна ошмоқда. Айниқса, ўсимликлар, ҳайвонлар тупроқ унумдорлиги, чучук сув, иқлим ва қазилма бойликларни муҳофаза қилиш кескин тус олаётир.

*Соғломлаштириши* — тозалик йўналиши. Табиатни муҳофаза қилишнинг бу йўналиши атроф-муҳитни ифлосланиш муносабати билан яқинда пайдо бўлди. Тоза ифлосланмаган *табиат* инсон ва бошқа мавжудотлар организмига яхши таъсир қиласди, шунинг учун у даволаш мақсадларида қўлланилади. Айниқса, йирик саноат ҳудудларида ифлосланган сув, ҳаво ва турли чиқиндилар билан биргаликда атом-водород қуролларини синашда радиоактив моддалар билан зарарланган тупроқ одамлар саломатлигига катта зарар етказмоқда. Шунинг учун табиатни соғломлаштиришда тозалик йўналиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

*Тарбиявий йўналиши*. Табиатни муҳофаза қилишнинг тарбиявий аҳамиятини баҳолаш қийин. Инсоннинг табиат билан яхши мулокотда бўлиши уни хушфеъ, юмшоқ, инсофли бўлишга йўллайди. Табиатни севиш, унга яхши муносабатда бўлиш, мавжудотларга нисбатан раҳмдил, хулқ-авторининг ёқимли бўлишига олиб келади. Шу боис табиатни муҳофаза қилишнинг тарбиявий йўналиши ўзига хос касб этади.

*Бадий йўналиши*. Табиатни муҳофаза қилишнинг шундай ҳолатини қўллаш керакки, у одамларнинг бадий (эстетик) талабларини қондирисин.

Табиат қадим замонлардан бери инсонлар учун гўзаллик, нафосат манбаи бўлиб хизмат қилгани туфайли шоирлар, ёзувчилар, рассомларнинг илҳомини келтирган. Табиат гўзалликлари одамларни саёҳатга (туризмга) чорлайди, организмнинг жисмонан чиниқишини яхшилайди. Шундай экан, табиат гўзалликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.

*Илмий йўналиши*. Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш илм-фаннинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Табиатни муҳофаза қилишнинг бу йўналиши мавжудотларнинг барча турларини, табиатнинг эътиборга сазовор манзарасини сақлаб қолишини ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Табиатнинг табиий ҳолати қанчалик яхши сақланган бўлса, унга инсон томонидан кўрсатилган таъсирларни осон тушуниш ва уларнинг сабабларини билиш, уни олдиндан айтиб бериш ҳамда табиатни сақлаш тадбирий чораларини иш-

лаб чиқишига ёрдам беради. Табиатни мухофаза қилиш фанининг туб мақсади ер юзасидаги барча халқларни яшаши учун қулай шароит яратиш ва моддий ҳамда маънавий талабларини қондиришdir.

*Табиатда барча борлиқ ва ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлиги.* Табиатда барча борлиқ нарсалар, ҳодисалар ва жамият бир-бирига боғлиқ. Фақат шу ҳисобга олингандагина табиий бойликларни мухофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланишининг илмий ва амалий асосларини яратиш мумкин. Инсоният ўзига керак бўлмаган моддаларни табиатга қайтариши туфайли унга (табиатга) шунаقا ўзгартиришлар киритиши мумкинки, у ҳар бир одамни кейинги ҳаёти учун ҳар хил даражада таъсир қиласди. Жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги барча борлиқ ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлардан иборат. Бу боғлиқликни бузиш кўпинча ёмон оқибатларга олиб келади. Масалан, қадимда Миср, Греция, Кичик Осиё ва бошқа жойларда одамлар экин экадиган ерларни кенгайтириш мақсадида дараҳтзорларни йўқ қилишган. Бора-бора гўзал масканлар Саҳроий Кабирга айланиб кетиши уларнинг тушларига ҳам кирмаган. Бунинг устига, дараҳтзорлар билан бирга сув йифиладиган манбалар ҳам йўқ қилиб юборилган. Табиатдаги ўзаро боғлиқликни тушуниш ва улардан тўғри хулоса чиқариш учун узоқ вақт кузатиш, чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш лозим. Чунки, табиатдаги ўзгарадиган ҳодисалар узоқ вақт давомида жуда секин боради.

Сув, ҳаво, шамол ва шунга ўхшаш табиий манбалар йўлига зарарли моддалар билан ишлайдиган, атроф-муҳитни ифлослайдиган корхоналар қуриш инсоният ва барча мавжудотлар ҳаётига хавф тугдирали. Тошкент тоғолди ҳудудида жойлашган. Шаҳар учун жой танлаган ота-боболаримиз жуда пухта ўйлаб иш кўришган. Тоғдан тоза сув, тоза ҳаво, тоза шамол келишини ҳисобга олишган кўринади. Ҳақиқатан ҳам Тошкент ўзининг хислатлари: зилол сувлари, тоза ҳавоси, ҳаётбахш шабадаси билан кишиларнинг диққатини ўзига тортган. Бу ҳолат ҳам шаҳарнинг ўсишига, ободонлашишига асос солган, дунёга танитган.

Табиатдаги барча борлиқ ва ҳодисалар ўзларининг маълум хусусиятларига эга ва ўзаро узвий боғлиқ. Уларни ўзгартириш оқибатида нималар рўй беришини яхшилаб ҳисоб-китоб қўлмай туриб, табиат ҳодисалари моҳиятини тўлиқ англаб бўлмайди. Натижада, инсоният жуда катта зарар кўриши ва талофатга учраши мумкин. Инсоннинг табиатга бўлган таъсири ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини уни мухофаза қилиш нуқтаи назаридан ўрганиш лозим.

Барча тикланадиган табиий бойликларга уларнинг механик йи-

ғиндиши эмас, балки бир бутун деб қарашиб лозим. Бу табиатни ўрганишда янгича фикрлашнинг асоси бўлиши лозим. Шунинг учун аҳолининг барча табақаларини табиатни муҳофаза қилишга ҳар тарафлама мукаммал ўргатишга қаратиш керак.

*Табиатни ўрганишнинг қоида ва шартлари.* Умумий ўзаро боғлиқлик қонунлари табиатни муҳофаза қилиш учун бир қанча шартларни белгилашга имкон беради.

*Биринчи шарт* шундан иборатки, табиатнинг барча ҳодисалари бир қанча аҳамиятга эга, шунинг учун ҳар томонлама баҳоланиши лозим. Ҳар бир ҳодиса халқ хўжалиги тармоқларининг барча эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда табиатнинг қувватини қайта тиклашга қаратилиши лозим. Масалан, ўсимликларга биринчи навбатда озиқ-овқат, ем-хашак деб қаралса, иккинчи навбатда у кислород манбаи, учинчидан, ҳавони карбонат ангидридан тозалайди, тупроқни сақлайди. Сув манбаларига ҳам шундай қарашиб мумкин. Дарёлар бир томондан қулай транспорт воситаси бўлса, иккинчи томондан далаларга сув етказиб беради.

*Иккинчи шарт* шундан иборатки, табиий бойликлардан фойдаланилаётганда маҳаллий шароитни ҳисобга олиш лозим. Табиатни у ёки бу бойликларидан фойдаланилаётганда бутун мамлакат нуқтаи назаридан эмас, маҳаллий худудни талаби жиҳатидан ҳисоб-китоб қилиш керак. Буни табиатни муҳофаза қилишнинг тўғри худудлиги дейилади. Бу услугуб билан сув ва тупроқ ҳусусиятлари ҳисобга олинади.

*Учинчи шарт* шундан иборатки, табиатнинг бир хил бойлигини муҳофаза қилиш унга яқин бўлган иккincinnisinи сақлашга олиб келлади. Сувни ифлосланишдан сақлаш бир вақтнинг ўзида балиқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, табиатнинг бир бойлигини унинг иккинчи бойлиги орқали муҳофаза қилиш ҳам мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, табиатнинг бир бойлигини ҳимоя қилиш, унинг иккincinnисига катта зарар етказиши ҳам мумкин. Яйловларда чорва молларининг ҳаддан ташқари кўпайиши бунга мисол бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган шартларга кўра, табиатни муҳофаза қилиш ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган йўсинда олиб борилиши лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш биринчи қарашибда бир масалани бир-бирига зид бўлган икки томони. Ҳақиқатда эса ундан эмас. Табиатни ҳимоя қилиш билан ундан фойдаланиш ўтрасида зиддият йўқ. Бу бир ҳодисани, яъни инсоннинг табиатга таъсир қилишини қаттиқ ўзаро ички боғланишидир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳам зарур. Уни муҳофаза қилишнинг асосий шарти ҳимоя қилишни фойдаланиш билан бир вақтда олиб бориш лозимлиги. Бу табиатни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланиш бир бутун масала эканлигидан келиб чиқади. Тарихда инсоннинг табиатга бўлган муносабати ўзгарувчан бўлиб, у жамиятнинг турмуш тарзига боғлиқ. Табиат бойликларидан ваҳшиёна эмас, балки тўғри, оқилона, инсофли, келажакни ўйлаган ҳолда фойдаланиш керак.

*Табиатни муҳофаза қилишнинг келиб чиқиши.* Инсоният жамиятининг ривожланишининг бошланғич даврларида одамларни табиатга бўлган муносабати шунчаки, яъни онгизсиз бўлган. Унинг шарти инсон ўзи ва жамият учун фойдали нарсаларни, унинг кейинги бўладиган оқибатларига эътибор бермай муносабат билдирган. Ўша вақтда содда қуроллар ҳар жамоанинг эҳтиёжларини энг кам миқдорда қондирган. Шу боис инсон билан табиат ўртасида мувозанат — тенглик бўлган. Лекин аёвсиз ов қилиш туфайли кам кўпаядиган ҳайвонларнинг (мамонтлар, сержун носороглар) қирилиб кетишига олиб келди. Ана шу пайтдан бошлаб табиат ҳодисалари сабаби ўрганилиб, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ҳақида фикр юритилган. Шу мақсадда табиатни муҳофаза қилиш урф-одатлар қаторига киритилган.

Қадимда одамлар ўз эҳтиёжларини бошланғич деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобига қондира бошлашган. Феодализм вақтига келиб ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчилар ўртасида аниқ айирма ҳосил бўлди. Бу даврда қимматбаҳо, кам тарқалган ҳайвонларни ҳимоя қилиш ҳақида қонунлар чиқарилди. Капитализм даврида инсоннинг табиатга таъсир қилиши энг юқори даражага кўтарилиди. Ривожланган давлатларда табиатни муҳофаза қилиш хусусида қатор қонунлар яратилди.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида биринчи қонун қадимий Вавилион подшоси Хамурат томонидан (1792—1850 йил бизнинг эрамизга қадар) чиқарилган. Ҳиндистонда эрамиздан 240 йил олдин Ашони императори томонидан олти ойга тўлмаган ва бўғоз ҳайвонларни отишни ман қилиш ҳақида қонун чиқарилган. Кейинчалик, XIII асрда Болеслав хони Урмат тур, зубр ва бошқа ҳайвонларни муҳофаза қилишни қонунлаштириди. XIV асрда Дания подшоси дюнлардаги ўсимликларни сақлаш ҳақида қонун чиқарди. XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида Пруссия, Нидерландия, Францияда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида бир қанча қарорлар чиқди.

Чор Россиясида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ҳақида жуда кўп

қарорлар чиқарылды. Табиат бойликларини мұхофаза қилиш маъмуритлари ташкил қилинди. Петр Биринчи кемасозликни ривожлантириш мақсадыда ўрмонларни ҳимоя қилиш борасыда маҳсус буйруқтарға имзо чеккан.

XIX аср ва XX асрнинг бошларыда табиатни мұхофаза қилиш жамоатчилеги шаклланди. Шундан сүнг, табиат бойликларини мұхофаза қилиш бошланды. Матбуотда сувнинг тозалигини мұхофаза қилиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳақида қонунлар әйлон қилинди. Собиқ шўро ҳукумати вақтида ҳам табиатни мұхофаза қилишга эътибор берилган. Ўрмон ишлари ҳақидаги биринчи қонун 1918 йилнинг май ойида чиққан. Мустақил мамлакатимизда табиатни мұхофаза қилиш фақат давлатнинг вазифаси эмас, балки умумхалқ иши деб қаралади.

## АТМОСФЕРАНИ МҰХОФАЗА ҚИЛИШ

Ердаги ҳаёт сайёрамизнинг ташқи қобиғи, коинотни даҳшатли таъсирдан сақлаб турадиган қатлам атмосферанинг тугашига қадар давом этади. Атмосфера ернинг ҳаво қатлами. Унинг баландлигини аниқ айтиш қийин, чунки унинг юқориги қатламларида ҳаво ниҳоятда сийрак. Барча ҳавонинг  $\frac{3}{4}$  қисми унинг пастки қатлами тропосфера (унинг ўртача баландлиги 11—12 км, яъни 9 км қутбларда, 17 км. гача экваторда). Кейинги қатлами стратосфера (80—90 км. гача), ундан қолгани  $\frac{1}{4}$  бутун ҳаво бўлади. Энг баланд қатлам ионосфера ва экзосфера (1500—3000 км.гача), унда айрим газларнинг молекулалари бўлади. Уларнинг зичлиги ер қобиғи устки ҳавосига нисбатан бир неча миллион марта кичик.

Ердаги газларнинг айрим молекулалари учун 3000 км чегара эмас, улар 10—20 минг км баландликда ҳам учрайди. Шундай қилиб, сайёрамизнинг ҳаётни сақлаб турадиган ҳаво қобиғининг қалинлиги 1,5 км бўлиб, у ернинг масштабига кўра, жуда кичик (ер радиусининг  $\frac{1}{4}$  қисмини ташкил қиласди). Коинот масштабига кўра (куёш билан ернинг ўртасидаги масофани), унинг  $\frac{1}{100000}$  қисмини ташкил қиласди.

Атмосферанинг зичлиги пастдан юқорига борган сари камаяди, яъни сийраклашади. Унинг зичлиги, ҳатто денгиз юзида  $0,001 \text{ g/cm}^3$  ёки сувнинг зичлигига кўра 1000 маротаба кам. Шунинг учун олимларнинг фикрлашича, у ҳимоя қилиш воситаси тушунчасини бермайди. Шунга қарамай, «муаллақ» ҳаво ердаги ҳаётни барқарорлигини таъминлайди ва коинотни заарарли хавфдан сақлаб туради. Бу «метин» қобиғини фақат бир неча юз тонна массага эга бўлган ме-

теоритлар тешиб ўтиши мүмкін. Бундай ҳодисалар жуда кам, фақат фавқулодда бўлиб туради. Атмосферанинг таркиби мавжудотлар учун муҳим аҳамиятга эга. У 78 % азот, 21 % кислород, 0,9 аргон ва 0,03 % карбонат ангидрид ва жуда кам миқдорда учрайдиган бошқа газлардан иборат. Булардан ташқари, атмосферада сув буғлари (4 %), бир қанча турли табиий механик бўлакчаларнинг аралашмалари ҳам учрайди. Атмосфера ҳавосининг таркиби турли сабабларга кўра (мавсум, йиллар, океанлар, тоғлар ва ҳоказолар), ўзгариши мүмкін. Лекин бу ўзгаришлар атмосферанинг хусусиятига таъсир қилмайди.

*Атмосферанинг ҳимоя фаолияти.* Ердаги ҳаёт коинот билан боғлиқ ва доимо муҳофазага муҳтож. Атмосфера ернинг қобиғи сифатида ҳар қандай ҳимояга тайёр. Махсус адабиётлардан маълумки, агарда коинотдан тушаётган метеорит атмосферада ёниб кетмаганда ернинг ҳар бир кв. км.га ҳар 3—4 кунда биттадан метеорит тушиб турган бўлар эди. Күёш ерга қувват олиб келади, демак, ҳаётта имкон беради. Лекин ҳаёт учун зарур бўлган қуёш қувватининг «ўлчамини» атмосфера белгилайди. Агарда атмосфера бўлмаганда күёш ер юзини кундуз куни +100°C қиздирган ва кечаси эса — 100°C гача совитиб, коинотда муз ҳосил қиласр эди. Ҳароратни бир кеча-кундуз давомида 200°C ўзгариши кўпчилик мавжудотларнинг яшашига имкон бермайди.

Алексей Леонов биринчи марта очиқ коинотга чиққанда, унинг ҳаётини махсус кийим (скафандр) ҳимоя қилган. Ерда биз бундай кийим ҳақида ўйламаймиз. Ҳатто, йил фаслига қараб, ўзимизга устбош танлаймиз. Атмосферани устки чегарасида ҳар дақиқада қўёш ва коинотнинг кўпгина нурланишлари: гамманурланиш, рентген нурлари, ультрабинафаша нурлар, кўзга кўринадиган ёруғлик, инфракизил нурлар радио тўлқинлари келиб урилиб туради. Улар ер юзига етиб келгудай бўлса, уларнинг қуввати бир зумда бутун мавжудотни ўйқ қиласи. Атмосфера туфайли бундай ҳодиса рўй бермайди.

Ҳаёт учун атмосфера босими, тиниклиги, яъни қуёшнинг кўринадиган ультрабинафаша ва инфрақизил қисмларини ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Ерда ҳаёт атмосферасиз, сувсиз минерал моддалар, микроэлементлар ва бошқаларсиз мүмкін эмас. Одам овқатсиз бир неча ҳафта, сувсиз бир неча кун, ҳавосиз эса 1—2 минут, атмосфера босимисиз бир неча секунд яшай олади. Инсон, бошқа мавжудотлар учун ҳар минутда тоза ҳаво зарур. Ҳавонинг тозалигини ҳимоя қилиш янги масала эмас, у саноат транспортининг ривожланиши билан бир вақтда келиб чиққан.

*Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши манбалари.* Ҳавонинг табиий ифлосланиши сайёрамиздаги 500 дан ортиқ вулқонлар, чангли бўронлар фаолияти натижасида рўй беради. Айрим ҳолларда бўронлар, тупроқнинг устки унумдор қатламини учирив кетади. Қум ва чант ҳавони хиракаштиради. Инсон ва ҳайвонларнинг нафас олиш йўлларига, кўзларининг шиллиқ қаватига кириб заарлайди, ҳайвонларнинг жунларини ифлослайди. Чант ҳавода жуда кўп микроблар бўлиб, уларнинг орасида касал кўзгатувчилари ҳам кам эмас. Айрим туманларда оммавий равишда турли газандалар (чақадиган чивинлар, эшак куртлар, шиллиқ куртлар) кўпаяди. Газандалар Шимолий Америкада, Сибир, Узоқ Шарқнинг тундра, тайга ҳудудларида, Дунай дарёси соҳилларида кўп тарқалган.

Атмосферанинг ифлос бўлиши манбаларидан энг ҳавфлилари келиб чиқишига кўра, антропогенлар ҳисобланади. Айниқса, саноат ва шаҳар чиқиндилари жуда заарли. Уларнинг йиллик миқдори ўта юқори. Ҳар йили атмосферага 150 млн. тонна олтингугурт оксиди, 60 млн тонна азот, 300 минг тонна қурғошин ва бошқа чиқиндилар тарқалади. Инсон фаолияти натижасида атмосфера ифлосланади. Масалан, 1987 йил атмосферада 22 млрд. тонна карбонат ангидрид ажратилган. Шундан АҚШда 23 %, МДХ 19 %, Фарбий Оврупода 13,5 %, Хитойда 8,7 %, қолган бошқа давлатларда 28 % тарқалган.  $\text{CO}_2$  газининг асосий қисми 45 % кўмирни, 40 % нефтни ва 15 % эса газни ёқиши ҳисобига бўлади.

Атмосферанинг ифлосланиши шартли равишда механик ва кимёвий ифлосланишга бўлинади. Механик ифлосланиш — бу цемент заводлари чиқиндилари, кўмир ёқишидан чиқсан тутунлар, нефтнинг ёниши, резинкали фиддиракларнинг ейилиши ва бошқалар. Кимёвий ифлосланиш — чангсимон, газсимон, кимёвий реакцияга киришадиган моддалар. Кимёвий ифлосланишда биринчи ўринда олтингугурт гази туради. Автомобиллар ( $\text{CO}$ ) ис гази, азот икки оксиди ( $\text{NO}_2$ ) ажратади. Улар инсон саломатлигига ёмон таъсир қиласади. Атмосферанинг радиоактив моддалар билан механик ифлосланиши күёш нури ўтишини камайтиради, яъни альбедани нурни қайтиб кетишини кўпайтиради.

*Атмосферанинг ифлосланишини ва унинг ташқи муҳитга салбий таъсири.* Атмосферанинг турли заҳарли газлар билан ифлосланиши одамлар ва ҳайвонот дунёсини турли касалликларга учрашига олиб келади. Ҳавонинг заҳарланишидаги «сезилмаслик» таъсиридан сақланиш учун маълум маромли чегаралар белгиланади. Бу маромлар заҳарли моддаларнинг энг кўп мумкин бўлган концентрацияси (ЭМК)

билан белгиланади. Энг кўп мумкин бўлган ифлосланиш концентрацияси одамларнинг соғлиғига, меҳнат унумига, кайфиятига бевосита ва бавосита салбий таъсир қиласи. Энг кўп мумкин бўлган концентарция (ЭМК) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлангандан кейин қонуний кучга киради, у мутахассисларнинг маълумотларига асосланган бўлади.

Ҳавонинг ЭМКдан ортиқча ифлосланиши одамлар саломатлигига ёмон таъсир қиласи. Тутун, қоракуя ва бошқа ҳаво таркибидаги механик бирикмалар одам ва ҳайвонларнинг ўпкасига кириб, уларда ўрнашиб қолади. Натижада, сурункали бронхит, эмфизема ва ҳатто ўпка раки каби касалликлар келиб чиқади. Тутундан ташқари, олтингутурт (сероводород) газлари ўпка касалликларига сабаб бўлади. Автомашиналардан чиқадиган газлар ҳам инсон саломатлигига катта зарар етказади ва ҳавонинг турлича ифлосланишига олиб келади. Айниқса, қўрошин гази одам организмини кучли заҳарлайди, асабни ишдан чиқаради. Фтор етишмаслик тишларни ишдан чиқаради, касаллантиради. Айрим саноат корхоналаридан чиқаётган олтингутурт гази унинг атрофидаги 50 км масофадаги ўсимликларга ёмон таъсир қиласи, дастлаб дараҳтлар баргини қорайтиради, сўнг қуриб қолади. Бунга мисол қилиб, кимё заводларидан чиқаётган ҳавони ифлослантираётган дараҳтлар, ўсимликлар, одамларнинг ҳаётига хавф туғдираётган газларни келтириш мумкин. Бундай мисоллар жуда кўп. Ҳавонинг ифлосланиши иморатлар ва турли иншоотларга катта зарар етказади. Тутуни иморатларни қорайтиради, бўёқларини хиралаштиради ва кўчиради.

Ҳозирги пайтда атмосферанинг ифлосланиши жуда катта зарар келтироқда. Масалан, ҳар йили ҳавони тозалаш учун Англия 250 млн. фунт стерлинг, АҚШ 1,5 млн. доллар сарфляяпти. Бу ҳисобга одамлар саломатлигининг ёмонлашиши, ўлимнинг кўпайиши кирмайди. Экология ҳам, иқтисод ҳам, тиббиёт ҳам, жамият ҳам, атмосферани муҳофаза қилиш ҳам ҳеч кечиктириб бўлмайдиган муаммолар ҳисобланади. Америкалик иқлимшунос олим Луис Дж. Битган: «Иккитадан биттаси: одамлар ҳавони тозалайди — ҳавода тутун камаяди ёки тутун шундай қиласиди, ердан одамларни тозалайди — қиради», деб башорат қилган.

## АТМОСФЕРАНИ ТОЗАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Узоқ вақтгача ҳавони ифлосликлардан тозалашнинг ягона йўли атмосферанинг ўзи ҳисобланган. Кейинчалик ҳаво ифлосланишининг


олдини олиш масалалари киради. Улардан энг соддалари заводларнинг туйнукларини баланд қилиб ўрнатиш. Ҳозир эса маҳсус тутун ушлагич аппаратлар ўрнатилган, улар яхши натижа бермоқда. Бутун дунёда транспортдан чиқаётган газ масаласи муаммо бўлиб қолаётир.

Умуман, ер юзида атмосферани муҳофаза қилиш кескин тус олмоқда. Атмосфера ҳавосининг тозалаш чораларидан чанг, газ ушлайдиган иншоотларни қуриш, чиқиндисиз технологияни кўллаш, темир йўл транспортини электрга ўтқазиш яхши самара бераётir. Давлатимиз ҳар йили атмосферани ҳимоя қилиш учун катта миқдорда маблағ ажратмоқда. Керакли жойларда ўрнатилган тозалагичлар ҳавонинг таркибидаги турли аралашмаларни ушлаб қолади. Ҳозир ҳаводаги чангларни электр механик ультратовуш ёрдамида ушлаб қолинади. Газларнинг заҳарли хусусиятларини камайтирадиган кимёвий асбоблар, ҳўлланган ва элак туткичлар (фильтрлар) ҳамда бошқалар кўлланиляпти. Чорва молхоналарида «Климат-47» ФЭ (фильтр электрли) ФРУ, БУВ-60, ДБ-60 ҳаво тозалагич ва ҳавони дезинфекция қилувчилик мувваффақиятли ишлатилмоқда.


Айрим саноат тармоқларида тозалагич иншоотлар яхши ишләётir. Масалан, Вахш азот заводида табиий газ таркибидаги ҳавога ажралмайдиган азот тўла ажратилиб олиняпти. Чиқиндисиз технологияни жорий қилиш асосий маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда ҳавога ажралиб кетадиган заарарли аралашмаларни ушлаб қолаётir. Олимлар автомобил транспорти ажратадиган заҳарли газларни заарсизлантириш устида иш олиб боришмоқда.

Ҳозирги вақтда 114 кимёвий моддалар ва 25 хил атмосферани ифлословчи бирикмалар устидан давлат назорати ўрнатилган. Улар устидан назорат маҳсус ташкилотлар томонидан завод, фабрикаларда ўтказилмоқда. ЭМК бошқа давлатларда ҳам ўрнатилган. Лекин ёмон томони шундаки, улар ҳар хил. Масалан, АҚШда ис газининг ЭМКси  $100 \text{ мг}/\text{м}^3$ , Англияда  $50 \text{ мг}/\text{м}^3$ , МДҲда —  $17 \text{ мг}/\text{м}^3$  ташкил қиласди (41, 42-расмлар).

Ўзбекистонда «Атмосферани ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган, унинг вазифаси ҳавони ифлосланишдан ҳимоя қилиш, заарарли кимёвий, физикавий, биологик ҳамда бошқа моддаларнинг аҳолига, ўсимликлар ва ҳайвонларга бўлган заарини камайтиришдан иборат.



41-расм. Атмосферанинг табиий ифлосланиши.



42-расм. Атмосферанинг сунъий ифлосланиши.

## СУВНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Табиий сув — биосферанинг муҳим қисми. Биосферада суюқ ҳолатдаги сув ҳеч вақтда кимёвий тоза бўлмайди, уларда ион ҳолатда эриган моддалар бўлади. Табиий сув тоғ жинслари, атмосфера ва турли мураккаб организмлар билан мулоқотда бўлади. Атмосферадаги сув буғлари қуёш радиациясини фильтр (ушлагич) бўлиб хизмат қилади. Ер юзида сув ҳаракатининг кескин таъсирини камайтиради.

Сув ер юзининг иқлимини белгилайдиган асосий омил. Сувсиз об-ҳаво бўлмайди. Ер юзидағи сув буғларининг асосий манбаи океанлар ҳисобланади. Сувнинг асосий қисми дехқончилик учун сарфланади. 1 га фўза, лавлаги, маккажӯхори экини учун ўртacha  $4000-8000\text{ m}^3$  сув сарфланади.

Сувнинг инсон талабини қондиришдаги сарфи ҳам катта. Бир одамнинг кундалик эҳтиёжини қондириш учун  $300-500$  литр сув сарфланади. Айниқса, тоза сув саноат эҳтиёжлари учун ҳам кўп ишлатилади. Масалан, 1 тонна чўян эритиш ва унга шакл (прокат) бериш учун  $300\text{ m}^3$ ; 1 тонна мис учун  $500\text{ m}^3$ , 1 тонна резина ишлаб чиқариш учун  $3500\text{ m}^3$ , синтетик каучук ва сунъий тўқима учун  $2100-3500\text{ m}^3$ , 1 тонна никел учун  $4000\text{ m}^3$  сув сарфланади. Ҳозирги замон техникаси илгариларига нисбатан кўп сув сарфлайди. Йирик завод, фабрикалар бутун бир дарёларнинг сувини олади. Тоғ бойликларини механизмлар ёрдамида қазиб олиш ҳам кўп сув сарфлашга олиб келади. Ёғоч тайёрлашда дарахтларнинг шоҳлари  $3600\text{ atm}$   $900\text{ m}^3/\text{сек}$  тезлик билан нинасимон сув оқими — «сув чанги» ёрдамида тозаланади.

Сувнинг ниҳоятда кўп ишлатилиши уни танқислигига олиб келмоқда. Ҳозир ер курасининг учдан бир қисмидаги аҳолига тоза сув етишмайди. Масалан, 4 млн. аҳолига эга бўлган Гонконг сувни қувур орқали Хитойдан олади. Гонконгга сурункасига сув етишмайди. Жазоир четдан олиб келинган сув ҳисобига яшайди. Сув масаласи кишилик жамиятининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун сувни эъзозлаш, ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Ичимлик суви тобора камайиб бормоқда. Бунга аҳолининг ўсиши, дарёлар оқимида сувнинг истрофланиши, сув манбаларининг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши сабаб бўляпти. Сув бойликларини ҳимоя қилишга ҳукуматимиз катта эътибор берәётир. Ўзбекистон Республикасининг сувни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни 1-моддасида сувга бўлган муносабатларни бошқариш лозимлиги таъкидланиб, у табиатнинг бошқа бойликлари билан боғлиқ эканлиги кайд қилинган. Шунинг учун мамлакатимизни қазилма бойликлар ҳақидаги Қонунда, улардан фойдаланишда сув манбаларини ифлос-

лантирмаслик таъкидланган. Балиқларни ҳимоя қилиш учун тоза сувларга ифлосланган сувларни ташламаслик кўрсатилган. Мамлакатимизнинг сув қонунчилигида сувнинг тозалигига ташкилотлар, корхоналар ва ҳар бир шахс жавобгарлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Сув манбалари тозалигини назорат қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ижроия қўмиталари, халқ депутатлари вилоят кенгашлари ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига топширилган (43-расм).

## ТУПРОҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Тупроқ ер юзининг юмшоқ унумдорлик қобилиятига эга қатлами. У — халқ бойлиги. Тупроқдан тўғри фойдаланилганда у битмас-туганмас ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлади. Лекин унга нотўғри муносабатда бўлиш, яъни ўз вақтида унумдорлигини тиклаб турмаслик ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам тупроқни муҳофаза қилиш лозим.

Тупроқ эрозия оқибатида, турли кимёвий моддалар қўшилиб қолиши, шўрланиши ва шунга ўхшаш сабаблар натижасида ўзининг унумдорлигини, яъни ишлаб чиқариш хусусиятини йўқотади ва ниҳоят, бутунлай экиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Тупроқни муҳофаза қилиш муаммоларидан эрозияга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга. Эрозия сўзи лотинча бўлиб, эрозия — емирилиш маъносини англатади. Тупроқ ва унинг она жинсини емирилиши бир қатор жараёнларга боғлиқ. Шунга кўра, тупроқ сув ва шамол таъсирида емирилиши мумкин. Сув таъсирида емирилишига сув эрозияси, шамол таъсирида емирилишига шамол эрозияси ёки дефляция дейилади. Кўпинча дефляцияни эол эрозияси ҳам дейилади (эол грекча — «шамоллар худоси»).


Тупроқ эрозияси билан курашишдан олдин унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, сўнг унга қарши тадбирий чораларини ишлаб чиқиш лозим (44, 45-расмлар).

1. Мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар, илфор тажрибалар асосида эрозияга қарши курашиш бўйича қўйидаги тадбирий чоралар мажмуалари тавсия қилинган. Алмашлаб экиш, иҳота дарахтзорлар барпо қилиш, сув иншоотлари куришни бир-бирига боғлаб олиб борадиган ҳудудлар ташкил қилиш.


2. Тупроқни ҳимоя қиласидан, дала-яйлов алмашлаб экишларини барпо қилиш.

3. Ёнбағирли ерларда шудгорни юқоридан пастга қараб ишламаслик, табақалаб экиш лозим.


4. Ёнбағирли ерларда ўзларининг илдизлари билан тупроқни ювлиб кетишдан сақлаб қоладиган, кўп йиллик дуккакли ва фалласимон ўтларни экиш.



43-расм. Сувнинг ифлосланиши.



44-расм. Тупроқ эрозияси ва унинг салбий оқибатлари.



45-расм. Тупроқ эрозиясинг салбий оқибатлари.

5. Жарликлар, құмликлар ва күчли ювилиб кетадиган қияликтарни ҳимоя қилиш учун ихота дараhtзорларини барпо қилиш.
6. Ўйдим-чуқур ерларни текислаш.
7. Катта қияликларга эга бўлган қум ва қумоқ ерларда чорва молларини боқишини бошқариш.

### 8. Йўлларни сув ювиб кетишидан ҳимоя қилиш.

Эрозияга қарши хўжалик тадбирий чоралардан ташқари, ҳудудлараро тадбирий чоралар ҳам яратилган. Ҳудудлараро тадбирий чоралар деярли ҳар хил бўлиб, технология, тадбирий чоралар, дараhtзорлар барпо қилиш, мелиорация, гидротехника ва ташкилий хўжалик гурухларга бўлинади.

### Технология тадбирий чоралари:

1) бир йилда натижа берадиган ерни ҳайдаш, культивация қилиш, ёнбағирликларни кўндалангга ҳайдаш ва экиш;

2) ҳайдов қатламини чуқурлатиш билан намни пастга кетишидан сақлаб қолишни таъминлаш;

3) ўсимлик анфизини (ўрилмай қолган қисмлари ва илдизлари) сақлаб қолиш учун ерни отвалсиз, плуглар билан ағдармасдан ҳайдаш;

4) ортиқча сувларни оқиб кетиши учун ер остига маҳсус қувурлар (трубалар) ётқизиш;

5) чуқур қилиб оралатиб ҳайдаш, бундай ишлар қилинганда харажатларни камайтириш, ёгин сувларининг ерга яхши шимилишини таъминлаш;

6) атмосфера ёнғинлари тупроққа яхши шимилиши учун ерни чуқур қилиб ёриб чиқиш;

7) ўрмон мелиорация тадбирларини оралиқ ихота дараhtзорлар барпо қилиш билан амалга ошириш;

8) тупроқнинг ифлосланиши, шўрланиши, ботқоқланиши ва бевосита ишдан чиқишидан муҳофаза қилиш;

9) тупроқни муҳофаза қилишда уни бегона ўтлардан, кимёвий моддалардан ҳимоя қилишни таъминлаш.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида кимёвий моддаларни кенг ишлатиш тупроқнинг ифлосланишига олиб келади. Натижада, тупроқ заҳарланади, микробиологик хусусияти ва унумдорлик даражаси пасаяди. Кейинги йилларда тупроқдаги радиоактив моддалар, аввало, ўсимликларга, кейин улар орқали одамларга ўтиши аниқланган. Шунинг учун ядро қуролларини ҳавода, ерда, сув остида синашни бутун дунёда тақиқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шўрланиш ҳам тупроқнинг унумдорлигини пасайтиради. Шунинг учун бетонли латоклар ўрнатиш, каналларга бетон ётқизиш

ишлиари яхши натижа бермоқда. Тупроқнинг ботқоқланиши оқибатида унинг унумдорлиги йўқолади. Ботқоқланишнинг олдини олиш, зовурлар ёрдамида ортиқча сувларни даладан ташқарига чиқариб ташлаш катта аҳамиятга эга. Тупроқ ерларни турли қурилиш (иморат, йўл ва ҳоказо)ларга ажратиш натижасида ҳам бевосита ифлосланади.

Ўғитларни нотўғри танлаб олиш тупроқ эритмасининг нордон ёки ишқорли бўлишга олиб келмоқда. Шўрланган тупроқларда ўғитларни юқори маромда қўллаш ўсимликларнинг нобуд бўлишини тезлаштиради. Пестицидларни (гербицид, инсектицид, дефолиант) ишлатиш тупроққа катта зиён етказади. Улар ўсимликларнинг касаллик, ҳашарот ва бегона ўтлардан саклаш билан бир қаторда тупроқнинг микробиологик хусусиятини пасайтириб юборади.

Тупроққа металлургия заводлари, автомашиналардан чиқаётган газлар, кон ва нефт саноати чиқиндилари, цемент чангни катта зарар етказади. Айниқса, тупроқ металлургия, кимё заводлари атрофида тез ифлосланади. Амалдаги Қонунлар тупроқнинг барча йўллар билан ифлослантиришни ман қиласди. Ишлаб чиқаришнинг барча технология жараёнлари тупроқ ифлосланмаслигига қаратилиши лозим. Тупроқни ҳимоя қилишга оид Қонунда'ердан самарали фойдаланиш тадбирий чоралари кўрсатилган. Уни бузган ташкилот ва шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. 1

## ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

*Яшил ўсимликларни кислород ажратиш ва озиқ моддалар яратишдаги мавқеи.* Ўсимликлар дунёси сайёрамиздаги ҳаётнинг бирламчи манбай. Унинг инсонни кундалик ҳаётида аҳамияти жуда катта. Ўсимликлар ердаги мавжудотларнинг яшаши учун зарур бўлган кислород ва органик моддаларни яратиб беради. Дунё бўйича ҳар йили ўсимликлар 380 млрд. тоннадан кўпроқ органик модда ҳосил қиласди.

Ўсимликлар туфайли фотосинтез жараёни рўй беради. Фотосинтез жараёни бўлмаса, ҳавода карбонат ангидриднинг ( $\text{CO}_2$ ) миқдори кўпайиб кетади, одамлар ва ҳайвонлар нобуд бўлади. Лекин атмосферадан келаётган, тупроқдан чиқаётган ва бошқа манбалардан ҳосил бўлаётган  $\text{CO}_2$  газини ўсимликлар ютиб, фотосинтез жараёни натижасида ташқи муҳитга кислород ажралиб чиқади. Ҳайвонот олами ва ўсимликлар ажратган карбонат ангидриди яна ўсимликлар томонидан фотосинтез жараёнида фойдаланилади. Ўсимликлар ҳаводаги карбонат ангидридни ўзлаштириш билан илдизлари тупроқдан олган сув таркибидаги кислородни ҳавога ажратади.

Ўсимликларнинг табиий биогеоценоздаги аҳамияти катта. Чунки тупроқ ҳайвонот олами, микроорганизмлар билан биргаликда ўсимликлар биогеоценознинг асосини ташкил қиласди. Биогеоценоз ва унинг қисмларининг фаолияти ўсимликлар таъсирига боғлиқ. Яшил ўсимликларнинг мавқеи одамлар ҳаётида ҳам ниҳоятда катта. Ўсимликлар озиқ-овқат, ем-хашак, дориворлар, қурилиш материалларининг манбай ҳисобланади. Ўсимликлар фойдали ер ости қазилмаларининг пайдо бўлишида қатнашиб, тупроқни сув, шамол эрозиясидан, унумдорли ерларни кум босиб қолишидан ҳимоя қиласди (46-расм).


Ўсимликлар маълум даражада зарар ҳам келтиради. Лекин уларнинг фойдасига нисбатан зарари жуда кам. Ўсимликларнинг айримлари бегона ўтлар сифатида маданий экинларга ҳалақит бераб, ҳосилни камайтиради, ариқ ва каналларда сув оқишини қийинлаштиради, сув ўтлари бутун сув юзасини қоплаб олиб, балиқларнинг яшашини мушкуллаштиради.

Одамларнинг кундалик ҳаётида ҳам ўсимликлар мавқеи катта. Улар ер юзасида сув оқимиға, буғланишига, тупроқда нам сақлашга, атмосферанинг қуий қисмидаги ҳаво оқимиға, шамолнинг кучи ва йўналишига, ҳайвонларнинг ҳаётига таъсир этади. Ўсимликлар шаҳар ва туманлар иқлимиға таъсир этиб, ҳавосини тозалаган ҳолда кислород билан бойитиб туради. Ўсимликлар жамият (улар ҳимоя қилинганда) учун беҳисоб озиқ-овқат, тиббиёт, доривор, саноатда хом ашё манбай бўлиб хизмат қиласди. Улар қайта тикланиши мумкин бўлган табиий бойлик ҳисобланади.

Инсон ўзининг хўжалик фаолиятида ўсимликлардан кенг фойдаланади. Бу ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Янги ўрмонзорлар ташкил этиш, экинзорларни кўпайтириш, яйлов ва ўтлоқлар сифатини яхшилаши ҳисобига ўсимликларнинг майдони кенгайиб боради. Шу билан биргаликда инсоннинг ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ишларини тўғри амалга ошириш, тупроқ унумдорлигини тобора ошириб бориш, алмашлаб экиш, ўғитлаш янги серҳосил навларни қўллаш, илғор технология асосида дала ва ойнавандлар шароитида ўсимлик маҳсулотлари етиширишдаги хизмати бекиёсdir. Буларни ҳаммаси инсоннинг ўсимликлар дунёсига кўрсатган ижобий таъсири ҳисобланади.

Одamlар ўзларининг меҳнат фаолиятида ўсимликлардан режасиз пала-партиш фойдаланиши, ёнғинлар рўй бериши, турли қурилишлар (шаҳарлар, саноат бинолари, йўллар, гидротехник иншоотлар) ва тоф-кон саноатининг ривожланиши натижасида экинлар майдони йил сайин қисқарайапти. Атмосферанинг антропоген ифлосланиши,



46-расм. Ўсимликларга таъсир этувчи омиллар.

турли кимёвий моддаларни ишлатиши натижасида ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ёмонлашиб бормоқда. Юқорида келтирилган ҳолатлар инсонларни ўсимликларга кўрсатган салбий таъсири туфайли содир бўлаётir.

## ЎРМОНЗОРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўрмонлардан оқилона, самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишда куйидагиларга эътибор бериш лозим: а) ўрмонзорларнинг географик жойлашишини илмий асосда ўрганиш; б) ўрмон дараҳтларидан ёғоч материалларини тайёрлашда исрофгарчиликка йўл қўймаслик; в) ўрмон дараҳтларидан ёқилғи сифатида ва иморат қуришда мумкин қадар кам ишлатиш; г) ёш ниҳоллар нобуд бўлишининг олдини олиш; д) ўрмонзорларни қайта тиклаш ва маҳсулдорлигини ошириш; ж) дараҳтларни ёнғиндан, турли касалликлар ва ҳашаротлардан, заҳарли кимёвий газлар, моддалар билан ифлосланишидан сақлаш тадбирий чораларини маълум тартибда амалга ошириб бориш лозим.

*Ўсимликларнинг географик жойлашишини илмий асосда ўрганиш.* Мамлакатимизнинг ўзи бу ҳудудида ўрмон дараҳти ёғочлари маҳсулотларини миқдори ва сифатини тўлиқ ҳисоблаш мумкин. Бу дараҳтлардан режали фойдаланишга имкон беради. Ёғоч материаллари тайёрлаш ва қайта ишлашда исрофгарчиликка йўл қўймаслик уларни муҳофаза қилишда мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун ёғоч тайёрлайдиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналарни ўрмонзорларга яқин жойларда қуриш мақсадга мувофиқ. Бу кўплаб чиқинди ҳосил бўлишини кескин камайтиради. Кесилган дараҳтлар ўрнига янги кўчатлар экиши ўрмонзорларни тиклашни жадаллаштиришга олиб келади. Ўрмонлардан оқилона фойдаланишда дараҳтлардан ёқилғи, қурилиш воситалари сифатида ишлатилишини назорат қилишни тўғри йўлга қўйиш мухим аҳамиятга эга.

*Ёш ниҳоллар нобуд бўлишининг олдини олиш.* Ўрмонзорларни муҳофаза қилишда, биринчи навбатда, ҳали етилмаган дараҳтларни пала-партиш, бетартиб кесишини қатъий ман қилиш лозим. Янги йил муносабати билан арча байрамлари ўтказиш тартибга солиниб, ёш дараҳтларнинг қирқилишига йўл қўймаслик керак.

Ўсимликларни, шу жумладан, ўрмонзорларни нобуд бўлишида баҳор, ёз фаслларида шаҳарликларнинг табиат қўйнига сайиллари ҳам сабаб бўлмоқда. Дам олишга чиқувчилар дараҳт шоҳларини синдириши туфайли улар касалланиб, кейинчалик нобуд бўлади. Дам олувчилардан қолган чиқиндилар (турли қофозлар, елим халталар, сув идишлари, шишалар), майсазорларни ифлослантиради. Дам олувчилар ўтларни босиб, пайҳон қилишади. Натижада, ўтлар қуриб қола-

ди. Ўрмон дараҳтларининг меваси, айниқса, юқори қисмидагиларни теришда шоҳлари синади. Бундай ҳолатларни Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида кўплаб учратиш мумкин.

Ўрмонзорлардан режали фойдаланиши. Ўрмон дараҳтларини муҳофаза қилишда улардан режали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўрмон хўжалигига катта фойда келтиради. Режали фойдаланиш — кесилган дараҳтлар ўрнига ёш ниҳоллар экиш ўрмонни тез қайта тиклашга имкон беради. Одатда, ўрмоннинг учдан бир қисмини табиий ўсиб чиқсан ниҳоллар ташкил қиласи, қолган қисми эса экилган кўчатлар ҳисобига тикланади. Кесилган дараҳтларни ташиб чиқаришда жуда кўп табиий кўчатлар нобуд бўлади.

Дараҳтларни нотўри кесиш ҳам уларнинг сийракланишига олиб келади. Кесиш жараённида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, қирқилган дараҳтлар ўрни табиий ҳолда тикланишига шароит яратиш лозим. Бунинг учун кесилган дараҳтлар ўрнини шоҳ-шаббалардан тозалаш, уларни ташишда ёш ниҳолларни босиб пайҳон қилмаслик ва уларни чорва молларидан ҳимоя қилиш керак.

Кесилган дараҳтлар ўрнига маълум навга эга ёш ниҳолларни экиш, касалланганлари ва қуриб қолганларини олиб ташлаш, кам ҳосилли дараҳтларни юқори навлилари билан алмаштириш зарур. Ўзбекистон шароитида кўпроқ мевали дараҳтлар экиш лозим. Бу ўрмон селекциясини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўрмонзорларни ёнғин ҳавфидан муҳофаза қилиш. Ёнғиндан ўрмон дараҳтлари, ўтлар ва у ердан яшайдиган барча мавжудотлар ҳам зарар кўради, ҳатто нобуд бўлади. Одатда, ёнғиндан кейин баланд бўйли дараҳтлар ўрнидан паст бўйли буталар ўсиб чиқади.

Ёнғинга қарши курашдан кўра, унинг олдини олишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ўтказилган тадқиқотлар ўрмонзорларда содир бўладиган ёнғинларни 100 % деб олинса, унинг 38 % ўрмончилар айби, 13 % қишлоқ хўжалиги ишчилари айби, 14 % аҳолининг оловдан нотўри фойдаланиши (сайёҳлар, геологлар, дам олувчилар, ёш болалар гулханни яхши ўчирмасликлари, сигарет тутатилганда гургуртни ўчирмасдан ташлаш) сабабли содир бўлмоқда.

### **Ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирий чоралари**

1. Эҳтиёткорлик чораларига — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши тарғибот ишларини олиб бориш: дараҳт кесилган жойларни шоҳ-

шаббалардан тозалаш; ёнгинга қарши узун йўлаклар барпо қилиш ва уларни ҳайдаб қўйиш, ўт ўчирадиган асбоб-ускуналарни маҳсус жойларга олиб келиб тайёрлаб қўйиш; ҳовузлар қазиш ва бошқалар киради.

2. Назорат қилувчилар ва қоровуллар ишини ташкил этиш. Бунинг учун ёнгин ҳосил бўлган жойларни ўз вақтида аниқлаш, назорат-қоровулчиларни хизматидаги ишчиларни замонавий техника (автомашина, самолёт, вертолёт ва бошқалар) билан таъминлаш.

3. Ёнгин содир бўлган ерда, унга қарши кураш олиб бориша замонавий техника билан қуролланган маҳсус ўт ўчирувчи гурухларни ташкил этиш, ҳаводан ва ердан туриб ёнгинга қарши кураш.

4. Ёнгиннинг олдини олиш, унга қарши кураш умумхалқ иши. Шунинг учун ёнгинга қарши тарғибот ишларини аҳоли ўртасида, мактабларда, ўрга ва олий ўқув юртларида, кино, театрларда, матбуотда, радио ва телекўрсатувларда мунтазам олиб бориш лозим.

*Ўрмонзорларни зааркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилиши.* Ўрмонзорлар турли хил зааркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан катта заар кўради. Улар дараҳт барглари, шоҳлари, толалари ва илдизларини заарлаб қуришига, мевалар сифати ва ҳосилини камайтиришига сабаб бўлади. Ўрмонзорлардаги дараҳтларни зааркунанда ҳашаротлар, касалликларига қарши курашда қўйидаги тадбирий чоралар кўлланилади:

а) ўрмон хўжалиги тадбиirlари. Зааркунанда ва ҳашаротларни ўз вақтида аниқлаш, касалланган дараҳтларни кесиб тащлаш, касалликка чидамли дараҳт навларини экиш, ёш ниҳолларни яхши парвариш қилиш;

б) механик услуб — зааркунанда ҳашаротни уя ва қуртларини тўплаб, ўз вақтида йўқ қилиш;

в) кимёвий йўл билан зааркунанда ҳашарот ва касалликларни йўқ қилиш. Бу ишда турли хил техникаларни қўллаш. Кимёвий моддаларни қўллаш йўриқномаларига риоя қилиш;

г) ўрмон дараҳтларининг зааркунанда ва касалликларига қарши курашда биологик методлардан ҳам фойдаланиш.

*Ўрмонзорлар, қишлоқ хўжалиги ва шаҳарлардаги дараҳтларни зарарли кимёвий моддалардан сақлаш муаммолари.* Инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли атмосферага жуда кўп заҳарли моддалар тарқалмоқда. Саноат корхоналари, транспорт воситалардан чиқаётган заҳарли моддалар таъсирида дараҳтлар заҳарланиб, қуриб қолаётir. Масалан, Тожикистоннинг Регар шаҳридаги алюмин заводидан чиқаётган заҳарли модда таъсирида Сурхондарё вилоятидаги боғлар, узумзор-

лар заҳарланиб, ишдан чиқаяпти. Шунингдек, республикамиизда ўрмонзор, бөғ-узумзор, шаҳарлардаги дараҳтларни йирик саноат корхоналаридан чиққан заҳарли газлар заҳарламоқда. Шунинг учун уларни ташқарига заарсизлантириб чиқариш ёки заҳарли газларни ушлаб қолиш чораларини кўриш лозим.

### **Яйлов ва ўтлоқларни муҳофаза қилиш**

Яйлов — тоғларнинг энг баланд қисмида жойлашган, турли хил бир ва кўп йиллик ўтларга бой текисликлар бўлиб, уларда чорва моллари, айниқса, шоҳли қорамоллар (согин сигирлардан ташқари) баҳор ойларидан бошлаб кеч кузгача боқиласди. Яйловлар асаларилар боқиши учун ҳам жуда қулай. Чорва моллари боқишнинг ўзига хос тартиби бўлиб, яйловда моллар бир жойда эмас, балки айланиб, яъни ҳар 3–5 кунда жойи ўзгартирилиб турилади. Шундай қилингандан, ўтлар қайта тикланиб, яйлов озиқлар билан бойийди. Бу тартиб бузилса, яъни чорва моллари айлантирилмасдан бир жойда боқиласверса, яйловлар тез ишдан чиқади. Охир-оқибатда ўтлар қайта ўсиб чиқмайди, ер бети очилиб, тупроқ эрозияга учрайди. Шунинг учун яйловдаги ўтларни йўқ бўлиб кетиши ва тупроғини эрозиядан муҳофаза қилиш лозим.

Ўтлоқлар, асосан, дарё бўйлари, экилмай ётган далаларда, тоғолди паст текисликлари ва адирларда табиий ҳолда ўсадиган бир ва кўп йиллик ўтлар, буталардан иборат. Ўтлоқзорларда ҳам майдон бирлигига маълум сондаги чорва моллари яйловлардаги тартибда боқиласди. Яйлов ва ўтлоқларда чорва молларини режали боқиши улардан узоқ вақт ва самарали фойдаланишга имкон беради. Чорва молларини боқиши билан бир вақтда пичан тайёрлаш ҳам мумкин.

Ўтлоқзорларга саноат чиқиндиларини ташлаш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланишдан сақлаш, ҳашаротлар ҳамда турли касалликлардан муҳофаза қилиш лозим. Ўтлоқзорларнинг сийраклашиб, очилиб қолган майдонларига сунъий равишда ўт уруғларини сепишиш ўйли билан уларни бойитиш керак.

### **Ноёб ва доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш**

Республикамиизда саноат учун хом ашё берадиган ва мевали ўсимликлардан бетартиб равишида фойдаланиш натижасида, уларнинг турлари йил сайин камайиб, ноёб ўсимликлар сифатида «Қизил китоб»да қайд қилинмоқда. Ўзбекистонда табиий ҳолда ўсадиган ўсимликлар-

нинг 600 га яқин туридан дори тайёрлаш, 100 дан ортиқ туридан бүёқ, 500 дан ортиқ туридан эфир мойи олинади. Ноёб ва доривор, хом ашё олинадиган ўсимликларни муҳофаза қилиш учун уларнинг мевалари, уруғлари, илдизлари, барглари маълум белгиланган тартиб асосида йифилади. Ўсимликлар қисмларига шикаст етказмай, йифиб олинган хом ашё устидан назорат олиб бориш лозим. Эътиборсизлик туфайли йилдан-йилга дўлана, ёнғоқ, писта, доривор ўсимликлардан зира, зирк, анзур пиёз, кийикӯти, тоғ жамбули ва шунга ўхаша ўсимликлар камайиб, ноёб бўлиб бормоқда. Шунинг учун уларни назорат ва муҳофаза қилишга кенг оммани жалб қилиш лозим.

*Табиатни ифлослантирувчи асосий моддаларнинг ўсимликларга таъсири.* Табиатни ифлослантирувчиларга кўмирда ишлайдиган электростанциялар, кўмир саноат корхоналари, металлургия, кимё саноати, цемент, оҳак, нефтни қайта ишлайдиган заводлар киради. Кейинги йилларда катта шаҳарлarda атмосферани ифлослантиришга автомобил воситалари катта таъсир қилмоқда. Заҳарли моддалар атмосфера-га ишлаб чиқаришдагина эмас, балки саноат корхоналарининг носозлиги туфайли ҳам тушади.

Ҳарбий машгулотларни ўтказишда заҳарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши ниҳоятда ҳавфли. Американинг Вьетнамга кимёвий қурол ишлатиши оқибатида минглаб киши ҳалок бўлди ва унинг таъсири ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳавони ифлослантирувчи моддаларга олтингугурт икки оксиди, галлогенлар ва уларнинг бирикмалари, озон, азот оксиди, углерод оксиди, водород сульфиди ( $H_2S$ ), олтингугурт углероди ( $CS_2$ ), аммиак ( $NH_3$ ), этилен ( $C_2H_4$ ) ва қаттиқ чантсимон заррачалар (курум, кул, цемент, оҳак, тошқўмир, металл ҳамда унинг бирикмалари ва бошқалар) киради.

Олтингугурт бирикмалардан олтингугурт гази, олтингугурт иси, олтингугурт углероди атроф-муҳитни ифлослайди. Олтингугурт, тошқўмир, нефт, нефт маҳсулотлари, ёғочни ёқишида ҳосил бўладиган газлар ҳавога тарқалади.

Олтингугурт икки оксиди ўсимликлар учун ниҳоятда заарли бўлиб, у баргларни сарғайтиради, бужмайтиради, қуритади, тўқади. Водород сульфид коксо-кимё корхоналарида вискоза ва целялюзадан сунъий тола олишда ҳосил бўлиб, ҳавога тарқалади. Водород сульфид таъсирида ўсимликлар тургор ҳолатини йўқотади, баргларида оч-сарик, қўнғир-қорамтирип доғлар ҳосил бўлади.

Табиатни ифлослантирувчилар орасида азот оксидларининг зарари тобора ортиб бормоқда. Автомобиллардан чиқадиган газларда 0,6 %

азот оксида бор. Олимлар товушдан тез учадиган самолётлардан чиқадиган азот оксидларини камайтириш устида бош қотиришмоқда. Самолётлар 20—25 км баландликда учганда, мавжудотларга заарли ультрабинафша нурларнинг ўтишини тезлаштиради. Азот оксида озон қатламини бузади ( $\text{NO} + \text{O}_3 \rightarrow \text{NO}_2 + \text{O}_2$ ). Азотни фтороорганик биримларни ҳам озон қатламининг бузилишига олиб келади.

Ўсимликлар учун азот оксида олтингугурт газига нисбатан 1,5 марта кам заҳарли. У ўсимлик баргларининг четларини қуришига олиб келади. Азот оксидининг 0,08 % мг/м<sup>3</sup> концентрацияси сабзавот экинларининг ҳосилини камайтириади ва сифатини ёмонлаштиради.

*Кислоталар.* Саноат марказларидан ҳавога тарқалган олтингугурт икки оксида ва азот оксида ҳаво намлиги билан қўшилиб, олтингугурт ва азот кислоталари ҳосил қиласди. Улар кислотали ёмғирга айланиб ерга тушади, иморатлар, ёдгорликларни бузади. Атмосферадаги олтингугурт кислотаси ўсимлик баргларида турли доғларнинг ҳосил бўлишига олиб келади, гул чангларининг ўсишини тўхтатади.

Озон — дезинфекция қилиш, саноат чиқиндиларини тозалаш, читни оқлаш, ёғли кислоталарни синтезлаш, ичадиган сувларни зарарсизлантириш учун кенг ишлатилади. Унинг концентрацияси маълум даражада бўлганда, ҳаво ниҳоятда тоза бўлади. Озоннинг юқори концентрацияси эса барча мавжудотларга заҳарли ҳисобланади ва инсон учун озоннинг концентрацияси (0,2—0,3 мг/м<sup>3</sup> бўлганда) зарарли ҳисобланади.

Озон узум, субтропик, тамаки, шпинат, редиска, ловия, картошка, помидор, беда ва бошқа ўсимликларга катта заар етказади.

Озон билан заарланган узум баргларининг юқори томонида тўқ жигарранг доғлар ҳосил бўлади. Унинг концентрацияси ҳавода 0,2 мг/м<sup>3</sup> бўлганда, узумнинг барглари яшил рангини йўқотади ва барвақт тўкилиб кетади. Одатда, узумнинг қари барглари ёшлинига нисбатан бу фитотоксикант билан кучли заарланади. Озон таъсирида беданинг барг сатҳи 50 %га камаяди. Озоннинг таъсирида барглар аста-секин сарғая боради, ялтиллайди, учлари оқаради. Озон ўсимликларнинг нафас олишини ёмонлаштиради. Унинг таъсирида ўсимлик ўсиши, ривожланиши сустлашади ва ниҳоят, ҳосили камаяди. Картошканинг ҳосили 50 %, беданинг ҳосили эса 33—42 % га пасайди.

*Фтор ва унинг биримлари.* Фторни алюмин, фосфор ўғити ишлаб чиқаридиган, эмал, сопол тайёрлайдиган саноатлар ажратади. Фтор кучли фитотоксикантларга киради. У ўсимликларга тез шимилади. Фтор билан заарланган ўсимликлар хлорозга учраб, барглари қурийди.

Фотосинтез жараёни ёмонлашади, ёруғ ва қоронғида нафас олиши тезлашади. Ташқи мұхит омиллари, үсимликларнинг фтор билан заррланишига катта таъсир қиласы. Үсимликлар тупроқда нам кам, ёруғлик паст, ҳарорат юқори бўлмагандаги үсимликлар фтор билан кам заарланади.

*Хлор ва унинг бирикмалари.* Хлор ва хлорид водород атмосферага титан магний заводлари, галвонотехник, кимё корхоналари, гербцид, заҳарли дорилар, хлорид кислота, органик бўёқ, цемент, суперфосфат, сирка кислотаси, хлорли оҳак, сода ишлаб чиқарадиган муассасалар ажратади.

Хлор үсимликларга турли шаклларда сингиши ва таъсир кўрсантиши мумкин. Хлорнинг мароми юқори бўлганда фотосинтез жараёни сустлашади, үсимликларнинг барги барвақт тўклилади.

*Аммиак.* Атмосферага аммиак ўғитлари, мочевина, азот кислотаси, хазонларни ёқишида, қанд, тери ишлайдиган завод ва чорва мажмуидан тарқалади. Табиатда аммиак тупроқда оқсил ва мочевинани парчалайдиган аммофикация бактериялари фаолияти натижасида пайдо бўлади. Лекин бундай аммиак ҳавони ифлосламайди ва у бошқа нитрофикация жараёнини амалга оширадиган бактериялар томонидан тез ўзлаштирилади. Бунда аммиак азот кислотасигача тикланади.

Аммиакнинг юқори концентрацияси үсимликларда қайтмайдиган ўзгаришларга олиб келади, үсимлик тўқималарида аммиак азоти тўпланади. Натижада, үсимлик баргларида фотосинтез жараёни сустлашади, органик кислота миқдори камаяди, ферментларнинг фаоллиги пасаяди.

*Ўғитлар.* Ўғитларнинг сув ҳавзаларига тушиши бир қанча заарали оқибатларга олиб келади. Маромидан ортиқча ишлатилиши тупроқда яшовчи мавжудотларнинг экологиясига катта заар етказади.

*Ис гази (карбон (II) оксиди  $CO$  дан иборат).* Атмосферани ифлослантирувчи моддалардан асосийси ҳисобланади. У автомобилларнинг ишлашида кўп ажралади. Ис гази кўмир, нефт, табиий газлар тўла ёнмагандаги ҳам кўп ажралади. Иситиш курилмаларидан ажраладиган ис гази ҳавода 1,5 % гача етади. Ис гази үсимлик учун деярли заарали эмас. Унинг концентрацияси 1,0 % ошганда, үсимликлар заҳарланади. Унинг концентрацияси ошганда, үсимликларнинг тупроқдан бошқа озиқ моддаларни ва үсимликларни нафас олишини анча қийинлаштириб, заҳарли таъсир қиласы.

*Оғир металлар.* Менделеев жадвалидаги элементларнинг 40 дан ортиғи оғир металларга киради. Табиатнинг ифлосланиши, озиқ-ов-

қатда түпланиши ва заҳарлилиги бүйича қурғошин, қалай, кадмий, маргимуш, ваннадий, рух, мис, кобальт, молибден, никел ва бошқа металлар заарарлы ҳисобланади. Оғир металлар атмосферага табиий манбалардан шамол орқали келадиган чанг, ўрмон ёнғинлари, вулқонлар отилиши, ўсимликлар фаолияти натижасида ажраладиган моддалар, денгиз кўпиги, денгиз чанги, шунингдек, антропоген манбалардан (тоғ маъданларини ишлаш, рангли металлургия, кўмир, нефт маҳсулотларини ёқиш ва фосфор ўғитлари ишлаб чиқарадиган заводлар) тарқалади.

Атмосферага металлар, асосан, табиий ҳолатда шамол орқали тарқалади. Металларнинг ҳаводаги чанги таркибида никел 80 %, мис 60 %, қурғошин 55 %, рух 55 % ни ташкил қиласди. Фақат кадмий 60 % дан кўпроғи вулқонлар фаолияти натижасида атмосферага тарқалади. Лекин оғир металлар инсоннинг фаолияти натижасида атмосферага тарқаладиган қисми барчасидан юқори туради. Оғир металларнинг атмосферага тарқалиши антропоген омиллар табиий манбаларга нисбатан қурғошинни 18,3, кадмийни 8,8, рухни 7,2 марта кўп тарқатади. Айниқса, инсоннинг геокимёвий фаолияти қейинги йилларда кенг тарқамоқда.

Оғир металлар биосферага катта таъсир кўрсатади. Тупроқ оғир металларнинг (мис, рух, хром, кобальт, қурғошин, титан ва бошқалар) турли тузлари билан заарланганда ўсимликлар бутунлай қуриб қолади. Бу элементларни котионлари онионларига нисбатан заҳарлироқ бўлади. Ҳозирги вақтда оғир металлар чангни билан атмосфера-нинг ифлосланиши фақат ўсимликлардагина эмас, балки барча мавжудотларга хавф тугдирмоқда. Оғир металларнинг чангги қишлоқ хўялигига катта зарар етказади.

*Органик моддалар.* Атмосферани ифлослантирувчи органик моддаларга чекланган, тўйинмаган, гидроароматик, ароматик углерод ва уларнинг ҳосиллари спиртлар, алъдегидлар, кетонлар, кислоталар, эфирлар киради. Ҳавони ифлослайдиган органик моддаларнинг хиллари кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг ўсимлик ва бошқа мавжудотларга бўлган таъсирини олимлар ўрганишга ултура олмаёт-тири.

Ойнавандлар шароитида иситиш мақсадида нефт маҳсулотлари-ни ёқишида (ёқиши ускуналарини норасо ишлатишида) ҳосил бўладиган олтингугурт, этилен, пронилен, бутилен ўсимликларга катта зарар етказади. Этилен, айниқса, гвоздика (чиннигул), лола, нарцислар, картошкагул учун заҳарли ҳисобланади. Улар барвақт гул баргларини тўкиб юборади. Этилен ўсимликларнинг ўсишини суст-

лаштиради. Яна ташқи мұхитни ифлослантирувчиларга фенол киради. Бу токсикант билан ифлосланған сув қызил рангга киради ва махсус ҳид тарқатади. У барча мавжудотларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Табиатни ифлослантирувчи, кенг тарқалган органик моддаларга пестицидлар (заҳарли моддалар) ҳам киради. Ҳозирги вақтда бутун дунё қишлоқ хўжалигига 2 млн. тоннадан кўп турли заҳарли моддалар ишлатилади. Улар қўлланилган жойларни ҳавосигина эмас, шамол орқали тарқалиши оқибатида бошқа ерларнинг ҳавосини ҳам заҳарламоқда. Айниқса, заҳарли моддалар ўсимликларга самолётлар орқали сепилганда, тупроқ юзидан шамол учирганда, омборларда эҳтиётсизлик билан сақланганда кенг тарқалади. Заҳарли моддалар ёғин сувлари, саноат чиқиндилари, самолёт билан сепилганда ва бошқа йўллар билан тушади. Бундан ташқари, заҳарли моддалар заарли сув мавжудотларни йўқотиш учун ҳам сепилади. Шунингдек, заҳарли модда ювиш воситалари ва бошқа йўллар билан ҳам тарқалади.

*Мутагенлар.* Ҳозирги вақтда ҳужайраларда ирсий ўзгаришлар келтириб чиқарадиган жуда кўп кимёвий моддалар мавжуд. Бу моддалар ўсимлик ва ҳайвон организмидаги кераксиз заарли ирсий белгиларни келтириб чиқариши мумкин.

Заҳарли модда бирикмалари бевосита ёки билвосита инсон организмига, ҳаво, сув, озиқ-овқат, турли дориворлар орқали киради. Жуда кўп заҳарли моддалар мутагенлик (ирсиятни ўзгартириш) хусусиятига эга. Айниқса, кўрошин, азот оксили, углеводородлар хавфли. Шунингдек, хлорнинг нордон тузи кислоталари ҳам мутаген ҳисобланади. Мутагенлар таъсирида ҳавода шундай микроблар, вируслар, замбурурглар ҳосил бўладики, уларга қарши одамларнинг иммунитети бўйласлиги ҳам мумкин. Мавжудотларга мутагенлар бевосита таъсир қилмайди. Улар кейинги наслида турли ўзгаришлар, касалликлар келтириб чиқаради, оқибатда организм ўлиши мумкин.

*Чанг.* Атмосфера таркибида кўп чанг бўлиши нохуш ҳодисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Чанг саноат корхоналари кўп бўлган шаҳарларда кенг тарқалди. У қўёш нурларини ютади. Катта шаҳарларда қўёш нури чанг туфайли ёзда 20, қишида 50 марта камаяди. Бунда ультразангори нурлари 3—5 % камаяди. Айрим шаҳарларда ультрабинафша нурларнинг камайиши, касал келтириб чиқарувчи бактерияларнинг кўпайишига олиб келади. Чангни кўпайиши ер юзига тушадиган қўёш қувватини камайтиради.

Ҳаводаги чанг заррачалари ўсимликнинг ер усти қисмига ўтиради ва турлича таъсир кўрсатади. У, асосан, физик ва кимёвий гурухларга бўлинади. Физик таъсир ўсимлик устида юпқа парда ҳосил

қилиб, сув-ҳаво алмашиши, ёруғлик ўтишини ёмонлаштиради. Чангда сувда эрийдиган кимёвий бирикмалар ҳосил қиласи. Бу бирикмалар ўсимлилар ўтиб, модда алмашинишини бузиши мумкин. Чанг барг лабчаларининг ишини ёмонлаштиради, натижада, транспирацияни пасайиши туфайли барг ҳарорати 2—4°C, айрим ҳолларда 8—10°C га кўтарилади, фотосинтез жараёни сустлашади. Баргларда қанд, қуруқ моддалар синтезланиши камаяди. Бу ҳосилнинг пасайиши ва сифатининг бузилишига олиб келади. Иқлими иссиқ, ёзда барг юзалини ювадиган ёғингарчиликлар бўлмайдиган ҳудудларда чанг катта зарап етказади. Шаҳар ҳавосини кислород билан бойитиш учун кўчалардаги дарахтларни ҳар 10—15 кунда тоза сув билан ювиб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибиди, ўсимликлар атмосфера, гидросфера ва тупроқдаги турли заҳарли моддалар билан заарланади. Ҳозирги вақтда биз ўсимликларнинг ҳаводаги турли заҳарли моддалар билан заарланишига аҳамият бермаяпмиз. Бу фитотаксикантлар бўлган ерларда катта зиён келтирмоқда, шунинг учун сув ҳаво, тупроқни тоза тутиш билан ўсимликларни заҳарланишдан ҳимоя қилиш мумкин.

*Ўсимликларнинг табиатни заарли ифлосликлардан тозалашдаги мавқеи.* Атмосфера ва гидросферани турли ифлосланишлардан тозалаш технологик усулда олиб борилиши лозим. Лекин жуда мураккаб фильтрларни қўллаш ҳам ҳаво ва сувни ифлосликлардан тозалай олмайди. Шунинг учун табиатни ифлосликлардан тозалашда технологик йўл билан бир қаторда биологик усулни ҳам қўллаш лозим.

Ўсимликларнинг атмосферани тозалаш хусусияти ҳавони қанчалик жадал ютишига боғлиқ. Ҳар хил ўсимликлар газни турлича сингдиради. Барглари тукланган ўсимликлар ҳавони кам ютади. Шунинг учун шаҳарларда кўкаламзорлар қилишда ўсимликларни тўғри танлаб олиш лозим. Турли биогеоценоз атмосферани заҳарли моддалардан тозалаш учун ҳар хил таъсир қиласи. Атмосферани турли заҳарли моддалардан тозалашда, айниқса, ўрмоннинг аҳамияти катта. Ҳар хил баландликдаги дарахтлар шамолнинг оқимини пастки қатламига йўналтиради. Дарахтлар ҳам ҳаво алмашишини яхшилайди. Натижада, заҳарли газ тез тарқалиб кетади.

Кислородни алмашишига ўсимликлар таъсир қиласи. Атмосфера ва гидросферада  $1,5 \cdot 10^{15}$  т кислород мавжуд. Ҳаво ва сувдаги кислород организмларининг ер кураси тарихи давомида рўй берган фаилиятнинг натижаси ҳисобланади. Ерда кислороднинг пайдо бўлиши мавжудотлар эволюциясида кучли интилиш ҳисобланади. Органик моддаларнинг парчаланиши оқибатида ажralадиган қувватдан ўсим-

ликлар ўзининг физиологик жараёнларини барпо қилишга фойдаланади.

Фотосинтез оқибатида ҳосил бўладиган кислороднинг 1,3 қисми ўсимликнинг нафас олиши ва қолган қисми эса аэроб микроорганизмлар, ҳайвонлар ва инсоннинг нафас олиши, шунингдек, ёниш жараёнларида сарфланади.

*Одамнинг ўсимликларга таъсири.* Инсон ўз ҳаёт фаолияти даврида ўсимликларга фойдали ва заарли таъсир кўрсатади. Фойдали таъсири шундан иборатки, улар кенг далаларда серҳосил ўсимликларни экади, кўк масса етиштиради, фотосинтез жараёнини кучайтиради, ўрмонзорлар барпо қилади, ўтлоқларни маданийлаштиради. Зах ерларнинг сувини қочириш, шўр ерларнинг шўрини ювиш каби мелиоратив тадбiriй чораларини амалга ошириш, суфориш ишларини йўлга кўйиш натижасида ўсимликларнинг маҳсулдорлигини оширади. Ўрмонзорларни тиклади, қишлоқ ва шаҳарларда кўкаламзорни барпо қилади, ўсимликларнинг касаллик ва зааркундаларига қарши кураш олиб боради.

Одамнинг ўсимликларга салбий таъсири — уларни тўғридан-тўғри йўқ қилиши (даражатларни қирқиши, кўчириб ташлаши, ўриши, турли мақсадлар учун йиғиб олиши, уй ҳайвонлари боқиши) киради. Шунингдек, сув омборлари куриш, қазилма бойликларидан очиқ усулда фойдаланиш, куруқ ерларни ҳайдаш жараёнларида ҳам ўсимликларга зарар етказилади. Ўсимликларга салбий таъсир қилишга сув ҳавзаларини турли кимёвий моддалар билан ифлослантириш ва шунга ўхшашиб ишлар ҳам киради.

Ўсимлик ўзининг қайта тиклаш қобилиятини инсон салбий таъсири туфайли яшаш, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш каби шароитини ўзгариши билан амалга ошира олмайди. Шунинг учун ўсимликларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ер курасидаги ўсимлик бойликлари одамлар, ҳайвонларни ҳозирги миқдорига кўра анча кўп сонини таъминлаши мумкин. Фақат бунинг учун уларни парвариш қилиш, тўғри фойдаланиш ва муҳофаза қилиш лозим. Ўсимликлар ҳимоя қилинишига кўра, сув, тупроқ, ер ости ва ер усти гуруҳларига бўлиниши мумкин.

Сув ўтларидан инсон ҳозирча унумли фойдаланмаяпти. Кейинги йилларда сув ҳавзаларининг нефт, кимёвий ва бошқа модда чиқиндилари билан ифлосланиши сув ўтлари ҳаётига хавф туғдириши туфайли муҳофаза қилишни талаб қилмоқда.

*Тупроқ ва ўсимликлар.* Тупроқнинг пайдо бўлиши ва унумдорлигининг ортиши жараёнларига фаол таъсир кўрсатадиган (бактерия сув ўтлари, айрим замбуруғлар), мавжудотларнинг ҳаёти турли иф-

лосликлар (нефт саноати чиқиндилари) туфайли хавф остида қолмоқда, уларни муҳофаза қилиш тадбирий чораларини яратишни тақозо құлмоқда.

Ер ости (тур жиҳатидан энг кам) ўсимликлари асосан 3 м. гача бұлған чүкүрликка тарқалған бактериялардан иборат. Одамлар уларга салбий таъсир қылаётгәнликлари ҳақида ҳеч нарса билишмайды. Ер ости сувларининг турли чиқиндилар билан ифлосланиши уларни ҳаёт фаолиятига катта зарар етказади.

*Ер усти ўсимликлари.* Уларнинг турлари жуда күп, 500 мингдан ортиқроқ. Ер усти ўсимликларидан инсон ўз ҳаёт фаолияти учун жуда кенг фойдаланади. Одатда, улар одамлар таъсиридан зарар күради. Шунинг учун ҳам улар ўсимликларининг бошқа хилларидан күра күпроқ муҳофазага муҳтож. Ўрмонлар табиат ва инсон учун катта аҳамиятта эга. Лекин ўрмонлар одамлардан күп зарар күради. Шунинг учун уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш тадбирий чоралариди яратылған.

Ўсимликларнинг муҳофаза қилиш қонунида ўрмон дараҳтларини ийлilik маромидан ортиқча қирқиши, ўтлоқзорларда, яйловда чорва молларини бөзиш, фойдаланиш, уруғларини күпайтириб, уларни тартибли равища тиклаш ва бошқа масалалар таъкидланған.

## ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИНГ ИНСОН УЧУН АҲАМИЯТИ

Дунёда ҳайвонларнинг тури, миқдори ва тарқалишининг (ареалини) ўзгариши табиий ва инсоннинг бевосита таъсири натижасида содир бўлмоқда. Инсоннинг ҳайвонларга кўрсатган таъсири жамият тараққий этган сари кенгайиб бораёттир.

Инсон ўзининг хўжалик фаолияти туфайли ҳайвонларга бевосита ва билвосита таъсир этади. Бу таъсир салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Одамларнинг салбий таъсири натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот дунёсида кескин ўзгаришлар юз берди. Айниқса, йиртқич ҳайвонлар кўплаб ов қилиниши туфайли қирилиб кетди. Илгари Сирдарё, Амударё ва уларнинг ирмоқлари бўйидаги тўқайзорларда яшовчи йўлбарслар йиллар давомида бутунлай қириб ташланди. Ҳайвонларни ов қилиш туфайли Тян-Шан, Олой, Помир тоғларида яшовчи барслар, Копетоғда яшовчи қоплонлар, Ўрта Осиё тоғларида яшовчи тоғ эчкилари ва архарлар, сайгаклар сони кескин камайиб кетди. Турон текислигига яшовчи хонгули (Бухоро бугуси) эса ноёб ҳайвонга айланниб қолди.

Турон текислигининг ўзгариши натижасида, ҳайвонот оламида ўзгаришлар юз берди. Тулки, қуён, жайрон ва бошқа ҳайвонлар ов

қилиниши оқибатида уларнинг сони камайиб кетди. Овчилар қуён, тулки, жайрон каби ҳайвонларни тунда автомобил чироқлари ёрдамида (кучли чироқ ёруғи кўзига тушгач, қоча олмайди) отиб йўқ қилишди. Туron текислигидаги эчкиэмарлар, кўзойнакли, кўлвор илонлар, қора бавур, булдуруқ каби қушлар ва бошқаларининг сони инсоннинг уларга бўлган салбий таъсири туфайли кескин камайиб кетди. Бу ҳолат ўз навбатида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилинишини тақозо қилмоқда. Ҳайвонларни муҳофаза қилиб, уларнинг табиатдаги мувозанатини сақлаб қолиш, тури ва сони камайиб кетаётганларини кўпайтириш учун овчилик ва балиқ овлашни тартибга солиш, қўриқхоналар ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини кескин яхшилаш керак. Ҳайвонлар яшайдиган жойларни яхшилаш, хўжаликларда ҳайвонлар учун табиий ўтлоқзорлар қолдириш, ҳайвонларни фойдали ва заарли гуруҳларга ажратиш, ҳайвонларни табиий фалокатлардан сақлаш, уларни акклиматизация ва реклиматизация қилиш (акклиматизация — иқлимлаштириш янги бир ҳайвонни, масалан, бўрини маълум ҳаёт шароитига мослаштириш), реклиматизация — қайта иқлимлаштириш, (ноёб бўлиб қолган ҳайвонларни кўпайтириб, ўша ҳудудга қайта мослаштириш), ҳайвонларни пестицидлар билан заҳарланишидан сақлаш борасида барча бирдек ҳарарат қилиши керак.

*Ҳайвонот оламининг инсон ҳаётидаги мавқеи.* Ҳайвонот олами табиатнинг муҳим таркибий қисми. У тугайдиган, лекин тикланадиган табиий бойлик ҳисобланади. Ҳайвонот оламининг табиатдаги аҳамияти ниҳоятда катта. Улар инсон учун озиқ, жун, тери, доривор маҳсулотни беради. Ҳайвонот олами тупроқнинг унумдорлигини оширишда, атмосферанинг газ таркибини, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишида аҳамияти беқиёс. Улар ўз ҳаракати билан ўсимлик уруғларини тарқатади, тупроқни органик ўғит билан бойитади.

Инсон ёввойи ҳайвонларни ўргатиб, уларнинг янги сермаҳсул зотларини яратади. Ёввойи қушлар гўшт ва пар беришдан ташқари, дала ва ўрмонларда ҳашаротларни йўқ қиласи. Қушлар ўзларининг жозибалиги билан одамларга завқ баҳш этади.

Ҳозир ёввойи ҳайвонларнинг 2 млн. тури маълум. Шу пайтгacha уларнинг бир қанчаси бутунлай йўқ бўлиб кетганлиги учун тиклаб бўлмайди. Табиатда сув ҳайвонлари катта ўрин тутади. Жумладан, балиқлар овқатдаги оқсил қийматининг 17—83 %ни ташкил қиласи. Бугун дунё бўйича йилига 80 млн. тонна балиқ овланади. Шундан 90 % океан балиғига тўғри келади. Мамлакатимизда турли хил балиқ маҳсулотлари тайёрланади.

Ҳайвонот олами икки хил йўл билан: табиий сабаблар ва инсоннинг таъсиридан йўқ бўлмоқда.

Ҳайвонлар ичидә ҳашаротлар ҳам мұхим ақамиятта эга. Унинг айримлари ўсимликларнинг заараркунандалари билан курашиб, гулларини чанглайды. Масалан, трихограмма — жуда кичкина ҳашарот бўлиб, у фўза кўсаги олма қуртларини ўлдиради, арилар гулларни чанглатади,чувалчанглар тупроқни ҳаво билан бойитади. Чумолилар бир қанча ўрмон заараркунандаларини йўқ қиласди. Моллюскалар ба-лиқлар ва қушлар учун озиқ ҳисобланади. Моллюскалар ўзидан сувни ўтказиб, уни турли лойқалардан тозалайди (47-расм). Кордиум моллюскаси Каспий денгизида бир кечако кундузда 15 л сувни нефт қолдиқларидан тозалайди.

*Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиши тадбирий чоралари.* Мамлакатимизда ҳайвонот оламини муҳофаза қилишга оид бир неча Қонун қабул қилинган. Уларда ҳайвонот оламидан фойдаланиш шартлари, муҳофаза қилиш тадбирий чоралари батафсил кўрсатилган.


## ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ МУХОФАЗАСИ

Ер ости бойликларидан маромида, исроф қилмасдан фойдаланиш лозим. Саноат чиқиндиларини халқ хўжалигига кенг фойдаланиш ҳам ер ости бойликларини ҳимоя қилишга киради.

*Инсонни муҳофаза қилиши.* Инсон табиатнинг бир қисми ҳисобланниб, жуда катта кучга эга ва табиатда яратувчиидир. Лекин шунга қарамай, инсон ҳам ер қимирлаш, сув тошқинлари, кучли бўронлар, совуқлардан, озиқ-овқат, турар жой етишмаслиги ва шунга ўхшаш ҳодисалардан муҳофаза қилинишга муҳтож. Юқорида келтирилган ва ҳозирги вақтда уларга қарши инсон кураша олмайдиган ҳодисалар кишилик жамиятига катта зарар етказмоқда. Касалликлар келтириб чиқарган ҳолда уларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

*Табиатни муҳофаза қилишда жамиятнинг мавқеи.* Табиатни муҳофаза қилишда жамиятнинг мавқеи ниҳоятда катта. Ҳозирги пайтда кўплаб ҳар хил табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари ташкил қилинган. Жамоа хўжаликларида ҳам бундай жамиятлар мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари бирмунча ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жамият аъзолари ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот олами, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликларидан тўғри ва самарали фойдаланишини назорат қилиб туришибди. Аҳоли ўртасида экологияни яхшилашга, табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбия ва тарғибот ишлари олиб бориляпти. Экологияга хос мұхитни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кишилик жамиятининг фаровон яшashi учун асос бўла олади.



47-расм. Ҳайвонларга таъсир этувчи омиллар.

## *V бөб. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ РАДИОЛОГИЯСИ*

Олимлар томонидан ўтказилған тадқиқотлар рентген нурлари ва табиий радионуклидларнинг радиоактив нур тарқатиши юқори биологик таъсирчанлигига эга эканлиги аниқланды. Бу XIX асрнинг охирида XX асрнинг бошларидан радиология фанининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу соҳада биринчи тадқиқотлар тибиёт радиологиясига оид масалалар юзасидан олиб борилди. Кейинчалик радиология имкониятини ортиб борганлиги туфайли у халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларидан, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигига радиоактив нурларнинг мутогенлик таъсири аниқланиши радиацион генетикани ривожланишига олиб келади. Ядро физикаси соҳасида очилган қашфиётлар атом қувватини ҳарбий ва тинчлик мақсадлари учун ишлатилишига ўйл очиб берди.

Қишлоқ ҳўжалиги радиологияси соҳасида илмий тадқиқотлар бирданига бир неча йўналишда олиб борилди. Радиоактив нурлар ҳужайранинг ўзгариши, биокимё жараёнларни бориши, ўсимликларнинг онтогенез (индивидуал ривожланиши) даврида ўзгарувчанлиги ва бошқа жараёнларга таъсир қилиши соҳасида тадқиқотлар ўтказилди. Ионлашган нурларнинг чорва моллари организмига таъсир қилиши ҳам кенг ўрганилди. Уран плутонининг ядро бўлиниш маҳсулотларининг озиқ-овқат таркибига кириб бориши (ўтиши) радиология соҳасида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилишини тақозо қиласди. 40—50-йилларда атом, водород қуролларини синовдан ўтказиш радиоактив моддаларнинг биосферага тарқалиши ва тупроқни радионуклидлар билан ифлосланишига олиб келди. Академик И.В.Курчатов «Агарда атом қуролларини синаш давом этаверса, келгуси авлоднинг бир неча миллиони ирсий нурланиш касаллигига гирифтор бўлади», деб башорат қилган эди.

*Ташқи муҳитнинг радионуклидлар билан ифлосланиши.* Одамларнинг ҳаёт фаолияти, саломатлиги ташқи муҳит ҳолатига боғлиқ. Ташқи муҳитга радионуклидлар салбий таъсир кўрсатади. Ядро қуввати халқ

хўжалигининг ҳамма тармоқларига (транспорт, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги) кириб бормоқда. Бутун дунёда қувват танқислигидан қутилишда ядро қувватига катта умид қилиняпти.

Ядро ёқилғисида ишловчи электр станция (кўмир, газ ва бошқа ёқилғилар билан ишловчи)ларга нисбатан афзалликларга эга. У атрофига кул, чанг, газ тарқатмайди, кислородни ютмайди, ташқи муҳитни ифлослантирумайди. Шунинг учун ҳам келажакда бутун дунё электрининг асосий қисмини атом станциялари ишлаб чиқаришига режалаштиришга мажбур бўлмоқда. Аммо кейинги йилларда ядро қувватидан ҳарбий мақсадлар учун фойдаланиш, тез-тез атом ва водо́рода бомбаларини синаш оқибатида биосферада радиоактив ифлосланиш юз бермоқда. Радиоактив ифлосланишнинг оддини олиш учун ундан ҳалқ хўжалигида фойдаланишда атроф-муҳитга радиоактив чиқиндилар чиқармайдиган янги назарий ва амалий технологиялар ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда.

*Табиий ва сунъий радиоактивлик.* Табиий радиоактивлик — ер юзасидан атмосферага (уран, радий, тори ва бошқалар) элементларнинг парчаланиши туфайли чиқадиган ва космик нурлар заррачаларини тарқалишидан иборат.

*Сунъий радиоактивлик* — руда қазиш, ташиб, ишлатишдаги баъзи камчилик, нуқсонлар, ядро ёқилғисини қайта ишловчи корхоналар, атом электр станциялари ва реакторларнинг ҳалокати ва бошқалар таъсирида вужудга келади.

Радиоактив моддаларнинг портлашидан пайдо бўлган чанг ва бошқа заарали элементлар атмосферага кўтарилиб, портлаш ҳудудига ёмғир сифатида бир неча соат давомида тушиб туради. Майда радиоактив чанглар ҳаво оқими билан бир неча минг километрга тарқалиб, беш кечакундузгача ер юзасига тушиб турар экан. Шунда майда радиоактив чанглар тропосферада уч ойгача, стратосферада 10 йилгача сақланиб, ер юзасига аста-секин тушиб туради.

Олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқот маълумотларига кўра, ядро портлашдан вужудга келган, радиоактив заррачаларнинг 30—40 % тропосферага, 60 % га яқини стратосферага кўтарилиб, ҳаво оқими бўйлаб ер юзининг барча ҳудудларига тарқалади.

## РАДИАЦИЯ МАНБАЛАРИ ВА ТАШҚИ МУҲИТИННИГ ИФЛОСЛАНИШИ. АТОМ, РАДИОНУКЛИД ВА РАДИАЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

*Атомнинг тузилиши.* Атом ўз хусусиятини сақлаб қолган кимёвий модданинг жуда кичкина қисми. Атом мураккаб тузилган, катталиги тахминан ( $10^{-8}$  см) унинг марказида мусбат зарядланган ( $10^{-13}$  см)

ядро ва ядро атрофида айланадиган манфий зарядли электронлар мавжуд.

Электронларнинг манфий зарядлари ядронинг мусбат зарядларига тенг бўлса, атом электр жиҳатдан нейтрал ҳисобланади. Ҳар қандай атом уч хил элемент заррачалар: протонлар, нейтронлар ва электронлардан иборат. Протон ва электрон турғун заррачалар, нейтрон эса фақат ядрода бўлганда турғун ҳисобланади. Атомнинг ядроси протон ва нейтронлардан иборат. Протон ва нейтронларни биргаликда нуклид (лотинча *nukleus* — ядро) дейилади. Нуклонлар мужассам ядро ҳосил қиласи ва доимо ҳаракатда бўлади. Уларнинг орасида жуда кам масофада тортиш кучи келиб чиқади ( $10^{-13}$  см).

Протон ҳар қандай атомнинг ядросига кирадиган мусбат зарядланган кичик заррача. Нейтрон фақат енгил водороднинг таркибида йўқ, чунки у битта протондан иборат. Нейтрон протондан заряднинг йўқлиги билан фарқланади. Энг оддий атом водородники ҳисобланади, у фақат битта протондан иборат. Битта кимёвий элементнинг ядросида бир хил протонлар бўлади, лекин нейтронлар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, кальций атомининг ядроси ( $^{40} 20 \text{ Ca}$ ) 40 нуклонлар, жумладан 20 протон, 20 нейтрон бор. Уларнинг атомининг ядросида ( $^{298} 92 \text{ И}$ ) 92 протон ва 146 нейтрон бор. Ядросида бир хил миқдорда протонлари бўлиб, лекин нейтронларининг сони бўйича фарқ қиласидан бир хил кимёвий моддаларга — кимёвий модданинг изотоплари дейилади. Масалан, изотоп сифатида водородни олиш мумкин. Бу модда учта изотопга эга, унинг иккитаси табиатда топилган (протий  $\text{H}^1$  ва детрий) учинчиси  $\text{H}^3$  — сунъий яратилган. Барча кимёвий элементлар изотоплари ядросини нуклиидлар деб номлаш қабул қилинган. Радионуклиидларга — маълум масса рақамига эга бўлган радиоактив ва ядроси маълум энергетик ҳолатга эга изомер атомлар киради. Радиоактив ҳар хил ядролар парчаланишида турли қувват ажратади. Радиоактив парчаланиш натижасида  $\gamma$ -кват ( $\gamma$ -парчаланиш), электрон ( $\beta$ -парчаланиш) ва позитрон ( $\beta +$  парчаланиш),  $\alpha$ -заррачалар ( $\alpha$ -парчаланиш) нурлари ажралади.

$\alpha$ -заррачалар қувватга бой, лекин уларнинг қаттиқ ва суюқ моддаларга ўтиши кўп эмас, миллиметрнинг юздан бир бўлакларидан иборат.

$\beta$ -нурланиш (электронларнинг) манфий зарядланган заррачаларнинг нурланиши. Электр майдонида улар манфий кутбга қараб бурилади. Уларнинг тезлигига ёруғлик тезлиги баробар. Ҳавога тарқалиши бир неча ўн сантиметрдан бир неча метргача боради (юмшоқ бўлинмада максимал тарқалиши бир неча сантиметрга боради).

$\gamma$ -нурланиш қисқа түлкінли электромагнит нурланишдан иборат.  $\gamma$ -нурлари электр ва магний майдонига қараб бурилмайды. У хусусиятига күра, рентген нурига яқин туради, лекин катта тезлик ва қувватға эга ёруғлик тезлиги билан тарқалади. Унинг квантларини ҳаводаги тезлиги 100 м/сек, юмшоқ түқималарда эса ўнлаб см. га боради. Ядро ўзгаришларнинг жадаллиги маълум вақт ичидаги миқдор билан белгиланади.

Радиоактив парчаланишни бирор бир усул билан тезлатиб ёки түхтатиб бўлмайди. Радиоактивлик деб радиоактив моддаларнинг маълум вақт ичидаги фаол ўзгаришлари сонига айтилади.

**Фаоллик бирлиги.** Узоқ вақт фаоллик бирлиги сифатида Кюри (Ки) ва унинг ҳосиллари пикокюри, нанакюри, микрокюри, милликюри, килокюри қўлланиб келинди. Кейинги йилларда кўрсатилган бирликлар билан бир қаторда илмий адабиётларда Си бирлик тартибида беккерел фаоллиги (Бк) ҳам ишлатилади.

Ионлашувчи нурланиш ва уларни ўлчаш бирлиги — ядро нурланишнинг муҳим хусусияти — атом ва молекулаларни ионлашиши ҳисобланади. Шунинг учун ядро нурланишни — ионлашган нурланиш деб юритилади.

Тирик организмларга ионлашган нур беришнинг радиобиологик самарадорлиги — 1 см<sup>2</sup> тўқимага ютилган қувват рентгенлар билан ҳисобланади. Ионлашган нурланишнинг биологияга хос самарадорлиги унинг мисқоли ва сифатига боғлиқ. Радиобиологияда нурланишнинг коэффициент сифати деган тушунча (К) бор. У турли ионлашган нурланишнинг биологик самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Нурланишнинг биологик самарадорлигини ҳисобга олиш учун эквивалент мисқол тушунчаси киритилган. Эквивалент мисқол қисқартирилган ҳолатда мисқол (доза) деб юритилади (Д). Д—ионлашган нурланишларнинг ( $\gamma$ ,  $\beta$ ,  $\alpha$ ) К—кўпайтмасига teng. Эквивалент бирлиги қилиб биологик эквивалент рентген (бэр) қабул қилинган.

$$1 \text{ бер} = 1 \cdot 10^2 \text{ Дж/кг. га} \text{ тенг}$$

Мисқолнинг қуввати сифатида Р/с, бэр/с, Зв/с қўлланилади. СИ тизимида эквивалент мисқол зиврет ишлатилиши мумкин — 1 зв=100 бэр. Кўрсатилган бирликларнинг ҳосилалар қувват бирлиги сифатида миллибэр соат (мбэр/с): микробэр соат (мкбэр), рентген соат (р/с), миллирентген соат (мр/с), микрорентген соат(мкр/с), зв зиврет (зв/с) қўлланилади.

*Табиий радиация асоси.* Ер юзидағи ўсимликлар ва ҳайвонлар до-

имо табиий ионлашган нурланиш таъсири остида бўлади. Табиий радиация коинот (юлдузлар оралиқларидағи масофа ва қуёш галактикасидан иборат), тупроқ, сув, озиқа ва ҳаводаги радионуклидларнинг ионлашган нурланишидан ҳосил бўлади.

*Радионуклидларнинг табиатда тарқалиши.* Ҳозирги пайтда биосфера радиофаолликни келтириб чиқарадиган 60 дан ортиқ радионуклидлар маълум. Улар келиб чиқишига кўра, икки гуруҳга бўлинади: коинот радионуклидларига (водород ( $^3\text{H}$ ), беиллий ( $^{7}\text{Be}$ ), углерод ( $^{14}\text{C}$ ), натрий ( $^{22}\text{Na}$ ) ва табиийларга — радионуклидларга бўлинади. Уларга ( $^{235}\text{U}$ ,  $^{238}\text{U}$ ), торий ( $^{232}\text{Th}$ ), калий ( $^{40}\text{K}$ ) ва рубидий ( $^{87}\text{Rb}$ ) изотоплари киради.

Ўсимлик ва ҳайвонларда табиий радионуклидларнинг мисқоли тупроқдагига нисбатан анча кам, бунга сабаб кўп радионуклидлар ўсимликлар томонидан кам ўзлаштирилади. Бундан  $^{40}\text{K}$   $^{14}\text{C}$  мустасно, ўсимликлар уларни кўп ўзлаштириди. Радионуклидлар атмосферага тоғ жинсларининг нураши, органик моддаларнинг парчаланиши ва бошқа йўллар билан тарқалади.

Шундай қилиб, табиий радиация ердаги барча мавжудотлар учун экологик омил ҳисобланади. Табиий радиациянинг ўсимлик ва ҳайвонлар учун мавқеи аниқланмаган. Бу ҳақда эволюция даврида ўсимликлар табиий радиацияга мослашиб қолган, ҳатто у ўсимликлар ва ҳайвонлар организмига фойдали таъсир қиласи, деган фикрлар ҳам бор. Лекин шунга қарамай, табиий радиация турли хил шишлар, мутациялар ва хромосомаларнинг заарланишлари ўз-ўзидан келиб чиқишига сабабчи ҳисобланади.

*Табиатнинг радиоактив моддалар билан ифлосланиши. Ядро портлашида радиоактив маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши.* Ядро портлаш маҳсулотлари икки хил ядро ўзгаришлар натижасида юзага келади: биринчи вақт атом бомбаларини яратишда, иккинчи вақт уларни портлаш вақтида ҳосил бўлади. Биринчи вақтда урандан ( $^{293}\text{U}$ ) ёки плутония — ( $^{239}\text{Pu}$ ) ва реактордан олинган урандан ( $^{238}\text{U}$ ) катта қувват ажralади. Кейинчалик гелийнинг икки енгил элементини синтезлаш (водород ва трития) натижасида водород бомбаси яратилган, ундан катта қувват ажralган. Радионуклидлар билан атмосферанинг ифлосланиши унча кўп бўлмаса ҳам, канал, йўл ва бошқа мақсадлар учун ядро портлатишлар натижасида бўлиши мумкин.

*Ядро портлаши маҳсулотларининг айрим ва кўп жойга тушиши.* Ядро портлатишлар оқибатида биосферанинг ифлосланиши кузатилади. Бунга бомбаларнинг ер юзида портлаши сабаб бўлади. 20 килотонн кучга эга бўлган ядро портлашида диаметри 80—90 метрлик, теранлиги 18—20

метрлик чукур ҳосил бўлади. Портлаш натижасида ҳосил бўлган ядро доирасининг совишида радиоактив заррачалар қуюқлашиб, унинг маҳсулоти атрофига чўкади. Заррачалар (5 мкм ва ундан кичик) тропосферанинг юқориги қатламларига (10—18 км) тарқалади.

Катта ядро портлашда (1 мега тонна ва ундан кўп) заррачалар стратосферага (атмосферанинг тропосфера устидаги қалинлиги 8—55 км) тарқалади. Бу кўп жойга (глобаль) тарқалишга киради. Стратосферадан радиоактив заррачалар жуда секин 15—25 км 0,3—2,0 йил давомида тушади. Узок вақт тушиши натижасида қисқа ва ўртача яшовчи нуклидлар радиоактивлигини йўқотиб, фақат узоқ яшовчи радионуклидлар  $^{90}\text{Sr}$  ва  $^{137}\text{Cs}$  пастга ер юзига тушади, уларни адабиётларда (глобаль) барча жойга тарқалувчилар дейилади.

*Саноат реакторлари ва атом станцияларининг портлаши оқибатида табиатнинг радионуклидлар билан ифлосланиши.* Кўп йиллик тажрибалар саноат реакторларининг қурилмалари маромида ишланганда, атмосфера радиоактив чиқиндилар билан ифлосланиши жуда кам. Бунда радиация 4 % кўпаяди, холос. Бу бутун дунё бўйича ҳисобланган кўрсаткич. Реакторлар ва АЭСлар атрофида радиация кучли бўлади. Лекин қанчалик эҳтиёткорлик қурилмасин, турли хил талафотлар бўлиб турибди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, фақат атом электро қурилмаларини ишлатиш даврида 300 дан ортиқ талафот рўй бериб, радионуклидлар катта миқдори атмосферага тарқалган.

Табиатни ифлосланишга олиб келган талафотларга Уиндскейле (Англия) ва Чернобил (Украина) АЭСларидаги портлашлар ҳисобланади. Уиндскейле реактори портлашида 4 кун давомида (1957 йил 8—12 октябр) 150 дан ортиқ биологик каналлар ишдан чиқсан. Англиянинг катта майдони ва қўшни давлатлар (Бельгия, ГФР, Голландия, Норвегия, Дания) зарар кўрди.

Чернобил АЭС реактор тўртгинчи блокининг портлаши (1986 йил 26 апрел) натижасида, жуда кўп радиоактив моддалар атмосферага тарқалди. Энг кўп тарқалиш биринчи 2—3 кунда бўлди. Радиация даржаси 27 апрелда 1000 мР/соат (миллирентген соат) тарқалиш доираси 5—10 км, баландлиги 200 метрни ташкил қилди, 27 апрелда 500 мР/с, тарқалиши 30 км, баландлиги 1250 метрни ташкил қилди. Кейинги кунлари тарқалиш баландлиги 200—400 метрдан ошмади. Об-ҳавонинг ёмон бўлиши ва радиоактив моддаларнинг юқорига кўтарилиши Украина, Белоруссия ва Россиянинг жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқлари атмосферасининг ифлосланишига олиб келди.

Шимолий фарбдан эсган кучли шамол талафотнинг биринчи кунлари радиоактив моддаларни Финляндия, Марказий Швеция, кун-

нинг иккинчи ярмида ўз йўналишини ўзгартириб, Польша, ГФР, Швейцария, Италия ва бошқа давлатларга тарқатди. Чернобил-нинг 30 км атрофидаги аҳоли кўчирилди. Юқори радиация туфайли 150 минг  $\text{km}^2$  майдонда одам яшаш мумкин бўлмай қолди. 100 йил давомида 500  $\text{km}^2$  майдонда яшаш мумкин эмаслиги аниқланди.

Хуллас, ердаги барча мавжудотлар доимо узлуксиз ҳолда табиий радиация таъсирида бўлади. Табиий радиация ниҳоятда ҳар хил. Айрим туманларда маромидан 10—100 бор ортиқ бўлади. Ядро қуролларини синаш учун ўтказилганида радионуклиidlар билан ифлосланиши табиий радиациянинг 10 % дан ортмайди. Ядро реакторларини маромида ишлашида атмосферанинг радионуклиidlар билан ифлосланиши жуда кам, лекин талафот рўй берганда кўп бўлиши мумкин.

*Радиоактив аэрозолларнинг ўсимлик ва тупроққа тушиши.* Радиоактив аэрозолларнинг асосий манбаи ядро портлашлар, атом электростанцияларининг талафотга учраши ҳисобланади. Радиоактив аэрозоллар аста-секин биосферани ифлослайди. Ўсимликлар очиқ майдонларда етиширилганлиги учун улар амалда радиоактив ёғинлардан ҳимояланмай қолади. Ўсимликлар икки хил йўл билан: ҳаводан ер устки қисми ва илдизи орқали тупроқдан ифлосланади.

Ўсимликнинг ер устки қисми атмосферадан келадиган радиоактив ёғинлар туфайли заарланади. Радиоактив ёғинларнинг манбалари, шаклланишига қараб, уларнинг ёғиш характеристи, физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда табиатга тарқалиб, ифлослантириш даражаси турлича бўлади. Радиоактив моддалар портлашининг биринчи куни яқин атрофга тушади ёки атмосферанинг юқори қатламлари стратосфера ва траопосфера ҳавзаларида ушланиб қолади.

Куввати 1 мега тоннадан кам ядро портлаш ер юзидан бўлганда, уни 80 %, ҳавода бўлганда эса 100 % тропосфера чўкиндисини ташкил қилади. 1 мега тоннадан кўп бўлганда, радиоактив моддаларнинг озорқ қисми стратосфера ҳавзасида, ҳавода портлагандаги 99 %, ерда портлагандаги 20 % қолади. Радиоактив портлаш рўй берган жойлардаги моддалар куйиб, кулга айланган тупроққа айланади.

Стратосфера ва тропосфера ҳавзалари радиоактив аэрозолларни бутун дунёда тарқалишининг манбаи ҳисобланади. Тропосфера ҳавзаси нисбатан тез тозаланади. 2—3 ҳафтада ярим қисми тозаланади. Тропосфера радиоактив аэрозолларининг узоқ туриши 30 кундан ошмайди. Стратосфера ҳавзаси эса деярли секин тозаланади. Радиоактив моддаларнинг стратосферада бўлиши портлаш куввати, баландлиги, географик кенглиги, йилнинг фасли, метеорология шароити

тига боғлиқ. Шимолий қутбда портлатилганда радиоактив аэрозолларнинг туриши 6 ой, ўрта кенгликда эса 2—3 йилга боради.

*Радиоактив аэрозолларнинг ер юзига тушиши.* Ядро ер устида портлагандан сўнг атмосферанинг пастки қатламидаги радиоактив моддалар бир неча соат давомида унинг юзига тушади. Бу радиоактив заррачаларнинг нисбатан йириклигини кўрсатади (1—0,01 мм).

Олдин энг йириклари, кейин майда заррачалар ер юзига тушади. Радиоактив аэрозоллар тупроқ, сув, ўсимликлар устига атмосфера даги турли ҳодисалар (ёғинлар, гравитация кучи, ҳавонинг тик оқими — турболент, диффузия ва бошқалар) оқибатида тушади. Стратосферадаги радиоактив аэрозоллар тропосферага ўтиб, ундан кейин ер юзига, асосан, атмосфера ёғинлари орқали чўкади.

Нуклиидларнинг чўкиши икки хил: «хўл» ва «қуруққа» бўлинади. Биринчидан, радиоактив моддалар ёмғир, қор билан, иккинчисида гравитацион кучлар, шамолнинг тик оқими билан ер юзига тушади. Радиоактив аэрозолларнинг «хўл» ва «қуруқ» чўкиш нисбати ҳудуднинг иқлимига боғлиқ.

Радиоактив аэрозолларни ер юзига тушиши йилнинг фаслига ҳам боғлиқ бўлиб, асосан, баҳорда, куз ва қишга нисбатан кўпроқ тушади. Баҳорги 4—5 ой давомида йиллик радионуклиидларнинг 60 % ерга чўкади. Радионуклиидларнинг ерга тушиш тезлиги 1 км<sup>2</sup> кюри билан ифодаланади.

*Экинларнинг барглари орқали озиқланишида радиоактив ифлосланиши.* Стратосфера ва тропосферадан ёғинлар туфайли ерга тушган радиоактив заррачалар ўсимликларга сингадиган шаклда бўлишилиги аниқланади. Атмосферадан ўсиб турган ўсимликлар устига тушган радиоактив заррачаларнинг барчаси ушланиб қолмайди. Уларнинг бир қисми тупроқ юзига тушади. Биринчи марта ўсимлик устига тушган радиоактив моддаларнинг 95 % гачаси ушланиб қолиши мумкин. У ўсимлик қалинлигига, тузилишига, об-ҳавога боғлиқ. Дала экинлари устига тушган радиоактив заррачаларни бир хилда ушлаб қолмайди. Ўсимликларни ифлослантиришда радиоактив моддаларнинг физик-кимёвий ҳолатига ҳам боғлиқ. Заррачалар қанча катта бўлса, ушланиши шунчалик кам бўлади. Ўсимликлар ҳосилининг қимматбаҳо (товар) қисми ҳаётининг охирида, уларнинг барг ва пояларида ушланиб қолган радиоактив заррачалар билан заарланади.

*Радиоактив ифлосланишининг дала шароитида йўқолиши.* Ўсимликларнинг радиоактив ифлосланиши дала шароитида ёғингарчилик, шамол таъсирида камайиши мумкин. Одатда, ёғингарчилик ва шамол таъсиридан ўсимликлардаги радиоактив заррачаларнинг 50 %

камаяди. Ўсимликларда радиоактив заррачалар биринчи куни кўп, кейинчалик камроқ қолади. Ўсимликларда радиоактив заррачаларнинг камайиши мураккаб жараён. Ўсимлик билан мустаҳкам биримаган радиоактив заррачалар дастлаб, мураккаб бирлашганлари эса кейинроқ тушиб кетади.

Ўсимликларнинг радиоактив ифлосланиши заррачалар тушган ва ҳосилни йиғиб олиш ўртасидаги вақтга боғлиқ. У қанча қисқа бўлса, ифлосланиш шунча кам бўлади.

*Ҳосилнинг радиоактив ифлосланиши.* Радиоактив заррачалар билан ифлосланиши қанча узоқ бўлса, ўсимликларнинг ҳосили шунчалик кўп зарар кўради. Ҳосилнинг заарланиши радиоактив заррачаларнинг таъсир қилган вақтига боғлиқ. Донда энг кўп заарланиш фалла экинларининг гуллаш ва сут пишиқлик даврига тўғри келади.

Ўсимлик ҳосилига таъсир қилиши радиоактив заррачаларнинг хилига ҳам боғлиқ. Ҳосил таркибидаги радиоактив заррачалар вақт ўтиши ва ўсимликларнинг айрим қисми тўқилиши билан камаяди. Радиоактив заррачалар ҳўл бўлганда, ўсимлика кўпроқ шимилади.

*Ўсимлик ва тупроқ таркибидаги радионуклиидларнинг ҳолати.* Радионуклиидларнинг биологик айланиши. Атмосферадаги радионуклиидлар пировардида тупроқда тўпланади. Улар бир неча йилдан сўнг ўсимлик орқали ҳайвонлар ва одамлар озуқасига ўтади. Чернобил АЭС-нинг талафотидан икки йилдан кейин, радиоактив моддалар ерга тушгач, ўсимликларга ўтганлигини кўрсатди.

Радионуклиидлар тупроқдан ювилиб, ер ости сувларига ўтиши мумкин. Тупроқда бир неча ўн йил сақланиб, ўсимликларга ўтиш ҳолатини давом эттираверади. Шундай қилиб, радионуклиидлар тупроқнинг ҳайдов қатламида тўғланиб, биологик айланиш ҳосил бўлади. Радионуклиидлар тупроқнинг сингдириш мажмуасида (комплексида) қанчалик мустаҳкам жойлашса, уларнинг ҳаракатланиши, ювилиши ва ўсимликка ўтиши шунча кам бўлади.

*Чорва моллари танасига радионуклиидларнинг ўтиши ва ўзгариши.* Ҳайвонлар танасига радионуклиидлар, асосан, ўсимлик озиқлари, нафас йўли, териси орқали ўтади. Радионуклиидларнинг ҳайвонлар танасига ўтиш даражаси бир хил эмас. Масалан, радионуклиидлар тушиш пайтида қорамоллар яйловларда бўлса, озиқ орқали 1000, нафас олиш йўли орқали 0,0001 (нисбий бирлик) ўтади. Демак, радионуклиидларнинг ҳайвонлар танасига озиқ орқали ўтишини камайтириш чоралари кўрилиши лозим.

*Радионуклиидларнинг ҳайвонлар танасидан чиқиб кетиши.* Радионуклиидлар ҳайвонлар танасидан овқат йўллари орқали чиқиб кетади.

Бу ҳолат, асосан, күпчилик радионуклидларга оид. Бундан иоднинг изотоплари мустасно, улар фақат буйрак орқали ажралади. Ахлати билан ажралиши озиқ йўлларида суримишига боғлиқ.

Ўсимлик ва чорва маҳсулотларининг радионуклидлар билан ифлосланишини олдиндан аниқлаш. Ўсимлик маҳсулотларига радионуклидлар тарқагандан сўнг, иккинчи ва кейинги йиллари, асосан, илдизлари орқали ифлосланади. Бунда қисқа вақт яшайдиган (турадиган) ядро заррачалар бутунлай парчаланиб кетади, ўртacha яшайдиганларнинг биологик ҳаракатчанилиги паст, шунинг учун улар ўсимликларга тупроқ орқали ўтиши жуда кам. Ўсимлик маҳсулотларини стронций (90 sr) ва цезий (137 Cs) билан ифлосланишини олдиндан белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимлик маҳсулотларида (дон, тугунак илдизмеваси ва ҳоказолар) радионуклидлар бўлиши ҳудуднинг ифлосланиш даражаси ва тупроқ турига боғлиқ. Радионуклидларнинг тупроқдаги миқдори ортиб борган сари, улар ҳосил таркибида кўп тўпланади. Шуни ҳисобга олиш керакки, қишлоқ хўжалиги экинларида бир хил миқдордаги алмашинадиган кальций ва тупроқнинг синдириш мажмусида бир хил асос бўлганда, радионуклидларнинг ўсимлик маҳсулотида тўпланиши об-ҳаво шароитига, етиштириш технологияси даражасига қараб 1,5—5 мартағача ўзгариши мумкин. Демак, ўсимлик маҳсулотларини радионуклидлар билан ифлосланиш ҳудудининг радиоактивлик даражасига қараб аниқлаш нисбий ҳисобланади. Аниқ маълумот олиш учун майса ундириш услугидан фойдаланиш яхши натижада. Бунинг учун ернинг ҳайдов қатламидан тупроқ намунасини олиб, уруғ экиласди, майса 20 кунлик бўлгач, қирқиб қуритилади сўнг радионуклидлар миқдори аниқланади. Олинган маълумот ўтказиш коэффициентига кўпайтирилиб, ҳосилнинг таркибидаги радионуклидлар миқдори топиласди.

Чорва маҳсулотлари таркибидаги радионуклидларнинг миқдорни тўла таҳдил (анализ) қилиш йўли билан аниқлаш мумкин. Ифлосланиш 1 Кі/км<sup>2</sup> бўлганда, мол гўштида <sup>90</sup>Sr 0,06, чўчқа гўштида — 0,02, қўй гўштида — 0,01, тухумда — 0,002, мол сутида — 1,0; шунга мувофиқ <sup>137</sup>Cs нинг миқдори: 1,4; 0,8; 2,2; 0,003; 0,4 н<sup>Ки</sup>/кг (нанакюри/кг) бўлади. Чорва маҳсулотларининг ифлосланиши радионуклидларнинг тушиш тезлигига ҳам боғлиқ. Радиоактив <sup>137</sup>Cs одам танасига, асосан, гўшт ва сут орқали ўтади.

*Радиоактив нурларнинг ўсимлик маҳсулотлари сифатига таъсирни. Нурланган ўсимлик маҳсулотларининг сифати, уларнинг ҳосили нурланмаганга нисбатан 34—40 % гача камайишига қарамай, деярли ёмон-*

лашмайди. Буғдой дони таркибидаги клейковина миқдори массаси-нинг бирлигига камаймаган. Лекин ҳосилни камайтириш туфайли клейковинанинг ялпи миқдори камайган. Кунгабоқар ўсимлигининг меваси авжи ривожланишида 3—10 кР берилган нур уруфини мойи деярли (8—27 %) камайган. Бунга сабаб кунгабоқар саватининг ўтрасидаги уруғлари четкіларига нисбатан анча кейин етилади. Демак, нурлашнинг таъсири ўсимликнинг ривожланиш фазасига ва радиоактив нурнинг қувватига боғлиқ. Картошкага унинг шоналаш-гуллаш фазасида 7—10 кР нур берилганида ҳосили камаймаган, ундан барвақт берилгандан эса 30—50 % камайган. Бундан ташқари, картошкага тугунағининг күртаклари күкармайдиган бўлиб қолган. Бунинг боиси күртак ҳужайраларининг нурланишга чидамсизлигидир. Лекин мазаси бўйича күртаклари күкармайдиган — нурлар тугунағларнинг нурланмаганларидан мутлақ фарқ қўлмайди. Нурланган картошканинг озиқ қимматини пасайтирасдан, бир-икки йил сақлаш мумкин. Бу амалий аҳамиятга эга.

*Уруғларнинг униб чиқиши сифати.* Ўсимликларга нур берилгандан унинг ҳосили камайиб қолмай, ҳатто шаклланаётган уруғларнинг униш қобилияти пасаяди.

Ўсаётган ўсимликларга радиоактив нурлар турлича таъсир қиласди. Масалан, буғдой ўсимлигига унинг туплаш ва найга чиқиш фазасида нур берилгандан, ҳосили кескин камаймагани билан уруфининг униб чиқиш қобилияти пасайган, ундей уруғларни экиш мумкин эмас.

Буғдойга сут пишиқлик фазасининг бошланишида (уроф шаклланаётган пайтда) юқори (1000 Р (Р—ренген) ва ундан кўп) нур берилгандан ҳосили камаймаса-да, лекин уруфининг униш қобилияти кескин қисқарган.

Ўтказилган текширишлар буғдой, арпа, жавдар, бошоқ олиш, гуллаш, сут пишиқлик, картошкага гуллаш, тугунағ ҳосил қилиш фазаларида нур бериш уроғ сифатининг пасайишига олиб келади. Бундай уруғлар экишга ярамайди. Масалан, кузги буғдой, жавдарга майса ҳосил қилиш, туплаш фазаларида 1000 Р, найга чиқиш, гуллаш фазаларида 2500 Р, баҳори буғдой, арпага майса ҳосил қилиш, найга чиқиш, бошоқ олиш фазаларида 7000 Р, гуллаш фазасида 2500 Р, маккажӯхорига рўвак чиқариш, гуллаш фазаларида 7000 Р, нўхатга майса ҳосил қилиш, шоналаш, гуллаш фазаларида 23500 Р, пишиш фазасида 20000 рентген нурлари берилгандага уларнинг уроғи экишга яроқсиз бўлиб қолган. Чунки дала шароитида униб чиқиш қобилияти 50 % дан кўпроққа камайиб кетган.

*Ўсимлик маҳсулотлари етиштиришда радиоактив нурлардан фойдаланиш.* Ядро қуввати қишлоқ хўжалигида ўсимлик маҳсулотлари етиштиришда кенг қўлланилади. Айниқса, ионлашган нурлар билан ўсимликларнинг биологик хусусиятларига таъсир қилиш муҳим касб этмоқда. Ҳозирги вақтда ионлашган нурларнинг ўсимлик маҳсулотлари етиштиришда қўлланишни тўрт йўналиши аниқланган:

1) селекция ишларида мутациялар олиш ва мутагенларни янги нав яратишда фойдаланиш; 2) уруққа экиш олдидан нур бериш билан дала экинлари ҳосилини ошириш; 3) ўсимлик маҳсулотларининг сифатига зарар етказмаган ҳолда уларни сақлаш муддатини узайтириш. Шунингдек, ўсимлик маҳсулотларини сақлаш даврида ҳашарот ва касалликларга қарши курашиб; 4) ўсимликларнинг тупроққа берилган ўғитлардан макро ва микро озуқа моддаларни фойдаланиш даражасини оширишда радиоактив индикаторлардан кенг фойдаланиш.

Радиациялар мутагенез селекция ишларида келажак учун асосий услуг бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда ионлашган радиация селекцияда юқори ҳосилли, касалликка, қурғоқчиликка чидамли навларни яратишда кенг қўлланмоқда. Мутантларга ионлашган радиация таъсир қилиш билан 150 дан ортиқ экин навлари олинган. Мутацияларнинг ҳосил бўлиши нур бериш шароитига, чунончи нур бериш мароми, қуввати, ионлашган нурнинг турига боғлиқ. Радиацияли селекцияда берилган нур ўсимликнинг 70 % ни ҳалок қилиши лозим (*критик – кескин ҳолат*) тирик қолган 30 % бир қанча мутация беради.

*Табиатнинг радионуклиидлар билан ифлосланишини назорат қилиш.* Табиатнинг радиоактив ифлосланишини назорат қилиш — ядро ёқил-филари ишлатиладиган корхоналарда, атом электрстанцияларида, тамғаланган (меченние) атомлар, ионлашган нурланишлар устидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, бундай назорат ишлари ядро қурилмаларида, атом станцияларида талафот рўй бериши натижасида, ядро парчаланиш маҳсулотлари жадаллик билан чўкаётганида кенг миқёсда олиб бориляпти. Талафот рўй бергандага назорат ишлари жадаллик билан бажарилади.

Ядро қуввати тараққий қилган бир пайтда инсон ва атроф-муҳитга радиоактив моддаларнинг ионлашган нурланиши таъсир қилишига дунё миқёсидаги муаммо сифатида қаралмоқда. Сунъий ва табиий радиоактив моддаларнинг тарқалиши бисоферадаги барча мавжудотларнинг қўшимча нурланишига олиб келади. Бу микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларга радиация таъсирининг маромларини аниқлаш заруриятини келтириб чиқарди. Ҳозирги замон радиация

маромларини белгилашда унинг инсонга бўлган таъсири асос қилиб олинган. Чунки инсон радиоактивликка берилувчан бўлганлиги учун унинг саломатлигини сақлаш мұхим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги пайтда нурланишнинг қуйидаги табақалари белгиланган: А — ишчи-хизматчилар (персонал); Б — аҳолининг чегараланган қисми; В — вилоят, республика ва мамлакат аҳолиси яшайдиган ерлари.

Нурланишнинг асосий мисқоллари ва энг кўп мумкин бўлган коэффициент (ЭМК) — ҳар қайси нурланадиган шахста икки мағомда белгиланади: асосий мисқол чегараси ва йўл қўйилган мисқол чегараси.

Табиатнинг радионуклидлар билан ифлосланиши маҳсус асбоб-ускуналар ёрдамида назорат қилиб борилади. Уларга дозиметрлар (мисқолловчилар) ва радиометрлар киради. Дозиметрлар ёрдамида рентген ( $P$ ) ва ( $\gamma$ ) нурланишлар, радиометр билан эса жойлардаги радиоактивлик ва уларнинг таъсир қилиши назорат қилинади. Радиометрик ва дозиметрик асбоблар тузилишига кўра, чўнтакда олиб юриладиган, кўчириладиган бўлиб, маълум жойнинг атроф-муҳитини, тупроғини, бинолари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ем-ҳашаклари, сувлари ва ҳоказолар гамма нурланиши ( $\gamma$ )ни назорат қиласди.

## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ер — барча бойликлар манбаи. Шунинг учун ҳам уни ҳимоя қилиш лозим. Мамлакатимизда ердан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йили «Ер тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонунга биноан ерни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Илгари ер жамоа ва давлат хўжаликлариға қарашли эди. Ҳозир ерлар фуқароларга, жамоа, ширкат хўжаликлариға, ижаракчиларга ва бошқа корхоналар ихтиёрига фойдаланиш учун берилмоқда. Эндиликда уни ер эгалари ҳимоя қилиши лозим. Улар, айниқса, ерни сув, шамол эрозиясидан, қайта шўрланишдан, ботқоқланишдан, қотиб кетишдан, кимёвий радиоактив моддалар каби турли ишлаб чиқариш қолдиқлари билан ифлосланишдан, майда яроқсиз дарахтлар, чангалақ, тиканлар босиб кетишидан асрashi керак.

Коллежни битирган мутахассислар «Экология муҳитини соғломлаштириш тўғрисида»ги Қонунни яхши билишлари ва унга амал қилишлари лозим. Унда мамлакатимизнинг айрим жойларида экология инқизорлари рўй бераётганлиги таъкидланган. Шунга қарамай, Ўзбекистонда бу борада соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Хозирги вақтда Россиянинг бир қанча ҳудудлари — Қалмиқстон, Волга, Дон дарёлари, Каспий денгизи бўйи экология инқирозига яқинлашмоқда. Маҳсулотларнинг бир қисми турли заҳарли дорилар, нитратлар, радионуклидларлар билан зарарланганлиги туфайли истеъмол қилиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолаётир. Турли аллергия, онкология касалликлари кўпаймоқда.

Ўсимликларга маромидан ортиқча минерал ўғит бериш маҳсулотларда нитрат ва нитритларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Ундан маҳсулотларни истеъмол қилган одамлар, ҳайвонлар заҳарланмоқда. Шунинг учун ўсимликларга бериладиган минерал ўғитлар қатъий назорат остида, кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда берилиши лозим.

Тупроқ эрозияси ҳам катта заарар етказмоқда. Юқорида қайд қилинган Қонунларда эрозияга учраган ва учраш хавфи бўлган ҳайдаладиган ерлар 152 млн. га, ўтлоқлар ва яйловлар 175 млн. гектарни ташкил қилиши кўрсатилган. Жарликларнинг узунлиги бир неча миллион километр бўлиб, улар ҳамон узаймоқда. Эрозия туфайли ҳар йили тупроқнинг энг унумдор қисми гумуснинг ювилиб кетиши 100 млн. тоннага бораётпи. Саноат чиқиндиларининг миқдори тобора ортиб бораётир. Ер хавфли моддалар билан ифлосланиши оқибатида унинг анча қисми қишлоқ хўжалиги учун, яъни экин экишга яроқсиз бўлиб қолган.

*Биологик деҳқончилик.* Кўпгина мамлакатларда биологик деҳқончиликка (буни органик деҳқончилик тартиби ҳам деб юритилади) катта аҳамият берилмоқда. Унда минерал ўғитлар, заҳарли дорилар қўлланилмайди ёки жуда кам миқдорда ишлатилади. Унинг аҳамияти шундаки, етишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати кескин яхшиланиб, табиатнинг ифлосланиши камаяди, тупроқ унумдорлиги ошади.

Биологик деҳқончилик Франция, АҚШ, Англия, Нидерландия, Германия, Швеция, Австрияда кенг қўлланилмоқда. Бундай деҳқончилик тартибининг бирлашмаси ташкил қилинган, унга 50 дан ортиқ давлатлар киради.

Биологик деҳқончилик хусусида сўз борганда, инсон ўсимликларнинг минг йиллик давр таъсирида рўй берадиган ер—ўсимлик—ҳайвонот дунёси ва улар ажратадиган чиқиндиларнинг ерга тушадиган табиий органик ўғитлари билан мулоқотда бўлади.

Ер ҳайвонот гўнги билан бойиганда, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши таъминланади. Гўнг таркибида ўсимлик учун зарур калий, азот ва фосфорнинг 70—80 % мавжуд. Тупроқ унумдорлиги-

ни айнан ана шу моддалар оширади. Шунинг учун ҳам чорва моллари гүнги ва бошқа чиқиндиларни тूла йиғиб олиш, чиритиб ерга солиш лозим. Шу билан бирга қышлоқ хўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитлар ва заҳарли моддаларни сақлаш ҳамда уларни тўғри ишлатишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим.

Биологик деҳқончилик шароитларидан яна бири — табиий яйловларда бокилидиган моллар сонини кўпайтириб юбормаслик, уларнинг маҳсулдорлигини камайтирмаслик, ҳатто ошириш масалаларини ишлаб чиқиши керак. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунларда сув манбаларининг 2/3 қисми талаб қилинган маромматларга жавоб бермаётганлиги, ер ости сувларининг ифлосланаётганлиги қайд қилиб ўтилган.

1991—1995 йилларгача ичиладиган сувлар ва маҳсулотлар тозалигини таъминлаш ҳамда барча хўжаликларни экология бўйича паспортизациялаш (муҳрлаш) масаласи қўйилган эди. Молларни бевосита дарё, кўл, ҳовузлардан суғоришга йўл қўймаслик лозим. Сув ҳавзалари атрофида эҳтиёт ҳудудлари ташкил қилиш ва уларда суғориш майдончалари барпо қилиш ҳамда маҳсус қурилмалар билан сув бериб туриш керак.

Қышлоқ хўжалиги ҳудудларида ёввойи ҳайвонлар ҳам яшайди. Уларга етарли экология шароити яратиб бериш долзарб масала ҳисобланади. Қышлоқ хўжалиги табиатини муҳофаза қилишнинг хусусиятлари шундаки, у тикланадиган ўсимлик ва ҳайвонот олами бойликларини кўпайтиради.

## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мамлакатимизда ер, ер ости бойликлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсидан самарали фойдаланиш, уларни илмий асосда ҳимоя қилиш, сув ва ҳавонинг тозалигини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Конституцияда келтирилган талаблар асосида олиб борилади.

Табиат бойликларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тиклашга оид жуда кўплаб меъёрий хужжатлар қабул қилинган. Қонун ва қарорларда ер, ўрмон, ер ости бойликлари давлат мулки сифатида эътибор этилиб, уларни муҳофаза қилиш кўрсатиб ўтилган. Ер ҳақидаги Қонунда ундан фойдаланишни тўғри олиб бориш, унинг ишлаб чиқариш қобилиятини тартибли равишда ошира бориш, у умумхалқ бойлиги эканлиги таъкидланган. Шунинг учун ҳам уни шўрланиш, ботқоқланиш, сув, шамол эрозиясидан ва бошқа салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш борасида вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан ви-

лоят ҳокимликлари, давлат қўмиталари ва бошқа маҳсус ташкилотлар шуғулланади. Давлат агросаноат комплекси ўфит, кимёвий моддалар, мелиорация ишлари, ер бойликлари, тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилишни назорат қилиб боради.

Ўрмон бойликлари ва уларни тиклашни — Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси; ер ости бойликларидан фойдаланишни — Геология вазирлиги; сув бойликларидан фойдаланиш, уларни ифлосланишдан ҳимоя қилиш ишларини — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; табиатнинг тозалиги, уни муҳофаза қилишни — Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш Қонунларининг бажарилишини Вазирлар Маҳкамаси қошидаги доимий комиссия назорат қилиб боради. Ўзбекистонда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ташкил этилиб, бу соҳада муҳим ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ер, сув, қазилма бойликлари, тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва атмосферани муҳофаза қилиш юзасидан катта ишлар амалга ошириляпти.

*Табиатни муҳофаза қилишга оид тадқиқот ишлари.* Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилишга оид тадқиқот ишларига катта аҳамият берилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳавога заҳарли газлар чиқаришини камайтириш, оқин сувларни тозалаш, табиатнинг ифлосланиши, тупроқни эрозияга учраши, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва уларни тиклаш юзасидан ҳар томонлама илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

## АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

### Экология асослари бўйича

#### *1. Мавжудот ҳақида:*

а) мавжудотлар тўғрисида тушунча ва уларнинг ташқи муҳитга бўлган талаби ва таъсир кўрсатиши;

б) мавжудотларнинг яшаш муҳитига бўлган талаби; яшаш муҳити уларнинг биологик хусусиятларига мос келмаслиги сабабларини амалда ўрганиш;

в) мавжудотларнинг ўсиш, ривожланиш ва кўпайиши учун мөъёрий шароит яратиб бериш тадбирий чораларини ўрганиш.

#### *2. Экологик омиллар, уларнинг таснифи — абиотик, биотик, антропоген омилларни ўрганиш:*

а) абиотик сув, ёруғлик, иссиқлик, шамол, тупроқ, орографик ва бошқа омилларнинг экологик хусусиятларини амалда ўрганиш;

б) биотик омиллар — мавжудотларнинг ташқи муҳитга таъсирини амалда ўрганиш;

в) антропоген омиллар — инсон фаолиятининг экологик таъсирини амалда ўрганиш.

3. Ёруғлик, сув ва тупроқнинг экологик хусусиятларини ўрганиш:

а) ёруғликнинг мавжудотларга таъсири ва экологик хусусиятларини ўрганиш;

б) сувнинг мавжудотлар ҳаётидаги мавқеи ва экологик хусусиятларини амалда ўрганиш;

в) тупроқнинг мавжудотлар ҳаётидаги мавқеи ва экологик хусусиятларини амалда ўрганиш.

4. Қишлоқ ҳўжалиги экологияси:

а) биосфера ва унинг ўзгаришга мойиллиги ва озиқ-овқат муаммоларини амалда ўрганиш;

б) қишлоқ ҳаётининг экологик масалалари, атроф-муҳитга баҳо бериш ва тупроқ эрозиясини амалда кўриш;

в) ойнавандларда маҳсулот етишириш, заҳарли моддалардан фойдаланишнинг экологик оқибатларини ўрганиш (дарсликда берилган рангли расмлардан фойдаланиб, биологик муносабатларни ўрганиш).

5. Ҳайвонот дунёсининг экологиясини ўрганиш:

а) ҳайвонот дунёсининг сайдерамиз ландшафтлари ва экологиясига таъсир қилишини ўрганиш;

б) ҳайвонот дунёсининг атмосферага, ер ости сувлари экологиясига таъсир қилишини ўрганиш.

### Табиатни муҳофаза қилиш бўйича

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий машғулотлар ўтилган мавзулар юзасидан баҳслар (семинар) ўтказиш, маҳсус кинофильмлар кўрсатиш, ёзги тажриба вақтида водийларга, тоғларга саёҳат ўюштириш йўли билан ўтказилади. Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан қўйидаги мавзуларда баҳслар ўтказилиши лозим:

1. Табиат ва уни муҳофаза қилишининг зарурлиги:

а) табиатни муҳофаза қилишда жамиятнинг мавқеи;

б) табиий бойликлар ва уларнинг таснифи (дарсликда берилган расмлардан фойдаланиш йўли билан).

2. Атмосферани муҳофаза қилиши:

а) атмосферанинг таркибий қисмини ўрганиш;

б) атмосферанинг ифлосланиш сабаблари ва уни тозалаш муаммолари, ҳал қилиш йўлларини ўрганиш.

3. Сув бойликларини муҳофаза қилиши:

а) табиий сувларнинг тарқалиши, таркиби, ичимлик суви муаммоси;

б) сувнинг нефт маҳсулотлари, ер юзидағи фаол моддалар, металларнинг оғир тузлари билан ифлосланиши олдини олиш йўлларини амалда ўрганиш.

4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари:

а) ер ости бойликлари ҳақида тушунча ва уларнинг таснифини амалда ўрганиш;

б) ер ости бойликларидан фойдаланиш муаммолари.

5. Тупроқни муҳофаза қилиш:

а) тупроқни сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш тадбiriй чораларини амалда кўллашни ўрганиш;

б) тупроқни шўрланиш, ботқоқланишдан муҳофаза қилиш.

6. Ўсимликларни муҳофаза қилиш:

а) ўсимликларнинг инсон ва табиатдаги мавқеи;

б) табиатни ифлослантирувчи асосий моддаларнинг ўсимликларга таъсирини амалда ўрганиш;

в) ноёб ўсимликларни муҳофаза қилиш йўлларини яратиш.

7. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш:

а) ҳайвонларнинг табиатда модда алмашиш ва инсонлар ҳаётидаги мавқеининг амалий чораларини яратиш;

б) ҳайвонларнинг нобуд бўлиш сабаблари олди олинишини амалда кўллаш.

### Радионуклидлар билан ташқи муҳитнинг ифлосланиши бўйича

1. Атом, радиоактив моддалар ва радиация ҳақида тушунчалари бўйича мунозаралар ўтказиш:

а) мавжудотларга радиоактив нур беришни биологик самарадорлигини амалда кўриш;

б) ўсимлик ва чорва маҳсулотларининг радионуклидлар билан ифлосланиши олдини олиш;

в) ўсимлик маҳсулотларининг радионуклидлар билан ифлосланиши олдини олиш чораларини яратиш;

г) чорва маҳсулотларини радионуклидлар билан ифлосланишининг олдини олиш чораларини амалда кўллаш.

### Табиат муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича

а) давлат далолатномалари (актлари), давлат бошқармалари, муассасалар, жамоа ташкилотлари фаолиятини амалда ўрганиш;

б) табиатни муҳофаза қилишга оид ташкилий ишларни бажариш.

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
- Б. Н. Аненков, Е. Ф. Юдинцева. Основы сельскохозяйственной радиологии. М., 1991.
- А. А. Горелов. Экология. М., «Центр», 2000.
- Ю. Ф. Маҳмудов. Экологиядан қўлланма. Т., «Фан», 1997.
- Ҳ. С. Йўлдошев. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари фанининг дастури. Т., 1991.
- Ҳ. С. Йўлдошев. Ўсимлик маҳсулотлари етишириш технологияси. Т., «Меҳнат», 2002.
- Ю. Одум. Экология. 1,2 т. М., «Мир», 1986.
- Ш. Отабоев. Инсон ва биосфера. Т., «Ўқитувчи», 1995.
- Б. А. Холлиев, А. И. Икромов. Экология. Т., «Меҳнат», 2001.
- В. Г. Храженовский и др. Ботаническая география с основами экологии растений. М., «Агропромиздат», 1986.
- А. В. Тўхтаев. Экология. Т., «Ўқитувчи», 1998.
- Е. И. Тупикин. Общая биология с основами экологии и природа охранной деятельности. М., Проф. Обр. Издат, 2001.
- Учебный справочник школьника. М., «Дрофа», 2000.
- Ю. Шодиметов. Ижтимоий экологияга кириш. Т., «Ўзбекистон», 1994.
- Экология и земледелие. М., «Наука», 1980.
- Экологические образования школьников. М., «Педагогика», 1983.
- А. С. Ионин. Экологические проблемы. М., 1991.
- Н. М. Чернова, А. М. Былова. Экология. М., «Просвещение», 1988.
- П. Баратов. Табиатни муҳофаза қилиш. Т., «Ўқитувчи», 1991.
- Ю. А. Беспаятнов и др. Предельно допустимые концентрации химических веществ в окружающей среде. Л., 1985.
- А. М. Владимиров и др. Охрана окружающей среды. М., 1990.
- В. А. Золотарев. Земля в опасности. М., 1989.
- А. И. Корнева. Общество и окружающая среда. М., 1985.

---

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
-------------	---

### **I боб. Экология асослари**

Экология ҳақида асосий тушунчалар .....	6
Экология фанининг ривожланиш тарихи .....	7
Экологиянинг асосий йўналишлари .....	9
Мавжудотларнинг яшаш мұхити ва уларнинг хиллари .....	10

### **II боб. Экология омиллари ва уларнинг таснифи**

Ташқи мұхит ва экологик омиллар .....	14
Абиотик омиллар .....	20
Орография омили .....	39
Биотик омилларнинг умумий таърифи .....	40
Антрапоген омил таъсирида иқлимининг ўзгариши мұаммолари .....	51
Мавжудотларнинг табиатдаги яшаш маскани (экологик ниша) .....	52
Сайёрамизнинг исиши мұаммоси .....	55
Ер кураси қобигининг умумий таърифи .....	57

### **III боб. Қишлоқ хўжалиги экологияси ва озиқ-овқат мұаммоси**

Қишлоқ хўжалиги экологияси ва тупроқ эрозияси .....	63
Дала ва ойнавандларда ўсимлик маҳсулотлари етиштиришнинг экологик мұаммолари .....	65
Дала экинлари экологияси .....	67
Дала экинларининг хилма-хиллиги .....	68
Декқончилик тизимининг экологик мұаммолари .....	86
Ўғитлардан тўғри фойдаланиш .....	88

Дон экинлари экологияси .....	96
Дон-дуккакли экинлар экологияси .....	105
Техник экинлар экологияси .....	106
Ем-хашак экинлари экологияси .....	110
Сабзавот ва полиз экинлари экологияси .....	113
Қишлоқ хұжалиги тизимининг экологик мавқеи .....	116
Қишлоқ хұжалиги ҳайвонлари экологияси .....	117
Экологиядан фикрлаш ва мулоҳаза қилишга оид саволлар .....	123

**IV боб. Табиатни мұхофаза қилиш асослари**

Табиатни мұхофаза қилиш ҳақыда түшунча .....	128
Атмосфераны мұхофаза қилиш .....	140
Атмосфераны тозалаш масалалари .....	143
Сүвни мұхофаза қилиш .....	147
Тупроқни мұхофаза қилиш .....	148
Үсімліктарни мұхофаза қилиш .....	153
Үрмөнзорларни мұхофаза қилиш .....	156
Ҳайвонот дүнёсінинг инсон учун аҳамияти .....	167
Ер ости бойлайларни мұхофазаси .....	169

**V боб. Қишлоқ хұжалиғи радиологиясы**

Радиация манбалари ва ташқи мұхиттің ифлосланиши. Атом, радионуклид ва радиация ҳақыда түшүнча .....	172
Табиатни мұхофаза қилиш .....	183
Табиатни мұхофаза қилишни ташкил этиш .....	185
Амалий машғулотлар .....	186
Фойдаланылған адабиётлар .....	189

ҲАЙДАР СОДИҚОВИЧ ЙЎЛДОШЕВ,  
ШЕРМАТ МАТЕҚУБОВИЧ АВАЗОВ

**ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

Касб-ҳунар коллежларининг агрономия, чорвачилик  
ва ўрмон хўжалиги мутахассисликлари учун дарслик

*Toшкент — «Меҳнат» нашриёти — 2003*

Нашр учун масъул *Ф. Темирхўжаева*  
Муҳаррирлар *И. Усмонов, А. Бобониёзов*  
Рассом *Ш. Хўжаев*  
Техник муҳаррир *Ф. Самадов*  
Мусаҳҳиҳа *О. Раимова*

2003 йил 25 марта чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Таймс»  
ҳарфифда терилиб, оғсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 12,0.  
Нашр табоғи 12,0 + 2,0 б.т. рангли зарварақ, 6000 нұсха.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 6

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий күчаси, 30-үй.  
Шартнома № 35—2003.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигининг Янгийўл китоб фабрикасида  
босилди. Янгийўл, Самарқанд күчаси, 44.